

39.8

А 41

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИГА



СУРАТЛИ ШАРҲЛАР

+ ШАБЛОН

2019

**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--

А. А. АКИЛОВ,
Қ. А. КАРИМОВА, Ш. Ш. РИЗАЕВ

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИГА СУРАТЛИ ШАРҲЛАР ВА МАВЗУГА ОИД ТЕСТЛАР

Ўқув-услубий қўлланма

Тошкент
«АВТОНАМРОН»
2019

УЎК: 656.11.05(079)

КБК: 39.808в6

А41

Йўл ҳаракати қоидаларига суратли шарҳлар ва мавзуга оид тестлар:
ўқув-услубий кўлланма / нашрга тайёрловчилар А. А. Акилов, Қ. А. Каримова,
Ш. Ш. Ризаев, — Тошкент: «Avtohamroh», 2019. — 208 бет.

ISBN 978-9943-5047-4-5

УЎК: 656.11.05(079)

КБК: 39.808в6

Тузувчи-муаллифлар:

Акмал АКИЛОВ, 1995 — 2012 йилларда Швейцариядаги Халқаро Йўл Ҳаракати ташкилотида ЎЗР ИИВ мухтор вакили, ЎЗР ИИВ Академияси «Йўл-транспорт ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш» кафедраси бошлиғи, полковник

Қумрихон КАРИМОВА, «Avtohamroh» журнали Бош муҳаррири,
филология фанлари номзоди

Шухрат РИЗАЕВ, ЎЗР ИИВ Академияси «Йўл-транспорт ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш» кафедраси ўқитувчиси, подполковник

Тақризчи:

Мурод ШЕРЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙХХ Бош Бошқармаси,
катта инспектори

Кўлланма тингловчилар, ҳайдовчилар, пиёдалар, ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун номзодларга ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Ушбу нашрга доир барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинади, суратлар ва шарҳлар «Avtohamroh» нашриётига тегишлидир. Ундаги расмларни «Avtohamroh» нашриёти розилигисиз ўзга усулда чоп этиш ва кўпайтириш тақиқланади.

Муҳаррир: Қумри Каримова
Техник муҳаррир: Суннат Ходжаахмедов
Дизайнер, саҳифаловчи: Элдор Каримов
Мусаҳҳиҳ: Суннат Ходжаахмедов

Нашриёт лицензияси: АИ № 268 – 15.07.2015 йил.

Босишга рухсат этилди: 10.09.2018 йил. Шартли босма табоғи: 13. Нашр табоғи: 7,5.

Бичими: 60x90 ¹/₁₆. Arial гарнитураси. Офсет босма. Адади: 20 000 нусха.

Баҳоси шартнома асосида.

Нашриёт манзили: «Avtohamroh» нашриёти, 100084,
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бодомзор Йўли кўчаси, 3-уй.
Тел/Факс: 234-40-84, e-mail: eldor777@mail.ru

Босмахона манзили:
МЧЖ «YANGIYUL POLIGRAPH SERVICE»
112001, Тошкент вил., Янгийўл ш.,
Самарқанд кўч., 44-уй
Буюртма № 82-18.



ISBN 978-9943-5047-4-5

© «Avtohamroh» нашриёти, 2019 йил

© А. А. Акилов ва б., 2019 йил

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш – давлат органлари, жамоатчилик ташкилотлари, ўқув муассасалари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат, нотижорат корхоналари зиммасидаги энг долзарб вазифалардан бири бўлиб, 2016 йил 1 март куни Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Йўл ҳаракати қоидалари» кучга кирди.

«Йўл ҳаракати қоидалари»нинг асосий вазифалари фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза этилишини, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки, шунингдек, атроф-муҳит ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир.

Янги таҳрирдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»да қуйидаги янги атамалар жорий қилинди:

автопоезд – улагич мосламалари билан уланган эгарли шатакка олувчи ва ярим тиркама ёки юк автомобили ва тиркама (тиркамалар)дан иборат транспорт воситаси таркиби;

болалар гуруҳини ташкилий ташиш — йўналишли транспорт воситаларига дахли бўлмаган автобусларда саккиз ва ундан ортиқ болаларнинг ташкилий ташилиши;

йўл ёқаси — йўлнинг қатнов қисмига у билан бир сатҳда бевосита туташган, қоплама тури билан фарқ қиладиган ёки 1.1 йўл чизиғи ёрдамида ажратилган, Қоидаларга мувофиқ ҳаракатланиш, тўхташ ва тўхтаб туриш учун мўлжалланган бўлаги;

фото ва видео қайд этиш — йўл ҳаракати қоидалари бузилишини махсус автоматлаштирилган фото ва видео техник воситалари ёрдамида қайд этиш.

Қуйидаги атамаларга янгича таъриф берилди:

автомагистрал — 5.1 йўл белгиси билан белгиланган, ҳар бир йўналишнинг қатнов қисмлари ётиқ чизиқ билан ажратилган (у бўлмаганда йўл тўсиқлари билан), шунингдек, бошқа йўллар, темир йўл ва трамвай йўллари, пиёда ва велосипед йўлчалари билан бир сатҳда кесишмайдиган йўл;

ажратувчи бўлак — йўлнинг ёнма-ён жойлашган қатнов қисмларини ажратувчи, транспорт воситалари ҳаракатланиши ёки тўхташи учун мўлжалланмаган, йўл сатҳидан баланд ва (ёки) 1.1 ётиқ чизиғи билан белгиланган қисми;

мотоцикл — кажавали ёки кажавасиз икки ғилдиракли механик транспорт воситаси. Аслаҳаланган ҳолатдаги вазни 400 килограммдан ошмайдиган уч ва тўрт ғилдиракли механик транспорт воситалари, шунингдек, двигателининг иш ҳажми 50 см³ дан ёки энг юқори конструктив тезлиги соатига 50 километрдан ортиқ бўлган скутер, квадроцикл, электроскутерлар ҳам мотоциклларга тенглаштирилади;

тартибга солувчи — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда — ДЙҲХХ), ҳарбий автомобиль назорати органлари ходими, ўз хизмат вазифаларини бажараётган, Қоидаларда кўзда тутилган ишоралар ёрдамида йўл ҳаракатини тартибга солиш ваколатига эга бўлган ва уни бевосита амалга ошираётган, йўлдан фойдаланиш хизмати ходимлари, темир йўл кесишмаси ва сол кечувларидаги навбатчилар. Тартибга солувчи махсус кийим ва (ёки) таниқлик белгиси (қўл боғичи, жезл, қизил ишорали ёруғлик қайтаргич, қизил чироқ ёки байроқча)га эга бўлиши шарт.

Ушбу қўлланма йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашни ўз бурчи деб билган ва ҳайдовчи, пиёда ёки йўловчи сифатида йўл ҳаракати иштирокчиси бўлган ҳар бир юртдошимиз учун фойдали маълумотлар мажмуидир.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Йўл ҳаракати қоидалари (кейинги ўринларда — Қоидалар) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўл ҳаракатининг ягона тартибини белгилайди.



2. Ўзбекистон Республикаси йўлларида транспорт воситаларининг ўнг томонлама ҳаракатланиш тартиби белгиланган.

3. Йўл ҳаракати қатнашчилари «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, ушбу Қоидаларни ва унда келтирилган светофор ишоралари, йўл белгилари (Қоидаларга 1-илова), йўл чизикларининг (Қоидаларга 2-илова) талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек, уларга берилган ваколат доирасида йўлларда ҳаракатни тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шарт.

4. Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак. Тегишли ваколатга эга бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга йўл қопламасини бузиш ёки ифлослантириш, йўл белгиларини, светофорларни ва ҳаракатланишни ташкил этишининг бошқа техник воситаларини ўзбошимчалик билан олиб ташлаш, ўрнатиш, тўсиб қўйиш, шикастлантириш, йўлларда ҳаракатланишга


тўсқинлик қилувчи нарсаларни қолдириш тақиқланади.

Ҳаракатга тўсқинлик туғдирган шахс уни тезда бартараф қилиш учун имконияти даражасида барча чораларни кўриши, агар бунинг иложи бўлмаса, мавжуд барча воситалар билан хавфхатар ҳақида ҳаракат қатнашчиларини огоҳлантириши ва ички ишлар органларига (кейинги ўринларда – ИИО) хабар бериши шарт.

5. Мазкур Қоидаларни бузган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

6. Қоидаларда қуйидаги асосий тушунча ва атамалардан фойдаланилади:

Автомагистрал — 5.1* йўл белгиси билан белгиланган, ҳар бир йўналишнинг қатнов қисмлари ётиқ чизик билан ажратилган (у бўлмаганда йўл тўсиқлари билан), шунингдек, бошқа йўллар, темир йўл ва трамвай йўллари, пиёда ва велосипед йўлчалари билан бир сатҳда кесишмайдиган йўл.




Автопоезд — улагич мосламалари билан уланган эгарли шатакка олувчи ва ярим тиркама ёки юк автомобили ва тиркама (тиркамалар)дан иборат транспорт воситаси таркиби.

Ажратувчи бўлак — йўлнинг ёнма-ён жойлашган қатнов қисмларини

* Бу ерда йўл белгилари рақами 1-иловага мувофиқ келтирилган.

ажратувчи, транспорт воситалари ҳаракатланиши ёки тўхташи учун мўлжалланмаган, йўл сатҳидан баланд ва (ёки) 1.1 ётиқ чизиғи билан белгиланган қисми.



Ажратувчи бўлак доимо қатнов қисмидан баланд бўлган қурилма бўлиб, чеккаси тош (бетон) ҳошия билан чегараланади. Ажратувчи бўлакни кўкаламзорлаштириш ёки унда трамвай изларини ўрнатиш мумкин. Ажратувчи бўлакка жойлаштирилган трамвай изидан (йўлидан) ҳаракатланиш тақиқланади. Қарама-қарши қатнов қисмларини ажратувчи қўшалок ётиқ чизиқ (1.3) ажратувчи бўлак ҳисобланмайди.

Арава — от (ёки бошқа ҳайвонлар) га қўшиб тортиладиган ёки одам мушак кучи билан ҳаракатга келтириладиган, двигателъ билан жиҳозланмаган, юк ташишга мўлжалланган қурилма.

Асосий йўл — тупроқли йўлга нисбатан қаттиқ қопламали (асфальт ва цемент-бетонли, тош ва шунга ўхшашлар ётқизилган), кесишаётган ёки ту-



ташган йўлга нисбатан 2.1, 2.3.1— 2.3.3 ёки 5.1 йўл белгилари билан белгиланган ёхуд ёндош ҳудуддан чиқадиган йўлга нисбатан ҳар қандай йўл. Иккинчи даражали йўлнинг бевосита чорраҳага туташ қисмининг қопламали бўлиши уни асосий йўл билан тенг ҳуқуқли қилмайди.




Аҳоли пункти — кириш ва чиқиш йўллари 5.22 — 5.25 йўл белгилари билан белгиланган ҳудуд.

5.22–5.23 белгилари оралиғидаги ҳудудда ҳаракатланиш қоидаларининг аҳоли яшайдиган жойларда ҳаракатланиш тартибини белгиловчи талабларига амал қилинади.

5.24–5.25 белгилари оралиғида аҳоли яшайдиган жойларда ҳаракатланиш тартибини белгиловчи талабларга амал қилинмайди, балки юқори тезлик йўл ҳаракати қоидалари билан белги-ланади.



Имтиёз — мўлжалланган йўналишда бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига нисбатан олдин ҳаракатланиш ҳуқуқи (B).



Йўл — транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатланиши учун қурилган ёки мослаштирилган ер бўлаги ёхуд сунъий иншоот юзаси. Йўл автомобиль ва шаҳар электр транспорти йўлларини ҳамда тротуарларни ўз ичига олади.



Йўл бериш — йўл ҳаракати қатнашчиларига нисбатан имтиёзи бўлган бошқа йўл ҳаракати қатнашчисининг ҳаракат йўналиши ёки тезлигини ўзгартиришга мажбур этиши мумкин

Болалар гуруҳини ташкилий ташиш — йўналишли транспорт воситаларига дахли бўлмаган автобусларда саккиз ва ундан ортиқ болаларнинг ташкилий ташилиши.


Велосипед — одам кучи билан ҳаракатлантириладиган (ногиронлар аравачасидан ташқари) икки ёки ундан ортиқ гилдиракли транспорт воситаси.

Етарлича кўринмаслик — ёмғир, қор ёғиши, туман тушиши ва шунга ўхшаш шароитларда, шунингдек, куннинг ғирашира вақтида йўлнинг кўриниш масофаси 300 метрдан кам бўлиши.

Ёндош ҳудуд — бевосита йўлга туташган ва транспорт воситалари ўтиб кетиши учун мўлжалланмаган ҳудуд (ҳовлилар, турар жой даҳалари, автомобиль тўхтаб туриш жойлари, ёнилғи қуйиш шохобчалари, корхона ва шунга ўхшашлар) (A).




бўлган ҳолларда ҳаракатни давом эттирмаслигини ёки бошламаслигини, бирор-бир манёвр бажариши мумкин эмаслигини билдирувчи талаб (С).



Йўл ёқаси — йўлнинг қатнов қисмига у билан бир сатҳда бевосита туташган, қоплама тури билан фарқ қиладиган ёки 1.1 йўл чизиғи ёрдамида ажратилган, Қоидаларга мувофиқ ҳаракатланиш, тўхташ ва тўхтаб туриш учун мўлжалланган бўлаги.

Йўловчи — транспорт воситасидаги (ҳайдовчидан ташқари) шахс.

Йўл-транспорт ҳодисаси — транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиши жараёнида рўй берган, фуқароларнинг ҳалок бўлишига ёки соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юкларнинг шикастланиши ёхуд бошқа моддий зарар етишига сабаб бўлган ҳодиса.



Махсус транспорт воситаларининг (автогидрокўтаргич, автокран кабилар) ишчи ҳолатида содир бўлган ҳодиса йўл-транспорт ҳодисаси ҳисобланмайди, балки техник хавфсизликка риоя қилмаслик ҳисобланади.

Йўл ҳаракати — одамлар ва юкларнинг транспорт воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз йўллар доирасида ҳаракатланиши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуи.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш — йўлларда ҳаракатни бошқариш бўйича ҳуқуқий, ташкилий-техникавий тадбирлар ва бошқарув ҳаракатлари мажмуи.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги — йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш — йўл-транспорт ҳодисалари юзага келиши сабабларининг олдини олишга, уларнинг оғир оқибатларини камайтиришга қаратилган фаолият.

Йўл ҳаракати қатнашчиси — йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда тариқасида бевосита иштирок этаётган шахс.

Йўналишли транспорт воситаси — белгиланган йўналиши ва бекатлари бўлган, йўловчи ташиш учун мўлжалланган умум фойдаланишдаги транспорт воситалари (троллейбус, трамвай, автобус, йўналишли такси).

Мажбурий тўхташ — техник нуқсон, ташилаётган юк, ҳайдовчи ва йўловчининг ҳолати, йўлдаги бирор тўсиқ туфайли хавф юзага келганда ёхуд об-ҳаво шароитига боғлиқ ҳолда транспорт воситаси ҳаракатини тўхтатиш.

Механик транспорт воситаси — двигатель билан ҳаракатга келтириладиган транспорт воситаси (мопеддан ташқари). Бу атама барча трактор ва ўзиюрар мосламаларга ҳам тааллуқлидир.

Мопед — иш ҳажми 50 см³ гача, юқори тезлиги соатига 50 километрдан ошмайдиган двигатель билан ҳаракатга келтириладиган икки ёки уч ғилдиракли транспорт воситаси. Осма двигателли

велосипедлар ва юқоридаги таърифга эга бўлган бошқа транспорт воситалари ҳам мопедларга тенглаштирилади.

Мотоцикл — кажавали ёки кажавасиз икки гилдиракли механик транспорт воситаси. Аслаҳаланган ҳолатдаги вазни 400 килограммдан ошмайдиган уч ва тўрт гилдиракли механик транспорт воситалари, шунингдек, двигателининг иш ҳажми 50 см³ дан ёки энг юқори конструктив тезлиги соатига 50 километрдан ортиқ бўлган скутер, квадроцикл, электроскутерлар ҳам мотоциклларга тенглаштирилади.



Огоҳлантирувчи ишоралар — авария ҳолатларининг олдини олиш мақсадида, шунингдек, ҳаракат йўналишини ўзгартиришда қўлланиладиган ишоралар.




Пиёда — транспорт воситасидан ташқарида бўлган ва йўлда бирор-бир юмуш билан банд бўлмаган шахс.

Велосипед, мопед, мотоцикл, чана, арава ва болалар ҳамда ногиронлар аравачасини ётаклаган, ногиронларнинг двигателсиз аравачасида ҳаракатланаётган шахслар ҳам пиёда ҳисобланадилар.

Пиёдалар ўтиш жойи — йўл қатнов қисмининг пиёдалар кесиб ўтиши учун

мўлжалланган, 5.16.1, 5.16.2 йўл белгилари ва 1.14.1 — 1.14.3 йўл чизиқлари билан ажратилган бўлаги.

Йўл чизиқлари бўлмаса, пиёдалар ўтиш жойининг кенглиги 5.16.1 ва 5.16.2 йўл белгилари орасидаги масофа билан аниқланади.



Пиёдалар йўлкаси — йўлнинг пиёдалар ҳаракатланиши учун мўлжалланган ва транспорт воситалари ҳаракати тақиқланган қисми.



Пиёдалар йўлкаси, тротуардан фарқли ўлароқ, йўлга туташ ёки йўл ёқасида эмас, балки йўл билан бирор-бир манзил оралиғини туташтириб, 4.6 белгиси билан белгиланади. Баъзан пиёдалар йўлкаси икки йўлни туташтириши мумкин.

Пиёдаларнинг ташкилий жамланмаси — Қоидаларнинг 16-банди талабларига мувофиқ, йўлда бир йўналишда биргалиқда ҳаракатланаётган одамлар гуруҳи.

Реверсив ҳаракат — йўл қатнов қисмининг махсус ажратилган, 5.35 — 5.37 йўл белгилари, 1.9 йўл чизиғи би-

лан белгиланган ва устида реверсив светофор ўрнатилган бўлагида ҳаракат йўналишининг қарама-қарши томонга ўзгариши.



Рухсат этилган тўла вазн — аслаҳаланган транспорт воситасининг ишлаб чиқарган корхона томонидан белгиланган, юк, ҳайдовчи ва йўловчилари билан биргаликдаги энг юқори вазни (ўлчови).

Бир таркибда ҳаракатланаётган (тиркама ва ҳ. к.) транспорт воситаларининг рухсат этилган тўла вазнига шу таркибга кирувчи транспорт воситаларининг рухсат этилган тўла вазнлари йиғиндиси киради.

Тўла вазн ўзгармас сон бўлиб, транспорт воситасининг юкланганлигига, юкнинг кўп-камлигига боғлиқ эмас.

Ҳақиқий вазн транспорт воситасининг юкланганлиги ва юкнинг хусусиятига боғлиқ.

Тартибга солувчи — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда — ДЙҲХХ), ҳарбий автомобиль назорати органлари ходими, ўз хизмат вазифаларини бажараётган, Қоидаларда кўзда тутилган ишоралар ёрдамида йўл ҳаракатини тартибга солиш ваколатига эга бўлган ва уни бевосита амалга ошираётган, йўлдан фойдаланиш хизмати ходимлари, темир йўл кесишмаси ва сол кечувларидаги навбатчилар. Тартибга солувчи махсус кийим ва (ёки) таниқлик

белгиси (қўл боғичи, жезл, қизил ишорали ёруғлик қайтаргич, қизил чироқ ёки байроқча)га эга бўлиши шарт.



Темир йўл кесишмаси — йўлнинг темир йўллар билан бир сатҳда кесишган жойи.

Транспорт воситаси — одамларни, юкларни ташишга ёки махсус ишларни бажаришга мўлжалланган қурилма.


Транспорт воситасининг эгаси — транспорт воситасига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида эгалик қилувчи юридик ёки жисмоний шахс.

Транспорт воситаларининг ташкилий жамланмаси — олдида ялт-ялт этувчи кўк рангли ёки кўк ва қизил рангли чироқ-маёқчаси ёқилган транспорт воситаси кузатиб бораётган, бевосита бир-бирининг кетидан, битта ҳаракатланиш бўлагида, чироқларини доимий ёқиб келаётган уч ва ундан ортиқ механик транспорт воситалари гуруҳи.



Тротуар — қатнов қисмига туташган ёки ундан майсазор, ариқ, махсус тўсиқлар билан ажратилган ва пиёдаларнинг ҳаракатланиши учун мўлжалланган йўл қисми.

Тиркама — механик транспорт воситаси таркибида ҳаракатланишга мўлжалланган, двигатель билан жиҳозланмаган транспорт воситаси (D). Бу атама ярим тиркама (E) ва узайтириладиган тиркамаларга ҳам тааллуқлидир (F).



Тўхташ — транспорт воситаси ҳаракатини 10 дақиқача бўлган муддатга тўхтатиш (ҳаракатсиз ҳолатга келтириш).

Тўхтаб туриш — транспорт воситасига йўловчиларни чиқариш ёки тушириш, юк ортиш ёки тушириш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда унинг ҳаракатини 10 дақиқадан кўпроқ вақтга атайин тўхтатиш.

Фото ва видео қайд этиш — йўл ҳаракати қоидалари бузилишини махсус автоматлаштирилган фото ва видео техник воситалари ёрдамида қайд этиш.



Қоронғи вақт — кечки ғира-ширанинг охиридан тонгги ғира-ширанинг бошла-нишигача бўлган оралиқдаги вақт.


Қатнов қисми — йўлнинг рельсиз транспорт воситалари ҳаракати учун мўлжалланган қисми.

Қувиб ўтиш — эгаллаган ҳаракатланиш бўлагидан чиқиб, олдинда

ҳаракатланаётган транспорт воситасидан ўзиб кетиш.



Чорраҳа — йўлларнинг ўзаро бир сатҳда кесишадиган, туташадиган ва айриладиган жойи (G).



Чорраҳа чегараси унинг марказидан қатнов қисмлари охиридаги қарама-қарши томонларнинг энг узоқ бурила бошлаган жойларини туташтирувчи тасаввур қилинадиган чизиқлар билан аниқланади.



Ёндош ҳудудлардан чиқиш жойлари чорраҳа ҳисобланмайди.

Ҳайдовчи — йўлларда транспорт воситасини бошқариб бораётган шахс. Бошқаришни ўргатувчи, от-аравани бошқараётган, ҳайвонларни миниб ҳаракатланаётган ёки уларни етаклаб бораётган, чорва моллари (пода)ни ҳайдаб бораётган шахслар ҳайдовчига тенглаштирилади.

Ҳаракатланиш бўлаги — автомобилларнинг бир қатор бўлиб ҳаракатланиши учун етарлича кенг бўлган, йўл чизиқлари билан белгиланган ёки белгиланмаган йўл қатнов қисмининг ҳар қандай бўйлама бўлаги.

Ҳақиқий вазн — транспорт воситасининг юки, ҳайдовчи ва йўловчилари билан биргалиқдаги вазни.

I мавзуга оид тестлар

<p>1 Агар тупроқ йўлда бевосита чорраҳа олдида тўшамали (қоплама) йўл қисми бўлса, бу уни аҳамияти жиҳатидан кесиб ўтиладиган йўл билан тенг қиладими?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Йўқ. 2. Ҳа. 	<p>2 Йўл ҳаракати қатнашчиси, деб кимларни аташ мумкин?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Йўл ҳаракати жараёнида транспорт ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда тариқасида бевосита иштирок этаётган шахс. 2. Йўлда бўлган ва унда иш бажармаётган ҳар қандай шахс. 3. Бирор-бир транспорт воситасини бошқараётган шахс.
<p>3 Оралиқ масофа деб нимага айтилади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Масофа А. 2. Масофа Б. 3. Масофа А ва Б. 	<p>4 Йўналишли транспорт воситаларига нималар киради?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Автобуслар ва йўналишли таксилар. 2. Трамвайлар ва троллейбуслар. 3. Белгиланган йўналишлар бўйича ҳаракатланадиган автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар ва йўналишли таксилар.
<p>5 «Рухсат этилган тўла вазн» нима?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Транспорт воситасининг юк кўтариши. 2. Транспорт воситасининг ҳақиқий вазни. 3. Ишлаб чиқарувчи корхона томонидан белгиланган, аслаҳаланган транспорт воситасининг ҳайдовчи, йўловчи, юк билан бирга рухсат этилган энг юқори вазни (миқдори). 4. Транспорт воситасида ташиладиган юкнинг ишлаб чиқарган корхона йўл кўйган техник тавсифномаси сифатида белгиланадиган вазни. 	<p>6 Қувиб ўтиш нима?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Эгаллаган ҳаракатланиш бўлагидан чиқиб, олдинда кетаётган транспорт воситасидан ўзиб кетиш. 2. Қарама-қарши ҳаракат бўлагига чиқиш ва кейинчалик аввал эгалланган бўлакка қайтиш билан боғлиқ бўлиб, бир ёки бир қанча транспорт воситаларидан ўзиб кетиш. 3. Кам тезлик билан кўшни қаторда ҳаракатланаётган бир ёки бир қанча транспорт воситаларидан ўзиб кетиш.
<p>7</p> <p>Ёнилғи қуйиш жойидан йўлга чиқиш чорраҳа ҳисобланадими?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳисобланмайди. 2. Ҳисобланади. 	<p>8 Қайси йўл асосий ҳисобланади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Тупроқли йўлга нисбатан қопламали йўл ёки тегишли белгилар билан белгиланган йўл. 2. Уч томонлама чорраҳада туташиб келган йўлга нисбатан ҳар икки томонга давом этувчи йўл. 3. Ҳар бир йўналишда ҳаракатланиш учун бир бўлакли йўлга нисбатан кўп бўлакли қатнов қисми бўлган йўл.
<p>9 «Етарлича кўринмаслик» деганда нима тушунилади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Оқшомдан тонггача бўлган вақт. 2. Кўриниш 150 м дан кам бўлган ҳолат. 3. Туман тушганда, ёмғир, қор ёғаётганда ва ҳоказо шароитларда, шунингдек, куннинг гира-шира вақтида йўлнинг кўриниши 300 м дан кам бўлиши. 4. Ёмғир, қор ёғиши, оқшом. 	<p>10 Бу белгидаги кўк фонда аҳоли яшайдиган жойнинг номи ёзилган кўшимча нимани билдиради?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Бу манзил шу аҳоли яшайдиган жойдан ташқарида жойлашганини ва у манзилга автомагистрал бўлмаган, бошқа йўл орқали борилишни. 2. Кўрсатилган аҳоли манзилига ҳаракатланиш автомагистрал бўйлаб амалга оширилади. 3. Кўрсатилган манзил мазкур аҳоли яшайдиган жойда жойлашган. 

ЯНГИ ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 мартдаги 116-сон қарорига биноан, Ўзбекистонда 1 октябрдан пластикдан тайёрланган янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномалари ва автомобилотransпорт воситаларининг рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳномалар жорий этилади.








Янги ҳужжатлар янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси намуналарининг Йўл ҳаракати тўғрисидаги Конвенция (Вена шахри, 1968 йил 8 ноябрь) тавсияларига мувофиқлигини таъминлаш, миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини ҳамда автомобилотransпорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни самарали ташкил этиш мақсадида татбиқ қилинмоқда.

1 октябрдан бошлаб тегишли равишда миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини

расмийлаштиришда — миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг, автомобилотransпорт воситасини рўйхатдан ўтказишда (қайта рўйхатдан ўтказишда) — автомобилотransпорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг янги намуналари берилди.

Янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси берилган кундан бошлаб 10 йил муддатга тақдим этилади. Амалдаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари: 2017 йил 1 октябр — 2018 йил 31 декабрь даврида — эски намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари учун, уларнинг берилган санасидан қатъи назар — улар эгасининг ёзма аризасига кўра ихтиёрий равишда; 2019 йил 1 январь — 2020 йил 31 декабрь даврида — эски намунадаги барча миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари учун, уларнинг берилган санасидан қатъи назар — мажбурий тартибда янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларига алмаштирилади.



1. Familiyasi / Фамилия /Surname	9.	10.	11.	12.
2. Ism, Otasining ismi / Имя, Отчество / Name, Father's name	A 			
3. Qay ispan yuz va sanasi / Место и дата рождения / Place & date of birth	B 			
4a. Berilgan sanasi / Дата выдачи / Date of issue	C 			
4b. Amal qilish muddati / Терми до / Expiry date	D 			
4c. Berilgan joyi / Выдан кем / Place of issue	BE 			
5. Govechinoma sanasi / Номер удостоверения / License number	CE 			
6. Haydovchining rasmi / Фото владельца / Photo	DE 			
7. Shaxsiy imzo / Подпись / Signature				
8. Yashash joyi / Место проживания / Place of residence				
9. Turlari / Категории / Categories				
10. Har bir turlari boshqarish uchun rusat berilgan sanasi / Дата выдачи разрешения для каждой категории / Date of issue for each category				
11. Har bir turlari boshqarish uchun rusat berilgan muddati / Дата окончания действия разрешения для каждой категории / Expiry date for each category				
12. Har bir turlari uchun qo'shimcha ma'lumotlar / Дополнительные сведения по каждой категории / Additional information for each category				

Marafat belgisi uchun
Два особых отметок
For special marks

Автомобилтранспорти воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома янги намунадаги гувоҳномага алмаштириш 2017–2020 йиллар мобайнида босқичма-босқич — автомобилтранспорти воситасини мажбурий техник кўриқдан ўтказишда амалга оширилади.

Эски намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари ҳамда автомобилтранспорти воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар 2021 йил 1 январдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.



**ЎЗБЕКИСТОН
УЗБЕКИСТАН
UZBEKISTAN**

**AVTOMOTOTRANSPORT VOSITASI
R'YXATDAN O'TKAZILGANLIGI
TUG'RISIDA GUVOHNOMA**

СЕРВИСЪСТВО О РЕГИСТРАЦИИ
АВТОМОБИЛТРАНСПОРТНОГО СРЕДСТВА
VEHICLE LICENSE

1. DAVLAT RAQAM BELGISI

2. RUSUMI / MODELI

3. RANGI

4. FAMILIYASI / KORXONA NOMI

5. ISMI, OTASINING ISMI

6. YASHASH JOYI / MANZIL

7. BERILGAN SANASI

8. YHX BOSHQARMASI BO'LIMI

AMUONI VILOYATI
BUXERO VILOYATI
FARG'ONA VILOYATI
JIZZAX VILOYATI
KORAFU VILOYATI
NAMANGAN VILOYATI
NAVOI VILOYATI
BASHQIRIYO VILOYATI
QIRG'IZISTON RESPUBLIKASI
SARAFDANO VILOYATI
SIRKONDARYO VILOYATI
SIRKONDARYO VILOYATI
TOSKENT VILOYATI

**SERIYA
RAQAMI**





Автомобилтранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасига ўзгартишлар киритиш режалаштирилган.

Ультра бинафша рангли қоплама ва Ўзбекистон давлат герби кўринишидаги голограмма мавжуд бўлган пластикли гувоҳномалар ҳажми 54×86 мм бўлади.

Техник кўриқдан ўтказилгани тўғрисидаги талон ҳажми ҳам худди шундай бўлиб, у қоғоздан тайёрлана-

ди. Унинг олд томонида автомобилтранспорт воситасининг русуми ва давлат рўйхатига олинган рақами кўрсатилади. Орқа томонида эса — техник кўриқ натижаси, жорий ва навбатдаги кўриқ муддатлари кўрсатилади.

Талондаги ёзув Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмаларининг мутасадди ходими томонидан ёзилади ҳамда унинг имзоси ва махсус штампи билан тасдиқланади.

AVTOMOTOTRANSPORT VOSITASI TEXNIK KO'RIK DAN O'TGANLIGI TO'G'RISIDA TALON

00UZ № 000000

Avtomototransport vositasining rusumi _____

Davlat ro'yxatidan o'tkazish raqami belgisi _____

O'tkazilgan texnik ko'rik natijasi

SOZ/NOSOZ

Texnik ko'rikdan o'tkazilgan sana 20__ yil " __ " _____

Navbatdagi texnik ko'rikdan o'tkazish sanasi 20__ yil " __ " _____

Alohida belgilar _____

(DYHXX bo'linmasining nomi, mansabdor shaxsning lavozimi, unvoni, F.I.Sh. va imzosi)

M.O'.

ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИ РАСМИЙ ID-ҲУЖЖАТ МАҚОМИГА ЭГА БЎЛАДИ

Янги ҳайдовчилик гувоҳномаси шахсни тасдиқловчи расмий ҳужжат мақомига эга бўлади.

Октябрь ойидан муомалага киритилиши лозим бўлган янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси шахсни

тасдиқловчи расмий ҳужжат мақомига эга бўлади. Бу Вазирлар Маҳкамасининг 19 июндаги қарорида кўзда тутилган.

Ҳужжат билан ҳукуматнинг 2 мартдаги «Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ҳамда автомобилотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Янгиланган матнда келтирилишича, гувоҳномада жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ҳамда қурилмалар билан масофадан туриб маълумот алмашишга имкон берувчи махсус электрон белги (NFC смарт-карт) мавжуд бўлади.

Худди шундай элементлар автомобилотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномада ҳам бўлади (юридик шахснинг транспорт воситаси учун шахсий идентификация рақами ўрнига солиқ тўловчининг идентификация рақами бўлади).

Ҳужжатда аниқлик киритилишича, ҳар икки гувоҳнома тавсия этилган халқаро

стандартлар асосида тайёрланади. Уларда инглиз тилидаги таржима яхшиланган бўлиб, айрим элементларнинг жойлашуви қайта кўриб чиқилган.

Гувоҳномаларнинг янги намунадагилари билан алмаштириш учун ҳайдовчи паспорти, эски ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унга берилган талонни тақдим этиши кифоя қилиши белгиланди.

Гувоҳномаларда электрон тизим жорий этилиши муносабати билан 2021 йил 1 январдан бошлаб техник кўриқдан ўтганлик тўғрисидаги қайдни мажбурий киритиш, автомобилотранспорт воситасидан фойдаланиш ёки унга эгалик қилиш тўғрисидаги ишончнома ҳамда транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш полисини талаб қилиш амалиёти бекор қилинади.

Ички ишлар тизимида давлат хизматларини кўрсатиш даражасини яхшилаш учун ИИБ ҳузурида Инновацион лойиҳалар ва аҳолига сервис хизмати-ни кўрсатиш маркази ташкил этилади.

II. ҲАЙДОВЧИЛАРНИНГ УМУМИЙ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Механик транспорт воситасининг ҳайдовчиси қуйидагиларни ёнида олиб юриши ва ИИО ходимлари талаб қилганда текшириш учун тақдим этиши шарт:

— ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талонини ёки транспорт воситасини вақтинчалик бошқариш ҳуқуқини берувчи талонни, ҳайдовчилик гувоҳномаси белгиланган тартибда олиб қўйилган бўлса, унинг талонини, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талони олиб қўйилган ҳолларда вақтинчалик рухсатномани;

— вақтинчалик бошқариш ҳуқуқини берувчи талон ёки вақтинчалик рухсатнома билан транспорт воситасини бошқаришда ҳайдовчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни;

— транспорт воситаси ёки тиркамани қайд қилиш гувоҳномасини, транспорт воситасининг эгаси бўлмаган ҳолларда эса умумий эгалик ҳуқуқини ёки тасаруф этиш ҳуқуқини берувчи, эгалик қилишга ва фойдаланишга берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни;

— транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисини;

— қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда йўл варақаси ва ташилаётган юкнинг ҳужжатларини.

Тасарруф муддати 3 йилгача бўлиши мумкин. Нотариал идоралардан тасарруф қилиш тўғрисида ҳужжат олингандан сўнг ДЙХХХнинг имтиҳон олиш ва рўйхатга қўйиш бўлимида қайд қилиш лозим. Эр-хотинлар тасарруф ўрнига муддати чекланмаган умумий эгалик ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олишлари мумкин.

8. Тегишли тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасига, унинг талонига, вақтинчалик рухсатномага эга бўлган шахс ўзига тегишли бўлмаган транспорт воситасини унинг эгаси ёнида бўлганида ёхуд тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи ёки эгалик қилишга, фойдаланишга берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган шахс иштирокидагина (уларнинг розилиги билан) бошқариши мумкин (агар транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича шартнома ушбу транспорт воситасидан чекланмаган шахсларнинг фойдаланишини ҳисобга олган ҳолда тузилган ёки транспорт воситасини бошқараётган шахс суғурта полисида кўрсатилган бўлса).

9. Конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситаси ҳаракатланиб бораётганда ҳайдовчи хавфсизлик камарини тақиб олиши шарт.

Қуйидаги шахсларга хавфсизлик камарини тақмасликка рухсат берилади:

— автомобилнинг орқа ўриндиғидаги 12 ёшгача бўлган болалар (Қоидаларнинг 159-бандига мувофиқ);

— транспорт воситасини ўқувчи бошқараётган вақтда автотранспорт воситасини ёки шахар электр транспортини бошқаришни ўргатувчи амалий машғулотлар инструктори;

— ҳомиладор аёллар, саломатлиги хавфсизлик камари тақиш имконини бермайдиган бемор йўловчилар;

— орқага ҳаракатни амалга ошираётган ҳайдовчилар;


— аҳоли пунктларида ҳаракатланишда — йўналишсиз такси ҳайдовчилари, таксининг орқа ўриндиғидаги йўловчилар;

— аҳоли пунктларида (А) ташқи қисмига махсус рангли график чизмалар чизилган транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилари (В).



Мотоцикл ва мопедда ҳаракатланаётган ҳайдовчи ва йўловчилар махсус мотошлем кийишлари ва уни қадаб олишлари шарт.

10. Халқаро йўл ҳаракатида иштирок этаётган механик транспорт воситаси ҳайдовчисининг ёнида йўл ҳаракати ҳақидаги Конвенция талабларига мос келадиган ҳайдовчилик гувоҳномаси ва транспорт воситасининг (тиркама бўлса, унга ҳам) рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжат, транспорт воситасида (тиркама бўлса, унда ҳам) рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгиси (С) ва у рўйхатдан ўтган давлатнинг таниқлик белгиси (D) бўлиши шарт.



11. Транспорт воситасининг ҳайдовчиси қуйидагиларга мажбурдир:

а) йўлга чиқишдан олдин транспорт воситасининг техник созлигини, тозаллигини ва тўлиқ жиҳозланганлигини текшириши;

б) ҳаракатланиш вақтида транспорт воситасининг техник созлигини таъминлаши;

в) ҳаракатланишни бошлашдан олдин йўловчилар транспорт воситасида жойларини эгаллаганлигига, транспорт воситасининг эшиклари ёпилганлигига, йўловчилар ташиш учун махсус жиҳозланган юк автомобилларида йўловчилар ташиётганда Қоидаларнинг 24-банди талаблари бажарилганлигига ишонч ҳосил қилиши;

г) ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши;

д) йўловчиларни қуйидагилар ҳақида огоҳлантириши:

— ҳаракатланаётган вақтда автомобиль салонидан тана қисмларини (қўлдан ташқари) чиқариш тақиқланганлиги;



— транспорт воситаси ҳаракатланишни бошлашдан олдин хавфсизлик камарини тақиш (Қоидаларнинг 9-бандида назарда тутилган ҳоллардан ташқари), мотоцикл ва мопеда



ҳаракатланаётганда эса махсус мотошлем кийиш ва уни қадаб олиш зарурлиги;

е) сутканинг қоронғи вақтида ва етарлича кўринмайдиган шароитда мажбурий тўхтаган транспорт воситасининг ҳайдовчиси таъмирлаш мақсадида йўлнинг қатнов қисмига чиқишдан олдин нур қайтаргичли махсус жилет кийиб олиши (енгил ва юк автомобилли, автобус ва ғилдиракли тракторлар ҳайдовчилари);



ж) ИИО ходимларининг талабига кўра мастлик ҳолатини аниқловчи махсус текширувдан ўтиши;

з) қуйидаги ҳолларда транспорт воситасини фойдаланиш учун тақдим этиши:

— ИИО ходимларига қонунда белгиланган ҳолларда кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажариш учун, шунингдек, йўл-транспорт ҳодисаси туфайли шикастланган ёки носоз транспорт воситаларини олиб кетиш (шатакка олиш) учун (фақат юк автомобилдан);

— йўлакай йўналишда тиббий ёрдам кўрсатишга кетаётган тиббиёт ходимларига ҳамда зудлик билан тиббий ёрдамга муҳтож бўлган фуқароларни даволаш-профилактика муассасасига олиб бориш учун.

Транспорт воситасини фойдаланиш учун тақдим этиш талаби фуқароларга тегишли (тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатидан ташқари) транспорт воситаларига тааллуқли эмас.

Транспорт воситасидан фойдаланган шахс ҳайдовчи талаб қилганда йўл варақасига юрилган вақтни, босиб ўтилган масофани, ўз исм-шарифи,

мансаби, иш жойи номини, йўл варақаси бўлмаган тақдирда тегишли намунадаги маълумотномани ёзиб бериши керак.



Транспорт воситаларини текшириш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳайдовчининг талабига мувофиқ ўз хизмат гувоҳномасини кўрсатиши шарт.

12. Ҳайдовчига қуйидагилар тақиқланади:

— транспорт воситасини мастлик ҳолатида (алкоголь, гиёҳванд моддалар истёъмол қилган ва ҳ. к.), сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражадаги чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида бошқариш;


— ҳар қандай мастлик ҳолатида, сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражада чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида бўлган, шунингдек, тегишли тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган, йўл варақасида ёки транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида исм-шарифи кўрсатилмаган (транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича шартнома ушбу транспорт воситасидан чекланмаган шахсларнинг фойдаланишини ҳисобга олган ҳолда тузилган ҳоллардан ташқари) шахсларга транспорт воситасини бошқариш учун топшириш;

— тормоз тизими (E), рул бошқаруви ишламаётган (F), улагич мосламаси (автопоезд таркибида) носоз бўлган (G), қоронғи вақтда ёки етарлича кўринмайдиган шароитда — олд чироқлар ва орқа габарит чироқлари бўлмаган ёки ёнмаётган (H), ёмғир, қор ёғаётган вақтда ҳайдовчи томонидаги ойна тозалагич ишламаётган (J) транспорт воситаларини бошқариш;



— тегишли рухсатсиз транспорт воситаларига махсус техник жиҳоз (рация, сирена ва шў кабилар)лар ўрнатиш;

— транспорт воситаларининг ташкилий жамланмаси, шу жумладан, пиёдалар жамланмалари ҳаракатига халақит бериш (K) ва улар орасига кириш (L);



— транспорт воситасини бошқариш пайтида телефондан, транспорт воситаси салонининг олд қисмига ишлаб чиқарувчи корхона томонидан ўрнатилган теле-, видеомонитордан теле-, видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланиш;

— транспорт воситаси салонининг олд қисмига, шу жумладан, приборлар панелига, қуёш соябонига ва орқа томонни кўриш кўзгусига (фақат ташқи кўринишни тасвирга оладиган видеокамера, навигатор, видеорегистраторлардан ташқари, агар улар ҳайдовчига кўринишни чекламаса) теле-, видеомониторлар ўрнатиш.

Ҳаракатланиш вақтида Қоидаларнинг 3-иловасида кўрсатилган транс-




порт воситаларидан фойдаланишни тақиқловчи шартлар юзага келганда ҳайдовчи уларни бартараф этиши, агар бунинг иложи бўлмаса, зарур бўлган эҳтиёт чораларини кўриб, таъмирлаш ёки тўхтаб туриш жойига етиб олиш учун ҳаракатланиши мумкин.

III. ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИ СОДИР БЎЛГАНДА ҲАЙДОВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

13. Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда унга дахлдор ҳайдовчилар қуйидагиларни бажаришлари шарт:

— транспорт воситасини дарҳол тўхтатиши, авария ишораларини ёқиши (А) ва авария сабабли тўхташ белгисини ўрнатиши (В), транспорт воситасини ва ҳодисага дахлдор буюмларни жойидан кўзғатмаслиги;



— шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриши, тез тиббий ёрдам ва фавқулодда қутқарув хизматларини чақириши,

шошилиш ҳолларда эса шикастланганларни яқин орадаги даволаш-профилактика муассасасига йўлакай транспорт воситасида жўнатиши, бунинг имкони бўлмаган ҳолларда ўз транспорт воситасида олиб бориши, у ерда ўз исм-шарифи, транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгиси ҳақида ахборот бериши (ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни ёки ҳайдовчилик гувоҳномасини ва транспорт воситасининг рўйхатдан ўтганлик ҳужжатини кўрсатиши) ва ҳодиса рўй берган жойга қайтиб келиши;



Йўл-транспорт ҳодисаси содир этган ҳайдовчининг вазифаси

Транспорт воситасини дарҳол тўхтатиш

Тан жароҳати олганларнинг бор-йўқлигини аниқлаш

Йўқ

Моддий талафотни аниқлаш

Йўқ

Бор

ЙТХни тўғри баҳолаб, ўзаро келиша оладиларми?

Ҳа

Йўқ

Ҳодиса чизмасини тузиб ва уни имзолаб, яқин орадаги ЙПХ масканига бориш

Бошқа транспорт воситалари ҳаракатига тўсқинлик қиладими?

Ҳа

Йўқ

Ҳодисага алоқадор буюмлар ва изларнинг ҳолатини қайд этиб, уларнинг йўқолмаслигини таъминлаш, сўнгра қатнов қисмини бўшатиш

Бор

Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш

«Тез тиббий ёрдам» чақириш имкони

Бор

Йўқ

«Тез тиббий ёрдам» чақириш

Шифохонага йўлақай транспорт борми?

Бор

Йўқ

Тиббий муассасасига юбориш

Ўз транспорт воситасида олиб бориш ва ҳодиса рўй берган жойга қайтиб келиш

Ҳодиса ҳақида ИИОга хабар бериш, гувоҳларнинг исм-шарифини ва манзилни ёзиб олиб, ИИО ходимининг келишини кутиш



— агар бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатига тўсқинлик қилса, қатнов қисмини бўшатиш. Қатнов қисмини бўшатиш ёки шикастланганларни

ўз транспорт воситасида даволаш-профилактика муассасасига олиб бориш зарур бўлганда йўл-транспорт ҳодисасига дахлдор ҳайдовчилар, аввало, транспорт воситаси, ҳодисага алоқадор буюмлар ва изларнинг ҳолатини гувоҳлар иштирокида дастлабки қайд этишни амалга ошириши, уларнинг йўқолмаслиги ва ҳодиса рўй берган жойни айланиб ўтишни ташкил қилишнинг барча чораларини кўриши;

— ҳодиса ҳақида ИИОга хабар бериши, гувоҳларнинг исм-шарифини ва яшаш манзилни ёзиб олиб, ИИО ходимларининг келишини кутиши.

14. Агар йўл-транспорт ҳодисасида шикастланганлар бўлмаса ва ҳайдовчилар ҳодисага баҳо беришда ўзаро келиша оласалар, дастлабки ҳодиса чизмасини чизиб, уни имзолаб, яқин орадаги ДЙҲХХ маскани ёки ИИОга боришлари мумкин.

Йўл-транспорт ҳодисаси бир вақтнинг ўзида суғурта ҳодисаси ҳамдир. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдан кучга кирган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунда белгиланганидек, суғурта ҳодисаси – транспорт воситасидан фойдаланишда жабрланувчиларнинг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига зарар өтказилганлиги учун суғурта қилдирувчининг ёки транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича жавобгарлиги суғурталанган бошқа шахснинг фуқаролик жавобгарлиги юзага келиши бўлиб, бу суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш мажбуриятини келтириб чиқаради.

Ушбу қонуннинг 3-боб, 19-моддасида суғурта ҳодисалари бўйича зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби белгиланган:

– жабрланувчиларга зарар өтказилишига олиб келган йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчиси бўлган суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) мазкур ҳодисанинг бошқа иштирокчилари талабига кўра уларга ушбу транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги суғурталанган мажбурий суғурта шартномаси тўғрисидаги маълумотларни хабар қилиши шарт.

– суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) ёки унинг вакили суғурта ҳодисаси содир бўлганда:

жабрланувчига (унинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига) уч календарь кундан кечиктирмай суғурта полисининг нусхасини топшириши;

дарҳол, мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган муддатдан кечиктирмай, содир бўлган ҳодиса ҳақида ёзма шаклда, суғурта полисининг нусхасини илова қилган ҳолда суғурталовчига ёки унинг филиалига ҳамда йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдаги ва транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматиغا билдириши. Билдиришномада ҳодисанинг хусусияти, содир бўлган пайти, кўрилиши тахмин қилинган зарарнинг миқдори, йўл-транспорт ҳодисасига алоқадор барча шахсларнинг, шу жумладан, тахмин қилинган даъвогарларнинг номлари ва манзилларига тааллуқли ахборот имкон қадар тўлиқ ҳажмда, шунингдек, суғурта қилдирувчи ҳодиса ҳақида илк маротаба қай тарзда хабардор бўлганлиги ва суғурта қилдирувчининг нега ҳодисани талабнома билдиришга сабаб бўлиши мумкин дөб ҳисоблашига оид тафсилотлар мажбурий тартибда кўрсатилиши керак;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, шунингдек, тиббиёт, сөйсмология, өетөринария, гидрометеорология ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар суғурта товонининг миқдорини аниқлаш мақсадида суғурта ҳодисалари содир бўлишининг сабаблари ва ҳолатлари тўғрисидаги ҳамда өтказилган зарар ҳақидаги масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва хулосаларни суғурталовчиларнинг ҳамда Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг сўровига кўра тақдим этиши шарт.

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИ ЮЗ БЕРГАНДА ҲАЙДОВЧИ НИМА ҚИЛИШИ КЕРАК?

Йўл-транспорт ҳодисаси натижасида суғурта ҳолати содир бўлганда ҳайдовчиларнинг ҳаракатлари:

1. Автомобилингизни тўхтатиб, авария ишораларини ёқинг.
2. Ҳалокат тўхташ белгисини чиқариб ўрнатинг.
3. Автомобилни йўл-транспорт ҳодисаси (келгусида ЙТХ) юз берган жойдан кўзгатманг ва четга олманг, ҳодисага алоқаси бор бўлган нарса-буюмлар жойини Йўл-патруль хизмати инспектори келгунга қадар ўзгартирманг.
4. Дарҳол суғурта қилдирган компанияга қўнғироқ қилинг (қаранг: суғурта варақангизга ёзилган)
5. Агар Сиз йўл ҳаракати қоидасини бузганлигингизга шубҳа қилсангиз, маъмурий иш юритилиши доирасидаги қидирув ёки суриштирув ишлари муддати тугаб, иш судда кўрилиб, тугагунга қадар ЙТХ учун бўлган айбни зиммангизга олманг.
6. ЙТХни Йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ расмийлаштиринг.
7. ЙТХнинг бошқа иштирокчилари билан ЙТХ тўғрисидаги тузиладиган баённомага қўшиб бериладиган ариза ва тушунтириш хатларини диққат билан тўлдиринг. Агар Сизда суғурта бўйича ариза-бланкаси бўлмаса, уни суғурта компанияси офисларидан олишингиз мумкин. Агарда Сиз аризани мустақил равишда тўлдира олмаган бўлсангиз, суғурта компания офисларига мурожаат қилинг, мутахассислар аризани тўлдиришга ёрдам берадилар.
8. Агарда Сиз (суғурталанувчи) бир вақтнинг ўзида жабрланувчи бўлсангиз, суғурта ҳодисаси бевосита ҳал қилинади, яъни Сиз жабрланувчи сифатида мажбурий суғурта шартномасини тузган тегишли суғурта компаниясига ҳаётингиз, соғлигингиз ва/ёки мулкингизга етказилган зарарни қоплаш учун ёзма равишда мурожаат қиласиз.

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИДАН СЎНГ НИМА ҚИЛИШ ЛОЗИМ:

9. 72 соат ичида (ушбу вақт суғурта компаниялари учун ҳар хил) ЙТХ ҳақидаги аризининг асл нусхасини Сизга қулай бўлган услубда тегишли суғурта компанияси офисларига юборинг.
10. Айрим вазиятларда шундай ҳодиса юз берадики, суғурта компаниясининг мутахассис ходимлари томонидан автомобилнингизни кўздан кечириш зарур бўлади. Шундай ҳолатда компания мутахассиси Сиз билан қўшимча боғланади.

ОАЖ «Kapital Sug'urta» суғурта компаниясига
(Суғурталовчининг тўлиқ номланиши)

_____дан

(Ариза берувчининг тўлиқ номи (номланиши))

**Юз берган воқеа тўғрисида
АРИЗА**

Ариза берувчи жисмоний шахснинг паспорти: серияси _____: рақами: _____,
20__ йил « ____ » _____ да _____ томонидан берилган

Ариза берувчи — юридик шахснинг реквизитлари: СТИР _____

Хизмат кўрсатувчи банкнинг МФО _____, х/р _____

Мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси: серияси ____ № _____ 20__ йил
Ушбу билан _____

(маркаси, модели, давлат рўйхатидан ўтказиш рақами) транспорт воситаси билан
транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта
қилиш бўйича суғурта полисида кўрсатилган суғурта ҳодисаси деб эътироф этиш
мумкин бўлган воқеа юз берганлигини маълум қиламан.

Воқеанинг сабаблари ва ҳолатлари тўғрисида қуйидагиларни маълум қиламан:

Ўзи билан суғурта ҳодисаси деб эътироф этиш мумкин бўлган воқеа юз берган ҳай-
довчи: _____

(хайдовчининг фамилияси, исми, отасининг исми)

Воқеа санаси ва вақти: _____

Воқеа жойи манзили: _____

Воқеа тўғрисида _____ туманининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш
органларига ариза берилган ва _____

(мансабдор шахснинг унвони, лавозими, Ф.И.О.)

томонидан юз берган воқеа тўғрисида 20__ йил « ____ » _____ да _____ -сон
тузилган.

(хужжатнинг тури)

Воқеанинг ҳолати: _____

Воқеа бўйича харажатлар қанча суммага баҳоланади: _____

Ушбу аризага илова қилинади: _____

Ушбу ҳодиса бўйича мен ишончли ва менга маълум бўлган барча маълумотларни
маълум қилдим.

Суғурта қилинувчининг номидан _____ 20__ йил « ____ » _____
(имзо)


Мў.

Ариза қабул қилинди _____
(суғурталовчи масъул ходимнинг лавозими ва фамилияси)




ҳамда 20__ йил « ____ » _____ да дафтарда _____ рақами билан рўйхатдан
ўтказилди.

IV. ПИЁДАЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ



15. Пиёдалар тротуардан (А) ёки пиёдалар йўлкасидан (В), улар бўлмаганда эса йўл ёқасидан юришлари керак (С). Ҳажми катта юкларни олиб кетаётган пиёдалар (D), шунингдек, ногиронларнинг двигателсиз кажавасида ҳаракатланаётган (Е) шахсларнинг тротуар ёки пиёдалар йўлкасидан ҳаракатланиши бошқа пиёдаларнинг ҳаракатланишига халақит бераётган бўлса, улар қатнов қисмининг четидан ҳаракатланишлари мумкин.



Тротуар, пиёдалар йўлкаси, йўл ёқаси бўлмаса ёки улардан юришнинг имконияти бўлмаган ҳолларда пиёдалар велосипед йўлкасидан (F) ёки қатнов қисмининг четидан (G) (ажратувчи бўлаги бор йўлларда қатнов қисмининг ташқи четидан) бир қатор бўлиб юришлари мумкин.



Қатнов қисмининг четида ҳаракатланаётган пиёдалар (Н) транспорт воситаларининг ҳаракатига қарама-қарши йўналишда юришлари керак. Ногиронларнинг двигателсиз кажавасида ҳаракатланаётган (Е), мотоцикл (Ж), мопед, велосипед етаклаб кетаётган шахслар эса бундай ҳолларда транспорт воситаларининг ҳаракат йўналиши бўйлаб юришлари керак.






17. Пиёдалар йўлнинг қатнов қисмини пиёдалар ўтиш жойларидан, шунингдек, ер ости ва ер усти ўтиш жойларидан, улар бўлмаганда эса чорраҳаларда тротуар чизиклари ёки йўл ёқаси бўйлаб кесиб ўтишлари керак.

Пиёдалар йўлкасида, тротуарда, йўл ёқасида пиёдаларнинг ҳаракатланишига халақит берадиган қурилма ва тўсиқлар ўрнатиш тақиқланади.

16. Пиёдаларнинг ташкилий жамланмасига йўлнинг қатнов қисмида бир қаторда тўрт кишидан ортиқ бўлмасдан, фақат транспорт воситаларининг ҳаракат йўналиши бўйлаб ўнг томондан юришга рухсат этилади.

Жамланманинг олди ва орқасида чап томондан қизил байроқча, қоронғи вақтда ёки етарлича кўринмаслик шароитида эса олдинда оқ, орқада қизил рангли чироқ кўтарган кузатувчилар бўлиши керак.



Болалар гуруҳини тротуарлар ва пиёдалар йўлкаларидангина, улар бўлмаганда эса йўл ёқасидан фақат кундузи ва катта ёшдагилар кузатувида олиб юришга рухсат этилади.



Пиёдаларга кўринадиган ораликда ўтиш жойи ёки чорраҳа бўлмаса, ажратувчи бўлакسىз ва тўсиқسىз йўллардан йўлнинг икки томони яхши кўринадиган жойидан, қатнов қисмининг четига нисбатан тўғри бурчак остида кесиб ўтишларига рухсат этилади.



18. Йўл ҳаракати тартибга солинган жойларда пиёдалар тартибга солувчининг ёки пиёдалар светофорларининг, улар бўлмаганда эса транспорт светофорларининг ишораларига амал қилишлари керак.



19. Ҳаракат тартибга солинмайдиган пиёдалар ўтиш жойларида пиёдалар яқинлашиб келаётган транспорт воситаларига бўлган масофани ва уларнинг тезлигини чамалаб кўриб, ўтиш ўзлари учун хавфсиз эканлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнг йўлнинг қатнов қисмига чиқишларига рухсат этилади.

Шунингдек, улар йўлнинг қатнов қисмини пиёдалар ўтиш жойларидан ташқарида кесиб ўтишда транспорт воситаларининг ҳаракатланишига ҳақиқат бермасликлари, яқинлашиб келаётган транспорт воситаларининг йўқлигига ишонч ҳосил қилмасдан туриб, кўринишни чекловчи, тўхтаб турган транспорт воситаси ёки бошқа бирор тўсиқ панасидан чиқмасликлари керак.

Йўлнинг қатнов қисмида, шунингдек, пиёдалар ўтиш жойларида ҳаракатланаётган пиёдаларга телефондан фойдаланиш, теле-, видеомаҳсулотларни кўриш, радио-аудиомаҳсулотларни эшитиш, китоб ёки даврий матбуот ўқиш ҳамда эътиборни чалғитадиган бошқа электрон воситалардан фойдаланиш тақиқланади.




Пиёдалар тўхтаб турган автобус ва троллейбуснинг орқа томонидан, трамвайнинг эса олд томонидан йўлни кесиб ўтишлари шарт.

20. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлмаса, йўлнинг қатнов қисмига чиққан пиёдалар ушланиб қолмасликлари ва




тўхтамасликлари керак. Ўтишга улгурмаган пиёдалар қарама-қарши йўналишдаги транспорт оқимларини ажратувчи чизиқда тўхташлари лозим. Кейинги ҳаракатланиш хавфсиз эканлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг ва светофор ёки тартибга солувчининг ишораларини ҳисобга олган ҳолда ўтишни давом эттиришлари мумкин.

21. Ялт-ялт этувчи кўк рангли ёки кўк ва қизил рангли чироқ-маёқчаси ва махсус товушли ишораси ёқилган транспорт воситалари яқинлашиб келаётган бўлса, пиёдалар қатнов қисмидан ўтмасликлари, унда ҳаракатланаётганлари эса, бу транспорт воситаларига йўл беришлари ва зудлик билан қатнов қисмини бўшатишлари керак.




22. Йўналишли транспорт воситаларини фақат қатнов қисмидан баланд жойлашган кутиш майдончаларида (К), улар бўлмаганда эса, тротуар ёки йўл ёқасида кутишлари керак (L). Қатнов қисмидан баланд жойлашган майдончалар билан жиҳозланмаган бекатларда (М) йўналишли транспорт воситалари тўла тўхтагандан сўнг унга чиқиш учун қатнов қисмига чиқишга рухсат этилади. Ундан тушгандан кейин ушланиб қолмасдан қатнов қисмини бўшатишлари шарт.

Қатнов қисми бўйлаб бекатларга бо-раётган ёки ундан қайтаётган пиёдалар Қоидаларнинг 18 — 21-бандлари талаб-ларига амал қилишлари керак.




V. ЙЎЛОВЧИЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ


23. Йўловчилар транспорт воситасига фақат у тўла тўхтагандан сўнг тротуар ёки йўл ёқаси (А) томондан чиқишга ва тушишга мажбурдирлар.



— ҳаракатланаётган бортли юк автомобилларида тик туриш, бортларда ёки ундан юқоридаги юк устида ўтириш;



— транспорт воситаси ҳаракатланаётган вақтда унинг эшикларини очиш;



Йўловчиларнинг транспорт воситаларидан тротуар ёки йўл ёқаси томондан тушиши ёки уларга чиқишининг иложи бўлмаган ҳолларда, агар бу ҳаракат хавф туғдирмаса ёки бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига халақит бермаса, йўлнинг қатнов қисми томондан амалга оширилиши мумкин.


24. Йўловчиларга қуйидагилар тақиқланади:

— транспорт воситаси ҳаракатланаётган вақтда ҳайдовчини бошқаришдан чалғитиш ва унга халақит бериш;



VI. МАХСУС ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИМТИЁЗЛАРИ





25. Кўк (A) ёки кўк ва қизил (B) рангли ялт-ялт этувчи чироқ-маёқчаси ёқилган транспорт воситаларининг (C) ҳайдовчилари кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажараётиб, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш шarti билан Қоидаларнинг VII боб (38-бандидан ташқари), IX — XVI, XIX — XX боблари, 1 ва 2-иловалари талабларидан четга чиқишлари мумкин.





Бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига нисбатан имтиёзга эга бўлишлари учун бундай транспорт воситаларида кўк ёки кўк ва қизил рангли ялт-ялт этувчи чироқ-маёқча (A) ва махсус товушли ишора (D) ёқилган бўлиши шарт. Улар ўзларига йўл берилаётганлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина имтиёздан фойдаланишлари мумкин.

Ушбу имтиёздан кўк ёки кўк ва қизил рангли ялт-ялт этувчи чироқ-маёқчалар ва махсус товушли ишоралари ёқилган транспорт воситалари томонидан кузатиб келинаётган транспорт воситалари


ҳам фойдаланадилар. Кузатиб келинаётган транспорт воситаларида яқинни ёритувчи чироқлар ёқилган бўлиши шарт.



26. Ҳайдовчилар кўк ёки кўк ва қизил рангли ялт-ялт этувчи чироқ-маёқча ва махсус товушли ишораларини ёққан ҳолда яқинлашиб келаётган транспорт



воситаларига, шунингдек, уларнинг кузатувидаги, яқинни ёритувчи чироқлари ёқилган (E) транспорт воситаларига (F) тўсиқсиз ўтиб кетишлари учун йўл беришлари шарт.





27. Кўк ёки кўк ва қизил рангли ялт-ялт этувчи чироқ-маёқчасини ёқиб тўхтаб турган транспорт воситасига



яқинлашаётган ҳайдовчилар зарур бўлган ҳолларда ҳаракатланиш тезлигини дарҳол тўхташ имкониятини берадиган даражада камайтиришлари шарт.


28. Зарғалдоқ ёки сариқ рангли мил-тилловчи чироқ-маёқча (G) йўлда қурилиш, таъмирлаш ёки тозалаш ишлари олиб борилаётганда, шунингдек, техник шикастланган, носоз бўлган ва ҳоказо транспорт воситаларини қонунда кўзда тутилган ҳолларда ортишда, ташишда, йўл ҳаракатида қатнашаётган, габарит ўлчамлари Қоидаларнинг 164-бандида белгилангандан ортиқ бўлган, шунингдек, ўта оғир, катта ўлчамли ва хавфли юк ташиётган транспорт воситаларида ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда бундай транспорт воситаларини кузатиб келаётган транспорт воситаларида ёқилиши керак. Зарғалдоқ ва сариқ рангли чироқ-маёқча ҳаракатланишда имтиёз бермайди ва бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларини фақат хавф борлигидан огоҳлантиради.



29. Зарғалдоқ ёки сариқ рангли чироқ-маёқчаси (Н) ёқилган транспорт воситаларининг ҳайдовчилари йўл қурилиши, таъмирланиши ва тозаланиши жараёнида ҳамда техник шикастланган, носоз бўлган, шунингдек, қонунда кўзда тутилган ҳолларда бошқа транспорт воситаларини ортишда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш шарти билан Қоидаларнинг йўл белгилари (2.2, 2.4 — 2.6, 3.11 — 3.14, 3.17.2, 3.20 йўл белгиларидан ташқари), йўл чизиқлари ҳамда 67 — 71 ва 121-бандлари талабларидан четга чиқишлари мумкин.



Бу маёқча билан таъминланган транспорт воситаси биринчи бўлиб ўтиш ҳуқуқига эга эмас.



Йўл ҳаракатида қатнашаётган, габарит ўлчамлари Қоидаларнинг 164-бандида белгилангандан ортиқ бўлган, катта ўлчамли ва (ёки) ўта оғир юк ташиётган транспорт воситаларининг ҳамда уларни кузатиб келаётган зарғалдоқ ёки сариқ рангли милтиловчи чироқ-маёқчаси ёқилган транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш шарти билан йўл чизиқлари талабларидан четга чиқишлари мумкин.

II – VI мавзуларга оид тестлар

<p>1 Рўпарадан келаётган автомобиль ҳайдовчиси қандай йўл тутиши керак?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Йўл ёқасида тўхташи. 2. Ялт-ялт этувчи чироқ маёқчаси ёқилган автомобильга халақит бермасдан ҳаракатни давом эттириши. 	<p>2 Ҳайдовчи йўл-транспорт ҳодисасида шикастланган транспорт воситасини шатакка олиш учун юк автомобилни ИИО ходими ихтиёрига қандай ҳолда бериши керак?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Фақат шу ҳолдаки, агар шатакка олиш йўл-йўлаккай йўналишда амалга оширилса. 2. Ҳар қандай ҳолда. 3. Ҳайдовчининг истаги бўйича.
<p>3 Ҳаракатни бошлашдан аввал шаҳарлараро автобус ҳайдовчилари нима қилишлари керак?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Йўловчиларга ҳалокат бўлганда чиқиш жойларидан фойдаланиш ҳақида тушунтириши. 2. Йўловчиларга автобусдан чиқиш, ундан тушиш ва унга жойлашиш тартиби ҳақида тушунтириши. 3. Йўловчиларга ҳаракатланиш вақтида салон ичида юришлари тақиқланиши ҳақида тушунтириши. 	<p>4 Кўк автомобиль чорраҳани кесиб ўтади:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Биринчи бўлиб, айти бир вақтда қизил билан. 2. Иккинчи бўлиб, айти вақтда қизил билан. 3. Учинчи бўлиб, айти вақтда қизил билан. 
<p>5 Ҳайдовчи оқ ҳасса билан ишора бераётган кўзи ожиз пиёдаларни ўтказиб юбориши керакми?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Барча ҳолларда ўтказиб юбориши керак, шу жумладан, пиёдалар ўтиш жойларидан ташқарида ҳам. 2. Тартибга солинадиган пиёдалар ўтиш жойида ўтказиб юбориши керак. 3. Тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойида ўтказиб юбориши керак. 4. Ҳар қандай пиёдалар ўтиш жойида ўтказиб юбориши керак. 	<p>6 Қора автомобиль чорраҳани кесиб ўтади:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Биринчи бўлиб. 2. Иккинчи бўлиб. 3. Охирги бўлиб. 

7 Кўк автомобиль чорраҳани кесиб ўтади:

1. Биринчи бўлиб.
2. Иккинчи бўлиб.
3. Учинчи бўлиб.
4. Тўртинчи бўлиб.
5. Охири бўлиб.



8 «Фалокат» ёруғлик ишоралари ёқилиши керак:

1. Тўхташ тақиқланган жойларда мажбурий тўхтаганда.
2. Йўл-транспорт ҳодисаси рўй берганда.
3. Йўлнинг ёритилмаган қисмларида тўхтаганда ва тўхтаб турганда ёки кўриниш ётарли бўлмаган шароитда габарит ёки тўхтаб туриш чироклари носоз бўлганда.
4. Барча санаб ўтилган ҳолларда.

9 Агар йўл-транспорт ҳодисаси натижасида ҳеч ким жабрланмаса, моддий зарар эса аҳамиятсиз бўлса, ҳайдовчиларнинг ўзлари ҳодиса рўй берган жойни тарк этиб, ДИХХнинг энг яқин ёки ИИО идорасига ҳодисани қайд қилиш учун кела оладиларми?

1. Кела олмайдилар.
2. Кела оладилар.
3. Ҳодиса чизмасини тахминий тузиб ва уни имзолаб кела оладилар.

10 Юк автомобили ҳайдовчиси расмда кўрсатилган ҳолатда махсус товуш ишорасини эшитиб ёки милтиқловчи ишорани кўриб нима қилиши керак?

1. Қатнов қисмидаги ўз бўлаги бўйлаб ҳаракатни давом эттириши керак.
2. Ҳайдовчи махсус товушли ишораларини ёққан ҳолда яқинлашиб келаётган транспорт воситаларига йўл бериш, зарур бўлган ҳолларда уларнинг тўсиқсиз ўтиб кетишлари учун йўлнинг ўнг томониغا ўтиб тўхташи шарт.



VII. СВЕТОФОР ВА ТАРТИБГА СОЛУВЧИНИНГ ИШОРАЛАРИ



30. Светофорларда яшил, сариқ, қизил ва оқ рангли ёруғлик ишоралари қўлланилади.

Светофор ишоралари вазифасига боғлиқ равишда доирасимон, йўналтиргич, пиёда тасвири туширилган ва Х-симон кўринишда бўлиши мумкин (Қоидаларга 1-илова).

Ишораси доира шаклидаги светофорларда яшил ишоралар билан бир сатҳда жойлашган ишоралари яшил йўналтиргич кўринишидаги битта ёки иккита кўшимча тармоқ бўлиши мумкин.

Транспорт воситаларининг чорраҳа бўйлаб навбатма-навбат ҳаракатла-

ниб ўтишларини тартибга солувчи светофор икки ёки уч навбатли бўлиши мумкин. Свэрқатнов йўлларнинг чорраҳаларида транспорт воситаларининг ҳаракатланиб ўтишлари уч навбатга бўлинган бўлса, учинчи навбатдаги ҳаракатланиш қўшимча тармоқ орқали тартибга солинади (амалга оширилади).

Қўшимча тармоқдаги ишора ўчирилган бўлса, шу тармоқ тартибга соладиган йўналишда ҳаракатланиш тақиқланганлигини билдиради.


31. Светофорнинг доирали ишоралари қуйидаги маънони билдиради:

— яшил ишора ҳаракатланишга рухсат беради;




— милтиловчи яшил ишора ҳам ҳаракатланишга рухсат беради ва унинг таъсир вақти тугаётганлиги ҳамда кўп ўтмай тақиқловчи ишора ёниши ҳақида ахборот беради;

— яшил ишора ўчишига сонияларда қанча вақт қолганлиги ҳақида ахборот бериш учун рақамли табло қўлланилиши мумкин;



— сариқ ишора ҳаракатни тақиқлайди (Қоидаларнинг 42-бандида кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари) ва ишоралар алмашуви ҳақида огоҳлантиради;

Светофорнинг қизил (А) чироғидан кейин ёнган сариқ чироқда (В) чорраҳага кириб келиш тақиқланади, (сариқ чироқ ҳаракатни тақиқлайди), лекин светофорнинг яшил (ҳаракатга рухсат бөрүвчи) ёритгичи ёниб турганида чорраҳага (тўхташ чизигига) жуда яқин келиб қолиб, сариқ чироқ ёнганида кёскин тормоз бөрмасдан тўхташга улгура олмайдиған транспорт воситаси ҳайдовчиларига ҳаракатни давом эттиришга рухсат этилади.



— милтиловчи сариқ ишора (С) ҳаракатланишга рухсат беради ва тартибга солилмаған чорраҳа ёки пиёдалар ўтиш жойи борлигидан хабардор қилади, хавф-хатар ҳақида огоҳлантиради;




— қизил ишора, шунингдек, милтиловчи қизил ишора ҳаракатланишни тақиқлайди;

Навбатма-навбат милтиловчи иккита қизил ишорали светофор темир йўл кесишмалари ва сол кёчуви

олдида ўрнатилиб, ҳаракатланишни тақиқлайди. Бу светофорларнинг навбат билан ёниши ҳайдовчининг диққатини ўзига жалб қилиб тезроқ чора қабул қилиши учун мўлжалланган.


— қизил ва сариқ ишораларнинг бир вақтда ёниши ҳаракатланишни тақиқлайди ва кўп ўтмай яшил ишора ёниши ҳақида ахборот беради.

32. Йўналтиргич кўринишидаги қизил, сариқ ва яшил рангли светофор ишоралари ҳам доира шаклидаги светофор ишоралари билан бир хил маънога эга бўлади. Улар фақат кўрсатилган йўналишга таъсир этади (D).



Агар тегишли йўл белгиси билан қайрилиб олиш тақиқланмаган бўлса, чапга бурилишга рухсат берувчи йўналтиргич қайрилиб олишга ҳам рухсат беради. Қўшимча тармоқдаги яшил йўналтиргич ҳам худди шу маънони билдиради.


Светофорнинг яшил чироғи сатҳида жойлашган қўшимча тармоқдаги яшил йўналтиргич (E) светофорнинг қизил ёритгичи билан ёнса, бошқа йўлдаги транспорт воситаларига йўл бериб кўрсатилган йўналишда ҳаракатланишга рухсат беради.



Агар қўшимча тармоқдаги яшил йўналтиргич светофорнинг яшил ёритгичи билан ёнса, бошқа йўлдаги ҳаракатланиш тақиқлангани туфайли, кўрсатилган йўналишда тўхтамасдан ҳаракатланиб ўтишга рухсат берилади.

Қўшимча тармоқдаги ишора ўчирилган бўлса, шу тармоқ тартибга солаётган йўналишда ҳаракатланиш тақиқланганлигини билдиради.

33. Светофорнинг асосий яшил ишорасига қора йўналтиргич (йўналтиргичлар)нинг шакли туширилган бўлса (F), у ҳайдовчиларга светофорнинг қўшимча тармоғи борлиги ҳақида ахборот беради ва асосий яшил ишора ёнганда ҳаракатланишга рухсат берилган йўналишларни кўрсатади.




Сутканинг қоронғи вақтида (ётарлича кўринмаслик шароитларида) ҳайдовчига светофорнинг қўшимча тармоғи кўринмай қолиб, асосий яшил чироқда бурилиб ёки қайрилиб хато қилмасликлари учун, ушбу контур чизиқли стрелка асосий яшил чироққа туширилади.

34. Агар светофор ишораси пиёда тасвири кўринишида бўлса, у фақат пиёдаларнинг ҳаракатига таъсир кўрсатади. Бунда яшил ишора пиёдаларнинг ҳаракатланишига рухсат беради, қизил ишора эса тақиқлайди.

Кўзи ожиз пиёдаларга қатнов қисмини кесиб ўтишлари мумкинлигини билдириш учун светофорнинг ёруғлик ишораларига товушли ишора ҳам қўшилиши мумкин.

35. Қатнов қисмидаги ҳаракат йўналиши қарама-қарши томонга ўзгариши мумкин бўлган бўлақларда транспорт воситаларининг ҳаракатини тартиб-

га солиш учун X-симон қизил ишорали ва пастга йўналган йўналтиргич кўринишидаги яшил ишорали реверсив светофорлар қўлланилади. Бу ишоралар қайси бўлак устига ўрнатилган бўлса, унда ҳаракатланишни тақиқлайди ёки рухсат беради.



Икки томони 1.9 чизиғи билан белгиланган бўлак устига ўрнатилган ишоралари ўчирилган реверсив светофор шу бўлакка киришни тақиқлайди.

Йўлнинг ўтказиш қобилиятини ошириб, транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш учун ўрта бўлак (бўлақлар) транспорт оқими жадаллигига қараб йўналишларини ўзгартиришлари мумкин. Бундай ҳаракат реверсив ҳаракат деб аталади.

Давлат намунаси (ГОСТ – 25695 – 91)да реверсив светофорнинг асосий ишораларига қўшимча 45° ли бурчак остидаги сариқ йўналтиргич кўзда тутилган. Бу йўналтиргич ёнганида ҳайдовчилар реверсив бўлакни тарк этиб чиқиб кетишлари кўрақ.







Яшил йўналтиргич ёнганида бир йўналишда ҳаракатланаётган ҳайдовчилар бўлақларни ажратувчи реверсив чизиқни исталган тарафидан кесиб ўтишлари мумкин.

36. Трамвайларнинг ҳамда махсус ажратилган бўлак бўйлаб ҳара-

катланаётган йўналишли транспорт воситаларининг ҳаракатланишини тартибга солиш учун «Т» ҳарфи кўринишида жойлашган тўртта доирасимон оқ ранг ишорали светофорлар қўлланилиши мумкин.


Юқоридаги бир ёки бир нечта ва пастки ишора бир вақтнинг ўзида ёнганда ҳаракатланишга рухсат этилади. Улардан чапдагиси чапга, ўнгдагиси ўнг томонга бурилишга, ўртадагиси тўғрига юришга рухсат беради. Агар юқоридаги учта ишора бир вақтда ёнса, ҳаракатланиш тақиқланади.





Ушбу светофор фақат трамвай ва йўлнинг махсус ажратилган бўлақларидан ҳаракатланадиган йўналишли транспорт воситаларига тегишли бўлса-да, бошқа ҳайдовчилар светофорнинг бир вақтда ҳаракатланиши рухсати йўналишидан қатъи назар, трамвай ҳайдовчисига йўл беришлари керак.

37. Темир йўл кесишмаларида ўрнатилган доирасимон оқ рангли милтилловчи ишора транспорт воситаларининг кесишма орқали ҳаракатланишига рухсат беради. Кўриниш чегарасида яқинлашиб келаётган поезд (локомотив, дрезина) бўлмаса, ўчирилган оқ ва қизил ишораларда ҳам ҳаракатланишга рухсат берилади.



Темир йўл кесишмаси олдида ўрнатилган ушбу светофорнинг оқ милтилловчи чироғи мазмун жиҳатдан оддий светофорнинг яшил чироғи билан тенг.

Темир йўл кесишмаларида светофорнинг милтилловчи қизил ишораси билан бир вақтда ҳаракат қатнашчиларининг кесишма орқали ҳаракатланиши тақиқ-


ланганлиги тўғрисида қўшимча ахборот сифатида товушли ишора ҳам берилиши мумкин.

38. Тартибга солувчининг ишоралари қуйидаги маънони билдиради:

Қўллари ён томонга узатилганда ёки туширилганда:

— чап ва ўнг ён томонидан трамвайга тўғрига, рельсиз транспорт воситаларига тўғрига ва ўнгга ҳаракатланишга, пиёдаларга қатнов қисмини кесиб ўтишга рухсат берилади;

— олд ва орқа томонидан барча транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатланиши тақиқланади.




Ўнг қўли олдинга узатилганда:

— чап ёнидан трамвайга чапга, рельсиз транспорт воситаларига барча йўналишларда;

— олд томонидан барча транспорт воситаларига фақат ўнгга ҳаракатланишга рухсат берилади;

— орқа томонидан ва ўнг ёнидан барча транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тақиқланади;


— пиёдаларга тартибга солувчининг орқа томонидан қатнов қисмини кесиб ўтишга рухсат этилади.



ҚЎЛИНИ ЮҚОРИГА КЎТАРГАНДА:

— Қоидаларнинг 42-бандида кўрсатилганидан бошқа ҳолларда транспорт воситалари ва пиёдаларнинг барча йўналишларда ҳаракатланиши тақиқланади;

— тартибга солувчи ҳайдовчи ва пиёдаларга тушунарли бўлган бошқа ишораларни ҳам бериши мумкин. Ишоралар яхши кўриниши учун тартибга солувчи жезл ёки ёруғлик қайтарадиган қизил рангли мосламаларни қўллаши мумкин.



Чорраҳада барча транспорт воситаларига:

– тартибга солувчининг тўрт томонидан икки томонида доим ҳаракатланиш тақиқланади, икки томонидан ҳаракатланишга рухсат этилади;

– тартибга солувчининг ҳаракатланишга рухсат беришчи ҳар бир ҳолатида трамвайга фақат бир йўналишда ҳаракатланишга рухсат этилади;

– тартибга солувчи узатилган қўллари билан чорраҳанинг ҳаракатланиш рухсат этилган томонларини кўрсатади;

– тартибга солувчининг орқа томонидан ҳаракатланиш доимо тақиқланади;

– тартибга солувчининг олд томонидан тўғри йўналишда ҳаракатланиш доимо тақиқланади.

39. Ҳаракатни тартибга солувчи ёки ИИО ходими ўз хизмат вазифаларини бажараётганида ҳайдовчидан транспорт воситасини қўл ишораси ёки овоз

кучайтиргич ёрдамида тўхтатишни талаб қилиши мумкин. Транспорт воситасининг ҳайдовчиси кўрсатилган жойда тўхташи шарт.




ЙПХ ходими йўл ҳаракати қатнашчиларига муурожаат қилишда ўнг қўлини бош кийимига қадар кўтариб, лавозими, махсус унвони ва фамилиясини айтиб ўзини таништириши, транспорт воситасини тўхтатиш сабабини билдириши лозим. Фуқаролар ёрдам сўраб муурожаат қилган тақдирда ЙПХ ходими ўз ваколати ва имконияти доирасида ёрдам беради, саволларни ҳал қилиш учун қаерга муурожаат қилиш кераклигини тушунтиради. У фуқаролар билан мулоқотга киришганда хотиржам ва хушмуомала бўлиш билан бирга, тортишмасликка, ўзини йўқотмасликка, қўполлик қилмасликка мажбурдир.

40. Йўл ҳаракати қатнашчиларининг эътиборини жалб этиш учун хуштак билан қўшимча ишора берилади.

41. Светофор (реверсивдан ташқари)нинг ёки тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасида ҳайдовчилар транспорт воситаларини тўхташ чизиғи (5.33 йўл белгиси) (G) олдида, бундай чизиқ бўлмаганда эса:



— чорраҳанинг қатнов қисми билан кесишган жойида (Н), пиёдаларга (Қоидаларнинг 102-бандини ҳисобга олган ҳолда) ҳалақит бермасдан;



— темир йўл кесишмаси олдида Қоидаларнинг 119-бандига мувофиқ;

— бошқа жойларда светофор ёки тартибга солувчининг олдида, ҳаракатланишига рухсат берилган транспорт воситалари ва пиёдаларга ҳалақит бермаган ҳолда, тўхташи керак.

42. Сарик ишора ёнганда ёки тартибга солувчининг қўли юқорига қўта-

рилганида Қоидаларнинг 41-бандида назарда тутилган жойларда кескин тормоз бермасдан тўхташга улгура олмайдиган транспорт воситаларининг ҳайдовчиларига ҳаракатни давом эттиришга рухсат этилади.

Ушбу ишоралар берилганда қатнов қисмида бўлган пиёдалар уни бўшатишлари, агар бунинг иложи бўлмаса, қарама-қарши йўналишлардаги транспорт оқимларини ажратувчи чизикда тўхташлари керак.

43. Тартибга солувчининг ишораси (J) ва кўрсатмалари светофор ишоралари (K), йўл белгилари ва чизиклари талабларига зид келган ҳолларда ҳайдовчи ва пиёдалар тартибга солувчининг ишораси ва кўрсатмаларига амал қилишлари керак.



Светофор ишоралари имтиёз белгилари талабларига зид келган ҳолларда ҳайдовчилар светофор ишораларига амал қилишлари керак.

VII мавзуга оид тестлар

1 Қайси транспорт воситасининг ҳайдовчиси чорраҳадан биринчи бўлиб ўтади?

1. Автомобиль ва автобус ҳайдовчиси.
2. Трамвай ҳайдовчиси.



2 Қайси транспорт воситасининг ҳайдовчиси йўл бериши керак?

1. Автомобиль ҳайдовчиси.
2. Трамвай ҳайдовчиси.



3 Транспорт воситалари чорраҳадан қуйидаги тартибда ўтадилар:

1. Трамвай ва автобус, енгил автомобиль.
2. Трамвай, енгил автомобиль, автобус.
3. Енгил автомобиль, трамвай ва автобус.



4 Кўк автомобиль чорраҳадан нечанчи бўлиб ўтади?

1. Биринчи.
2. Иккинчи.



5 Қайси транспорт воситасининг ҳайдовчиси йўл бериши керак?

1. Мотоцикл ҳайдовчиси.
2. Автомобиль ҳайдовчиси.



6 Ушбу шароитда автобуснинг чорраҳага киришига рухсат бериладими?

1. Рухсат берилади.
2. Тақиқланади.
3. Агар автобус белгиланган йўналиш бўйича ҳаракатланаётган бўлса, рухсат этилади.



7 Кўрсатилган йўналишлар бўйича қайси транспорт воситаларига ҳаракатланишга рухсат берилади?

1. Автомобиль ҳайдовчисига.
2. Автомобиль ва мотоцикл ҳайдовчисига.
3. Трамвай ва автомобиль ҳайдовчисига.



8 Ушбу светофор ҳаракатланишни тартибга солиш учун қўлланади:

1. Қатнов қисмининг бутун кенглиги бўйича.
2. Қатнов қисмидаги ҳаракатланиш йўналиши қарама-қарши томонга ўзгарадиган бўлақлар бўйича.
3. Фақат белгиланган йўналишдаги транспорт воситалари учун мўлжалланган бўлақ бўйича.



9 Светофорнинг тақиқловчи ишорасида ва шлагбаум очиқ бўлганда ҳайдовчи нима қилиши керак?

1. Яқинлашиб келаётган поезд йўқлигига шахсан ишонч ҳосил қилиши ва кесишмадан ўтиши керак.
2. Шлагбаумнинг ҳолатига асосланган ҳолда кесишмадан ўтиши керак.
3. Шлагбаумгача 10 метрдан яқин бўлмаган масофада тўхташи лозим.
4. Тўхташ чизиги олдида, агар улар йўқ бўлса, шлагбаумгача 5 метрдан яқин бўлмаган масофада тўхташи зарур.

10 Автомобиль қайси йўналишларда ҳаракатланиши мумкин?

1. Фақат ўнгга.
2. Тўхташ ва светофорнинг яшил чироғини кутиш.
3. Фақат тўғрига.
4. Барча йўналишлар бўйича.



VIII. ОГОҲЛАНТИРУВЧИ ВА АВАРИЯ ИШОРАЛАРИ, АВАРИЯ САБАБЛИ ТЎХТАШ БЕЛГИСИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

44. Қуйидагилар огоҳлантирувчи ишоралар ҳисобланади:

— бурилишни кўрсатадиган милтилловчи чироқ ёки қўл билан бериладиган ишоралар;

— товушли ишоралар;

— чироқларнинг ёқиб-ўчирилиши;

— кундуз куни яқинни ёритувчи чироқларнинг ёқилиши.

— фалокат сабабли тўхташ ишораси.

— орқага ҳаракатлантириб юриш ишораси.

45. Ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлашдан (А), қайта тизилишдан (В), бурилиш (қайрилиб олиш)дан (С) ва тўхташдан (D) олдин тегишли йўналишни кўрсатувчи ёруғлик ишораларини ёқиши, улар бўлмаганда ёки ишламаганда қўл билан ишоралар бериши шарт.




Чапга бурилиш (қайрилиб олиш)ни (E) билдирувчи ишорага чап қўлни ёнга узатиш ёки ўнг қўлни тирсақдан тўғри бурчак остида букиб, юқорига кўтариш мос келади.

Ўнгга бурилиш (қайрилиб олиш)ни (F) билдирувчи ишорага ўнг қўлни ёнга узатиш ёки чап қўлни тирсақдан тўғри бурчак остида букиб, юқорига кўтариш мос келади.

Тўхташ ишораси (G) чап ёки ўнг қўлни юқорига кўтариб берилади.

Ҳайдовчи ўзининг ҳаракатланиш йўналишини ўзгартириши ҳақида ўзга ҳайдовчи ва бошқа йўл иштирокчиларига огоҳлантириш ишоралари орқали



хабар беради. Манёвр бошлашдан аввал берилган огоҳлантириш ишораси вазиятни тўғри баҳолашга имкон беради.

46. Бурилиш кўрсаткичи ёки қўл билан берилётган ишора манёврни бажаришдан олдинроқ берилиши (H) ва уни тугаллагач, дарҳол тўхтатилиши керак (J) (қўл билан берилётган ишорани манёврни бевосита бажаришдан олдин тугаллаш мумкин) (K).



Ишоралар бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларини чалғитмаслиги керак. Огоҳлантирувчи ишора бериш ҳайдовчига олдин ўтиш ҳуқуқини бермайди ва уни зарурий эҳтиёт чораларини кўриш масъулиятдан озод этмайди.

Айланма ҳаракатли чорраҳаларга киришда ва автомобиль йўлининг траекторияси буриладиган жойларда бурилиш ишораларини кўрсатиш шарт эмас.

47. Ҳайдовчи ҳаракат йўналишини ўзгартириш ҳақидаги огоҳлантирувчи ишорани беришдан олдин орқадан келаётган, уни қувиб ўтишни бошлаган ва бошқа ҳаракат иштирокчиларига халақит бермаётганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

48. Товушли ишоралар фақат қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

— аҳоли пунктларидан ташқарида бошқа ҳайдовчиларни қувиб ўтиш ҳақида огоҳлантириш учун;

— зарур бўлган ҳолларда йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олиш учун.

Аҳоли яшайдиган жойларда, йўл яқинида дам олувчиларга, ҳаракат билан боғлиқ бўлмаганларга ва йўл иштирокчиларига халақит бөрмаслик учун товуш мосламаларидан фойдаланиш тақиқланади.

49. Қувиб ўтиш ҳақида товушли ишора ўрнига ёки у билан бирга чироқларни ёқиб-ўчириб, огоҳлантириш ишорасини ҳам бериш мумкин.

Қувиб ўтишни хавфсиз бажариш, қувиб ўтилаётган ҳайдовчининг эътиборини жалб этиш учун огоҳлантириш ишораларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай вазиятда огоҳлантирувчи ишоралар сифатида фараларни ёқиб-ўчириш ва аҳоли яшамайдиган жойларда товуш мосламасидан фойдаланиш мумкин, лекин бошқа ҳайдовчиларнинг кўзларини қамаштирадиган даражада фаранинг узоқни ёритувчи чироқларидан ушбу мақсадда фойдаланиш тақиқланади.



50. Бурилишни кўрсатувчи барча ёруғлик ишораларининг бир вақтда милтиллаши авария ишоралари ҳисобланади.

Шатакка олинган транспорт воситаси паст тезлиги ва паст динамикаси билан маълум даражада оқимдаги транспорт воситаларига халақит беради. Шу сабабли шатакка олинган транспорт воситаларида сутканинг исталган вақтида фалокат ёруғлик

чироқлари ёқилган бўлиши керак (улар ишламаганида габарит чироқлари).

Авария ишораси қуйидаги ҳолларда ёқилиши керак:

— йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда (А);



— тўхташ тақиқланган жойларда мажбурий тўхталганда (В);


— чироқлар ёруғлиги ҳайдовчининг кўзини қамаштирганда (С);

— шатакка олишда (шатакка олинган транспорт воситасида) (D).

Транспорт воситаларида ҳаракатланиш тақиқланмаган, лекин фойдаланиш тақиқланган (3-иловада) техник носозликлар пайдо бўлганда тавмирлаш ёки тўхтаб туриш жойларига етиб бориш учун фалокат ёруғлик ишоралари қўлланилади.

Транспорт воситаси хавф туғдириши мумкин бўлган бошқа ҳолларда ҳам ҳайдовчи йўл ҳаракати қатнашчиларини огоҳлантириш мақсадида авария ишораларини ёқиши керак.

51. Транспорт воситаси тўсатдан тўхтаб қолганида зудлик билан авария



ёруғлик ишорасини ёқиш, агар ишламаса, авария тўхташ белгисини (E) (милтилловчи қизил чироқ (F)) дарҳол ўрнатиш керак. У қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

— йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда;

— тўхташ тақиқланган жойларда ёки тўхтаган жойидаги кўриниш транспорт воситасини бошқа ҳайдовчилар томонидан ўз вақтида пайқаб олишга тўсқинлик қиладиган жойларда мажбурий тўхтаб қолганда.

Бундай белги (E) (чироқ) (F) ҳайдовчиларни хавфли вазият ҳақида ўз вақтида огоҳлантириш имконини берадиган масофада ўрнатилиши керак. Бу масофа аҳоли яшаш жойларида транспорт воситасидан 15 метр, аҳоли яшамайдиган жойларда эса 30 метрдан кам бўлмаслиги керак.

52. Шатакка олинган транспорт воситасида авария ёруғлик ишоралари бўлмаса ёки улар ишламаса, унинг орқа томонига авария сабабли тўхташ белгиси ўрнатилиши керак (E).

VIII мавзуга оид тестлар


<p>1 Ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлашдан олдин қандай амалларни бажариши керак?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Транспорт воситасининг созлигини ва тўла жиҳозланганлигини текшириши. 2. Ҳаракатланиш бошланиши хавфсиз бўлишига ва ҳаракатнинг бошқа иштирокчиларига халақит бормаслигига ишонч ҳосил қилиши керак. 3. Төғишли йўналишдаги бурилишнинг ёруғлик кўрсаткичи билан ишора бериши. 4. Санаб ўтилган ҳамма ҳаракатларни бажариши. 	<p>2 Куннинг қоронғи вақтида сунъий ёритилмаган йўлларда ёки етарлича кўринмаслик шароитида ёнмайдиган орқа габарит чироқлари билан тўхтаб туриш ёки таъмирлаш жойига боришга рухсат бериладими?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Алоҳида эҳтиёткорлик билан боришга рухсат берилади. 2. Тақиқланади.
<p>3 Қайси ҳолда қондалар огоҳлантириш ишорасини беришни талаб қилмайди?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Қатнов қисмининг чеккасида тўхташ олдидан. 2. «Хавфли бурилиш» белгиси билан белланган йўлнинг эгри бурилиш жойи олдидан. 3. Қўшни ҳаракат бўлагига ўтиш олдидан. 	<p>4 Кундузги вақтда яқинни ёритувчи фара чироғини ёқиш огоҳлантириш ишораси бўладими?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Бўлади. 2. Бўлмайди.
<p>5 Қайси ишоралар огоҳлантирувчи ҳисобланади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Бурилишни кўрсатадиган милтилловчи чироқ ёки қўл билан бериладиган ишоралар. 2. Тovuшли ишоралар. 3. Фара чироқларининг ўчиб-ёқилиши ва кундузги вақтда яқинни ёритувчи фара чироғининг ёқилиши. 4. Санаб ўтилган барча ишоралар. 	<p>6 Огоҳлантириш ишорасини бериш ҳайдовчига биринчи ҳаракатланиш ҳуқуқини берадими?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Бермайди. 2. Манёврни тугатиш вақтида беради. 3. Манёврни бошлаш вақтида беради. 4. Ҳамма ҳолларда беради.

<p>7 Ҳайдовчи аҳоли яшайдиган жойдан ташқаридаги йўлда қувиб ўтиладиган ҳайдовчининг эътиборини жалб этиш учун фаралар чироқларини ўчириб-ёқиш ва товуш ишораси беришни қўллаб тўғри қилдимиз?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Нотўғри. 2. Тўғри. 	<p>8 Қувиб ўтишда фараларнинг узоқни ёритувчи чироқларидан огоҳлантирувчи ишора сифатида фойдаланиш мумкинми?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳамма ҳолда мумкин. 2. Мумкин, агар бу бошқа ҳайдовчиларнинг кўзини қамаштирмаса, шу жумладан, орқани кўриш кўзгуси орқали ҳам. 3. Мумкин эмас. 4. Аҳоли яшайдиган жойлардан ташқаридаги йўлларда мумкин.
<p>9 Ҳайдовчи манёврни бажаришда бурилиш кўрсаткичлари билан ёруғлик ишорасини ҳар доим бериши керакми?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳар доим бериши керак. 2. Керак эмас, агар ҳаракатланишнинг бошқа қатнашчиларини чалғитиши мумкин бўлса. 3. Керак, зарурий эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда. 	<p>10 Куннинг қоронғи вақтида йўлнинг ёритилган қисмида ҳаракатланаётган механик транспорт воситасида қайси чироқлар ёқилган бўлиши керак?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Фараларнинг яқинни ёритувчи чироқлари. 2. Фараларнинг узоқни ёритувчи чироқлари ёки габарит чироқлар. 3. Фараларнинг яқинни ёритувчи чироқлари (туманга қарши фаралар) ёки габарит чироқлар.

IX. ҲАРАКАТЛАНИШНИ БОШЛАШ, ЙЎНАЛИШЛАРНИ ЎЗГАРТИРИШ


53. Ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, йўналишни ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажариладиган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши керак.

54. Ёндош ҳудудлардан йўлга чиқаётган ҳайдовчи унда ҳаракатланаётган транспорт воситалари (А) ва пиёдаларга (В), шунингдек, йўлдан чиқишда ҳаракат йўналишини кесиб ўтаётган пиёдалар (С) ва велосипедчиларга (D) йўл бериши керак.




Ёндош ҳудуд (ҳовли, ташкилот, ёнилғи қуйиш шохобчаси, турар жой


даҳалари ва шунга ўхшаш) чорраҳа ҳисобланмайди.



55. Ҳайдовчи қайта тизилишда (E) ён бўлақда йўналишини ўзгартирмасдан ҳаракатланаётган транспорт воситаларига йўл бериши керак (F).



Бир йўналишда ҳаракатланаётган транспорт воситалари бир вақтда қайта тизилаётганида ҳайдовчи (G) ўнг томондаги транспорт воситасига йўл бериши керак (H).



56. Ҳайдовчи айланма ҳаракатланиш ташкил қилинган чорраҳаларга кириш учун бурилишдан бошқа барча ҳолларда ўнгга (J), чапга бурилиш ёки қайрилиб олишдан (K) олдин шу йўналишда ҳаракатланиши мўлжалланган қатнов қисмининг энг четки ҳолатини эгаллаши шарт.




Агар 5.8.1 ёки 5.8.2 йўл белгилари (L) ёхуд 1.18 йўл чизиғи билан бошқа ҳаракатланиш тартиби ўрнатилмаган бўлса, қатнов қисмининг ўртасида у билан бир сатҳда жойлашган бир йўналишдаги трамвай изидан (M) чап-



га бурилиш ва қайрилиб олишга рухсат этилади. Бироқ бу трамвай ҳаракатига халақит бөрмаслиги керак.

Айланма ҳаракат ташкил этилган чорраҳага киришда нечта бўлак бўлса, барчасидан баробар кириш мумкин. Айланма ҳаракатли чорраҳанинг ичида қаторлар бўйича ҳаракатланиш кучга кириб, ундан чиқиш (5.8.1, 5.8.2 белгилари бўлмаса) энг четки (N) ўнг қатордан амалга оширилади. Айланма ҳаракатли чорраҳадан чиқишда 5.8.1, 5.8.2 белгилари нечта бўлак устида ўрнатилган бўлса, барчаси бўйлаб чиқиш мумкин.




57. Бурилишни шундай амалга ошириш керакки, бунда қатнов қисмларининг кесишмасидан чиқаётган транспорт воситаси қарама-қарши йўналишдаги ҳаракат бўлагига ўтиб кетмаслиги керак.


Ўнгга бурилаётган транспорт воситаси иложи борича қатнов қисмининг ўнг томонига яқинроқда ҳаракатланиши керак (O).



58. Транспорт воситаси ўзининг ташқи габаритлари ёки бошқа сабабларга кўра Қоидаларнинг 56-банди талабларига мувофиқ бурилишни бажара олмаса, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаб, бошқа транспорт воситаларига ҳалақит бермасдан, талаблардан четга чиқишига йўл қўйилади.




59. Рельсиз транспорт воситасининг ҳайдовчиси йўлнинг чорраҳадан ташқари жойида чапга бурилиш ёки қайрилиб олишда қарама-қарши йўналишдан ҳаракатланаётган транспорт воситаларига ва бир йўналишдаги трамвайга йўл бериши шарт.




Чорраҳадан ташқаридаги қатнов қисмининг кенглиги четки чап ҳолатдан қайрилиб олиш учун етарли бўлмаса, ушбу манёврни қатнов қисмининг ўнг четидан (йўлнинг ўнг ёқасидан) амал-

га ошириш мумкин. Бу ҳолда ҳайдовчи бир йўналишдаги ва қарама-қарши йўналишдаги транспорт воситаларига йўл бериши шарт.



60. Транспорт воситаларининг ҳаракат йўналишлари кесишадиган ва ўтиш навбати Қоидаларда назарда тутилмаган ҳолларда ҳайдовчи ўнг томондан яқинлашиб келаётган транспорт воситасига йўл бериши керак.




61. Секинлашиш бўлаги бўлган йўлларда (P) бурилмоқчи бўлаётган ҳайдовчи ўз вақтида шу бўлаққа ўтиши




ва тезликни фақат унда камайтириши керак.

Йўлга чиқиш жойида тезлашиш бўлаги бўлса (Q), ҳайдовчи унда ҳаракатланиши ва қўшни бўлақда ҳаракатланаётган транспорт воситаларига йўл бериб, транспорт оқимиغا қўшилиши керак.




62. Қуйидаги жойларда қайрилиб олиш тақиқланади:

— пиёдаларнинг ўтиш жойларида;




— туннелларда;




— кўприклар, йўл ўтказгичлар, эстакадалар ва уларнинг остида (тегишли


йўл белгилари билан бундай манёврни бажариш рухсат берилган йўл қисмлари бундан мустасно);




— темир йўл кесишмаларида;




— йўлнинг кўриниши бирор-бир йўналишда 100 метрдан кам бўлган жойларда.




— йўналишли транспорт воситалари бекати жойларида.



63. Транспорт воситасини орқага ҳаракатлантиришда ҳайдовчи йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаши ва бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига халақит бермаслиги шарт. Зарурат туғилганда ҳайдовчи бошқа шахсларнинг ёрдами-дан фойдаланиши керак.



Орқага ҳаракатланиш чорраҳаларда ва Қоидаларнинг 62-бандига мувофиқ қайрилиб олиш мумкин бўлмаган жойларда тақиқланади.



IX мавзуга оид тестлар

1 Қайрилиш тақиқланади:

1. Чорраҳага 15 метрдан яқинроқда.
2. Тартибга солинмайдиган чорраҳаларда, агар кесиб ўтилаётган йўлда бир томонлама ҳаракатланиш ташкил этилган бўлса.
3. Пиёдалар ўтиш жойларида.
4. Ҳамма санаб ўтилган ҳолларда.

2 Ҳаракатда имтиёзга эга бўлади:

1. Кўк автомобиль, чунки қизил автомобиль ҳаракатланиш бўлагини чапга ўзгартиради.
2. Қизил автомобиль, чунки ўзаро қайта тизилишда у ўнг томонда бўлади.
3. Кўк автомобиль, чунки ўзаро қайта сафланишда у чап томонда бўлади.



3 Бурилишда ҳаракат қилганда автопоезднинг тиркамаси силжийдими?

1. Бурилиш марказидан бошқа томонга силжийди.
2. Силжмайди.
3. Бурилиш марказига силжийди.

4 Енгил автомобиль ҳайдовчиларининг қайси бири аҳоли яшайдиган жойларда ҳаракатланиш қоидаларини бузаяпти?

1. Фақат «Б» автомобиль ҳайдовчиси.
2. Иккаласи ҳам бузмоқда.
3. Иккаласи ҳам бузмаяпти.



5 Чорраҳада қайси йўналишларда ҳаракат қилишга рухсат этилади?

1. Фақат «Г» ва «Е».
2. А, Б, Г, Д.
3. Б, В, Г, Д.



6 Юк автомобилларининг автомагистралларда иккинчи бўлақдан нарироқда ҳаракатланишга рухсат этиладими?

1. Рухсат этилади, рухсат этилган тўла вазни 3,5 т дан ошиб кетмаса.
2. Рухсат этилади, рухсат этилган тўла вазни 3,5 т дан ортиқ бўлса.
3. Тақиқланади.

7 Қайси транспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳаракатланишда имти-
ёзга эга?

1. Автомобиль ҳайдовчиси.
2. Трамвай ҳайдовчиси.



8 Сиз учта бўлаги бўлган икки томон-
лама ҳаракатли йўл бўйлаб кетяп-
сиз. Ўрта бўлакка ўтишга қандай ҳолда
рухсат этилади?

1. Фақат қувиб ўтиш учун.
2. Фақат айланиб ўтиш учун.
3. Фақат чапга бурилиш ёки орқага бурилиш
учун.
4. Барча санаб ўтилган ҳолларда.

9 Қайси жойларда орқа билан
ҳаракатланиш тақиқланади?

1. Бир томонлама ҳаракатли йўлларда.
2. Кўприкларда, осма йўлларда,
эстакадаларда ва уларнинг остида.
3. Тоғли йўлларда.
4. Автомагистралларда.
5. Барча санаб ўтилган жойларда.



10 Икки томонлама ҳаракатли йўлда
учта бўлак бор, сиз унга бурили-
шингиз зарур. Сиз ушбу манёврни қайси
бўлақдан амалга оширасиз?

1. Ўнг бўлақдан.
2. Ўрта бўлақдан.
3. Ўнг ёки ўрта бўлақдан.
4. Ўрта бўлақдан, лекин фақат ўнг бўлак
банд бўлган вақтда.

Х. ЙЎЛНИНГ ҚАТНОВ ҚИСМИДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШУВИ

Рельсиз транспорт воситалари йўлнинг қатнов қисмида бўлақлар бўйича муносиб жойлашуви йўлнинг ўтказиш қобилиятининг юқори даражада бўлишини таъминлайди.


64. Рельсиз транспорт воситалари ҳаракатланадиган бўлақлар сони чизиқлар ва (ёки) 5.8.1, 5.8.2, 5.8.7, 5.8.8 йўл белгилари билан белгиланади.



Бундай чизиқлар ёки йўл белгилари бўлмаса (А), ҳайдовчилар ҳаракатланиш бўлақлари сонини, қатнов қисмининг кенглигини, транспорт воситалари орасидаги зарур ёнлама оралиқ масофани ва уларнинг габарит ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда ўзлари аниқлайдилар. Бунда ҳаракат икки томонлама бўлган йўл қатнов қисмининг чап томондаги ярми, қатнов қисмининг жойлардаги кенгайишлари (секинлашиш ва тезлашиш бўлақлари, баландликка кўтарилишдаги қўшимча бўлақлар, йўналишли транспорт воситаларининг тўхташ жойларидаги кенгайишлар)ни ҳисобга олмаган ҳолда, қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиш учун мўлжалланган деб ҳисобланади.


Шуни таъкидлаш керакки, ҳаракатланиш бўлаги транспорт воситаларининг бир қатор бўлиб ҳаракатланиши учун мўлжалланган. Давлат стандарти (ГОСТ 13508-74)га кўра ҳаракатланиш бўлаги 2,5 метрдан 3,75 метргача бўлади.

65. Тўрт ва ундан ортиқ бўлакли, ҳаракат икки томонлама бўлган йўлларда қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиш учун мўлжалланган бўлакларга чиқиш тақиқланади (В).




Бундай йўлларда қарама-қарши оқим икки узлуксиз йўл чизиғи билан ажратилади ва бу чизиқни кесиб ўтиш тақиқланади. Йўл чизиғи кўринмаса ёки умуман бўлмаса ҳам қарама-қарши бўлакка чиқиш тақиқланади.

66. Ҳаракат икки томонлама бўлган ва чизиқлар билан белгиланган (1.9 чизиғи билан белгиланганидан ташқари) учта бўлакли йўлларда икки йўналишда ҳаракатланиш учун мўлжалланган ўрта бўлакка (С) фақат қувиб ўтиш, айланиб ўтиш, чапга бурилиш ва қайрилиб олиш учунгина чиқишга рухсат этилади. Қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиш учун мўлжалланган четки чап бўлакни эгаллаш тақиқланади (D).



67. Аҳоли пунктларидан ташқаридаги йўлларда ҳамда аҳоли пунктларида айрим турдаги транспорт воситалари учун Қоидаларда белгилангандан юқори тезликда ҳаракатланиш рухсат этилган йўл



қисмларида ҳайдовчилар транспорт воситаларини мумкин қадар қатнов қисмининг ўнг четига яқинроқ олиб ҳаракатланишлари керак. Ўнг бўлаклар бўш бўлганда чап бўлакларни эгаллаш тақиқланади.



Аҳоли яшамайдиган жойларда йўл чеккасида йўл ёқаси бўлиб, транспорт воситалари тўхташ ва тўхтаб туриш учун йўл ёқасига чиқади ва йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситаларига халақит бერмайди. Транспорт воситаларининг ўнг бўлак бўйлаб ҳаракатланишларига тўлиқ имконият яратилади.

Аҳоли пунктларида ушбу банднинг биринчи хатбоши ва Қоидаларнинг 69, 123 ва 161-бандларидаги талабларни ҳисобга олган ҳолда, ҳайдовчилар ўзларига қулай бўлган ҳаракатланиш бўлагидан фойдаланишлари мумкин. Ҳаракат серқатновлиги сабабли бошқа бўлаклар банд бўлган ҳолларда ҳаракатланиш бўлагини фақат ўнгга ёки чапга бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш, тўхташ ёки тўсиқни четлаб ўтиш олдидан ўзгартиришга рухсат этилади.





Бироқ бир йўналишдаги уч ва ундан ортиқ бўлакли ҳар қандай йўлда четки чап бўлакни (E) ҳаракат серқатновлиги сабабли бошқа бўлаклар банд бўлган

ҳолларда, шунингдек, қувиб ўтиш, чапга бурилиш ёки қайрилиб олиш, рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобилларига эса, фақат чапга бурилиш ёки қайрилиб олиш учун эгаллашга рухсат этилади (F).



68. Тезлигини соатига 40 километрдан ошириши мумкин бўлмаган ёки техник сабабларга кўра тезлигини бундан ошира олмайдиган транспорт воситалари айланиб ўтиш, қувиб ўтиш, чапга бурилиш ёки қайрилиб олиш учун қайта тизилишдан ёки рухсат этилган ҳолларда йўлнинг чап томонида тўхташдан бошқа ҳолларда фақат четки ўнг бўлақда (G) ҳаракатланишлари керак.



Бир томонлама ҳаракатланиш жорий этилган йўлларда рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан юқори бўлган юк автомобиллари йўлнинг четки чап бўлагига юк ортиш ёки тушириш учун чиқишлари мумкин. Бошқа сабаблар билан четки чап бўлакни банд қилмасликлари керак.


Аҳоли яшайдиган жойларда чапга бурилиш ва орқага қайрилиш каби манёврлар тез-тез учраб туриши боис, ҳайдовчилар ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларига асосан мўлжалланган манёврни бажариш учун ўзига тўғишли йўл бўлагини эгаллашлари лозим.

Ҳаракат бир томонлама бўлган йўлнинг чап бўлагига тўхташ ва тўхтаб

сөкин ҳаракатланувчи транспорт воситалари учун алоҳида бўлак бўлиб тўғишли белгиларга эга бўлса, бундай транспорт воситаларининг ҳайдовчилари шу бўлақдан фойдаланишлари лозим.


69. Бир йўналишдаги қатнов қисмининг чап томонида у билан бир сатҳда жойлашган трамвай изидан (H) шу йўналишдаги бошқа бўлақлар банд бўлганда ҳаракатланишга, шунингдек, айланиб ва қувиб ўтишга, чапга бурилиш ва қайрилиб олишга Қоидаларнинг 56-бандини ҳисобга олган ҳолда рухсат этилади. Бироқ бу трамвайга

халақит бәрмаслиги керек. Қарама-қарши йўналишдаги трамвай изидан ҳаракатланиш тақиқланади (J).




Агар чорраҳадан олдин 5.8.1 ёки 5.8.2 йўл белгилари ўрнатилган бўлса, чорраҳадан ўтишда трамвай изларидан ҳаракатланиш тақиқланади.


70. Агар қатнов қисми йўл чизиқлари билан бўлақларга ажратилган бўлса, транспорт воситаларининг ҳаракатланиши қатъий равишда белгиланган бўлақларда амалга оширилиши керак. Фақат қайта тизилишда узук-узук чизиқларни босиб ўтишга рухсат этилади (K).



71. Реверсив ҳаракатланишли йўлга бурилишда транспорт воситалари қатнов қисмлари кесишмасидан чиқишда четки ўнг бўлақни эгаллаши керак. Шу йўналишдаги бошқа бўлақларда ҳам ҳаракатланишга рухсат берилганлигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина ҳайдовчига қайта тизилишга рухсат этилади.




72. Қоидаларнинг 88, 166-бандларида кўзда тутилгандан бошқа ҳолларда транспорт воситаларининг ажратувчи бўлақ, йўл ёқаси, тротуар (L) ва пиёдалар йўлчаларидан ҳаракатланиши тақиқланади. Бу жойларда йўлдан фойдаланиш ва коммунал хизмат машиналарининг (M) ҳаракатланишига, шунингдек, бевосита йўл ёқасида, тротуар ёки пиёдалар йўлчалари олдида жойлашган савдо шохобчалари, корхоналар ва бошқа иншоотларга юк олиб кириш учун бошқа имконияти бўлмаган транспорт воситаларига яқин йўлдан киришга рухсат этилади. Бунда ҳаракат хавфсизлиги тўла таъминланган бўлиши шарт.



73. Ҳайдовчи ўзидан олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси кескин тормоз берганида тўқнашиб кетмаслик кафолатини берадиган даражадаги оралиқ масофани (N), шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган ёнлама оралиқ масофани (O) сақлаши керак.

Ҳайдовчи йўлнинг ҳолати ва шароитини, транспорт воситаси ва ташилаётган юкнинг хусусиятларини

инобатга олган ҳолда оралиқ масофа (дистанция ва интервал)ларни танлаши керак.



74. Аҳоли яшаш жойларидан ташқаридаги икки томонлама ҳаракат ташкил этилган икки бўлакли йўлларда тезлигини соатига 50 километрдан ошириши мумкин бўлмаган, шунингдек, узунлиги 7 метрдан ортиқ бўлган транспорт воситаларининг (транспорт воситаларининг таркиби) ҳайдовчилари ўзи ва олдида ҳаракатланаётган транспорт воситаси орасида, уларни қувиб ўтаётган транспорт воситалари олдин эгаллаган бўлакка бемалол қайта тизилиши учун имкон берадиган масофани (P) сақлашлари керак.



Бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ секин юрадиган транспорт воситаларини қувиб ўтиш ҳар доим ҳам хавфсиз бўлавермайди. Шунинг учун қувиб ўтиляётган ҳайдовчи қувиб ўтувчи ҳайдовчига имкон бериши керак.

Қувиб ўтиш тақиқланган йўлларда, шунингдек, транспорт воситаларининг ташкилий жамланмаси таркибида ва серқатнов бўлган йўлларда ҳаракатланаётганда ушбу талабга амал қилинмайди.


75. Агар бирор-бир тўсиқ сабабли қарама-қарши йўналишларда ҳаракатланиш қийин бўлса, тўсиқ ўз томонида бўлган ҳайдовчи (Q) йўл бериши керак.



Агар тўсиқ олдида имтиёз белгилари бўлса, ҳайдовчи ушбу белгилар талабига бўйсунди.



Тўсиқ олдида (R) тик нишаблик ва баландлик белгилари (S) ўрнатилган жойларда эса пастга ҳаракатланаётган ҳайдовчи (T) йўл бериши керак.



76. Агар йўл белгилари ва чизиқлари бошқа йўналишни кўрсатмаган бўлса, ҳайдовчилар ажратувчи бўлаги бўлмаган икки томонлама ҳаракат ташкил этилган йўллардаги хавфсизлик оролчалари, устунчалар ва йўл иншооти қисмлари (кўприк, йўл ўтказгич устунлари ва шунга ўхшашлар)ни ўнг томондан айланиб ўтишлари керак.

X мавзуга оид тестлар

1 Мазкур светофорнинг қизил ёрит-
гичида ҳаракат тақиқланади:

1. Фақат бир қаторда.
2. Қатнов қисмининг барча кенглиги бўйлаб.
3. Қувиб ўтиш билан.
4. Светофор қайси бўлак устига жойлаштирилган бўлса, ўша бўлак бўйича.



2 Йўлнинг бу қисмида қувиб ўтишга
рухсат этиладими?

1. Рухсат этилади.
2. Тақиқланади.



3 Ҳаракат тезлигини танлашда
ҳайдовчига тақиқланади:

1. Ушбу қоидаларга мувофиқ равишда транспорт воситасига ўрнатилган таниқли белгида кўрсатилган тезликдан ошириш.
2. Кескин тормоз бериш, агар бу ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш учун талаб қилинмаса.
3. Иккала санаб ўтилган ҳаракат тақиқланади.

4 Ҳаракат икки томонлама бўлган, уч
бўлакли йўлда Сиз ўнгга бурилишин-
гиз зарур. Ушбу манёврни Сиз қайси
бўлақдан амалга оширасиз?


1. Ўнг бўлақдан.
2. Ўрта бўлақдан.
3. Ўнг ёки ўрта бўлақдан.
4. Ўрта бўлақдан, лекин фақат ўнг бўлақ банд бўлганда.

5 Чорраҳада айланма ҳаракатланиш
ташкил қилинган. Сиз яқинлашиб
келаётган чорраҳанинг қатнов қисми ик-
кита ҳаракат бўлагига эга. Чорраҳага ки-
ришда бурилиш учун Сиз қайси бўлакни
эгаллашингиз лозим?

1. Ўнг бўлакни.
2. Чап бўлакни.
3. Ўнг ёки чап бўлакни.

6 Белгиланган йўналиш бўйлаб
кетаётган автобус ҳайдовчиси ушбу
шароитда йўл бериши керакми?

1. Керак.
2. Керак эмас.
3. Керак эмас, чунки у тўғрига кетяпти.



7 Қайси йўналишда ҳаракатланишга
рухсат этилади?

1. Фақат чапга.
2. Тўғрига ва ўнгга.
3. Фақат ўнгга.
4. Фақат тўғрига.



8 Қайси йўналишда ҳаракатланиш
тақиқланади?

1. Ўнгга биринчи йўлга.
2. Ўнгга иккинчи йўлга.
3. Ўнгга биринчи ва иккинчи йўлларга.



9 Автомобилларга қайси йўналишда
ҳаракатланишга рухсат берилади?

1. Қизил автомобилга тўғрига, кўк автомо- билга тўғрига ва чапга.
2. Қизил ва кўк автомо- билга тўғрига.
3. Қизил автомобилга тўғрига, кўкига чапга.



10 Юк автомобилнинг қайси
йўналишда ҳаракатланишига
рухсат этилади?

1. Фақат ўнгга.
2. Ўнгга, чапга ва орқа йўналишга.
3. Фақат чапга.



XI. ҲАРАКАТЛАНИШ ТЕЗЛИГИ

Транспорт воситалари ва оқимнинг тезлиги ортгани сайин йўлнинг ўтказиш қобилияти унумлашади, йўловчиларнинг йўлда йўқотадиган вақтлари камаяди, юк ташиш тезлашади, иқтисодий самарадорлиги ортади, лекин юқори тезлик ҳаракатланиш хавфсизлигига таҳдид солади.

77. Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан (А) бошқариши керак.


Тезлик ҳайдовчига Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак.



Рухсат этилган максимал тезлик билан ҳаракатланиш ҳар доим ҳам хавфсиз бўлавермайди. Ҳайдовчи танлаган тезлик, йўлда хавф пайдо бўлганида, транспорт воситасини тўхтаб оладиган даражада бўлиши керак. Бунинг учун ҳайдовчи кўриниш масофасига қараб шундай тезлик танлаши керакки, тўхташ йўли кўриниш масофасидан ўтиб кетмасин (автомобилнинг тўхташ йўли – ҳайдовчи хавфни кўриб тўлиқ тўхтагунича ўтган масофа).

Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф (В) юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари

учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак.



Хавф – йўл ҳаракати қоидаларини бузиб, бехосдан пайдо бўладиган транспорт воситалари, пиёдалар ва ҳ. к.

Тўсиқ – транспорт воситасидан тушиб қолган бирор-бир юк, йўлда бузилиб тўхтаб турган транспорт воситаси ва бошқалар.

78. Аҳоли пунктларида транспорт воситаларининг тезлигини соатига 70 километрдан, турар жой даҳалари ва ёндош ҳудудларда (уй-жой бинолари орасидаги ер участкасида) эса соатига 30 километрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади.



Тезликнинг бундай чекланиши фақат кириши 5.22, чиқиши 5.23 (асоси оқ рангда бўлган) йўл белгилари билан белгиланган аҳоли яшаш жойларига тегишли.



Кириш жойи 5.24, чиқиш йўли 5.25 (асоси кўк рангли) белгилар билан белгиланган ҳудуддаги тезлик аҳоли яшамайдиган жойлардаги тезлик чегараси билан бир хил бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, ДИҲХХ билан келишилган ҳолда, йўл шaroитлари юқори тезликда хавфсиз ҳаракатланишни таъминлайдиган ҳолларда, йўлларнинг айрим қисмлари ёки ҳаракатланиш бўлақларида айрим транспорт воситаларига ҳаракатланиш тезлигини оширишга (тегишли йўл белгиларини ўрнатиб) ваколатлидир.

79. Аҳоли пунктларидан ташқарида:


— енгил автомобилларга ва рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан ошмайдиган юк автомобилларига тезликни соатига 100 километрдан оширмасдан;



— шаҳарлараро қатнайдиغان автобусларга ва микроавтобусларга тезликни соатига 90 километрдан оширмасдан;

— бошқа автобуслар, тиркамали енгил автомобиллар, мотоцикллар, рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан ортиқ


бўлган юк автомобилларига тезликни соатига 80 километрдан оширмасдан;



— тиркамали юк автомобилларига тезликни соатига 70 километрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади.

80. Ҳар қандай йўлларда:

— юкхонасида одам ташиётган юк автомобилларига тезликни соатига 60 километрдан оширмасдан;




— болалар гуруҳини ташкилий ташиётган транспорт воситаларига тезликни соатига 60 километрдан оширмасдан;

— механик транспорт воситаларини шатакка олган транспорт воситаларига тезликни соатига 50 километрдан оширмасдан;



— хавфли, оғир вазни ва катта ўлчамли юкларни ташиётган, ташкилий жамланмада ҳаракатланаётган транспорт воситаларига ДЙҲХХ билан келишилган тезликдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади.



81. Ҳайдовчиларга қуйидагилар тақиқланади:

— тезликни мазкур транспорт воситасининг техник тавсифномасида кўрсатилган энг юқори тезликдан ошириш;

Пастлик (нишаблик) томон ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг тезлиги ишлаб чиқарувчи ташкилот томонидан мазкур транспорт воситасининг техник тавсифномасида кўрсатилган нормадан ошиб кетиши мумкин. Бу ҳол транспорт воситасининг тургунлиги йўқолиб, ағанаб кетишга олиб келиши мумкин.

— тезликни транспорт воситасига ўрнатилган «Тезлик чекланган» таниқлик белгисида кўрсатилганидан ошириш;

Баъзи махсус транспорт воситалари (автокран, ун ташувчи цистерна, цемент ташувчи цистерна, бетон ташувчи цистерна ва шу кабилар) ишлаб чиқарувчи ташкилот томонидан юқори тезликни чегараловчи таниқли белги билан таъминланади. Йўл шароитлари имкон берган тақдирда ҳам тезликни таниқлик белгида кўрсатилганидан ошириш мумкин эмас.

— зарурият бўлмаганда жуда паст тезликда ҳаракатланиб, бошқа транспорт воситаларига халақит бериш;

Йўлларнинг эни чекланган бўлиб, айниқса, сөрқатнов йўлларда паст тезлик билан ҳаракатланиш тирбандликлар ҳосил қилади ва автотранспортнинг иш унумини пасайтиради (йўловчиларнинг қимматли вақтлари, юкни кечиктириб өтказиш ва ҳ. к.).


— йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олиш зарурияти бўлмаганда кескин тормоз бериш.

Заруратсиз кескин тўхташ кетма-кет келаётган транспорт воситаларининг тўқнашувига олиб келиши мумкин.

XI мавзуга оид тестлар

1 Мазкур шароитда шатакка олиш қандай юқори тезлик билан амалга оширилиши мумкин?

1. 30 км/с.
2. 50 км/с.
3. 70 км/с.
4. 80 км/с.



2 Ҳайдовчи ҳаракат тезлигини танлашда нимани ҳисобга олиши керак?

1. Ҳаракатнинг сөркатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ва ҳолатини.
2. Йўл ва об-ҳаво шароитини.
3. Барча санаб ўтилган омилларни.

3 Қайси транспорт воситасининг ҳайдовчисига белгида кўрсатилган тезлик билан ҳаракатланишга рухсат берилган?

1. Ҳар икки ҳайдовчига.
2. Фақат микроавтобус ҳайдовчисига.
3. Ҳар иккисига тақиқланган.



4 Агар барча транспорт воситалари 80 км/соат тезлик билан ҳаракат қилса, ҳайдовчилардан қай бири қондаларнинг талабларини бузади?

1. Мотоцикл ва юк автомобилнинг ҳайдовчилари.
2. Мотоцикл ва енгил автомобилнинг ҳайдовчилари.
3. Ҳамма ҳайдовчилар.
4. Мотоцикл ҳайдовчиси.
5. Ҳеч ким бузмайди.



5 Автомобилнинг таниқлик белгиси бўлганда йўлнинг мазкур қисмида қандай юқори тезлик билан ҳаракатланишга рухсат этилади?

1. 70 км/с.
2. 90 км/с.
3. 100 км/с.



6 Бундай йўл белгиси ўрнатилган йўл қисмларида мотоциклларга қандай юқори тезлик билан ҳаракатланишга рухсат этилади?

1. 60 км/с.
2. 70 км/с.
3. 80 км/с.
4. 90 км/с.
5. 100 км/с.



7 Шундай йўл белгиси билан белгиланган йўл қисмларида шаҳарлараро бўлмаган автобусларнинг қандай юқори тезлик билан ҳаракатланишига рухсат этилади?

1. 50 км/с.
2. 60 км/с.
3. 70 км/с.
4. 80 км/с.
5. 90 км/с.



8 Автопоездни шу вазиятда, агар у 40 км/с дан кам тезлик билан ҳаракат қилаётган бўлса, қувиб ўтишга рухсат этиладими?

1. Тақиқланади.
2. Рухсат этилади.



9 Аҳоли яшайдиган жойлардан ташқарида юк автомобиль юкхонасида одамларни ташишда қандай энг юқори тезликда ҳаракатланишга рухсат этилади?

1. 40 км/с.
2. 50 км/с.
3. 60 км/с.
4. 70 км/с.
5. 80 км/с.

10 Бундай йўл белгиси билан белгиланган йўл қисмларида рухсат этилган тўла вазни 3,5 т дан ортиқ бўлган юк автомобилларининг қандай юқори тезлик билан ҳаракатланишига рухсат этилади?

1. 60 км/с.
2. 90 км/с.
3. 80 км/с.
4. 70 км/с.
5. 100 км/с.



XII. ҚУВИБ ЎТИШ

Қувиб ўтиш – эгаллаган ҳаракатланиш бўлагидан чиқиб, олдинда кетаётган транспорт воситаларидан ўзиб кетиш. Тўхтаб турган транспорт воситасини айланиб ўтиш қувиб ўтиш ҳисобланмайди.

Ёнма-ён бўлакдаги транспорт воситасидан ўзиб кетиш қувиб ўтиш ҳисобланмайди (Қоидаларнинг 67-банди).


Икки томонлама ҳаракатли икки бўлакли йўлларда қувиб ўтиш қарама-қарши йўналишдаги бўлакка чиқиш орқали, хавфсизлик қоидаларига амал қилган ҳолда бажарилади.

Икки томонлама ҳаракатланувчи уч бўлакли йўлларда қувиб ўтиш ўрта бўлакка чиқиш билан амалга оширилади.

Икки томонлама ҳаракатланувчи тўрт ва ундан кўп бўлакли йўлларда қувиб ўтиш йўналиши бўйича қўшни қаторга чиқиш билан боғлиқ.


82. Ҳайдовчи қувиб ўтишни бошлашдан олдин:

— ўзи ўтмоқчи бўлган ҳаракатланиш бўлаги (А) қувиб ўтиш учун етарлича масофада бўш эканлигига, қувиб ўтиш жараёнида ҳаракатланишга хавф туғдирмаслигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслигига;



— шу бўлакда орқада ҳаракатланаётган транспорт воситаси қувиб ўтишни бошламаганлигига (В);


— олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси қувиб ўтиш, чапга бури-




лиш (қайта тизилиш) ишорасини бермаётганлигига (С);




— қувиб ўтишни тугаллаётганда қувиб ўтилаётган транспорт воситасига (D) халақит бермасдан илгари эгаллаган бўлакка қайтиб ўта олишига ишонч ҳосил қилиши шарт.



83. Рельсиз транспорт воситаларини фақат чап томондан қувиб ўтишга рухсат берилади (Е). Бироқ чапга бурилиш ишорасини бериб, бурилишга киришган транспорт воситасини қувиб ўтиш ўнг томондан (F) амалга оширилади.





Қувиб ўтиш жараёнининг хавфсиз амалга оширилиши қувиб ўтилаётган транспорт воситаси ҳайдовчисининг хулқиға ҳам боғлиқ.

84. Қувиб ўтилаётган транспорт воситасининг ҳайдовчисига ҳаракат тезлигини ошириш ёки бошқа хатти-ҳаракатлар билан қувиб ўтишга тўсқинлик қилиш тақиқланади.

Акс ҳолда қувиб ўтаётган транспорт воситаси ўз бўлагига қайта тизила олмай бошқа транспорт воситалари (рўпарадан келувчи) билан тўқнашиб кетиши ҳам мумкин.

85. Қувиб ўтишни тугаллагандан сўнг ҳайдовчи илгари эгаллаган ҳаракатланиш бўлагига қайтиши шарт (G) (ўнг томондан рухсат этилган қувиб ўтишдан ташқари).



Тўрт ва ундан кўп бўлакли йўлларда қувиб ўтишни тугаллаган ҳайдовчи ўз бўлагига қилиши мумкин (бу манёвр илгарилаб ўтиш ҳисобланади).


Ўз қаторига қайтишда қувиб ўтилаётган транспорт воситасининг олдида кескин бурчак билан эмас, балки оралиқ масофани ҳар томонлама сақланган ҳолда равон ўтиш керак.

Бироқ ушбу йўналишда ҳаракатланиш учун икки ёки ундан ортиқ бўлак бўлса, Қоидаларнинг 67-бандини ҳисобга олган ҳолда, қувиб ўтаётган ҳайдовчи ўзи эгаллаган бўлакка

қайтгани заҳоти кейинги қувиб ўтишни бошлашига тўғри келадиган ҳолларда, агар у орқада ўзидан катта тезликда ҳаракатланаётган транспорт воситаларига халақит бермаса, эгаллаган бўлагига ҳаракатланишни давом эттириши мумкин (H).


86. Қувиб ўтиш қуйидаги ҳолларда тақиқланади:

— тартибга солинган чорраҳаларда қарама-қарши ҳаракатланиш бўлагига чиқиб (J);




— тартибга солинмайдиган чорраҳаларда асосий ҳисобланмайдиган йўлларда (K) ҳаракатланишда (айланма ҳаракатланишли чорраҳаларда қувиб ўтиш, кажавасиз икки гилдиракли транспорт воситаларини қувиб ўтиш (L) ва рухсат этилган ҳолларда ўнг томондан қувиб ўтиш бундан мустасно);








— пиёдалар ўтиш жойларида пиёдалар бўлганда;




— темир йўл кесишмаларида ва уларгача 100 метрдан кам масофа қолганда;



— қувиб ёки айланиб ўтаётган транспорт воситаларини (М);



— тепаликнинг охирида ва йўлнинг кўриниши чекланган жойларида қарама-қарши ҳаракатланиш йўналишига чиқиб;



— 3.20 ва 3.22 йўл белгилари таъсири доирасида.

Қуйидаги ҳолларда қувиб ўтишга рухсат этилади:

а) тартибга солинган чорраҳаларда қарама-қарши бўлакка чиқмасдан;

б) тенг аҳамиятли чорраҳаларда кажавасиз мотоциклларни ва велосипедларни;

в) чорраҳаларда асосий йўл бўйлаб;

г) чапга бурилаётган ёки орқага қайрилаётган транспорт воситаларини ўнг томондан.

87. Аҳоли пунктларидан ташқаридаги (N) йўлларда секин ҳаракатланадиган ёки катта ҳажмли транспорт воситасини (O) қувиб ўтиш қийин бўлган ҳолларда унинг ҳайдовчиси ушбу транспорт воситасини иложи борича йўлнинг ўнг томонига олиши, зарур бўлганда эса орқасида тўпланиб қолган транспорт воситаларини ўтказиб юбориш учун тўхташи керак.



XII мавзуга оид тестлар

1 Бу ерда қувиб ўтишга рухсат этиладими?

1. Рухсат этилади.
2. Тақиқланади.
3. Аҳоли яшайдиган жойлардан ташқаридаги йўлларда рухсат этилади.
4. Фақат аҳоли яшайдиган жойлардан ташқаридаги йўлларда тақиқланади.



2 Автопоездни шу вазиятда, агар у 40 км/с дан кам тезлик билан ҳаракат қилаётган бўлса, қувиб ўтишга рухсат этиладими?

1. Тақиқланади.
2. Рухсат этилади.



3 Автомобиль ҳайдовчиси уни бошқа транспорт воситалари қувиб ўтаётганда қандай ҳаракат қилиши керак?

1. Ҳаракат бўлагини ўзгартирмай, ўнг бурилиш ишорасини бериши.
2. Ҳаракат тезлигини ошириш ёки бошқа хатти-ҳаракатлар билан қувиб ўтишга тўсқинлик қилмаслиги.
3. Ҳаракат тезлигини камайтириши, товуш ишора бериши.

4 Бу жойда қувиб ўтишга рухсат этилганми?

1. Қувиб ўтилаётган транспорт воситаси 40 км/с дан кам тезлик билан ҳаракатланганда рухсат этилади.
2. Тақиқланади.
3. Агар қувиб ўтиш темир йўл кесишмасигача тугаса, рухсат этилади.



5 Сиз қувиб ўтиш учун чиқдингиз ва бехосдан рўпарадан келаётган автобусни кўриб қолдингиз. Агар Сиз қувиб ўтишни тугаллай олишингизга ишончингиз бўлмаса, Сиз:

1. Товуш хабарини бериб ва фараларни ёқиб қувиб ўтишни уни тугаллагунча давом эттиришингиз керак.
2. Тезликни аста кўпайтиришингиз ва қувиб ўтишни тезроқ тугаллашингиз керак.
3. Тезликни камайтиришингиз ва аввал эгаллаган бўлагингизга қайтишингиз керак.

6 Кўк автомобилнинг ҳайдовчисига қувиб ўтишга рухсат этиладими?

1. Рухсат этилади.
2. Тақиқланади.
3. Рухсат этилади, агар қизил автомобиль 40 км/соатдан кам тезлик билан ҳаракатланаётган бўлса.



7 Мазкур вазиятда қизил автомобилнинг ҳайдовчисига қувиб ўтишни бажаришга рухсат этиладими?

1. Рухсат этилади.
2. Тақиқланади.
3. Қувиб ўтилаётган транспорт воситасининг тезлиги 40 км/с дан кам бўлганда рухсат этилади.



8 Кўк автомобилнинг ҳайдовчиси қандай йўл тутиши керак?

1. Сарик автомобилга у орқадан келаётгани учун йўл бермай, мўлжалланган йўналишда чорраҳани кесиб ўтиши.
2. Қарама-қарши ҳаракат бўлагига дарҳол қайта тизилиши.
3. Тезликни камайтириши, сарик автомобилга қувиб ўтишни тугаллашига имкон бериши, сўнг эса чапга бурилиши.



9 Ҳаракат тезлиги 40 км/с дан ошмайдиган транспорт воситасига қатнов қисмининг чап бўлагига чиқишга қачон рухсат этилади?

1. Қувиб ўтишда, ўзиб кетишда ёки айланиб ўтишда.
2. Бурилиш ёки қайрилиш олдидан қайта тизилишда.
3. Барча санаб ўтилган ҳолларда.
4. Барча санаб ўтилган ҳолларда, шунингдек, агар бир йўналишда ҳаракатланиш учун учта ва ундан ортиқ бўлак бўлганда.

10 Мазкур вазиятда қувиб ўтишга рухсат этилганми?

1. 40 км/соатдан кам тезлик билан ҳаракатланаётган фақат яқка транспорт воситаларига рухсат этилган.
2. Тақиқланган.
3. Ҳамма ҳолларда рухсат этилган.



XIII. ТЎХТАШ ВА ТЎХТАБ ТУРИШ



Ҳайдовчининг кундалик иш фаолияти транспорт воситаларининг ҳаракатланиши, тўхташи ва тўхтаб туриши билан боғлиқ.

Тўхташ – транспорт воситаларининг ҳаракати 10 дақиқадан кам вақтга тўхташи (ҳаракатсиз ҳолатга келтириш).


Тўхтаб туриш – транспорт воситаларининг унга йўловчи чиқариш ёки тушириш, юк ортиш ёки тушириш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда ҳаракатини 10 дақиқадан кўпроқ вақтга атайин тўхтатиш.

Серқатнов йўлларда транспорт воситасининг йўл чеккасида тўхташи ёки тўхтаб туриши маълум даражада ҳаракатланишга тўсқинлик қилади, ўзга ҳайдовчи ва бошқа йўл иштирокчиларига кўринишни чеклайди ва ҳаракатланиш хавфсизлигига таҳдид солади. Шунинг учун тўхташ ва тўхтаб туриш йўл ҳаракати қоида­сига асосан маълум тартибда бажарилади.


88. Транспорт воситаларига йўлнинг ўнг томони ёқасида (А), у бўлмаганда эса қатнов қисмининг четида ва Қоидаларнинг 89-бандида кўрсатилган ҳолларда тротуарда тўхташ ва тўхтаб туришга рухсат этилади (В).



Аҳоли пунктларида (С) йўлларнинг чап томонида тўхташ ва тўхтаб туришга ҳар йўналишда биттадан ҳаракатланиш бўлаги бўлган, ўртада трамвай изи бўлмаган йўлларда ва бир томонлама ҳаракатли йўлларда рухсат этилади (D).




Рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан кўп бўлган юк автомобиллари бир томонлама (E) ҳаракатли йўлларнинг чап томонида фақат юк ортиш ва тушириш учун тўхташлари мумкин.




89. Транспорт воситаларини йўлнинг қатнов қисмида бир қатор қилиб, кажаваси бўлмаган икки гилдиракли транспорт воситаларини икки қатор қилиб қўйишга рухсат этилади.



Қатнов қисмининг айрим кенгайтирилган жойларида (F) бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига халақит бермаслик шarti билан транспорт воситаларини бошқача тартибда қўйишга ҳам рухсат этилади.



Қатнов қисмига чегарадош тротуар четида фақат енгил автомобиллар, мотоцикллар, мопедлар ва велосипедларга тўхтаб туришга 5.15 йўл белгиси билан бирга 7.6.2, 7.6.3, 7.6.6 — 7.6.9 қўшимча ахборот белгиларидан бири ўрнатилган жойларда рухсат этилади.




90. Аҳоли пунктларидан ташқарида тунаб қолиш, дам олиш ёки бошқа мақсадларда узоқ вақт тўхтаб туришга фақат бунинг учун кўзда тутилган майдончаларда ёки йўлдан ташқарида рухсат этилади.




Сутканинг қоронғи вақтида аҳоли яшамайдиган жойларда йўлларни устунларга ўрнатилган фонарлар билан ёритиш кўзда тутилмаган. Бундай йўлларда габарит чироқларисиз йўлда тўхтаб турган транспорт воситалари кўринмайдиган ёки ёмон кўринадиган тўсиққа айланиб қолади.

91. Қўйидаги жой ва ҳолатларда тўхташ тақиқланади:



— трамвай йўлларида, шунингдек, бевосита уларга яқинроқда трамвайлар ҳаракатланишига халақит берадиган бўлса;



— туннелларда, темир йўл кесишмаларида;




— бир йўналишда ҳаракатланиш учун учтадан кам бўлаги бўлган кўприк (G), йўл ўтказгич ва эстакада ҳамда уларнинг остида (тегишли йўл белгилари билан тўхтаб туриш рухсат берилган йўл қисмлари бундан мустасно);



— тўхтаган транспорт воситаси билан сидирға чизиқ (қатнов қисмининг четини белгиловчи чизиқдан ташқари), ажратувчи бўлак ёки қатнов қисмининг қарама-қарши чети орасидаги масофа 3 метрдан кам бўлган жойларда;



— пиёдалар ўтиш жойларида ва улардан олдин 5 метрдан кам масофа қолганда;





— қатнов қисмининг хавфли бурилишларида;


— лоақал бир йўналишдаги кўриниш масофаси 100 метрдан кам бўлган йўл дўнгликлари яқинида;




— қатнов қисми кесишмаларида (Н) ва кесишаётган қатнов қисми четига 5 метрдан кам масофа қолганда (уч томон-





лама кесишмаларда (чорраҳаларда) ёндан туташган йўлнинг сидирға чизиқ (J) ёки ажратувчи бўлак (K) билан ажратилган қарама-қарши томони (L) бундан мустасно);



— бекат майдончаларида, йўналишли транспорт воситалари тўхташ жойларида, жумладан, 1.17 чизиғи билан белгиланган, улар бўлмаганда эса йўналишли транспорт воситалари тўхташ жойи белгилари ва бекатдан ҳаракатланиш йўналиши бўйлаб (ётмасдан ва ўтиб кетиб) 15 метрдан кам масофада (йўналишли транспорт воситалари ҳаракатига халақит бермаса, йўловчиларни чиқариш ёки тушириш учун тўхташ бундан мустасно);




— транспорт воситаси светофор ишоралари, йўл белгиларини бошқа ҳайдовчилардан тўсиб қўядиган, бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланишига (кириш ва чиқишига) имкон қолдирмайдиган ёки пиёдаларнинг ҳаракатига халақит берадиган жойларда;




— 3.27 йўл белгиси ёки 1.4 йўл чизиғи таъсири доирасида.

- 92.** Тўхтаб туриш тақиқланади:
- тўхташ тақиқланган жойларда;
 - аҳоли яшаш жойларидан ташқарида 2.1 йўл белгиси билан белгиланган йўлларнинг қатнов қисмида;



- темир йўл кесишмаларига 50 метрдан кам масофада;




- 3.27 — 3.30 йўл белгилари ёки 1.4, 1.10 йўл чизиклари таъсири доирасида.

93. Тўхташ тақиқланган жойларда мажбурий тўхтаган ҳайдовчи транспорт воситасини бу жойдан олиб кетишнинг барча чораларини кўриши керак.

Агар бунинг иложи бўлмаса Қоидаларнинг 51-бандига асосан, фалокат ёруғлик ишораларини ёқиш, у бўлмаганида ёки бузуқ бўлганида фалокат сабабли тўхташ белгисини дарҳол ўрнатиш керак.



94. Агар бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатига халақит берадиган бўлса ёки хавф туғдирса, транспорт воситасининг эшикларини очиш тақиқланади.



95. Транспорт воситасининг ўз-ўзидан ҳаракатланиб кетишини ёки ўзи йўқлигида ундан фойдаланишни истисно қиладиган зарур эҳтиёт чораларини кўргандан кейингина ҳайдовчи ўз жойини ташлаб кетиши ёки транспорт воситасини қолдириши мумкин.

Тўхташ тормози носоз бўлса ёки яхши ишламаса, тик нишабликларда турган транспорт воситаси ўз-ўзидан ҳаракатланиб кетиб, хавфли вазиятни вужудга келтириши мумкин.

Транспорт воситасини тарк этаётган ҳайдовчи ўзи йўқлигида ундан фойдаланишни истисно қилиш учун эшикларни қулфлаши, керак бўлса, рул бошқармаси, тормоз педали ва шу кабиларни блокировка қилишдан фойдаланиши керак.

XIII мавзуга оид тестлар

1 Тўхташ қондасини бузган ҳамма ҳайдовчилар қайси жавобда кўрсатилган?

1. Қизил автомобиль ва мотоциклнинг ҳайдовчилари.
2. Кўк автомобилнинг ҳайдовчиси.
3. Мотоциклнинг ҳайдовчиси.
4. Барча транспорт воситаларининг ҳайдовчилари.



2 Қуйидаги қайси суратда ҳайдовчи автомобилни қоидага хилоф равишда тўхташ жойига кўйган?

1. Фақат чапдаги.
2. Чап ва ўртадаги.
3. Барчасида.



3 Қайси автомобиль тўхтаб туришга тўғри қўйилган?

1. Қизил.
2. Ҳар иккиси нотўғри қўйилган.
3. Ҳар иккиси тўғри қўйилган.



4 Бу ерда автомобильнинг тўхташига рухсат берилганми?

1. Тақиқланган, чунки узук-узук ётиқ чизиғи билан тўхтаб турган автомобиль орасидаги масофа 3 метрдан кам.
2. Ойнинг жуфт кунларида тақиқланган.
3. Рухсат берилган.



5 Транспорт воситаларининг темир йўл кесишмасига қанча масофа яқинроқда тўхтаб туришлари тақиқланади?

1. 300 м.
2. 150 м.
3. 100 м.
4. 50 м.
5. 25 м.

6 Йўловчиларни тушириш учун қайси транспорт воситаларининг ҳайдовчилари тўғри тўхтадилар?

1. Енгил автомобиль ҳайдовчиси.
2. Мотоцикл ҳайдовчиси.
3. Автобус ҳайдовчиси.
4. Ҳамма ҳайдовчилар.



7 Қайси автомобильнинг ҳайдовчисига тўхташга рухсат этилган?

1. Енгил автомобилнинг ҳайдовчисига.
2. Юк автомобилнинг ҳайдовчисига.
3. Ҳар икки ҳайдовчига.
4. Юк автомобилнинг ҳайдовчиси учун, агар бир томонга ҳаракатланишга 3 ёки undan ortiq йўналишли йўл бўлса.



8 Бу жойда тўхташга рухсат этилганми?

1. Рухсат этилган.
2. Тақиқланган.



9 Аҳоли яшайдиган жойлардан ташқарида транспорт воситаларининг узок тўхтаб туриши (дам олиш, тунаш ва ҳоказо)га қаерда рухсат этилади?

1. Йўл четида.
2. Тўхтаб туриш майдончаларида ёки йўлдан ташқарида.
3. Йўл қатнов қисмининг ўнг томонида, бироқ у бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланишига тўсқинлик қилмаслиги керак.
4. Йўлнинг чап томонида, бироқ ҳаракат хавфсизлиги чораларига риоя қилган ҳолда.

10 Қуйидаги белги тагидаги қўшимча ахборот белгиси ҳайдовчига нима ҳақида хабар беради?

1. Тўхтаб туриш пайтида юргизгични ўчириш тақиқланади.
2. Тўхтаб туриш фақат юргизгич ишламаётганда мумкин.




XIV. ЧОРРАҲАДА ҲАРАКАТЛАНИШ

Чорраҳа йўлларнинг ўзаро бир сатҳда кесишадиган, туташадиган ва айриладиган жойи бўлиб, бу ерда ҳаракатланиш тартибга солинган ёки тартибга солинмаган бўлиши мумкин.

Ёндош ҳудудларнинг асосий йўлга қўшилган жойлари чорраҳа ҳисобланмайди.

96. Чапга ёки ўнгга буриладиган ҳайдовчи кесишадиган йўлнинг қатнов қисмидан ўтаётган пиёда(лар)га, шунингдек, велосипед йўлкасидан йўлни кесиб ўтаётган велосипедчи(лар)га йўл бериши керак.




Йўналишини ўзгартираётган ҳайдовчи йўналишини ўзгартирмаётган транспорт воситалари ва пиёдаларга йўл беради. Қарама-қарши йўналишда бир вақтда траектория ўзгартириладиган бўлса, ўнг тарафдаги транспорт воситаси имтиёзга эга.

97. Ҳайдовчи тирбандлик туфайли (А) мажбурий тўхтаб, кўндаланг йўналишдаги транспорт воситаларининг ҳаракатланишига тўсқинлик туғдирадиган бўлса, чорраҳа ёки қатнов қисмлари кесишмасига кириши тақиқланади.





98. Ҳаракатланиш навбати светофор (В) ёки тартибга солувчининг (С) ишоралари орқали аниқланиб бошқариладиган чорраҳа — тартибга солинган чорраҳа ҳисобланади.



Милтиловчи сариқ ишора ёниб-ўчаётган (D), светофорлар ишламаётган (E) ёки тартибга солувчи бўлмаган чорраҳа — тартибга солинмаган чорраҳа ҳисобланади. Ҳайдовчилар тартибга солинмаган чорраҳалардан ўтиш қоидаларига ҳамда чорраҳада ўрнатилган имтиёз белгиларига амал қилишлари шарт (F).







XV. ТАРТИБГА СОЛИНГАН ЧОРРАҲАЛАР



99. Светофорнинг яшил ишорасида чапга бурилаётган ёки қайрилиб олаётган рельсиз транспорт воситасининг ҳайдовчиси (G) қарама-қарши томондан тўғрига ҳаракатланаётган ва ўнгга бурилаётган транспорт воситаларига (H) йўл бериши шарт. Трамвай ҳайдовчилари ҳам ўзаро ушбу қоидаларга амал қилишлари керак.

101. Агар светофор ёки тартибга солувчининг ишоралари трамвай ва рельсиз транспорт воситаларига бир вақтда ҳаракатланишга рухсат берса, ҳаракатланиш йўналишидан қатъи назар, трамвай олдин ўтиш ҳуқуқига эга бўлади.






100. Светофорнинг қизил ёки сариқ ишораси билан бир вақтда ёнган қўшимча тармоқнинг йўналтиргичли яшил ишораси йўналишида ҳаракатланаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси (J) бошқа йўналишларда ҳаракатланаётган транспорт воситаларига йўл бериши керак.

Светофорнинг қизил ёки сариқ ишораси билан бир вақтда ёнган қўшимча тармоғининг йўналтиргичли яшил ишораси йўналишида ҳаракатланаётган трамвай бошқа йўналишларда ҳаракатланаётган транспорт воситаларига йўл бериши керак.




102. Светофорнинг рухсат этувчи ишорасида чорраҳага кирган ҳайдовчи (К), ундан чиқишдаги светофор ишорасидан қатъи назар, белгиланган йўналишда ҳаракатини давом эттириши керак (L). Бироқ чорраҳада ҳайдовчининг ҳаракатланаётган йўлида жойлашган светофорлар олдида тўхташ чизиқлари (ёки 5.33 йўл белгиси) бўлса (М), у ҳар бир светофор ишорасига амал қилиши шарт.



Ўннга ёки чапга бурилиб чорраҳадан чиқишдаги светофор кўндаланг йўлда ўрнатилган светофорнинг дублёри бўлиши мумкин.

103. Светофорнинг рухсат этувчи ишораси ёнганда ҳайдовчи чорраҳа орқали ҳаракатланишни тугаллаётган транспорт воситалари (N) ва қатнов қисмидан тегишли йўналишда ўтишни тугаллаётган пиёда(лар)га (O) йўл бериши шарт.



XVI. ТАРТИБГА СОЛИНМАГАН ЧОРРАҲАЛАР

Транспорт оқими зич ва серқатнов бўлмаган йўлларнинг кесишмасидаги чорраҳаларда ҳаракатланиш тартибини имтиёз белгилари, улар бўлмаганида ҳайдовчиларнинг ўзлари ўзаро йўлнинг қопламаси бор-йўқлигига, чорраҳага яқинлашаётган транспорт воситасининг ўнг ва чап тарафда жойлашганлигига қараб белгилайдилар.

Светофор ёки тартибга солувчи бўлмаган ва шу қатори светофорнинг милтилловчи сариқ ишорасида светофор ишламаётган чорраҳалар тартибга солинмаган чорраҳалар ҳисобланади.



Чорраҳалар йўлларнинг аҳамиятига (даражасига) қараб, тенг аҳамиятли ва тенг аҳамиятли бўлмаган йўллар кесишадиган чорраҳаларга бўлинади.

Тенг аҳамиятли бўлмаган йўллар кесишган чорраҳа имтиёз белгилари билан белгиланган ёки қопламаси бор ва қопламаси йўқ йўлларнинг кесишмаси ҳисобланади.

Тенг аҳамиятга эга бўлмаган йўллар кесишган чорраҳада асосий йўлнинг йўналиши ўзгармаган ёки ўзгарган бўлиши мумкин. Асосий йўлнинг йўналиши ўзгарган бўлса, чорраҳа «асосий йўлнинг йўналиши» белгиси билан таъминланади. Бундай чорраҳага яқинлашаётган ҳайдовчи чорраҳада имтиёз берилган йўналишни аниқлай олиши керак.

Чапга ёки ўнгга бурилаётган ҳайдовчи кесишаётган йўлнинг қатнов қисмидан ўтаётган пиёдаларга, шунингдек, велосипед йўлкасидан йўлни кесиб ўтаётган велосипедчиларга йўл бериши керак.

104. Тенг аҳамиятга эга бўлмаган йўллар кесишган чорраҳада иккинчи даражали йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси асосий йўлдан яқинлашаётган транспорт воситаларига (P), уларнинг кейинги ҳаракат йўналишидан қатъи назар (Q), йўл бериши керак.






Тенг аҳамиятли йўллар кесишмаси – «Тенг аҳамиятли йўллар кесишмаси» (1.6) белгиси билан таъминланган ёки таъминланмаган қопламали ёхуд қопламасиз йўлларнинг кесишуви.

2.05.02–85 – қурилиш нормалари ва Қоидаларга асосан иккинчи даражали йўлнинг чорраҳага туташ қисмини қопламалаштириш кўзда тутилган, лекин бу уни асосий йўл билан тенг ҳуқуқли қила олмайди.

Бундай чорраҳаларда трамвай, ҳаракатланиш йўналишидан қатъи назар, тенг аҳамиятга эга бўлган йўлда бир йўналишда ёки қарама-қарши йўналишда ҳаракатланаётган рельсиз транспорт воситаларига нисбатан имтиёзга эга.

105. Тенг аҳамиятга эга бўлган йўллар кесишган чорраҳада рельсиз транспорт воситасининг ҳайдовчиси (R) ўнгдан келаётган транспорт воситаларига йўл бериши шарт (S). Бу қоидага трамвай ҳайдовчилари ҳам ўзаро амал қилишлари керак. Бундай чорраҳаларда, кейинги ҳаракат йўналишидан қатъи назар, трамвай рельсиз транспорт воситаларига нисбатан олдин ўтиш ҳуқуқига эга бўлади.






Тирбандлик туфайли тўхташга мажбур бўлган ҳайдовчи, агар у кўндаланг йўналишдаги транспорт воситаларининг ҳаракатланишига тўсқинлик қиладиган бўлса, унинг чорраҳа ёки қатнов қисмлари кесимасига кириши тақиқланади.


106. Асосий йўлнинг йўналиши чорраҳада ўзгарганда асосий йўлда ҳаракатланаётган ҳайдовчилар (Т) ўзаро тенг аҳамиятли йўллар чорраҳасидан ўтиш қоидасига амал қилишлари керак.

Иккинчи даражали йўлларда ҳаракатланаётган ҳайдовчилар (U) ҳам ўзаро шу қоидага амал қилишлари керак.



107. Чапга бурилишда ёки қайрилиб олишда рельсиз транспорт восита-

сининг ҳайдовчиси (V) тенг аҳамиятли йўлдан қарама-қарши йўналишда тўғрига ёки ўнгга ҳаракатланаётган, шунингдек, рухсат этилган ҳолларда қувиб ўтаётган транспорт воситаларига (W) йўл бериши шарт. Бу қоидага трамвай ҳайдовчилари ҳам ўзаро амал қилишлари керак.



108. Агар ҳайдовчи ўзи ҳаракатланаётган йўлнинг қопламаси бор-йўқлигини аниқлай олмаса (қоронғи вақт, лой, қор ва ҳ. к.) ва имтиёз белгилари бўлмаса, унда у ўзини иккинчи даражали йўлда деб ҳисоблаши керак.

Биринчидан – қор ёки муз остида йўлнинг қопламаси бор ёки йўқлигини аниқлаб бўлмайди. Шу сабабли ҳайдовчи чорраҳани тенг аҳамиятлими, йўқми аниқлай олмайди.

Иккинчидан – баъзи сабабларга кўра (қурилиш ишлари, йўлни таъмирлаш ва шунга ўхшаш) имтиёз белгилари олиб қўйилган ёки йўқолиб қолган бўлиши мумкин.

Мана шу икки ҳолатда ҳайдовчи юқорида айтилганларга амал қилиши керак.

XIV– XVI мавзуларга оид тестлар

- 1** Чорраҳадан охириги бўлиб ўтади:
1. Кўк автомобиль.
 2. Сарик автомобиль.
 3. Яшил автомобиль.
 4. Қизил автомобиль.



- 2** Чорраҳадан биринчи бўлиб ўтади:
1. Яшил автомобиль.
 2. Кўк автомобиль.
 3. Қизил автомобиль.
 4. Сарик автомобиль.



- 3** Транспорт воситалари чорраҳани қуйидаги тартибда кесиб ўтади:
1. Мотоцикл, автомобиль, трамвай.
 2. Трамвай, автомобиль, мотоцикл.
 3. Трамвай, мотоцикл, автомобиль.



- 4** Сарик автобуснинг ҳайдовчисига чорраҳага чиқишга рухсат этиладими?
1. Рухсат этилади.
 2. Тақиқланади.
 3. Агар автобус белгиланган йўналиш бўйича юрса, рухсат этилади.



- 5** Қайси автомобиль чорраҳадан охириги бўлиб ўтади?
1. Кўк.
 2. Қизил.
 3. Яшил.



- 6** Транспорт воситалари чорраҳани қуйидаги тартибда кесиб ўтадилар:
1. Кўк, яшил, қизил автомобиллар.
 2. Кўк, қизил автомобилни ўтказиб юборади, сўнг эса бурилишни тугаллайди; яшил автомобиль.
 3. Қизил, кўк, яшил автомобиллар.
 4. Яшил, қизил, кўк автомобиллар.



- 7** Чорраҳани иккинчи бўлиб кесиб ўтади:
1. Қизил автомобиль.
 2. Кўк автомобиль.
 3. Яшил автомобил.



- 8** Чорраҳани охириги бўлиб кесиб ўтади:
1. Яшил автомобиль.
 2. Кўк автомобиль.
 3. Қизил автомобиль.



- 9** Чорраҳани биринчи бўлиб кесиб ўтади:
1. Қизил автомобиль.
 2. Яшил автомобиль.
 3. Кўк автомобиль.



- 10** Қайси транспорт воситасининг ҳайдовчиси йўл бериши керак?
1. Автобус ҳайдовчиси.
 2. Мотоцикл ҳайдовчиси.



XVII. ПИЁДАЛАРНИНГ ЎТИШ ЖОЙЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ БЕКАТЛАРИ

Пиёдаларнинг ўтиш жойлари ер остида, ер устида ва қатнов қисмининг юзасида бўлиб, учинчисида пиёда ва транспорт воситаларининг йўллари (йўналиши) кесишади, бу эса йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигига таҳдид солади.

Пиёдалар ҳаракат тартибга солинмайдиган пиёдалар ўтиш жойларида қатнов қисмини кесиб ўтишдан аввал, яқинлашиб келаётган транспорт воситаларини ўтказиб юбориб, ўтиш ўзлари учун хавфсиз эканлигига ишонч ҳосил қилганликларидан сўнг йўлнинг қатнов қисмларига чиқишлари мумкин.

109. Тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойига яқинлашаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси қатнов қисмини кесиб ўтаётган пиёда(лар)ни ўтказиб юбориш учун тезлигини камайтириши ёки тўхташи шарт.




Бунда қатнов қисмида ҳаракатланишни тугаллаётган ёки хавфсизлик оролчаси, қарама-қарши йўналишдаги транспорт оқимларини ажратувчи чизиққа яқинлашиб келаётган пиёдалар тушунилади (Қоидаларнинг 20-банди).

Ҳаракатланишни бошлаётган пиёда ёнгил автомобиль ҳайдовчисига йўл бериши керак. Ушбу ҳолатда пиёда ўз ҳаракатини светофорнинг рухсат этувчи ишорасида бошлаши керак.


110. Агар тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойи олдида транспорт воситаси ҳаракатини секинлаштира ёки тўхтаса (А), қўшни

бўлақларда ҳаракатланаётган бошқа ҳайдовчилар бу транспорт воситаси олдида пиёда(лар) йўқлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина ҳаракатланишни давом эттиришлари мумкин (В).




Суратда кўрсатилганидек, ўтиш жойида пиёда бўлса, ҳайдовчи тезликни пасайтириб, керак бўлса, тўхтаб, йўл бериши керак.

111. Тартибга солинган пиёдалар ўтиш жойларида ҳайдовчилар (С) светофорнинг рухсат этувчи ишораси (D) ёнган тақдирда ҳам пиёда(лар)га (E) қатнов қисмини шу йўналишда кесиб ўтишни тугаллашига имкон беришлари керак.



112. Пиёдалар ўтиш жойларидан кейин пайдо бўлган тирбандлик (F) туфайли ҳайдовчи пиёдалар ўтиш жойида тўхташга мажбур бўладиган бўлса, пиёдалар ўтиш жойига кириш тақиқланади.




113. Барча ҳолларда, шу жумладан, пиёдалар ўтиш жойларидан ташқарида ҳам ҳайдовчи оқ ҳасса билан ишора бераётган кўзи ожиз пиёда(лар)ни ўтказиб юбориши керак (G).



114. Агар йўловчиларни тушириш ёки чиқариш қатнов қисмида ёки унда жойлашган майдончада амалга оширила-

ётган бўлса, ҳайдовчи бекатда тўхтаган йўналишли транспорт воситаси эшиклари томон бораётган ёки ундан келаётган пиёда(лар)га йўл бериши керак.

115. «Болалар гуруҳини ташиш» (H) таниқлик белгиси ўрнатилган транспорт воситаси тўхтаганда унга яқинлашаётган ҳайдовчи (J) ҳаракат тезлигини камайтириши, зарур бўлса, тўхташи ва болалар гуруҳини ўтказиб юбориши керак.



XVII мавзуга оид тестлар

1 Кўрсатилган вазиятда ҳайдовчи қандай йўл тутиши керак?

1. Пиёдаларга мазкур йўналишнинг қатнов қисмидан бутунлай ўтиб олишларига имкон бериши.
2. Йўл-транспорт фалокати олдини олиш учун товуш ишора бериши ва асосий йўлда бўлгани сабабли пиёдаларга йўл бермай ўтиш жойидан ўтиши.



2 Агар пиёдалар ўтиш жойида тирбандлик вужудга келиб, ҳайдовчини пиёдалар ўтиш жойида тўхташга мажбур қилса, ҳайдовчи нима қилишга мажбур?

1. Тўхташга ва пиёдалар ўтиш жойига ўтмасликка, чунки бу пиёдаларнинг ҳаракати учун тўсқинлик қилади.
2. Пиёдалар ўтиш жойи олдидан 15 м берида тўхташга.
3. Олдинда турган транспорт воситасидан зарур масофа сақланган ҳолда пиёдалар ўтиш жойида тўхташга.
4. Пиёдалар ўтиш жойи олдидан 5 м берида тўхташга.

3 Бундай вазиятда ҳайдовчи нима қилиши керак?

1. Олдиндан яқин фара чироқларини ёқиб ва узлуксиз товуш ишорасини бериб, энг кам тезлик билан турган транспорт воситасини айланиб ўтиши.
2. Қатнов қисмидан ўтаётган болаларга йўл бериши.
3. Бу йўл қисмидан ўтиши керак, чунки болалар қатнов қисмини пиёдалар ўтиш жойидан кесиб ўтмаяптилар.



4 Кўрсатилган вазиятда унга бурилар экан, ҳайдовчи қандай йўл тутиши керак?

1. Устунлик ҳуқуқидан фойдаланиб, товушли хабар бериши ва белгиланган йўналишда ҳаракатни давом эттириши.
2. Ҳаракат тезлигини пасайтириши ва алоҳида эҳтиёткорлик билан йўлда давом этиши.
3. Қатнов қисмидан ўтувчи пиёдаларни ўтказиб юбориши.



5 Суратдаги тасвирланган ҳолатда ҳайдовчи нима қилиши лозим?

1. Тезликни зарур бўлганда дарҳол тўхташ имконини берадиган даражагача пасайтириб ҳаракатни давом эттириши.
2. Тўхташ ва трамвай эшиклари ёпилгандан кейин ҳаракатланишни бошлаши.
3. Бекатда (йўл ўртасида) турган бир хил йўналишдаги трамвайга бораётган ёки ундан келаётган пиёдаларга йўл бериши.



6 Ҳайдовчи оқ ҳасса билан ишора бераётган кўзи ожиз пиёдаларни ўтказиб юбориши керакми?

1. Барча ҳолларда ўтказиб юбориши керак, шу жумладан, пиёдалар ўтиш жойларидан ташқарида ҳам.
2. Тартибга солинадиган пиёдалар ўтиш жойида ўтказиб юбориши керак.
3. Тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойида ўтказиб юбориши керак.
4. Ҳар қандай пиёдалар ўтиш жойида ўтказиб юбориши керак.

7 Тушириш майдончасидан ҳаракатланиш учун фойдаланишга рухсат этиладими?

1. Рухсат этилади.
2. Тақиқланади.
3. Тўхташ жойида трамвай бўлмаганда рухсат этилади.



8 Қизил автомобилнинг ҳайдовчисига шу вазиятда пиёдалар ўтиш жойи орқали ҳаракатланишни давом эттиришга рухсат этиладими?

1. Рухсат этилади.
2. Тақиқланади.



9 Ҳайдовчилардан қайси бири тўхташга мажбур?

1. Енгил автомобиль ҳайдовчиси.
2. Автобус ҳайдовчиси.
3. Ҳар икки ҳайдовчи.



10 Йўловчиларни тушириш учун қайси транспорт воситаларининг ҳайдовчилари тўғри тўхтадилар?

1. Енгил автомобиль ҳайдовчиси.
2. Мотоцикл ҳайдовчиси.
3. Автобус ҳайдовчиси.
4. Ҳамма ҳайдовчилар.



XVIII. ТЕМИР ЙЎЛ КЕСИШМАЛАРИ ОРҚАЛИ ҲАРАКАТЛАНИШ

Темир йўл кесишмаси – автомобиль йўлининг темир йўл билан бир сатҳда кесилиши.

Темир йўл кесишмасида содир бўладиган йўл-транспорт ҳодисаси оғир оқибатларга олиб келиши сабабли унинг олдида тегишли огоҳлантирувчи белгилар ўрнатилади.

Темир йўл кесишмалари ундан ўтадиган темир йўл транспорти таркиби жадаллиги ва автомобилларнинг кўплигига қараб қўриқланадиган (шлагбаумли) ва қўриқланмайдиган (шлагбаумсиз) бўлади.

Шлагбаумли темир йўл кесишмаларида, шлагбаумдан ташқари, ҳаракатни тартибга солувчи свето-

фор, ҳайдовчининг эътиборини жалб этиш учун товуш чиқарувчи мосламалар билан жиҳозланади. Ҳаракатланиш хавфсизлигини темир йўл назоратчиси назорат қилади.

Шлагбаумсиз темир йўл кесишмалари шлагбаумлидан фарқли ўлароқ, кесишма яқинида «бир изли» (1.3.1.) ёки «кўп изли» (1.3.2) белгилари ўрнатилади ва хавфсизлик чораларини таъминлаб ўтиш ҳайдовчи зиммасига юклатилади.

116. Транспорт воситаларининг ҳайдовчилари темир йўлларни фақат темир йўл кесишмалари орқали поезд (локомотив, дрезина)ларга йўл бериб кесиб ўтишлари мумкин.




Темир йўл кесишмаларидан ташқари жойлардан уни кесиб ўтиш жуда хавфли ҳисобланади (темир йўл изларидан ўта олмай, мажбурий тўхтаб қолган транспорт воситалари темир йўлни тўсиб қўяди ва тўқнашувга сабаб бўлади).


117. Темир йўл кесишмасига яқинлашиб келаётган ҳайдовчи йўл белгилари ва чизикларига, светофор ишораларига, шлагбаум ҳолатига, кесишма навбатчисининг кўрсатмаларига амал қилиши, яқинлашиб келаётган поезд (локомотив, дрезина) йўқлигига ишонч ҳосил қилиши шарт.

118. Темир йўл кесишмасига қуйидаги ҳолларда кириш тақиқланади:

— светофор ишорасидан қатъи назар (А), шлагбаум ёпиқ турган ёки ёпила бошлаган ҳолатда, кесишмани тўсувчи қурилма кўтарилиб турган ёки кўтарила бошлаган ҳолатда (В);




— шлагбаум ҳолатидан қатъи назар (В), светофорнинг тақиқловчи ишорасида (А);



— кесишма навбатчисининг тақиқловчи ишорасида (навбатчи ҳайдовчиларга олди ёки орқаси билан туриб

таёқчани, қизил чироқ ёки байроқчани юқорига кўтариб турса ёки қўлларини ёнга узатса);



— кесишмадан кейин ҳосил бўлган тирбандлик (С) туфайли ҳайдовчи кесишмада тўхташга мажбур бўладиган ҳолларда;



— агар кўриниш чегарасидаги масофада кесишмага поезд (локомотив, дрезина) яқинлашиб келаётган бўлса.

Бундан ташқари тақиқланади:

— кесишма олдида турган транспорт воситаларини қарама-қарши ҳаракатланиш бўлагига чиқиб айланиб ўтиш;






— шлагбаумни ўзбошимчалик билан очиш;

— кесишма орқали қишлоқ хўжалиги, йўл қурилиши, қурилиш машиналари ҳамда механизмларини олиб ўтиш;



— темир йўл станцияси бошлиғининг рухсатисиз тезлиги соатига 8 километрдан кам бўлган транспорт воситаларининг ҳаракатланиши.

119. Кесишма орқали ҳаракатланиш тақиқланган ҳолларда ҳайдовчи тўхташ чизиғи (D), 2.5 йўл белгиси (E) ёки светофор олдида (F), улар бўлмаганда



шламбаумга камида 5 метр (G), шлагбаум бўлмаганда эса биринчи темир йўл изига камида 10 метр қолганда тўхташи керак (H).

120. Темир йўл кесишмасида мажбуран тўхтаб қолган транспорт восита-




сининг ҳайдовчиси дарҳол одамларни тушириш ва кесишмани бўшатиш чораларини кўриши.


Шу билан бир вақтда ҳайдовчи:

- имконияти бўлганда яқинлашиб келаётган поезд машинистига тўхташ ишорасини бериш қондасини тушунтириб, икки кишини темир йўл ёқаси бўйлаб иккала томонга (J) 1000 метр масофага (агар бир киши бўлса уни йўл яхши кўринмайдиган томонга) юбориши;

- транспорт воситаси ёнида қолиши ва умумий хатар ишорасини бериши (K);







- поезд кўринганда тўхташ ишорасини бериб, у келаётган томонга югуриши керак (L).



Тўхташ ишораси қўлни (кундузи ёрқин мато парчаси ёки аниқ кўринадиган бирор нарса билан, тунда эса машъала ёки чироқ билан) гир айлантриш орқали берилади.

Умумий хатар битта узун ва учта қисқа товуш ишораси орқали берилади.

XVIII мавзуга оид тестлар

<p>1 Навбат билан ялт-ялт этиб турувчи иккита қизил ёритгичлар қуйидаги маънога эга:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳаракатни тақиқлайди. 2. Бошқа ҳайдовчиларга қатнов қисмига махсус транспорт воситаларининг ўтганини хабар қилади. 3. Алоҳида эҳтиёткорлик билан ҳаракатланишга рухсат этади. 	<p>2 Шлагбаумни ўзбошимчалик билан очиш ёки айланиб ўтишга рухсат бериладими?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Рухсат этилади, фақат светофор ўчган бўлса. 2. Тақиқланади.
<p>3 Темир йўл кесишмаси олдида тўхтагандан кейин ҳаракатни бошлашдан олдин ҳайдовчи:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи тезлик билан кесишма орқали ҳаракатни бошлаши керак. 2. Биринчи узатмада кесишмадан ўтиши керак. 3. Яқинлашиб келаётган поезднинг йўқлигига ишонч ҳосил қилиши керак. 	<p>4 Навбатчининг ҳайдовчига қаратилган ҳолати темир йўл кесишмаси орқали ҳаракатланишни тақиқловчи ишора ҳисобланади:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳайдовчига чап ёки ўнг елкасини ўгириб, таёқчани (қизил байроқни) бошидан юқори кўтариб туриш. 2. Кўкрагини ёки орқасини ўгириб, таёқчани (қизил байроқни) бошидан юқори кўтариб туриши ёки қўлларини ёнига кўтариб чўзиб туриши. 3. Исталган елкаси ёки кўкрагини ўгириб, таёқчани (қизил байроқни) бошидан юқори кўтариб туриши.
<p>5 Бу жойда қувиб ўтишга рухсат этилганми?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Қувиб ўтилаётган транспорт воситаси 40 км/с дан кам тезлик билан ҳаракатланганда рухсат этилади. 2. Тақиқланади. 3. Агар қувиб ўтиш темир йўл кесишмасига тугаса, рухсат этилади. 	<p>6 Бу йўл белгиси билдиради:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Шлагбаум билан жиҳозланмаган бир изли темир йўл кесишмасини. 2. Шлагбаум билан жиҳозланган бир изли темир йўл кесишмасини. 3. Шлагбаум билан жиҳозланмаган икки ва ундан кўп изли темир йўл кесишмасини. 
<p>7 Транспорт воситаларининг темир йўл кесишмасига қанча масофа яқинроқда тўхтаб туришлари тақиқланади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. 300 м. 2. 150 м. 3. 100 м. 4. 50 м. 5. 25 м. 	<p>8 Мазкур вазиятда қувиб ўтишга рухсат этилганми?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. 40 км/соатдан кам тезлик билан ҳаракатланаётган фақат яқка транспорт воситаларига рухсат этилган. 2. Тақиқланган. 3. Ҳамма ҳолларда рухсат этилган. 
<p>9 Занжирли бўлган қишлоқ хўжалик, йўл қурилиши ва механик транспорт воситаларига темир йўл кесишмасидан ўтиш учун рухсат этиладими?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Агар темир йўл бошлигининг рухсати бўлса, рухсат этилади. 2. Механик транспорт воситаларига юклаб олиб ўтишга рухсат этилади. 3. Тақиқланади. 	<p>10 Секин юрадиган транспорт воситаларининг темир йўл кесишмаси орқали ҳаракатланишига фақат темир йўл бошлигининг рухсати билан ҳаракат тезлиги қуйидагидан кам бўлганда йўл қўйилади:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. 3 км/с. 2. 5 км/с. 3. 8 км/с. 4. 10 км/с. 5. 30 км/с.

ХІХ. АВТОМАГИСТРАЛЛАРДА ҲАРАКАТЛАНИШ

121. Автомагистралларда қуйидагилар тақиқланади:

— пиёдалар (А), уй ҳайвонлари (В), от-аравалар, велосипедлар (С), мопедлар, тракторлар ва ўзиюрар машина ва механизмлар, техник тавсифномасига ёки ҳолатига кўра тезлиги соатига 40 километрдан кам бўлган транспорт воситаларининг ҳаракатланиши (D);


— рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобилларига биринчи ва иккинчи бўлақлардан бошқа бўлақларда ҳаракатланиш (E);

— 5.15 ёки 6.11 йўл белгилари билан белгиланган махсус тўхтаб туриш майдончаларидан бошқа жойларда тўхташ (F);

— ажратувчи бўлақнинг технологик узилиш жойларига кириш ва қайрилиб олиш (G);



лар учун мўлжалланган бўлақка (L) (қатнов қисмининг четини билдирувчи чизикдан ўнг томонга) олиб чиқишнинг барча чораларини кўриши керак.





— орқага ҳаракатланиш (H);
— транспорт воситасини ўрганиш учун бошқариш (J).

122. Ҳайдовчи қатнов қисмида мажбурий тўхтаганда (K) транспорт воситасини Қоидаларнинг VIII боби талабларига мувофиқ белгилаши ва бундай ҳолат-



XIX мавзуга оид тестлар

<p>1 Автомагистралда шатакка олишга рухсат бериладими?</p> <ol style="list-style-type: none"> 50 км/с тезлик билан рухсат этилган. Тақиқланади. Фақат қисман ортиш усули билан ёки қаттиқ тиркагич билан рухсат берилади. Эгилувчан тиркагич билан рухсат берилади. Исталган усулда рухсат этилган. 	<p>2 Автомагистралда ажратувчи бўлакнинг узилишларига киришга рухсат этиладими?</p> <ol style="list-style-type: none"> Рухсат этилади. Фақат орқага бурилиш учун рухсат этилади, тўла вазни 3,5 т дан ортиқ бўлган юк автомобилларининг ҳайдовчилари бундан мустасно. Тақиқланади. Белгиланган йўналишдаги транспорт воситаларига рухсат этилади.
<p>3 Автомагистралларда транспорт воситаларини атайин тўхтатиш қайси жойларда рухсат этилган?</p> <ol style="list-style-type: none"> Йўлнинг қатнов қисмининг четки ўнг бўлагиди. Йўлнинг 100 м дан кўпроқ қисми кўринадиган ва ҳаракат бўлаги сони тўрттадан ортиқ бўлган жойларда. Тўхтаб туриш учун «Тўхтаб туриш жойи» ёки «Дам олиш жойи» белгилари билан белгиланган махсус майдончаларда. 	<p>4 Транспорт воситаларининг тезлиги техник тавсифномасига ёки ҳолатига кўра 40 км/с дан кам бўлганда автомагистрал бўйлаб ҳаракатланишга рухсат этиладими?</p> <ol style="list-style-type: none"> Иккинчи бўлақдан нарига ўтмаганда рухсат этилади. Тақиқланади. Агар «Энг кам тезлик» белгиси ўрнатилмаган бўлса, рухсат этилади.
<p>5 Автомагистралларда тўхташга рухсат этилганми?</p> <ol style="list-style-type: none"> Тақиқланган. Автомагистрал яхши кўринадиган жойларда рухсат этилади. Агар бир йўналишда ҳаракатланиш учун учта бўлак бўлса, рухсат этилади. Тўхтаб туриш «Тўхтаб туриш жойи» ёки «Дам олиш жойи» белгиси қўйилган махсус майдончаларда рухсат этилади. 	<p>6 Автомагистралда бошқаришни ўрганиш:</p> <ol style="list-style-type: none"> 70 км/с дан ортмаган тезлик билан рухсат берилган. Ҳайдашни ўргатувчи йўриқчи билан бўлган ўрганувчида етарли бошқариш малакаси бўлганда 60 км/соатдан ортиқ бўлмаган тезликка рухсат этилган. Тақиқланган. Агар ўрганилаётган механик транспорт воситасида таниқли белгилари қайд этилган бўлса, рухсат этилган.
<p>7 Автомагистралда тақиқланади:</p> <ol style="list-style-type: none"> Қайрилиб олиш ва ажратувчи бўлакнинг технологик узилиш жойларига кириш. Орқага ҳаракатланиш. «Тўхтаб туриш жойи» ёки «Дам олиш жойи» белгилари бўлган махсус майдончалардан ташқари жойда тўхташ. Юқоридаги барча ҳолатлар. 	<p>8 Автомагистралда қатнов қисмининг четини билдирувчи сидирга оқ чизиқни босиб ўтишга рухсат этиладими?</p> <ol style="list-style-type: none"> Рухсат этилади. Тақиқланади. Агар автомагистралда ҳаракатланиш сарқатнов бўлса, тақиқланади. 
<p>9 Рухсат этилган тўла вазни 3,5 т дан кам бўлган юк автомобилларининг ҳайдовчисига автомагистралларда нима тақиқланган?</p> <ol style="list-style-type: none"> Иккинчи бўлақдан нарироқда ҳаракатланиш, орқага ёки чапга бурилиш учун қайта тизилишидан ташқари. Орқа билан ҳаракатланиш. Механик транспорт воситаларини шатакка олиш. Барча санаб ўтилган ҳаракатлар. 	<p>10 Бу белги билан белгиланган йўл қисмларида ажратувчи бўлакнинг узилиш жойида қайрилишга рухсат этиладими?</p> <ol style="list-style-type: none"> Рухсат этилади. Тақиқланади. Фақат тўла вазни 3,5 тоннагача бўлган транспорт воситаларига рухсат этилади. 

XX. ТУРАР ЖОЙ ДАҲАЛАРИДА ҲАРАКАТЛАНИШ

123. Турар жой даҳалари (кириш ва чиқиш 5.38 ва 5.39 йўл белгилари билан белгиланган ҳудудлар)да пиёдаларга тротуарлар ҳамда қатнов қисмида ҳаракатланишга рухсат этилади. Бунда пиёдалар имтиёзга эга бўладилар, бироқ улар транспорт воситаларининг ҳаракатланишига асоссиз халақит бермасликлари керак.

Аҳоли яшайдиган жой кўча, майдон, иморат, иншоот ва шу кабилардан иборат бўлиб, бу жойларда кун давомида транспорт воситалари ва пиёдаларнинг узлуксиз ҳаракатланиши кузатилади.

Турар жой даҳалари аҳолининг истиқомат қилиши учун мўлжалланган бўлиб, ундаги ҳаракатланиш кўча ва майдонлардаги ҳаракатланишдан катта фарқ қилади. Кўпчилик ҳолатларда турар жой даҳаларида пиёдалар учун алоҳида тротуар бўлмасдан, уларнинг ҳаракатланиши қатнов қисми бўйлаб белгиланган (пиёда ва транспорт воситаларига ягона йўлка).

Транспорт воситасининг турар жой даҳасидаги йўлкалардан транзит ҳаракатланиши кўзда тутилмаган, балки бу йўлкалар истиқомат жойи билан шаҳар кўчаларини боғлаш учун хизмат қилади.



124. Турар жой даҳаларида қуйидагилар тақиқланади:


- механик транспорт воситаларини бошқаришни ўргатиш;
- двигатели ишлаб турган ҳолда тўхтаб туриш;

— рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобилларининг махсус ажратилган, йўл белгилари ва (ёки) йўл чизиқлари билан белгиланган жойлардан ташқарида тўхтаб туриши.

125. Турар жой даҳаларида ҳайдовчилар пиёдалар хавфсизлигини, шунингдек, ушбу ҳудуддаги иншоот, қурилма ва ўсимликларнинг шикастланмаслигини таъминлашлари зарур.

126. Турар жой даҳаларидан чиқишда ҳайдовчилар бошқа ҳаракат қатнашчиларига йўл беришлари керак.

127. Ушбу бўлим талаблари ҳовли ҳудудларига (уй-жой бинолари орасидаги ер участкасига) ҳам тегишлидир.



XX мавзуга оид тестлар

<p>1 Рулда ўрганувчи бўлса, қайси томонга ҳаракатланишга рухсат берилади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳамма томонга. 2. Фақат ўнгга. 3. Ўнгга, чапга ва қайрилишга. 	<p>2 Мазкур белги билан белгиланган ҳудудда қандай чекланишлар киритилган?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳаракат тезлиги 5 км/с дан ошмаслиги кераклигини билдиради. 2. Транспорт воситаларини бошқаришни ўргатиш. 3. Кириб, чиқиб кетиш ҳаракати тақиқланади. 4. Енгил автомобилларнинг тунда тўхтаб туришини тақиқлайди. 
<p>3 Қуйидаги ҳолатда ҳайдовчи пиёдаларга йўл бериши лозимми?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳа. 2. Йўқ. 	<p>4 Енгил автомобиль ҳайдовчиси йўл бериши керакми?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳа. 2. Йўқ. 

XXI. ТИК НИШАБЛИК ВА БАЛАНДЛИКЛАРДА ҲАРАКАТЛАНИШ

128. Йўлнинг 1.13 ва 1.14 йўл белгилари билан белгиланган қияликларда қарама-қарши йўналишларда ҳаракатланишни қийинлаштирадиган бирор-бир тўсиқ бўлса, нишабликка ҳаракатланаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси йўл бериши керак.

Қияликларда автомобилларнинг тик оғирлик кучи пастга қараб тик йўналишда ва нишаблик томон йўналган, ташкил этувчиларга ажралади. Нишаблик томонга йўналган, оғирлик кучининг бир қисмини ташкил этувчи куч шу йўналишда кетаётган автомобилнинг ҳаракатланишини тезлаштиради. Нишаблик даражаси (%0) юқори бўлмаса, у хавф тугдирмайди, балки ҳайдовчига мойил келади. Лекин нишаблик даражаси (%0) ортиб, йўл узайган сари бу кучнинг таъсири ошади ва ҳаракатланиш хавфсизлигига акс таъсир этиб, авария ҳолатига олиб келиши мумкин. Айниқса, тезлик (тезланиш) ошиб кетиши натижасида тажрибасиз ёш




1.13

1.14

ҳайдовчилар қияликларда тез-тез тормоз берадилар. Бу эса, тормоз колдақларининг қизиб, ишдан чиқишига олиб келади, бу муқаррар фалокатдир.

129. Тик нишабликда, довонда ва 1.13 йўл белгиси ўрнатилган йўлда тўхтатиш тизими ишламай қолган транспорт воситалари ўз ҳаракатини тўхтатиш учун 5.40 йўл белгиси билан белгиланган



аварияли ҳолатлар учун мўлжалланган йўлга киришлари шарт.

130. Йўлнинг 1.13 йўл белгиси билан белгиланган қисмида узатма ва тишлашиш механизми (сцепление) ажратилган ҳолатда ҳаракатланиш тақиқланади.

Тик нишаблик (1.13) белгиси ўрнатилган қиялик жойларида нишаблик томон йўналган транспорт воситаси оғирлик кучи таъсирида тезлашиб, уни бошқаришда катта хавф



туғилади. Йўл шароитига нисбатан юқори бўлган тезликда ҳайдовчи автомобилни бошқара олмай, авария содир этиши мумкин. Бу ҳолатда нишаблик томонга йўналган оғирлик кучи юргизгичга акс таъсир этиб, автомобиль ҳаракатини секинлаштиради.

Нишаблик томон йўналган оғирлик кучи баландлик томонга кўтарилаётган транспорт воситаси йўналишига тесқари бўлиб, унинг ҳаракатланишига акс таъсир этади. Тик баландлик томон ҳаракатланаётган автомобиль қўшимча қаршилиқни енгизиши керак. Ҳайдовчи йўл шароити, баландлик даражаси ва автомобилнинг динамикасини ҳисобга олиши, зарур бўлса, баландликнинг охиригача тўхтамасдан өтиб олиши мақсадга мувофиқдир.

XXI мавзуга оид тестлар

1 Агар тегишли белгилар билан белгиланган қияликларда юзма-юз келаётган транспортларнинг ўтиб кетиши қийин бўлса, йўл бериш зарур:

1. Пастлик томон ҳаракатланаётган транспорт воситасига.
2. Белгиланган йўналишдаги транспорт воситасига.
3. Баландликка ҳаракатланаётган транспорт воситасига.



2 Бу жойда қувиб ўтишга рухсат этиладими?

1. Рухсат этилади.
2. Тақиқланади.
3. Аҳоли яшайдиган жойлардан ташқаридаги йўлларда рухсат этилади.
4. Фақат аҳоли яшайдиган жойлардан ташқаридаги йўлларда тақиқланади.



3 Мотоцикл ҳайдовчиси қондани бузаятими?

1. Ҳа.
2. Йўқ.





4 Қайси транспорт воситасининг ҳайдовчиси йўл бериши керак?

1. Юк автомобили ҳайдовчиси.
2. Енгил автомобиль ҳайдовчиси.



XXII. ЙЎНАЛИШЛИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИМТИЁЗЛАРИ

131. Трамвай йўли чорраҳадан ташқарида қатнов қисмини кесиб ўтадиган бўлса, трамвай (А) рельсиз транспорт воситаларига нисбатан имтиёзга (В) эга бўлади (деподан чиқиш жойларидан ташқари (С)).



Катта шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган жойларда йўловчиларнинг асосий қисми ўз манзилларига белгиланган йўналишдаги транспорт воситалари – трамвай, троллейбус ва автобусларда етиб олишади. Бу транспорт

воситаларининг узлуксиз ва хавфсиз ҳаракатланишлари учун Қоидаларда бир қанча имтиёзлар кўзда тутилган. Булар:

а) агар светофор ёки тартибга солувчининг ишоралари трамвай ва рельсиз транспорт воситаларига бир вақтда ҳаракатланишга рухсат берса, ҳаракат йўналишидан қатъи назар, трамвай олдин ўтиш ҳуқуқига эга (Қоидаларнинг 101-банди);

б) тенг аҳамиятга эга бўлган йўллар кесишган чорраҳада, кейинги ҳаракат йўналишидан қатъи назар, трамвай рельсиз транспорт воситасига нисбатан олдин ўтиш ҳуқуқига эга бўлади (Қоидаларнинг 105-банди);

в) трамвай йўли чорраҳадан бошқа жойларда йўлнинг қатнов қисмини кесиб ўтадиган бўлса, трамвай рельсиз транспорт воситаларига нисбатан имтиёзга эга бўлади.

132. Йўналишли транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун 5.9, 5.10.1— 5.10.3 йўл белгилари билан ажратилган бўлақда (D) бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланиши ва тўхташи тақиқланади.





5.9

5.10.1

5.10.2

5.10.3








Агар 5.9 йўл белгиси билан белгиланган бўлак қатнов қисмининг бошқа бўлақларидан узук-узук чизиқ билан ажратилган бўлса, бурилмоқчи бўлаётган транспорт воситалари (E) бу бўлакка қайта тизилиши керак.

Шунингдек, бундай жойларда йўналишли транспорт воситаларининг ҳаракатига халақит бермаслик шарти билан йўлга чиқиш (F), қатнов қисмининг четки ўнг томонида йўловчиларни чиқариш ва тушириш учун бу бўлакка ўтишга рухсат этилади (G).

133. Ҳайдовчилар аҳоли яшаш жойларида (H) бекатдан ҳаракатланишни бошлаётган автобус ва троллейбуслар-

га йўл беришлари керак. Ўз навбатида автобус ва троллейбус ҳайдовчилари ўзларига йўл берилганлигига ишонч ҳосил қилганликларидан кейингина ҳаракатланишни бошлашлари мумкин.

Бекатдан ҳаракат бошлаётган автобус ёки троллейбус йўли (йўналиши) қатнов қисмида ҳаракатланаётган транспорт воситасининг йўли билан бурчак остида кесишади.



XXII мавзуга оид тестлар

1 Ўннга бурилганда шу белги билан белгиланган бўлакка ўтишга рухсат этиладими?

1. Рухсат этилади.
2. Тақиқланади.
3. Агар бўлак қолган ҳаракат қисмидан ётиқ сидирға чизиқ билан ажратилмаган бўлса, рухсат этилади.



2 Агар йўл бошланишида ушбу белги турган бўлса, қатнов қисмининг чап четидаги бўлакка ўтиш мумкинми?

1. Чапга бурилиш учун мумкин.
2. Қувиб ўтиш учун мумкин, агар рўпарадан ҳаракатланиш бўлмаса ва бўлак қатнов қисмининг қолган бўлагидан узук-узук чизиқ билан ажратилган бўлса.
3. Ҳеч қандай ҳолатда мумкин эмас.




3 Кўрсатилган шароитда қайси бўлақдан ўннга бурилиш керак?

1. Фақат иккинчи бўлақдан.
2. Фақат «А» чизиғи билан белгиланган ўнг чеккадаги бўлақдан.



4 Белгиланган йўналиш бўйлаб кетаётган автобус ҳайдовчиси ушбу шароитда йўл бериши керакми?

1. Керак.
2. Керак эмас.
3. Керак эмас, чунки у тўғрига кетяпти.



5 Белгиланган йўналиш бўйича ҳаракат қилаётган йўналишли транспорт воситаларининг ҳайдовчилари пиёдалар ўтиш жойидан ташқарида оқ таёқ билан ишора бераётган кўзи ожизларни ўтказиб юборишлари керакми?

1. Ҳамма ҳолларда ўтказиб юборишлари керак.
2. Ўтказиб юборишлари керак эмас.

6 Белгиланган йўналишдаги транспорт воситаларига киради:

1. Автобуслар ва йўналишли таксилар.
2. Трамвайлар ва троллейбуслар.
3. Белгиланган йўналишлар бўйича ҳаракатланадиган автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар ва йўналишли таксилар.

7 Агар йўл бўлағи сидирға чизиқ билан ажратилиб, белги билан белгиланган бўлса, автобус ҳайдовчисининг бўлак бўйлаб ҳаракатланишига рухсат этиладими?

1. Рухсат этилади.
2. Тақиқланади.
3. Агар автобус белгиланган йўналиш бўйича ҳаракатланса, рухсат этилади.



8 Йўловчиларни тушириш учун бу белги ўрнатилган бўлакда тўхташга рухсат этиладими?

1. Агар бўлак қатнов қисмининг ўнг четида жойлашган ва у ётиқ узлуксиз чизиқ билан қатнов қисмидан ажратилмаган бўлса, рухсат этилади.
2. Тақиқланади.
3. Рухсат этилади.



9 Расмда кўрсатилган ҳолатда йўловчиларни тушириш учун тўхташга рухсат бериладими?

1. Рухсат этилади.
2. Тақиқланади.



10 Қатнов қисмининг ўнг бўлағи бўйлаб ҳаракатланишга қайси транспорт воситасига рухсат этилган?

1. Барча механик транспорт воситаларига.
2. Белгиланган йўналишдаги транспорт воситаларига ва таксиларга.
3. Фақат велосипедларга.
4. Фақат белгиланган йўналишдаги транспорт воситаларига.

XXIII. ТАШҚИ ЁРИТИШ АСБОБЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ

Ташқи ёритиш асбоблари сутканинг қоронғи вақтида ва етарлича кўринмаслик (туман, қуюқ тутун ва ҳ. к.) шароитида механик транспорт воситасининг хавфсизлигини таъминлайди.

Ташқи ёритиш асбобларининг сони, жойлашиши, ранги Давлат стандарти (ГОСТ 8769-75) билан белгиланган.

Ташқи ёритиш асбоблари йўл иштирокчиларига транспорт воситасининг жойлашуви ва ҳаракатланиш йўналиши ҳақида ахборот беради, шунингдек, кўча, йўл ва жойларни ёритади.

134. Қоронғи вақтда ва етарлича кўринмайдиган шароитда, шунингдек, йўлнинг ёритилганлигидан қатъи назар, туннелларда ҳаракатланаётган транспорт воситаларида қуйидаги ёритиш асбоблари ёқилган бўлиши керак:

— барча механик транспорт воситалари ва мопедларда — узокни (А) ёки яқинни ёритувчи (В) чироқлар;

— велосипедларда — чироқлар;

— тиркамаларда ва шатакка олинган механик транспорт воситаларида — габарит чироқлари (С).


Узоқни ёритувчи фаралар транспорт воситаси йўлнинг ёритилмаган қисмларида ҳаракатланаётганида ёқилади. Узокни ёритувчи фараларнинг нур тарамлари марказга тўпланган ҳолда 100 — 150 метр масофани кучли ёритади. Бундай кучли ёритиш қарама-қарши йўналишдаги ҳайдовчиларнинг кўзларини қамаштириши мумкин. Шу сабабли:

135. Қуйидаги ҳолларда узокни ёритувчи чироқлар (А) ўрнига яқинни ёритувчи чироқлар (В) ёқилиши керак:


— аҳоли яшаш жойларида йўл ёритилган бўлса;

— қарама-қарши йўналишдаги транспорт воситасига камида 150 метр масофа қолганда, шунингдек, ҳайдовчи транспорт воситасининг чироқларини вақт-вақти билан ўчириб, бунга зарурият борлигини билдирган ҳолларда ундан ҳам кўпроқ масофада;

— қарама-қарши ва бир йўналишдаги транспорт воситалари ҳайдовчиларининг кўзини қамаштириши мумкин бўлган бошқа барча ҳолатларда.



Кўзи қамашган ҳайдовчи авария ишораларини ёқиши (D), ҳаракатланиш бўлагини ўзгартирмасдан тезликни камайтириши ва тўхташи керак.




136. Қоронғи вақтда йўлнинг ёритилмаган қисмида, шунингдек, етарлича кўринмайдиган шароитда тўхтаган ёки тўхтаб турган транспорт воситасида габарит чироқлари (C) ёқилган бўлиши керак.



Габарит чироқлари йўлни ёритишга хизмат қилмайди, балки ёритилган йўлларда ҳаракатланаётган транспорт воситасини аниқлашга хизмат қилади. Сутканинг қоронғи вақтларида тўхтаб турган транспорт воситаси кўринмай қолиб, тўқнашув содир этилиши мумкин бўлган вазиятнинг олдини олади.

Етарлича кўринмайдиган шароитда габарит чироқларига қўшимча равишда яқинни ёритувчи чироқлар (B), туманга қарши чироқлар (C) ва туманга қарши орқа чироқлар ёқилиши мумкин (E).

Яқинни ёритувчи чироқларнинг нурлари пастга йўналтирилган бўлиб, 50 метргача бўлган масофани ёритади ва қарама-қарши йўналишдаги ҳайдовчиларнинг кўзларини қамаш-



тириш эҳтимоли жуда кам. **Сөрқатнов автомобиль йўлларида** ундан фойдаланиш хавф туғдирмайди. Йўлнинг ёритилган қисмларида яқинни ёритувчи чироқлардан фойдаланиш хавфсизликни кўпроқ таъминлайди.

Туманга қарши чироқлар автомобилнинг олд томонида оқ ёки сариқ рангда, орқа томонида эса қизил рангда бўлиб, тиниқ атмосферада йўлни қисқа масофада (50 метргача) яхши ёритиб бериш қобилиятига эга.

137. Қуйидаги ҳолларда туманга қарши чироқларни (C) қўллаш мумкин:


— етарлича кўринмайдиган шароитда алоҳида, шунингдек, узоқни (A) ёритувчи ёки яқинни ёритувчи чироқлар билан (B);

— қоронғи вақтда йўлнинг ёритилмаган қисмларида узоқни ёки яқинни ёритувчи чироқлар билан бирга;


— Қоидаларнинг 138-бандида кўзда тутилган ҳолатларда яқинни ёритувчи чироқлар ўрнига (B).

138. Куннинг ёруғ вақтида қуйидаги ҳолларда яқинни ёритувчи чироқлар ёқилиши керак:


— транспорт воситалари ташкилий жамланма сафида ҳаракатланаётганда (B);




— йўловчиларни ташиётган автобус ва йўналишли транспорт воситаларида (В);




— болалар гуруҳини ташкилий ташишда (В);



— хавфли, катта ўлчамли ва оғир вазнли юкларни ташишда (В);




— механик транспорт воситаларини шатакка олишда (шатакка олиб кетаётган транспорт воситасида) (В);




— мотоцикл ва мопедларда (В).

139. Прожектор чироқ ва изловчи чироқлардан фақат аҳоли яшаш жойларидан ташқарида, қарама-қарши йўналишдан келаётган транспорт воситалари



талари бўлмаганда фойдаланиш мумкин.

Аҳоли пунктларида эса бундай чироқлардан фойдаланишга фақат хизмат вазибаларини бажараётган, белгиланган тартибда ялт-ялт этувчи кўк ёки кўк ва қизил, шунингдек, сариқ ёки зарғалдоқ рангли чироқ-маёқча ва махсус товушли ишоралар билан жиҳозланган транспорт воситаларининг ҳайдовчиларига рухсат этилади.




Изловчи чироқларнинг (F) нур тарамлари тор йўналиш бўйича жамланган бўлиб, 200 метр масофагача ёритишга мўлжалланган. Изловчи чироқлар тезкор ва махсус автомобиллар (тез тиббий ёрдам)га ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ўрнатилган бўлиб, бошқа транспорт воситаларига ўрнатиш тақиқланади. Улардан аҳоли яшайдиган жойларда оператив ва махсус хизматларни бажаришга, аҳоли яшамайдиган жойларда қарама-қарши йўналишда транспорт воситалари бўлмаганда фойдаланиш мумкин.


Прожектор чироқнинг (F) кучли нур тарамлари тор йўналишда жамланган бўлиб, 300 метргача масофани ёритади. Улар ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан автобусларнинг томига

ўрнатилади. Улардан фақат аҳоли яшамайдиган жойларда, қарама-қарши йўналишда транспорт воситалари йўқлигида фойдаланиш мумкин, аҳоли яшайдиган жойларда фойдаланиш тақиқланади.


140. Туманга қарши орқа чироқларни (G) фақат етарлича кўринмайдиган шароитда қўллаш мумкин. Туманга қарши орқа чироқларни (H) тўхташ чироқлари (стоп-сигнал)га (G) улаш тақиқланади.



141. «Автопоезд» таниқлик белгиси (J) автопоезд ҳаракатланаётганда куннинг қоронғи вақтида, йўлда тўхташ ва тўхтаб туриш пайтида ҳам ёқиб қўйилиши керак.



«Автопоезд» таниқлик белгиси сариқ рангдаги учбурчак ёки зарғалдоқ рангли учта чироқ бўлиб, автомобиль кабинасининг томига ўрнатилади.



XXIII мавзуга оид тестлар

1 Куннинг қоронғи вақтида сунъий ёритилмаган йўлларда ёки етарлича кўринмаслик шароитида ёнмайдиган орқа габарит чироқлари билан тўхтаб туриш ёки таъмирлаш жойига боришга рухсат бериладими?

1. Алоҳида эҳтиёткорлик билан боришга рухсат берилади.
2. Тақиқланади.

2 Қувиб ўтишда узоқни ёритувчи чироқлардан огоҳлантирувчи ишора сифатида фойдаланиш мумкинми?

1. Ҳамма ҳолда мумкин.
2. Мумкин, агар бу бошқа ҳайдовчиларнинг кўзини қамаштирмаса, шу жумладан, орқани кўриш кўзгуси орқали ҳам.
3. Мумкин эмас.
4. Аҳоли яшайдиган жойлардан ташқаридаги йўлларда мумкин.

3 Ҳайдовчи манёврни бажаришда бурилиш кўрсаткичлари билан ёруғлик ишорасини ҳар доим бериши керакми?

1. Ҳар доим бериши керак.
2. Керак эмас, агар ҳаракатланишнинг бошқа қатнашчиларини чалғитиши мумкин бўлса.
3. Керак, зарурий эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда.

4 Куннинг қоронғи вақтида йўлнинг ёритилган қисмида ҳаракатланаётган механик транспорт воситасида қайси чироқлар ёқилган бўлиши керак?



1. Яқинни ёритувчи чироқлар.
2. Узоқни ёритувчи чироқлар ёки габарит чироқлар.
3. Яқинни ёритувчи чироқлар (туманга қарши фаралар) ёки габарит чироқлар.

<p>5 Қайси жавобда шатакка олинган транспорт воситасидаги ёритиш асбобларини ёқишнинг тўғри ҳолати кўрсатилган?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Куннинг қоронғи вақтида ёки туман бўлган шароитда яқинни ёритувчи чироқлар. 2. Фалокат ёруғлик ишоралари, у бузуқ бўлганда ёки бўлмаган ҳолларда унинг орқа томонига фалокат сабабли тўхташ белгиси ўрнатилиши керак. 3. Аҳоли яшайдиган жойда габарит чироқлари. 4. Аҳоли яшаётган жойдан ташқаридаги йўлларда исталган ёритиш чироқларини. 	<p>6 Куннинг қоронғи вақтида йўлнинг ёритилмаган қисмларида ҳаракатланаётганда мөханик транспорт воситасининг қайси чироқлари ёқилган бўлиши керак?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Яқинни ёки узоқни ёритувчи чироқлар. 2. Фақат яқинни ёритувчи чироқлар. 3. Фақат узоқни ёритувчи чироқлар.
<p>7 Шатакка олинган мөханик транспорт воситасида қанақа ташқи ёритиш чироқлари ёқилган бўлиши керак?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Куннинг қоронғи вақтида габарит чироқлари. 2. Яқинни ёритувчи чироқлар. 3. Фалокат ёруғлик ишоралари. 	<p>8 Йўлнинг ёритилмаган қисмларида қоронғи вақтда тўхтаганда габарит чироқлари бузуқ бўлса:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Яқинни ёритувчи чироқларни ёқиш. 2. Ўнгроққа олиш ва яқинни ёритувчи чироқни ёқиш зарур. 3. Транспорт воситасини йўлдан ташқарига чиқариш, агар бунинг иложи бўлмаса, мазкур қоидалар талабларига биноан уни белгилаш лозим.
<p>9 Орқа томондаги туманга қарши чироқлар қўлланиши мумкин:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Куннинг қоронғи вақтида сафда ҳаракатланишда. 2. Туннелларда ҳаракатланишда. 3. Фақат етарлича кўринмайдиган шароитларда. 4. Куннинг қоронғи вақтида юк туширишда. 5. Барча санаб ўтилган ҳолларда. 	<p>10 Транспорт воситалари сунъий ёритилган туннелда ҳаракатланаётганда қандай ёритиш асбоблари ёқилиши керак?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Узоқни ёритувчи чироқлар. 2. Яқинни ёритувчи чироқлар. 3. Мажбурий тўхташ ёритгичи. 4. Ёритиш асбоблари ёқилмайди.



XXIV. МЕХАНИК ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ШАТАККА ОЛИШ

142. Қаттиқ ёки эгилувчан улагич ёрдамида шатакка олиш шатакка олинган транспорт воситасининг рул бошқарувида ҳайдовчи (А) бўлгандагина амалга оширилиши керак, тўғри чизик бўйлаб ҳаракатланганда қаттиқ улагичнинг конструкцияси шатакка олинган транспорт воситаси шатакка олган транспорт воситасининг изидан боришини таъминлайдиган ҳоллар бундан мустасно.


143. Қаттиқ (В) ёки эгилувчан (С) улагич ёрдамида шатакка олинган автобусда, троллейбусда ва юк автомобили юкхонасида одам ташиш, қисман ортиш йўли билан (D) шатакка олишда эса шатакка олинган транспорт воситасининг кабинасида ва юкхонасида, шу-




нингдек, шатакка олган транспорт воситасининг юкхонасида одамлар бўлиши тақиқланади.



144. Эгилувчан улагич (С) билан шатакка олишда шатакка олган ва шатакка олинган транспорт воситалари ўртасидаги масофа 4 — 6 метр




оралиғида бўлиши, қаттиқ улагич (В) ёрдамида шатакка олишда эса 4 метрдан кўп бўлмаслиги керак. Эгилувчан улагич Қоидаларнинг 177-банди талабларига мувофиқ белгиланиши керак.




145. Шатакка олиш қуйидаги ҳолатларда тақиқланади:

— рул бошқаруви ишламаётган транспорт воситаларини (қисман ортиш йўли билан шатакка олиш бундан мустасно) (D);



— икки ва ундан кўп транспорт воситаларини (E);



— шатакка олинган ва шатакка олган транспорт воситаларининг улагич билан бирга умумий узунлиги 24 метрдан ортиқ бўлса;



— тормоз тизими ишламаётган транспорт воситасининг (F) ҳақиқий вазни шатакка олган транспорт воситасининг (G) ҳақиқий вазнининг ярмидан ортиқ бўлса (ҳақиқий вазни кам бўлган бундай транспорт воситасини фақат қаттиқ ула-



гич ёрдамида ёки қисман ортиш усули билан шатакка олишга йўл қўйилади);

— кажавасиз мотоцикллар билан (Н), шунингдек, бундай мотоциклларни (J);

— йўл яхмалак (К), сирпанчиқ бўлган ҳолларда эгилувчан улагичда (L).



XXIV мавзуга оид тестлар

1 Бошқарув қурилмаси носоз механик транспорт воситаси шатакка олинishi керак:

1. Қисман ортиш усули билан.
2. Қаттиқ улагич билан.
3. Уни қисман ортиш ёки қаттиқ улагичда улаш усули билан.
4. Агар шатакка олувчининг ҳақиқий вазни шатакка олинаётганининг ҳақиқий вазнидан икки марта кўп бўлса, қаттиқ улагичда.

2 Аҳоли яшайдиган жойлардан ташқарида тиркамали ёнгил автомобиль ҳайдовчисига энг катта тезликни соатига неча километрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади?


1. 50 км/соат.
2. 70 км/соат.
3. 80 км/соат.
4. 90 км/соат.
5. 100 км/соат.

3 Эгилувчан ёки қаттиқ улагичда шатакка олинган механик транспорт воситасида одамлар ташишга рухсат этиладими?

1. Автобус ва троллейбусда рухсат этилади.
2. Тақиқланади.
3. Юк ва ёнгил автомобилларда рухсат этилади.
4. Юк автомобили кабинасида ва ёнгил автомобилда рухсат этилади.

4 Мазкур шароитда шатакка олиш қандай юқори тезлик билан амалга оширилиши мумкин?

1. 30 км/соат.
2. 50 км/соат.
3. 70 км/соат.
4. 80 км/соат.



5 Шатакка олиш қандай ҳолларда тақиқланган?

1. Тойғоқчиликда қаттиқ улагичда.
2. Тойғоқчиликда эгилувчан улагичда.
3. Ён кажавали мотоцикллар билан.

6 Мотоциклларни шатакка олишга рухсат этиладими?

1. Ён кажавали мотоциклларга рухсат этилади.
2. Тақиқланади.
3. Текис жойларда рухсат этилади.
4. Ён кажаваси бўлмаган мотоциклларга рухсат этилади.

7 Шатакка олинган ёнгил автомобилда йўловчиларни ташиш мумкинми?

1. Эгилувчан ва қаттиқ улагичда рухсат этилади.
2. Тақиқланади.

8 Механик транспорт воситаси шатакка олинганда эгилувчан улагич қандай белгиланиши керак?

1. Қизил ва оқ рангли чизиқлар туширилган, ёруғлик қайтарадиган юзали, байроқчалар ёки тахтачалар билан.
2. Транспорт воситаси орқасига мустаҳкамланган фалокат тўхташ белгиси билан белгиланиши керак.
3. Транспорт воситаси олди томони оқ рангли, орқаси қизил рангли фонарлар билан белгиланиши керак.

9 Тормоз тизими ишламаётган транспорт воситасини шатакка олиш мумкинми?

1. Агар шатакка олинган транспорт воситасининг ҳақиқий вазни шатакка олинувчи транспорт вазнидан икки баробар ортиқ бўлса, қаттиқ улагич билан.
2. Фақат қаттиқ улагичда.
3. Агар шатакка олинган транспорт воситасида ҳайдовчи бўлса ҳар қандай усул билан.
4. Фақат унга қисман ортиш усули билан.

10 Қоидаларга кўра шатакка олиш вақтида бир-бирига уланган транспорт воситалари таркибининг қандай умумий узунлигига йўл қўйилади?

1. 20 м.
2. 21 м.
3. 22 м.
4. 23 м.
5. 24 м.

XXV. ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ЎРГАТИШ

146. Транспорт воситаларини бошқаришни дастлабки ўргатиш ёпиқ майдончаларда ёки автодромларда ўтказилиши керак.

Транспорт воситаларини бошқараётган ёш, тажрибасиз ҳайдовчининг рул чамбарагини кескин буриши, илашиш (сцепление) тўпкисини тез қўйиб юбориши, тормоз тўпкисини кескин босиши ён атрофдаги ҳаракат иштирокчиларига хавф туғдириб, йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун бошқаришни ўрганувчи транспорт воситаларини равон бошқаришнинг дастлабки кўникмаларини ёпиқ майдонларда, бошқа йўл иштирокчиларидан ажратилган жойларда ўрганиши керак.


147. Йўлларда бошқаришни ўргатиш фақат автомототранспорт воситасини ёки шаҳар электр транспортини бошқариш бўйича амалий машғулотлар инструктори иштирокида, дастлабки бошқарув кўникмаларига эга бўлган ўрганувчига рухсат этилади. Ўрганувчи Қоидалар талабларини билиши ва уларга амал қилиши шарт.

Кўпчилик ўрганувчилар биринчи хавфли вазиятда



ўзларини йўқотиб қўядилар, натижада транспорт воситалари бошқарувсиз қолиб, аварияга сабаб бўлади. Ўрганувчида дастлабки кўникма, малага бўлгани билан, устоз ҳайдовчисиз автомобилни бошқариб бўлмайди.

148. Автомототранспорт воситасини ёки шаҳар электр транспортини бошқариш бўйича амалий машғулотлар инструктори бошқаришни ўргатиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатга (А), шунингдек, тегишли тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномага (В) эга бўлиши керак.



Шахсий автомобилларда бошқаришни ўргатишда ҳам ўргатувчи ҳайдовчилик гувоҳномасидан ташқари, ўргатиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатга эга бўлиши керак.

149. Ўрганувчи ўқув муддати якунида «А» тоифадаги автотототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлиши учун 16 ёшга, «В» ва «С» тоифалари учун 18 ёшга, «D» тоифаси ҳамда трамвай ва троллейбусларни бошқариш учун 21 ёшга тўлган бўлиши керак.

150. Бошқаришни ўргатиш учун мўлжалланган механик транспорт воситалари «Бошқаришни ўргатиш транспорт воситаси» таниқлик белгиси (С) ва ўргатувчи учун улагич (сцепление) ва тормознинг қўшимча тепкилари, орқани кўрсатувчи кўзгу билан жиҳозланиши керак (D).



151. Бошқаришни ўргатиш йўналишлари ДЙҲХХ билан келишилиши шарт. Бошқа йўлларда бошқаришни ўргатиш тақиқланади.

Серқатнов йўлларнинг тигиз пайтларида бошқаришни ўргатиш тирбандликларни вужудга келтириб, ҳаракатланишга тўсқинлик қилмаслиги учун бошқаришни ўргатиш йўллари тасвири (схемаси) ДЙҲХХ органлари билан келишилади.

Агар Сиз (ҳайдовчилик ўқув курсини ўқиб тугатгунга қадар) 18 ёшга тўлган бўлсангиз ва «В» тоифали ҳайдовчилик ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлишни истасангиз биринчи навбатда:

— доимий яшаш жойингиздаги ёки ҳудудий поликлиникадаги «Ҳайдовчини (ҳайдовчиликка номзодни) тиббий кўрикдан ўтказиш» махсус комиссиясидан тиббий текширувдан ўтиб, 083/х шаклидаги «Тиббий маълумотнома»ни олишингиз керак. Бунинг учун махсус комиссияга паспорт нусхаси, 2 дона 3,5x4,5 расм ҳамда тўлов қоғози тақдим қилишингиз лозим бўлади.

— тегишли тоифадаги автомобилни бошқариш бўйича соғлиқингизнинг яроқлилиги ҳақидаги «Тиббий маълумотнома»ни олганингиздан сўнг ушбу ҳужжатларни Мудофаа Вазирлигига бўйсунувчи «Ватанпарвар» давлат ташкилотига қарашли бўлган СТК (спорт-техника клублари) Автомобиль мактабларидан бирига ўқишга топширишингиз мумкин ва мактаб томонидан Сизга ўқиш учун тўланадиган давлат божлари ҳамда янги ўқув гуруҳини ташкил этиш санаси ҳақида маълумот берилади.

— ўқув курси учун тегишли давлат божини тўлаганингиздан сўнг мактабда янги ташкил этилган гуруҳ таркибига қайд этиласиз, ушбу гуруҳ таркиби ҳақидаги маълумотларнинг бир нусхаси ҳудудий ДЙҲХХ таркибига кирувчи ЙҲХБ Рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлими (РИБ)га юборилади. ЙҲХБ РИБ ходимлари томонидан мактабда гуруҳнинг ўқиш давомати ва сифати мунтазам равишда текширилиб, назорат қилиб борилади.

— ўқиш даври «А» тоифаси учун 1 ой муддат, «В» тоифаси учун 3 ой муддат, «В» ва «С» тоифалари учун 6 ой муддат, «D» тоифаси учун 9 ой, «Е» тоифаси учун «С» тоифага эга бўлган ҳайдовчиларга 1 ой 20 кун муддатни ташкил этади.

Ўқиш назарий ва амалий қисмлардан иборат бўлиб, назарий қисм жами 150 ўқув соатини ташкил этади. Унда 4 та йўналишдаги мавзулар бўйича билимларни ўзлаштириш лозим бўлади.

Булар:

1-ўйналиш бўйича — Йўл ҳаракати қоидалари;

2-ўйналиш бўйича — Автомобилнинг умумий тузилиши ва уларга майда техник хизмат кўрсатиш;

3-ўйналиш бўйича — Автомобилни бошқаришда ҳаракат хавфсизлиги асослари;

4-ўйналиш бўйича — Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиб, жароҳатланганларга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш.

Ўқишнинг амалий қисми жами — 44 соатни ташкил этиб, унда автомобилни амалий бошқариш машғулотлари ўтказилади, у ҳам, ўз навбатида, 3 та ўйналишда амалга оширилади.

Дастлабки амалий машғулотлар 8 соат махсус автотренажёрларда бажарилади.

Сўнг 32 соат махсус ажратилган Автодромларда автомобилни амалий бошқариш бўйича машқлар бажарилди.

Ўқишнинг амалий қисми якунида 4 соат шаҳар шароитида автомобилни бошқаришни ўрганиш Қоидаларнинг 150-бандига асосан амалга оширилади.



Ўқиш тугагандан сўнг автомобил мактабида тузилган ички имтиҳон ҳайъати аъзолари иштирокида 2 босқичли (назарий — бунда олган билимларни текшириш 4 та ўйналишдаги мавзулар асосида тузилган масалалар бўйича шаблонларни тўғри өчиш, шунингдек, автомобилни амалий бошқариш бўйича машқларни бажариш орқали ҳал этилади) имтиҳон топширилади ва

ушбу имтиҳонларни муваффақиятли топширган ўқувчиларга Автомактаб томонидан тегишли тоифани ўқиб тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома топширилади. Бундан ташқари, гуруҳ ўқитувчиси томонидан ўқувчига якуний имтиҳонларни топшириш учун керакли бўлган ҳужжатлар тўплами (ҳайдовчилик шахсий варақаси, имтиҳон варақаси) тайёрлаб берилади. Шунини таъкидлаш лозимки, автомактаб томонидан ўқишни تامомлаганлиги ҳақидаги гувоҳнома автомобилни ҳайдаш ҳуқуқини бермайди ҳамда унинг амал қилиш муддати 6 ойни ташкил этади.

Автомактабдан олинган тегишли тоифа бўйича ўқишни тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳнома, тиббий маълумотнома, ҳайдовчининг шахсий варақаси ва имтиҳон варақалари асосида ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномаси ва огоҳлантириш талони бўйича тегишли давлат божини тўлаганлиги ҳақидаги қоғоз олгандан сўнг доимий яшаш жойингиздаги ЙҚХБ РИБга бориб назарий (шаблон өчиш орқали) ва амалий (автомобилни амалий бошқариш орқали) имтиҳон топширилади. Агар имтиҳонлар муваффақиятли топширилса, ўқувчига тегишли тоифадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси ва огоҳлантириш талони расмийлаштириб берилади.

ЙҚХБ РИБда имтиҳонлар натижаси бўйича қониқарсиз баҳо олган ўқувчиларга 10 кун муддат берилади. Бунда ўқувчилар автомактабда олган билимларини мустақил равишда такрорлаб, сўнг яна қайта имтиҳон топширадilar.

XXV мавзуга оид тестлар

<p>1 Ким ўқув юртларида ҳайдашни ўргатиш ҳуқуқига эга?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳайдашни ўргатиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари бўлган ҳайдашни ўргатувчи йўриқчи. 2. Тажрибали ҳайдовчи. 3. 3 йиллик ишлаган даври бўлган ҳайдовчи. 4. 5 йил ҳайдовчилик даврига эга бўлган 1- ва 2-тоифа ҳайдовчилар. 	<p>2 Мазкур белги билан белгиланган ҳудудда қандай чекланишлар киритилган?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳаракат тезлиги 5 км/с дан ошмаслиги кераклигини билдиради. 2. Транспорт воситаларини бошқаришни ўргатиш. 3. Кириб, чиқиб кетиш ҳаракати тақиқланади. 4. Енгил автомобилларнинг тунда тўхтаб туришини тақиқлайди. 
<p>3 Бошқаришни ўргатишдаги транспорт воситаси қандай жиҳозланган бўлиши керак?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Қоидаларнинг талабларига мувофиқ таниқлик белгилари билан. 2. Уловчи ва тормознинг қўшимча тепкилари билан. 3. Ўргатувчи учун орқани кўрсатувчи кўзгу билан. 4. Санаб ўтилган барча жиҳозлар ва белгилар билан. 	<p>4 Қоида бўйича неча ёшдан бошлаб енгил автомобилни бошқаришга рухсат берилади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. 14 ёшдан. 2. 16 ёшдан. 3. 18 ёшдан.
<p>5 Рулда ўрганувчи бўлса, қайси томонга ҳаракатланишга рухсат берилади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳамма томонга. 2. Фақат ўнга. 3. Ўнга, чапга ва қайрилиш. 	<p>6 Автомагистралда бошқаришни ўрганиш:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. 70 км/с дан ортмаган тезлик билан рухсат берилган. 2. Ҳайдашни ўргатувчи йўриқчи билан ўрганувчида етарли бошқариш малакаси бўлсагина 60 км/соатдан ортиқ бўлмаган тезликка рухсат этилган. 3. Тақиқланган. 4. Агар ўрганилаётган механик транспорт воситасида таниқлик белгилари қайд этилган бўлса, рухсат этилган.
<p>7 Агар транспорт воситасининг тузилишида кўзда тутилган орқани кўрсатадиган кўзгулар бўлмаса, автомобилдан фойдаланишга рухсат этиладими?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Агар орқа ойна пардалар билан беркитилмаган бўлса рухсат этилади. 2. Тақиқланади. 3. Лоақал битта кўзгу бўлса рухсат этилади. 	<p>8 Ҳайдашни ўргатувчига хавфсизлик камарини тақмасликка рухсат этиладими?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Агар транспорт воситасини ўрганувчи ҳайдаётган бўлса рухсат этилади. 2. Ҳар қандай ҳолатда ҳам рухсат этилади. 3. Тақиқланади.
<p>9 Қайси ёшда мотоциклда якка тартибда ҳаракатланишни ўргатишга рухсат этилади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. 12 ёшдан. 2. 14 ёшдан. 3. 16 ёшдан. 4. 18 ёшдан. 	<p>10 Ўқув машқлари вақтида ўқувчилар хавфсизлик камарини тақишлари шартми?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Шарт. 2. Шарт эмас. 3. Агар бу автомобилни бошқаришни қийинлаштирса шарт эмас. 4. Агар ўргатувчи рухсат берса шарт эмас.

XXVI. ОДАМ ТАШИШ

Автобус, микроавтобус, трамвай, троллейбус, енгил автомобиль каби-лар ишлаб чиқарувчи корхоналар тара-фидан одам ташиш учун мўлжалланган бўлиб, уларнинг ҳаракатланишдаги хавфсизликлари тўлиқ инобатга олин-ган. Баъзи ҳолатларда юк ташиш учун мослаштирилган автомобилларда одам ташишни вазият тақозо қилади. Бу жуда ҳам масъулиятли бўлиб, ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларига жавоб бера олиши керак.

152. Юк автомобилнинг юкхонасида одам ташиш «С» тоифасидаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган, одамлар сони кабинадаги йўловчиларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 8 нафардан ортиқ бўлганда эса, «С» ва «D» тоифаларидаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган ва шу тоифага тааллуқли транспорт воситаларидан бирини 3 йилдан ортиқ бошқарган ҳайдовчилар томонидан амалга оширилиши керак.



Ҳарбий ҳайдовчиларга юк автомоби-ларидан одам ташишга рухсат бе-риш Ўзбекистон Республикаси Мудо-фаа вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

153. Одам ташиш учун мўлжалланган юк автомобили юкхонаси бортининг баландлигидан 30 сантиметр паст-да жойлашган ўриндиқлар билан жиҳозланиши, икки ён ва орқа бортда-ги ўриндиқлар мустаҳкам суянчиққа эга бўлиши керак.


Суянчиқлар йўловчиларга қулайлик яратишдан ташқари, уларнинг хавф-сизлигини ҳам таъминлайди.

Болаларни юк автомобилларининг юкхонасида ташиш тақиқланади.

Кескин тўхташ ва манёврлар ба-жаришда йўловчи тан жароҳати ол-маслиги ва ҳаракатланиш давомида ноқулайликлар сезмаслиги учун:

154. Юк автомобилнинг юкхонаси-да, шунингдек, шаҳарлараро, сайёҳлик, экскурсия ёки тоғли йўналишларда ва болалар гуруҳини ташкилий ташиш-да ташилаётган одамлар сони ўтириш учун жиҳозланган ўриндиқлар сонидан ошмаслиги керак.


155. Ҳаракатни бошлашдан олдин ҳайдовчи йўловчиларга автомобилга чиқиш, ундан тушиш ва унга жойлашиш тартиби ҳақида тушунча бериши керак.



Йўловчиларнинг хавфсизлиги ҳай-довчи ташишни қандай ташкил эт-ганлигига ҳам боғлиқ. Одам ташиш учун мўлжалланган юк автомобилла-рига йўловчиларни чиқариш ва туши-риш, йўл ҳаракати хавфсизлигига асо-сан, транспорт воситасининг орқа ва тротуарга қараган ён (бортлари) томонидан амалга оширилади.

Ҳайдовчи ҳаракатни бошлашдан ол-дин йўловчиларни хавфсиз ташиш ша-роити таъминланганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.


156. Одам ташишга мослаштирилмаган юк автомобилларининг юкхонасида фақат юкни олиш учун бораётган ёки уни кузатиб бораётган шахсларнинг (А) бўлишига йўл қўйилади, бунда улар бортлардан пастда жойлашган ўриндиқлар билан таъминланишлари керак.




Юкни кузатиб бораётган экспедитор, кузатувчи, ҳаракат хавфсизлиги талабларига асосан, ўз ўриндиқларини юк ортилгандан кейин юкхонанинг орқа томонига жойлаштиришлари керак. Акс ҳолда кескин тўхташ натижасида олдинга суриладиган юк кузатувчини кабинага сиқиб қўйиши мумкин.

157. Болалар гуруҳини ташкилий ташишда транспорт воситасида (салонда) катта ёшли кузатиб борувчи шахс (В) (кузатиб борувчилар) бўлиши шарт.

Бундай транспорт воситаларининг олд ва орқа томонига «Болалар гуруҳини ташиш» таниқлик белгиси ўрнатилиши керак (С).



Ёш болалар транспорт воситалари ҳаракатланишидаги хавфсизликни тўлиқ англай олмайдилар. Шу сабабли бу масъулият кузатиб борувчиларга юклатилади.




158. Ҳайдовчи транспорт воситаси тўла тўхтагандан кейин одамларни тушириши ва чиқариши, эшиклар ёпилгандан сўнггина ҳаракатланишни бошлаши ва тўла тўхтамагунча уларни очмаслиги шарт.



159. Одамларни ташиш қуйидаги ҳолларда тақиқланади:

— автомобилнинг кабинасидан ташқарида (бортли юк ёки фургон-юкхонали автомобилларда одам ташишдан ташқари);

— тракторлар ва бошқа ўзиюрар машиналар, юк ташиладиган тиркамалар (D), тиркама-уйча (E), юк мотоцикллари юкхонасида (F);



— мотоциклларнинг конструкциясида кўзда тутилган жойларидан ташқарида;
— 12 ёшга тўлмаган болаларни мотоциклнинг орқа ўриндиғида, шунингдек,



енгил автомобилга болаларни ушлаб турувчи махсус қурилма ўрнатилмаган бўлса, унинг олдинги ўриндиғида;

— 12 ёшга тўлмаган болаларни ҳисобга олмаганда одам сони транспорт

воситасининг техник тавсифномасида кўзда тутилган миқдордан ортиқ бўлганда.

Бунда транспорт воситасининг ҳақиқий вазни уни ишлаб чиқарган корхона белгилаган рухсат этилган вазндан ошмаслиги керак.



12 ёшгача бўлган болаларни ташишда болалар махсус ўриндиқларидан фойдаланиш автомобилнинг фақат орқа ўриндиқларида амалга оширилиши мумкин.

Хавфсизлик камари

12 ёшгача



12 ёшгача



12 ёшдан кейин

12 ёшдан кейин



XXVI мавзуга оид тестлар

1 Одамларни ташишга мослаштирилмаган юк автомобили юкхонасида одам ташишга рухсат этиладими?

1. Тақиқланади.
2. Автомагистраллар ўтмаган йўлларда рухсат этилади.
3. Фақат юкни кузатиб борувчи шахсларга шу шарт биланки, улар бортларидан пастда жойлашган ўтирадиган жой билан таъминланган бўлсалар, рухсат этилади.

2 12 ёшга етмаган болаларни юк автомобили кабинасида ташишга рухсат этиладими?

1. Рухсат этилади.
2. Фақат катта ёшдаги йўловчи ҳамроҳлигида рухсат этилади.
3. Тақиқланади.

<p>3 Юк автомобили юкхонасида болаларни ташишда қандай талаблар қўйилади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Камида икки нафар катта ёшли кузатиб борувчи бўлиши керак. 2. Бундай транспорт воситаларининг олди ва орқасида болалар тасвири бўлган сариқ рангли квадрат таниқлик белгиси ўрнатилиши керак. 3. Юкхона девори пол сатҳидан камида 1 м кўтарилган бўлиши керак. 4. Юк автомобили юкхонасида болаларни ташиш тақиқланган. 	<p>4 Юк автомобилнинг юкхонасида 8 нафардан кўп одамларни ташиш учун қайси ҳайдовчиларга рухсат берилади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. «С» тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи гувоҳномаси бўлиб, шу автомобилда 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлган ҳайдовчиларга. 2. «D» ва «С» тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган ва шу тоифадаги транспорт воситаларидан бирини 3 йилдан ортиқ бошқарган ҳайдовчилар томонидан амалга оширилиши керак.
<p>5 Енгил автомобилларнинг олдинги ўриндиғида болаларни ташишга рухсат этиладими?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. 7 ёшдан кичик бўлмаган болаларни ташишга рухсат этилади. 2. 12 ёшдан кичик бўлмаган болаларни ташишга рухсат этилади. 3. Катта ёшли йўловчи бўлганда ёшидан қатъи назар рухсат этилади. 	<p>6 Автомобилни қисман шатакка олишда йўловчилар қаерга жойлашишлари керак?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Иккала автомобилнинг кабиналарида. 2. Шатакка олаётган автомобиль кабинасида. 3. Шатакка олинаётган автомобиль кабинасида. 4. Шатакка олаётган автомобиль кузовида.
<p>7 Болалар ўриндиғисиз енгил автомобилларнинг олд ўриндиғида болаларни неча ёшдан олиб юриш мумкин?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. 8 ёш. 2. 10 ёш. 3. 12 ёш. 4. 14 ёш. 5. 16 ёш. 	<p>8 12 ёшгача бўлган болаларни енгил автомобилнинг олд ўриндиғида олиб юришга рухсат этиладими?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Рухсат этилади. 2. Фақат махсус болалар ўриндиғида рухсат этилади. 3. Тақиқланади.

XXVII. ЮК ТАШИШ

Транспорт воситаларида ташиладиган юкни шундай жойлаштириш керакки, йўлнинг нотекис жойларида қўзғалиб, бурилиш ва қайрилишларда мувозанат йўқолиб, юк тушиб кетмаслиги керак.

160. Ташилаётган юкнинг вазни ва ўқларга тушадиган оғирлик миқдорининг тақсимланиши ишлаб чиқарган корхона томонидан ушбу транспорт воситаси учун белгиланган миқдордан ошмаслиги керак.



Акс ҳолда бу транспорт воситасининг ҳаракатланиш хавфсизлигига таҳдид солади.

161. Ҳайдовчи ҳаракатни бошлашдан олдин юкнинг тўғри жойлашганлигига ва маҳкамланганлигига ишонч ҳосил қилиши, ҳаракатланиш вақтида эса, юкнинг тушиб кетмаслигини ва ҳаракатланишга халақит бермаслигини таъминлаш мақсадида унинг ҳолатини кузатиб бориши керак.

Булардан ташқари, ташиладиган юк ёниб кетмаслиги, чанг-тўзон кўтармаслиги, тўкилиб, йўлни ифлос қилмаслигини ҳайдовчи доимо назорат қилиб бориши керак.

162. Қуйидаги шартларга амал қилинганда юк ташишга йўл қўйилади:

— агар юк ҳайдовчига теварак-атроф кўринишини чекламаса;

— транспорт воситасини бошқаришни қийинлаштирмаса ва унинг мувозанатини бузмаса;

— ташқи ёритиш асбоблари ва ёруғлик қайтаргичларини, рўйхатдан ўтказилганлик давлат рақам белгилари ва таниқлик белгиларини, шунингдек, қўл билан бериладиган ишораларни кўришни тўсмаса;

— шовқин солмаса, чанг кўтармаса, йўлни ва атроф-муҳитни ифлос қилмаса.

Агар юкнинг жойлашуви ва ҳолати қайд этилган талабларга жавоб бермаса, ҳайдовчи юқорида санаб ўтилган қоидалар бузилишини бартараф этиш чораларини кўриши, бунинг иложи бўлмаса, кейинги ҳаракатланишни тўхтатиши шарт.

163. Транспорт воситасининг габаритларидан олд ёки орқа томонга бир метрдан, ён томонга габарит чироқларининг четки қисмидан 0,4 метрдан ортиқ чиқиб турган юк «Катта ўлчамли юк» таниқлик белгиси билан белгиланиши, қоронғи вақтда ва етарлича кўринмайдиган шароитда эса бунга қўшимча равишда олд оқ чироқ ёки ёруғлик қайтаргич, орқаси эса қизил чироқ ёки ёруғлик қайтаргич билан белгиланиши керак.



164. Ўта оғир, катта ўлчамли ва хавфли юкларни ташишда габарит ўлчамлари юкли ёки юксиз ҳолда эни бўйича 2,55 (рефрижераторлар ва изо-термик кузовлар учун 2,6) метрдан ва баландлиги бўйича йўл сатҳидан 4 метрдан, узунлиги бўйича бир тиркама ёки яримтиркама билан 20 метрдан, икки ёки ундан ортиқ тиркама билан 24 метрдан ортиқ бўлган ёхуд юки транспорт воситасининг орқа нуқтасидан 2 метрдан ортиқ чиқиб турган транспорт воситаларининг ҳаракатланиши белгиланган тартибда ДИЎХХ билан келишилган бўлиши керак.

Автобус ва микроавтобуслар томига юк ташиш учун мосламалар ўрнатиш ҳамда белгиланмаган жойларда юк ташиш тақиқланади.

Автомобиль транспортда мамлакатлараро юк ташиш транспорт воситаларига қўйиладиган талабларга ва Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилган ташиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Рухсатномада ҳаракатланиш йўналиши ва вақти кўрсатилади. Ташилаётган юкнинг ҳажми, ўлчамлари ва хавфлилиқ даражасига кўра ЙПХнинг патруль автомобили кузатишга жалб этилиши мумкин.

XXVII мавзуга оид тестлар

- 1** Юк транспорт воситасига шундай жойлаштирилиши керакки, у:
1. Юкхона деворларидан баланд чиқмаслиги керак.
 2. Шовқин ҳосил қилмаслиги, чанг кўтармаслиги ва атроф-муҳитни ифлос қилмаслиги керак.
 3. Транспорт воситасининг орқа ўлчамидан 0,8 м дан ортиқ чиқиб турмаслиги керак.

- 2** Юк ташиш тақиқланади, агар:
1. Юк энининг чекка нуқтаси олдинги ёки орқа габарит чироқнинг ташқи чеккасидан 0,4 м дан ортиқ чиқиб турса.
 2. Юк транспорт воситасининг габаритларидан 1 м дан ортиқ чиқиб турса.
 3. Ташилаётган юк вазни шу транспорт воситаси учун ишлаб чиқарган корхона белгиланган катталиқдан ортиқ бўлса.
 4. Барча айtilган ҳолларда.

<p>3 Юк транспорт воситасининг ўлчамларидан чиқиб турса, куннинг қоронғи вақтида ва етарлича кўринмайдиган шароитда қандай белгиланади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ишора тахтачалари ёки байроқчалар (диагонал бўйича навбатма-навбат тортилган қизил ва оқ йўлли) билан. 2. Олдига оқ, орқасига қизил, ён томони зарғалдоқ ранг ёруғлик қайтаргич мосламалар ёки фонарлар билан. 3. Орқасига қизил, олдига оқ байроқчалар билан. 	<p>4 «Рухсат этилган тўла вази» нима?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Транспорт воситасининг юк кўтариши. 2. Транспорт воситасининг ҳақиқий вази. 3. Ишлаб чиқарувчи корхона томонидан белгиланган, аслаҳаланган транспорт воситасининг ҳайдовчи, йўловчи, юк билан бирга рухсат этилган энг юқори вази (миқдори). 4. Транспорт воситасида ташиладиган юкнинг ишлаб чиқарган корхона йўл қўйган техник тавсифномаси сифатида белгиладиган вази.
<p>5 Кундузги вақтда транспортнинг олд ёки орқа томониغا 1 метрдан ортиқ чиқиб турган юк қандай белгиланади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Диагонали бўйича қизил ва оқ алмашувчи чизиклар бўлган тахталар ёки байроқчалар билан. 2. Қизил байроқчалар билан. 3. Оқ байроқчалар билан. 	<p>6 Ташилаётган юк ДЙХХ хизматининг рухсатисиз транспорт воситаси ўлчамларининг орқа нуқтасидан энг катта миқдорда қандай чиқиб туриши мумкин?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. 1,0 м. 2. 1,5 м. 3. 2,0 м. 4. 2,5 м. 5. 4,0 м.
<p>7 Давлат ЙХХ хизматининг рухсатисиз транспорт воситасининг юк билан ёки юксиз қандай юқори ўлчам билан ҳаракатланишига йўл қўйилади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. 5,0 м. 2. 4,5 м. 3. 4,0 м. 4. 2,5 м. 5. 3,8 м. 	<p>8 Сутканинг ёруғ пайтида орқа ёки олд габаритлари 1,0 м га туртиб чиққан транспорт воситаларида юк ортилганлиги қандай билдирилади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Диагонал бўйича ўрнатилган қалқонча ва байроқчалар билан. 2. Қизил байроқчалар билан. 3. Оқ байроқчалар билан.

XXVIII. ВЕЛОСИПЕД, МОПЕД ВА АРАВАЛАР ҲАРАКАТЛАНИШИГА, ШУНИНГДЕК, ҲАЙВОНЛАРНИ ҲАЙДАБ ЎТИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР

165. Йўлда велосипед, аравани бошқариш, мириладиган ёки юк ортиладиган ҳайвонларни ҳайдаб ўтиш 14 ёшдан кичик бўлмаган, мопедни бошқариш эса 16 ёшдан кичик бўлмаган шахсларга рухсат этилади.


166. Велосипедлар, мопедлар, аравалар, мириладиган ёки юк ортиладиган ҳайвонларнинг йўлнинг четки ўнг бўлагидан имкони бори-ча ўнг томонидан бир қатор бўлиб ҳаракатланишига йўл қўйилади. Агар пиёдаларга халақит бермаса, йўл ёқасидан ҳаракатланишга ҳам рухсат этилади.



Йўлнинг қатнов қисмида ҳаракатланишда велосипедчилар, аравалар жамланмаси, мириладиган ёки юк орти-



ладиган ҳайвонлар гуруҳлари ва ҳайдаб кетилаётган ҳайвонлар тўдаси йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган ҳамда уларни қувиб ўтишни осонлаштирадиган гуруҳларга бўлиниши керак.

167. Велосипед товушли ишора мосламаси билан жиҳозланган ва тормоз тизими соз бўлиши зарур. Қоронғи вақтда ва ётарлича кўринмаслик шароитида ҳаракатланиш учун велосипеднинг олд томонига оқ рангли нур қайтаргич ва чироқ, орқа томонига қизил рангли нур қайтаргич ва чироқ, ён томонларига эса, зарғалдоқ ёки қизил рангли нур қайтаргич ўрнатилиши керак.



168. Велосипед ва мопед ҳайдовчиларига қуйидагилар тақиқланади:

— рулни бир қўлда ушлаб ҳаракатланиш (манёврдан олдин ишоралар бериш бундан мустасно);



— йўловчи ташиш (ишончли оёқ қўйгич билан жиҳозланган қўшимча ўриндиқда 7 ёшгача бўлган йўловчини ташиш бундан мустасно);

— габаритдан бўйига ва энига 0,5 метрдан ортиқ чиқиб турган ёки бошқаришга халақит берадиган юкларни ташиш;


— велосипед йўлкаси бўлган ҳолда йўлнинг қатнов қисмида ҳаракатланиш;

— трамвайлар ҳаракатланадиган йўлларда ва тегишли йўналишда бўлаги биттадан кўп бўлган йўлларда чапга бурилиш ёки қайрилиб олиш;

— қадаб олинмаган мотошлемсиз йўлларда ҳаракатланиш (мопед ҳайдовчиларига).

Велосипедларни ва мопедларни шатакка олиш, шунингдек, улардан шатакка олишда фойдаланиш тақиқланади (велосипед ёки мопедга мўлжалланган тиркамаларни шатакка олиш бундан мустасно).

169. Чорраҳадан ташқаридаги тартибга солинмаган велосипед йўлкаси билан йўл кесишмасида велосипед ва мопед ҳайдовчилари йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситаларига йўл беришлари керак.



170. От-араваларда уни тўхтатиб турадиган мослама ва орқага тисарилиб кетишга йўл қўймайдиган тиргаклар бўлиши керак.

Қоронғи вақтда ва ётарлича кўринмайдиган шароитда ҳаракатланганда от-араванинг олд томонига оқ рангли чироқ ёки иккита нур қайтаргич, орқа то-

монига эса қизил рангли чироқ ёки икки-та нур қайтаргич ўрнатилиши керак.

Ёндош ҳудуддан ёки иккинчи даражали йўлдан кўриниши чекланган жойларда йўлга чиқаётган арава ҳайдовчиси ҳайвонларнинг жиловини қўйиб юбормаслиги керак.

171. Ҳайвонлар йўлда, асосан, куннинг ёруғ вақтида ҳайдаб борилиши керак. Подачилар ҳайвонларни мумкин қадар йўлнинг ўнг четида олиб юришлари керак.

172. Темир йўл кесишмалари орқали ўтишда подачилар сонини ҳисобга олган ҳолда ҳайвонлар подаси хавфхатарсиз ҳайдаб ўтилиши таъминландиган тўдаларга бўлиниши керак.

173. Аравани бошқараётган, миниландиган ёки юк ортиладиган ҳайвонларни, подани ҳайдаб кетаётган шахсларга қуйидагилар тақиқланади:



— йўлларда ҳайвонларни назоратсиз қолдириш;

— подани темир йўлдан ва йўлда махсус ажратилмаган жойлардан, шунингдек, рухсат этилган жойларда эса қоронғи вақтда ва етарлича кўринмаслик шароитида ҳайдаб ўтиш;

— бошқа йўллар бўлганда ҳайвонларни мукамал қопламали йўлларда ҳайдаб бориш;

— кўкаламзорлаштирилган жойларда (йўл, йўл ёқаси, ажратувчи бўлак ва ҳ. к.) ҳайвонларни боқиш ва боғлаб қўйиш.

XXVIII мавзуга оид тестлар

<p>1 Қайси ҳолларда велосипедларда қатнов қисмининг ўнг чеккасидан чиқишга йўл қўйилади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Юк ортиб кетаётганда. 2. Рухсат этилган ҳолларда чапга бурилиш ёки орқага қайтиш учун. 3. Иккала санаб ўтилган ҳолларда. 	<p>2 Велосипедларда тротуарда ҳаракатланишга рухсат этиладими?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Рухсат этилади. 2. Пиёдалар бўлмаганда рухсат этилади. 3. Тақиқланади.
<p>3 Велосипед йўлкаси йўл билан кесишган жойларда велосипед ва мопед ҳайдовчилари қандай ҳолларда транспорт воситаларига йўл беришлари керак?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Чорраҳадан ташқарида тартибга солинмаган кесишмада барча ҳолларда. 2. Транспорт воситаси ўнгдан яқинлашиб келганда. 3. Кўрсатилган жойда велосипед ва мопед ҳайдовчилари имтиёзга эгадирлар. 	<p>4 Қайси белги «Велосипед йўлкаси билан кесишув»ни билдиради?</p> 
<p>5 Бу ётиқ чизик нимани билдиради?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Пиёдалар ўтиш жойини. 2. Велосипед йўлкаси қатнов қисмини кесиб ўтадиган жойини. 3. Мол ҳайдаладиган жойини. 	<p>6 Тротуар ёки пиёдалар йўлкаси бўлмаганда пиёдалар велосипед йўлкаси бўйлаб ҳаракат қила оладиларми?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Қила оладилар. 2. Агар велосипедларнинг ҳаракатланишини қийинлаштирмаса, қила оладилар. 3. Қила олмайдилар.

XXIX. МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ЙЎЛГА ЧИҚАРИШ, РАҚАМ ВА ТАНИҚЛИК БЕЛГИЛАРИНИ ЎРНАТИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

174. Йўл ҳаракатида иштирок этаётган транспорт воситаларининг техник ҳолати ва жиҳозлари Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Механик транспорт воситалари ва тиркамалар «Транзит» рўйхатлаш белгисининг амал қилиш вақти ичида ёки харид қилинган, шунингдек, божхонада расмийлаштирилган вақтдан бошлаб 10 кун мобайнида ДЙҲХХда рўйхатдан ўтказилиши керак. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилиши керак.


175. Механик транспорт воситалари (трамвай, троллейбуслардан ташқари) ва тиркамаларнинг кўзда тутилган жойларида тегишли намунадаги рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгилари ўрнатилган бўлиши шарт. Автомобиль ва автобусларда эса олд пешойнанинг ўнг томонидаги паст бурчагига давлат техник кўригидан ўтганлиги ҳақидаги талон ўрнатилиши керак.

Юк автомобиллари, тиркамалар (енгил автомобиллар ва мотоцикллар тиркамаларидан ташқари) ва автобуслар (микроавтобуслардан ташқари) кузовининг орқа деворига унинг давлат рақам белгиси ва ҳарфлари ёзилиши керак. Рақамнинг баландлиги 300 мм, кенлиги 120 мм, чизиқнинг йўғонлиги 30 мм, ҳарфлар баландлиги эса рақам ўлчамларининг 2/3 қисмига тенг бўлиши керак.

Трамвай ва троллейбусларга тегишли ташкилот томонидан рўйхатга олинган рақамлар ёзилади.

176. Транспорт воситаларига қуйидаги таниқлик белгилари ўрнатилиши керак:

«Автопоезд» — юк автомобиллари ва ғилдиракли трактор (1,4 тонна ва ундан юқори)ларда тиркама бўлганда, шунингдек, туташтирилган автобус ва троллейбус кабиначалари томининг олд қисми ўртасига бир қатор қилиб 150 дан 300 миллиметргача оралиқда кўндаланг жойлашган учта зарғалдоқ рангли чироқ ёки ичидан ёритиладиган, томонларининг ҳар бири 250 миллиметр бўлган сариқ рангли учбурчак шаклидаги белги;



«Турумланган» (тишли, шипли) — турумланган шинали механик транспорт воситасининг орқасига томонлари тенг, ичига қора рангда «Т» ҳарфи туширилган, қизил ҳошияли, оқ рангдаги учбурчак шаклидаги белги. Учбурчакнинг томонлари транспорт воситасининг турига қараб 200 — 300 миллиметргача, ҳошиянинг кенлиги учбурчак томонининг 1/10 қисмига тенг бўлиши керак;



«Болалар гуруҳини ташкил қилиш» — болалар гуруҳини ташкилий ташишда транспорт воситасининг олд ва орқа томонларига қизил ҳошияли, ичига 1.21 йўл белгисидаги болалар тимсолининг тасвири туширилган, сариқ рангдаги, томонлари тенг бўлган тўртбурчак (квадрат) кўринишидаги белги. Тўртбурчакнинг томонлари 250 — 300 миллиметргача, ҳошиянинг кенлиги тўртбурчак томонининг 1/10 қисмига тенг бўлиши керак;



«Кар ҳайдовчи» — карсоқов ёки кар ҳайдовчи бошқараётган транспорт воситасининг олд ва орқа томонларига ичига диаметри 40 миллиметр бўлган учта қора доира туширилган, диаметри 160 миллиметрли ташкил этадиган сариқ рангли доира шаклидаги белги;



«Бошқаришни ўргатиш транспорт воситаси» — бошқаришни ўргатишда фойдаланиладиган транспорт воситаларининг олд ва орқа томонига ичига қора рангда «O'» ҳарфи туширилган, томонлари 200 миллиметрдан 300 миллиметргача бўлган, қизил ҳошияли, оқ рангли учбурчак шаклидаги белги;



«Тезлик чекланган» — ўта оғир, хавфли ва катта ўлчамли юкларни ташиётган, шунингдек, транспорт воситасининг техник тавсифномасида кўрсатилган энг юқори тезлиги Қоидаларнинг 78, 79 ва 80-бандларида белгиланган тезликдан кам бўлган ҳолларда транспорт воситаси кузови орқа деворининг чап томонига 3.24 — «Юқори тезлик чекланган» йўл белгисининг кичрайтирилган, рангли тасвири туширилган шаклидаги белги. Белгининг диаметри 160 миллиметрдан кам бўлмаслиги, ҳошиясининг кенглиги белги диаметрининг 1/10 қисмига тенг бўлиши керак;



«Хавфли юк» — хавфли юкни ташиётган транспорт воситасининг олд ва орқа томонига ўрнатилган ўлчами 690 x 300 миллиметр, ўнг қисми 400 x 300 миллиметр бўлган зарғалдоқ рангли, чап қисми эса юкнинг хавфли хусусиятини билдириб турган белгилар туширилган қора ҳошияли (кенглиги 15 миллиметр) оқ рангдаги тўртбурчак шаклидаги белги (Қоидаларга 4-илова);



«Катта ўлчамли юк» — ичига кенглиги 50 миллиметрли, диагонал бўйича навбатма-навбат қизил ва оқ рангли чизиқлар туширилган, нур қайтарадиган юзали, ўлчами 400 x 400 миллиметрли тўртбурчак шаклидаги белги;



«Узун ўлчамли транспорт воситаси» — юкли ёки юксиз узунлиги 20 метрдан ошадиган транспорт воситасининг, икки ёки ундан кўпроқ тиркамали автопоездларнинг орқасига кенглиги 40 миллиметр бўлган қизил ҳошияли, ўлчами 1200 x 200 миллиметр бўлган, таркибнинг тасвири туширилган сариқ рангли тўртбурчак шаклидаги белги;



Кўрсатилган ўлчамли белгини жойлаштиришнинг имконияти бўлмаса, бир хил иккита 600 x 200 миллиметр ўлчамдаги белгини транспорт воситасининг ўқиға симметрик равишда ўрнатишга йўл қўйилади;

«Авария сабабли тўхташ» — милтиловчи қизил чироқ ва давлат стандарти талаблари асосидаги учбурчак шаклидаги белги.



Ҳайдовчиларнинг хоҳишига кўра қуйидаги таниқлик белгилари ўрнатилиши мумкин:

«Шифокор» — шифокор-ҳайдовчи бошқараётган транспорт воситасининг олд ва орқа томонига ўрнатиладиган, томонлари 140 миллиметр бўлган, кўк рангли, тўртбурчак ичида диаметри 90 миллиметрли оқ доираға қалинлиги 25 миллиметрли қизил хоч тасвири туширилган белги;



«Ногирон» — биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногирони бошқараётган транспорт воситасининг олд ва орқа томонига ўрнатиладиган барча томонлари 150 мил-



лиметр бўлган ва қора рангли 7.17 йўл белгисининг тасвири туширилган сариқ рангли тўртбурчак шаклидаги белги.

177. Механик транспорт воситаларини шатакка олишда эгилувчан улагични кўрсатадиган огоҳлантирувчи, ўлчами 200 x 200 миллиметр бўлган, диагонали бўйича кетма-кет жойлашган 50 миллиметр қалинликдаги қизил ва оқ рангли чизиқлар туширилган, ёруғлик қайтарадиган юзали байроқчалар ёки тахтачалар шаклидаги огоҳлантирувчи қурилмалар ўрнатилиши керак.

Эгилувчан улагичга камида иккита огоҳлантирувчи қурилма ўрнатилади.

178. Қаттиқ улагичли қурилманинг конструкцияси техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг талабларига мос бўлиши керак.

179. Қуйидаги ҳолларда транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланади:

— автомобиллар, автобуслар, автопоездлар, тиркамалар, мотоцикллар, мопедлар, тракторлар ва бошқа ўзиюрар машиналарнинг техник ҳолати ва жиҳозланиши транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлайдиган шартлар рўйхатининг талабларига жавоб бѐрмаса (Қоидаларга 3-илова);

— троллейбус ва трамвайларда тегишли техник фойдаланиш қоидаларида кўзда тутилган носозликлардан бирортаси бўлса;

— транспорт воситалари давлат техник кўригидан ўтмаган, шунингдек, тегишли рухсатсиз қайта жиҳозланган бўлса;

— транспорт воситалари ДЙҲХХ рухсатсиз милтилловчи чироқ-маёқча ва (ёки) махсус товушли ишора билан жиҳозланган, кузовнинг ён томонига ДЙҲХХ билан келишилмасдан қия оқ чизиқ тортилган, кўзда тутилган жойларга тегишли давлат рақам белгилари ўрнатилмаган, агрегат ва қисмларининг рақамлари ёки давлат рўйхатлаш рақам белгилари кўринмайдиган, қалбакилаштирилган, ўзгартирилган бўлса;

— транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги белгиланган тартибда мажбурий суғурта қилинмаган бўлса.

180. Транспорт воситаларининг техник ҳолатига ва улардан фойдаланишга жавобгар бўлган мансабдор ва бошқа шахсларга қуйидагилар тақиқланади:

— техник носоз, тегишли рухсатсиз қайта жиҳозланган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ёки даврий давлат техник кўригидан ўтказилмаганлиги туфайли фойдаланиш тақиқланган транспорт воситаларини йўлга чиқариш;

— мастлик (гиёҳванд моддалар, алкоголь ва бошқалар) ҳолатида ёки сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган чарчоқлик ёки бетоблик ҳолатида, шунингдек, тегишли тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган, белгиланган муддатда тиббий кўриқдан ўтмаган, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси бўлмаган шахсларни транспорт воситасини бошқаришга қўйиш;

— асфальт ёки цемент-бетон қопламали йўлларга занжирли трактор ва бошқа ўзиюрар механизмларни чиқариш.

181. Йўллар, темир йўл кесишмалари ва бошқа йўл иншоотларининг ҳолатига жавобгар бўлган мансабдор ва бошқа шахслар:

— йўллар, темир йўл кесишмалари ва бошқа йўл иншоотларини йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги техник тартибга солиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ, ҳаракат хавфсизлигини таъминлайдиган ҳолатда сақлашга;

— йўл ҳаракатига халақит бѐрадиган ҳар қандай тўсқинлик вужудга келса, уларни ўз вақтида бартараф этиш, йўлнинг айрим қисмларида улардан

фойдаланиш йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган ҳолларда ҳаракатни чеклаш ёки тақиқлаш чораларини кўришга мажбур.

182. Йўлларда таъмирлаш ишларини бажаришга жавобгар мансабдор ва бошқа шахслар ишлар олиб борилаётган жойда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга мажбур. Бундай жойлар, шунингдек, йўлдан ташқарига олиб чиқиш имконияти бўлмаган иш бажармаётган йўл машиналари, қурилиш материаллари, қурилма ва шунга ўхшашлар тегишли йўл белгилари, йўналтирувчи ва тўсувчи мосламалар билан, сутканинг қоронғи вақтида ва етарлича кўринмайдиган шароитда эса, қўшимча қизил ёки сариқ чироқли ишоралар билан белгиланиши керак.

Таъмирлаш ишлари тугагандан сўнг транспорт воситалари ва пиёдаларнинг хавфсиз ҳаракатланиши таъминланган бўлиши керак.

183. Қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда тегишли мансабдор ва бошқа шахслар томонидан ДЙХХХ билан белгиланган тартибда қуйидагилар келишилади:

— шаҳарларда ва автомобиль йўлларида ҳаракатни ташкил этишни лойиҳалаш, йўлларни ҳаракатни ташкил этувчи техник воситалар билан жиҳозлаш;

— йўлларни, темир йўлларни кесиб ўтиш жойларини, автомобилга ёнилғи қуйиш шохобчаларини, транспорт воситаларининг конструкцияларини қуриш, реконструкция қилиш лойиҳалари;

— автотранспорт воситаларининг конструкцияси ва (ёки) унинг қисми йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига мос келиши ва автототранспорт воситаларини қайта жиҳозлаш;

— йўналишли транспорт воситалари йўналишлари ва бекатларининг жойлашиши;

— йўлларда оммавий спорт ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

— транспорт воситаларини қайта жиҳозлаш, уларга махсус ёруғлик ва то-

вуш ишораларини ўрнатиш, транспорт воситалари кузовининг ён томонига қия оқ чизиқлар тортиш;

— Қоидаларнинг 164-бандида келтирилган транспорт воситаларининг ҳаракатланиши;

— бошқаришни ўргатиш рухсат этилган йўллар рўйхати ва чизмаси, ҳаракат хавфсизлиги бўйича мутахассисларни, автототранспорт воситасини ёки шаҳар электр транспортини бошқариш бўйича амалий машғулотлар инструктори ва ҳайдовчиларни тайёрлаш дастурлари;

— йўлларда транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатига хавф туғдирувчи ҳар қандай ишларни олиб бориш.

184. Зарғалдоқ ёки сариқ рангли милтиқовчи чироқ-маёқча йўлда қурилиш, таъмирлаш ёки тозалаш ишлари олиб бораётган, шикастланган, носоз бўлган, шунингдек, қонунда кўзда тутилган ҳолларда, бошқа транспорт воситаларини ортиш ва ташиш ишларини бажарётган, йўл ҳаракатида қатнашаётган габарит ўлчамлари Қоидаларнинг 164-бандида белгилангандан ортиқ бўлган ҳамда ўта оғир, катта ўлчамли ва хавфли юк ташиётган транспорт воситаларида ва махсус қоидалар билан белгиланган ҳолларда бундай транспорт воситаларини кузатиб келаётган транспорт воситаларида ўрнатилиши керак.

185. Барча рангдаги чироқ-маёқчалар транспорт воситасининг томига ёки устига ўрнатилади. Маҳкамлаш усуллари транспорт воситаси ҳар хил шароитларда ҳаракатланганда ҳам ўрнатилган чироқ-маёқчаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаши керак.

186. Транспорт воситаларининг барча рангдаги чироқ-маёқча ва махсус товушли ишоралар билан жиҳозланганлиги ҳақидаги маълумотлар транспорт воситасини рўйхатлаш гувоҳномасида кўрсатилган бўлиши керак.

XXIX мавзуга оид тестлар

1 Бу белгиларнинг таъсир оралигида қайси автомобиль учун тўхташга рухсат берилади?

1. Қизилга.
2. Иккала автомобилга.
3. Ҳеч қайсисига.
4. «Ногирон» таниқли белгиси бўлган сариқ автомобилга.



2 Бундай таниқлик белгиси билан белги-ланадиган транспорт воситаси:

1. Оғир вазнли ва йирик ўлчамли юкларни ташувчи.
2. Узунлиги юк билан ёки юксиз 20 метрдан ортиқ бўлган транспорт воситаси.
3. Фургон юкхонасида одамларни ташувчи.



3 Ташиладиган юк вазнини ва ўқлар бўйича тушадиган оғирликни тақсимлашни ким тартибга солиб туради?

1. ДЙҲХХ.
2. Автохўжалик маъмурияти.
3. Мазкур транспорт воситасини тайёрловчи корхона.

4 Автомобиллар шундай таниқлик бел-гилари билан белгиланади:

1. Хавфли юклар ташиётган.
2. Ногиронлар бошқараётган.
3. Кар-соқов ёки кар ҳайдовчилар бошқараётган.
4. Уч йилгача ҳайдовчилик иш даврига эга бўлган ҳайдовчилар бошқараётган.



5 Транспорт воситалари шундай таниқлик белгилари билан белгиланади:

1. Кар-соқов ёки кар ҳайдовчилар бошқараётган.
2. Ногирон бошқараётган.
3. Хавфли юклар ташиётган.



6 Транспорт воситаси шундай таниқлик белгиси билан белгиланади:

1. Ногирон бошқараётган.
2. Оғир вазнли ва йирик ўлчамда юк ташиётган.
3. Хавфли юклар ташиётган.
4. Кар-соқов ёки кар ҳайдовчилар бошқараётган.



7 Кўрсатилган белгилардан қай бири автопоездни билдириш учун ўрнатилади?

1. Чап белги.
2. Ўнг белги.
3. Ҳар икки белги.



8 Бундай вазиятда ҳайдовчи нима қилиши керак?

1. Олдиндан яқинни ёритувчи чироқларни ёқиб ва узлуксиз товуш ишорасини бериб, энг кам тезлик билан турган транспорт воситасини айланиб ўтиши.
2. Қатнов қисмидан ўтаётган болаларга йўл бериши.
3. Бу йўл қисмидан ўтиши керак, чунки болалар қатнов қисмини пиёдалар ўтиш жойидан кесиб ўтмаяптилар.



9 Мазкур таниқлик белгиси нимани билдиради?

1. Олдинда қатнов қисми нотекис бўлган йўл қисмини.
2. Олдинда шу йўналишда ҳаракатланиш учун уч бўлакли йўл қисмини.
3. Турумланган шина ўрнатилган транспорт воситасини.



10 Автомобилга ўрнатилган бу таниқлик белгиси нимани билдиради?

1. Автомобиль шифокор-ҳайдовчига тегишли эканини.
2. Автомобилнинг ҳайдовчи-ногиронга тегишли эканини.
3. Автомобилнинг уйда тиббий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланганини.



ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РАҚАМ ВА ТАНИҚЛИК БЕЛГИЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилтранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги 131-сонли қарори 2007 йил 27 июнда эълон қилинди.

Транспорт воситасини қайтадан рўйхатдан ўтказишнинг бошқа шартлари ҳам мавжуд, булар – двигател алмаштирилганда, транспорт воситаси эгасининг яшаш жойи ўзгарганда.

Транспорт воситасини рўйхатдан ўтказмасдан фойдаланиш тақиқланади. Бу талабни бузувчи ҳайдовчилар ва мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилади.

Спорт ташкилотларининг автомобиль ва мотоцикллари, ёпиқ ҳудудда қўлланиладиган технологик транспортлар ҳамда трактор, трактор тиркамалари, мопед, велосипед, ўзиюрар машиналар ДЙҲҲХда рўйхатга олинмайди. Трактор, трактор тиркамалари, ўзиюрар машиналар тегишли корхона ва ташкилотларда рўйхатга олинади. Рўйхатга олиш ва рақам белгиларини ўрнатиш тартибини корхона ва ташкилотларга тааллуқли вазирликлар аниқлайди.

Транспорт воситаси эгасининг ёзма аризаси, транспорт воситаси қонуний равишда олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат, рўйхатдан ўтказиш рақам белгиси ва техник паспорт учун тўланган қоғоз, транспорт воситаси учун йиғим тўлови, шахсий паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатлар асосида ДЙҲҲХда рўйхатдан ўтказилади.

Трамвай ва троллейбусларга тегишли ташкилотлар томонидан қайд номерлари берилади. Трамвай вағони ва троллейбусларнинг тартиб рақами техник фойдаланиш қоидаларига асосан берилади. Бу рақам белгилари трамвай ёки троллейбус саройидаги ҳар

бир ҳаракат таркибининг орқа ёки олд деворига ёзув тарзида қўйилади. Қисқа текширув синовларини ўтган транспорт воситаларига автотаъмирлаш заводлари ва ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг техник жараёнларига асосан бир йил муддатга мўлжалланган белги ва техник талон берилади.

Завод, ташкилотлар ва давлат синовларидан ўтган транспорт воситаларининг синов нусхаларига махсус автомобиллар учун бериладиган рақам белгиси, техник паспорт ва «синов» штамп қўйилган техник талон берилади.

Дўкон ва автотаъмирлаш заводларидан қайд қилиш жойларига ўзи чиқиб кетаётган, шунингдек, рўйхатдан чиқиб кетаётган автомобилларга 1 марталик «транзит» рақам белгилари берилади.

Механик транспорт воситалари (трамвай, троллейбуслардан ташқари) ва тиркамаларнинг кўзда тутилган жойларида тегишли намунадаги рақам белгилари ўрнатилган бўлиши шарт. Автомобилларда олд пешойнанинг ўнг томонидаги юқори бурчагига давлат техник кўригидан ўтганлиги ҳақидаги талон ҳам ўрнатилиши керак.

Мазкур қарор автомобилтранспорт воситалари миллий давлат рақами белгиларининг халқаро талаблари ва стандартларига мувофиқлигини таъминлаш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишнинг электрон тизими билан бирга олиб бориш, шунингдек, уларни қалбакилаштириш ва улардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлигининг Ўзбекистон Республикасида автомобилтранспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари) учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналари босқичма-босқич жорий этилди.

Бу 2008 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб 2013 йилнинг 1 январигача янги рўйхатдан ўтказилаётган (қайта рўйхатдан ўтказилаётган) барча автотранспорт воситалари учун мажбурий тартибда амалга оширилди.

Автотранспорт воситаларига ва уларнинг тиркамаларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари:

I тип – рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари юридик шахсларнинг автомобилларига берилади.




Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони оқ рангда, четки қисми, рақам ва ҳарфлари қора рангда. Чап томонда ҳудуднинг коди, ўнг томонда Ўзбекистон Республикаси байроғи ва UZ ҳарфлари.

II тип – рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари олий давлат органлари, бошқарув органлари ва вазирликларнинг автомобилларига берилади.



Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони оқ рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари қора рангда. Чап томонда Ўзбекистон Республикаси байроғи.

III тип – рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари жисмоний шахсларнинг автомобилларига берилади.



Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони оқ рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари қора рангда. Чап томонда ҳудуднинг коди, ўнг томонда Ўзбекистон Республикаси байроғи ва UZ ҳарфлари.

IV тип – «CMD» серияли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иш-

лар вазирлигининг хати асосида дипломатик ваколатхоналар раҳбарларининг битта хизмат автотранспорт воситасига берилади.



Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони яшил рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари оқ рангда.

V тип – «D» серияли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари Ташқи ишлар вазирлигининг хати асосида:

— дипломатик ва консуллик муассасалари бошлиқлари (Фавқулодда ва Мухтор Элчи, Вакил, Бош консул) ва улар оила аъзоларининг шахсий автотранспорт воситаларига;

— дипломатик ваколатхоналар дипломатик агентлари ва улар оила аъзоларининг хизмат ва шахсий автотранспорт воситаларига берилади.



Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони яшил рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари оқ рангда.

VI тип – «UN» серияли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари Ташқи ишлар вазирлигининг хати асосида:

БМТ ваколатхоналари ва БМТ ихтисослаштирилган ташкилотлари бошлиқларининг ва Ташқи ишлар вазирлиги аккредитацияси асосида улар оила аъзоларининг шахсий автотранспорт воситаларига;

БМТ ваколатхоналари ва БМТ ихтисослаштирилган ташкилотлари ходимларининг хизмат ва шахсий автотранспорт воситаларига ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги аккредитацияси асосида улар оила аъзоларининг шахсий автотранспорт воситаларига берилади.



Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони кўк рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари оқ рангда.

VII тип – «Т» серияли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари Ташқи ишлар вазирлигининг хати асосида:

— дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари маъмурий-техник таркиби ходимларининг хизмат ва шахсий автотранспорт воситаларига ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги аккредитацияси асосида улар оила аъзоларининг шахсий автотранспорт воситаларига;

— Ташқи ишлар вазирлиги аккредитацияси асосида дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари хизмат кўрсатувчи ходимлари ва уй хизматчиларининг хизмат автотранспорт воситаларига;

— БМТ ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида аккредитация қилинган бошқа ваколатхоналар томонидан амалга оширилаётган йирик мурувват лойиҳалари ва техник кўмаклашиш дастурларининг автотранспорт воситаларига;

— Ушбу лойиҳаларнинг Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида аккредитация қилинган ходимлари шахсий эҳтиёжидаги автотранспорт воситаларига;

— Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида аккредитация қилинган халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, хорижий давлатлар ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, савдо ваколатхоналари бошлиқлари ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги аккредитацияси асосида улар оила аъзоларининг шахсий эҳтиёжидаги автотранспорт воситаларига;

— Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида аккредитация қилинган халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, хорижий давлатлар ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, савдо ваколатхоналари ходимларининг хизмат ва шахсий

эҳтиёжидаги автотранспорт воситаларига ҳамда улар оила аъзоларининг шахсий автотранспорт воситаларига;

— Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида аккредитация қилинган фахрий консулликлар ходимларининг шахсий эҳтиёжидаги автотранспорт воситаларига берилади.

Т

000000

Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони яшил рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари оқ рангда.

VIII тип – «Х» серияли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари Ташқи ишлар вазирлигининг хати асосида:

— консуллик муассасалари;

— фахрий консулликлар;

— халқаро ташкилотлар ваколатхоналари;

— ҳукуматлараро ва хорижий давлатлар ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида аккредитация қилинган савдо ваколатхоналари раҳбарларининг битта хизмат автотранспорт воситасига берилади.

Х

000000

Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони яшил рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари оқ рангда.

IX тип – «М» серияли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари Ташқи ишлар вазирлигининг хати асосида:

— мухбирлик пунктлари (бюролар, офислар) автотранспорт воситаларига;

— Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида доимий равишда аккредитация қилинган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган хорижий мухбирлар автотранспорт воситаларига;

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган ваколатхоналар ҳамда халқаро ва хорижий ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар филиаллари раҳбарлари ва ходимларининг хизмат эҳтиёжидаги автотранспорт воситаларига;

— аккредитация қилинган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатувчи хорижий фирмалар, банкларнинг хизмат эҳтиёжидаги автотранспорт воситаларига берилади.




Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони яшил рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари оқ рангда.

X тип – «Н» серияли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари Ўзбекистон Республикасида шахсий, хизмат ишлари бўйича, ўқиш ёки туризм мақсадида доимий яшайдиган ёки вақтинча бўладиган хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тегишли бўлган ёки улар томонидан ижарага олинган транспорт воситаларига берилади.



Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони сариқ рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари қора рангда.

XI тип – мототранспорт воситалари (мотоцикллар, мотороллерлар) учун икки қаторли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари.




Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони оқ рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари қора рангда. Ўнг бурчагининг юқори томо-

нида ҳудуднинг коди, қуйи томонида Ўзбекистон Республикаси байроғи ва UZ ҳарфлари.

Рақамли битта белги берилади (орқа томонда маҳкамлаш учун).

XII тип – юк ва енгил автомобилларга тиркамалар ва ярим тиркамалар учун икки қаторли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари.



Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони оқ рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари қора рангда. Ўнг томонда қуйи бурчақда ҳудуднинг коди, Ўзбекистон Республикаси байроғи ва UZ ҳарфлари.

Рақамли битта белги берилади (орқа томонда маҳкамлаш учун).


XIII тип – йўл ҳаракатида қатнашишга вақтинча қўйилган транспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари (транзит учун, қоғозда ёзилган бир марталик белги).



Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони оқ рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари қора рангда. Ўнг томонда ҳудуднинг коди.

Автомобиллар учун иккита рўйхатдан ўтказиш давлат рақами берилади (орқа ва олд томонда маҳкамлаш учун).

XIII A тип – йўл ҳаракатида қатнашишга вақтинча қўйилган тиркамалар, мототранспорт учун икки қаторли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари (транзит учун, қоғозда ёзилган бир марталик белги).



Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони оқ рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари қора рангда. Ўнг томонда қуйида ҳудуднинг коди.

Тиркамалар ва мотоцикллар учун битта рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари берилади (орқа томонда маҳкамлаш учун).

I A тип – икки қаторли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари орқа томонга маҳкамлаш учун юридик шахсларнинг маҳкамлаш жойи I типдаги рўйхатдан ўтказиш давлат рақами габаритларига мувофиқ бўлмаган енгил автомобилларига берилади.




Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони оқ рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари қора рангда. Ўнг томонда қуйида ҳудуднинг коди, Ўзбекистон Республикаси байроғи ва UZ ҳарфлари.

II A тип – икки қаторли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари орқа томонга маҳкамлаш учун олий давлат органлари, бошқарув органлари ва вазирликлар (юридик шахслар)нинг маҳкамлаш жойи II типдаги рўйхатдан ўтказиш давлат рақами габаритларига мувофиқ бўлмаган автомобилларга берилади.



Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони оқ рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари қора рангда. Ўнг томонда қуйида Ўзбекистон Республикаси байроғи.

III A тип – икки қаторли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари юк автомобиллари ва автобусларга, шунингдек, жисмоний шахсларнинг маҳкамлаш жойи III типдаги рўйхатдан ўтказиш давлат рақами габаритларига мувофиқ бўлмаган енгил автомобилларига орқа томонга маҳкамлаш учун берилади.



Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони оқ рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари қора рангда. Ўнг томонда қуйида ҳудуднинг коди, Ўзбекистон Республикаси байроғи ва UZ ҳарфлари.

IV A тип – «CMD» серияли икки қаторли махсус рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари дипломатик ваколатхоналар раҳбарларининг маҳкамлаш жойи IV типдаги рўйхатдан ўтказиш давлат рақами габаритларига мувофиқ бўлмаган битта хизмат автотранспорт воситасига орқа томонига маҳкамлаш учун берилади.



V A тип – «D» серияли орқа томонга маҳкамланадиган икки қаторли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари:



— дипломатик ва консуллик муассалари бошлиқлари (Фавқулодда Мухтор Элчи, Вакил, Бош консул) ва улар

оила аъзоларининг маҳкамлаш жойи V типдаги рўйхатдан ўтказиш давлат рақами габаритларига мувофиқ бўлмаган шахсий автотранспорт воситаларига;

— дипломатик ваколатхоналарнинг дипломатик агентлари ва улар оила аъзоларининг маҳкамлаш жойи V типдаги рўйхатдан ўтказиш давлат рақами габаритларига мувофиқ бўлмаган хизмат ва шахсий автотранспорт воситаларига берилади.

VI A тип – «UN» серияли орқа томонга маҳкамланадиган икки қаторли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари БМТ ваколатхоналарининг маҳкамлаш жойи VI типдаги рўйхатдан ўтказиш давлат рақами габаритларига мувофиқ бўлмаган автомобилларга берилади.



VII A тип – «Т» серияли орқа томонга маҳкамланадиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари VII типда кўрсатилган, маҳкамлаш жойи VII типдаги рўйхатдан ўтказиш давлат рақами габаритларига мувофиқ бўлмаган автотранспорт воситаларига берилади.



VIII A тип – «X» серияли орқа томонга маҳкамланадиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари VIII типда кўрсатилган, маҳкамлаш жойи VIII типдаги рўйхатдан ўтказиш давлат рақами габаритларига мувофиқ бўлмаган автотранспорт воситаларига берилади.



IX A тип – «M» серияли орқа томонга маҳкамланадиган икки қаторли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари маҳкамлаш жойи IX типдаги рўйхатдан ўтказиш давлат рақами габаритларига мувофиқ бўлмаган автомобилларга берилади.



X A тип – «H» серияли орқа томонга маҳкамланадиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари X типда кўрсатилган, маҳкамлаш жойи X типдаги рўйхатдан ўтказиш давлат рақами габаритларига мувофиқ бўлмаган автотранспорт воситаларига берилади.



Автомобилларга берилган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг ҳудудий кодлари ТАҚСИМОТИ

Ҳудудлар	Код рақамлари
Тошкент шаҳри	01 — 09
Тошкент вилояти	10 — 19
Сирдарё вилояти	20 — 24
Жиззах вилояти	25 — 29
Самарқанд вилояти	30 — 39
Фарғона вилояти	40 — 49
Наманган вилояти	50 — 59
Андижон вилояти	60 — 69
Қашқадарё вилояти	70 — 74
Сурхондарё вилояти	75 — 79
Бухоро вилояти	80 — 84
Навоий вилояти	85 — 89
Хоразм вилояти	90 — 94
Қорақалпоғистон Республикаси	95 — 99

МАХСУС ФОТО ВА ВИДЕО ҚАЙД ЭТИШ ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ ҚОНУНЛАШТИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига 2015 йил 10 августда № ЎРҚ – 389 қонуни билан ўзгартишлар киритилди.

17¹-модда. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги.

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги қайд этилган тақдирда транспорт воситасининг мулкдори маъмурий жавобгарликка тортилади.

Юридик шахсга тегишли транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда юридик шахснинг транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул бўлган шахси маъмурий жавобгарликка тортилади.

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги қайд этилган тақдирда ҳуқуқбузарликнинг такрорийлиги ҳисобга олинмайди, ушбу Кодекс 321-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

Агар маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор устидан берилган шикоятни кўриб чиқиш жараёнида тегишли транспорт воситасига ҳуқуқбузарлик қайд этилган пайтда эгалик қилган шахс аниқланса ёхуд мазкур транспорт воситаси бошқа шахсларнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлари натижасида транспорт воситаси мулкдорининг эгалигидан чиқиб кетганлиги аниқланса, транспорт воситасининг мулкдори ўзига тегишли транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилган,



махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарликлари учун маъмурий жавобгарликдан озод этилади.

276-модда. Далиллар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, органлар (мансабдор шахслар) шу маълумотларга асосланиб маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган маълумотлар қуйидаги воситалар: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий жавобгарликка тортилаётган

шахсининг тушунтиришлари ҳамда жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатмалари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома, овозли ёзувлардан, видеоёзувлардан, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, шунингдек, бошқа материаллар билан белгиланади.

283-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайдиган ҳоллар.

Агар фуқаро ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирмаса ҳамда унга жойнинг ўзида солинадиган жариманинг миқдори энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан ошмаса, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши тўғрисидаги ишлар юзасидан эса фақат ушбу Кодекс 138-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайди.

Жарима тўлаганлиги тўғрисида айбдорга белгиланган шаклдаги квитанция берилади.

Башарти фуқаро ўзига солинадиган жаримага эътироз билдирса, у ҳолда ушбу Кодекснинг 279-моддасига мувофиқ баённома тузилади.

Транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайди.

291-модда. Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш асослари ва тартиби.

Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан ушлаб туриш сабаби бартараф этилгунга ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилгунга қадар амалга оширилиши мумкин, чунончи:

а) транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ушбу Кодекс 125-моддасининг учинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларида, 125¹-моддасининг иккинчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг иккинчи қисмида, 128^б-моддасида (агар транспорт воситасининг ҳайдовчиси бўлмаса ва тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларининг бузилиши йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатланишига халақит берса), 131, 135, 135¹-моддаларида, 136-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 137, 176³-моддаларида, 194-моддасида (ички ишлар органи ходимининг транспорт воситасини тўхтатиш тўғрисидаги қонуний талабини бажармаслик қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганда, шунингдек, қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда — ички ишлар органлари томонидан;

б) Қуролли Кучларнинг ва чегара қўшинларининг транспорт воситаларини бошқараётган ҳайдовчилар ва бошқа шахслар йўл ҳаракати қоидаларини бузганда — ҳарбий автомобиль инспекциясининг мансабдор шахслари томонидан;

в) ушбу Кодекснинг 60, 78, 79, 81, 82, 84, 90, 92, 94-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари томонидан;

г) ушбу Кодекснинг 198, 227-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — Ўзбекистон Республикаси Божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан.

д) ушбу Кодекснинг 164, 166, 167, 168, 172, 173, 176, 176³, 186¹-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, ва-

лютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг мансабдор шахслари томонидан.

е) ушбу Кодекснинг 196¹, 224, 224¹, 224²-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — чегара қўшинларининг мансабдор шахслари томонидан.

Жарима солиш тўғрисида қарор чиқарган ваколатли орган раҳбари махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича транспорт воситаларини жарима солиш ҳақидаги қарор чиқарилган кундан эътиборан олтмиш кун ўтгач, жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг ижроси юзасидан иш юритиш тугагунига қадар ушлаб туриш тўғрисида ёзма кўрсатма беради.

Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини (Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ва чегара қўшинларининг транспорт воситаларидан ташқари) сақлаб туриш жойларига олиб бориш, жойлаштириш ва сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

294-модда. Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари.

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосини баён этишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи

ва вақти ҳақида хабар қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳолларда, шунингдек, ушбу Кодекс 309¹-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

Башарти содир этган ҳуқуқбузарлиги учун ушбу Кодексда маъмурий қамоққа олиш, ашёларини мусодара қилиш ёки ҳақини тўлаш шarti билан олиб қўйиш чораларини қўллаш назарда тутилган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш вақтида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг қатнашиши шарт. Мазкур шахс бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда қатнашишдан бўйин товлангани тақдирда у маъмурий ишлар бўйича судьянинг ажримига биноан ички ишлар органи томонидан мажбуран олиб келиниши мумкин. Экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулот Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ бўлган, мусодара чораси қўлланилиши мумкин бўлган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги иш божхона органи томонидан алоҳида ҳолларда, агар маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлса ёки унинг қаердалигини аниқлашнинг иложи бўлмаса, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг иштирокисиз кўриб чиқилади.

309¹-модда. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги қайд этилган ҳолларда жарима солиш тўғрисидаги қарор.

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги бўйича жарима солиш тўғрисидаги қарор маъмурий

ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг иштирокисиз чиқарилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари қўлланилган ҳолда олинган материаллар илова қилиниб, юридик кучга эга бўлган электрон ҳужжат шаклида расмийлаштирилади ҳамда ушбу ҳужжатни тузган ваколатли шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхаси махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари қўлланилган ҳолда олинган материаллар илова қилиниб, электрон ҳужжатни қоғоздаги ҳужжатга айлантириш йўли билан тайёрланади ҳамда мазкур қарор чиқарилган кундан эътиборан уч кун ичида буюртма почта жўнатмаси тарзида ҳуқуқбузарга юборилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак: қарор чиқарилган сана ва жой; уни чиқарган органнинг номи, шахснинг лавозими ва фамилияси; маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс тўғрисидаги маълумотлар; маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт, жой ва ҳолатлар ушбу Кодекс Махсус қисмининг мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси, моддасининг қисми кўрсатилган ҳолда; махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган транспорт воситасининг ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтдаги давлат рақам белгиси билан туширилган тасвири; қабул қилинган қарор, тайинланган жаримани тўлаш тартиби ва муддатлари, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, жарима солиш тўғрисидаги қарор хусусида шикоят беришнинг процессуал тартиби.

321-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган

шикоят ёки билдирилган норозиликни кўриб чиқувчи органнинг (мансабдор шахснинг) ҳал қилув қарори.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган норозиликни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) қуйидаги ҳал қилув қарорларидан бирини қабул қилади:

1) чиқарилган қарорни ўзгаришсиз, шикоят ёки норозиликни эса қаноатлантиришсиз қолдиради;

2) чиқарилган қарорни бекор қилади ва ишни қайта кўриб чиқиш учун юборилади;

3) чиқарилган қарорни бекор қилади ва ишни юритишни тўхтатади;

4) жазо чорасини кучайтирмаган ҳолда уни маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги норматив ҳужжатда назарда тутилган доирада ўзгартиради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун: орган (мансабдор шахс) томонидан ишни тўлиқ бўлмаган ҳолда ёки бир томонлама кўриб чиқилиши; орган (мансабдор шахс) ҳал қилув қарорининг ва ушбу Кодекс Махсус қисмининг қўлланилган нормалари ва маъмурий жавобгарлик назарда тутилган бошқа норматив ҳужжатлар ишнинг фактик ҳолатларига мос келмаслиги; маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш қоидаларининг жиддий бузилиши; қўлланилган маъмурий жазонинг адолатсизлиги асос бўлиб ҳисобланади.

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги бўйича иш янгидан кўриб чиқиш учун юборилиб, қарор бекор қилинган тақдирда, мазкур иш маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан у илгари содир этган ҳуқуқбузарликларнинг такрорийлигини инобатга олган ҳолда умумий асосларда кўриб чиқилиши лозим.

Мазкур ишни кўриб чиқишга ваколати бўлмаган орган (мансабдор шахс) томонидан чиқарилган қарор бекор қилинади, иш эса ваколатли органга (мансабдор шахсга) кўриб чиқиш учун юборилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор юзасидан берилган шикоят ёки билдирилган норозилик бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорида: у чиқарилган вақт ва жой; шикоят ёки норозиликни кўриб чиқаётган мансабдор шахс; прокурор ва бошқа иштирок этаётган шахслар; шикоят берган шахс ёки норозилик билдирган прокурор; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилгач, шикоят берилган ёки норозилик билдирилган қарорнинг ҳамда шикоят, норозиликнинг моҳияти; чиқарилаётган қарорнинг асосланиши; шикоят ёки норозилик юзасидан қарор кўрсатилиши лозим.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган норозиликка доир ҳал қилув қарорининг нусхаси ўзи ҳақида ана шу қарор чиқарилган шахсга уч кун муддат ичида юборилади, жабрланувчига эса, унинг илтимосига биноан юборилади. Норозиликни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида прокурорга маълум қилинади.

332-модда. Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш муддатлари ва тартиби.

Жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки норозилик билдирилган тақдирда — шикоят ёки норозилик қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида ҳабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим, ушбу модданинг иккинчи қисми бундан мустасно.

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун солинган жаримани ҳуқуқбузар жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб олтмиш кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки норозилик билдирилган тақдирда эса, шикоят ёки норозилик қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида ҳабар берилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай тўлаши лозим.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг мустақил иш ҳақи бўлмаган тақдирда жарима уларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахслардан ундириб олинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун солинган жарима ҳуқуқбузар томонидан тегишли банк муассасасига тўланади, ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида ундириб олинadиган жарима бундан мустасно.

ЙЎЛ БЕЛГИЛАРИ

1. ОГОҲЛАНТИРУВЧИ БЕЛГИЛАР

Огоҳлантирувчи белгилар ҳайдовчига йўлнинг хавфли қисмига яқинлашаётганлиги, хавфнинг тури ва шакли ҳақида ахборот беради. Хавф-хатар ушбу белгида рамзий шаклда ифодаланади.

Огоҳлантирувчи белгиларнинг асоси оқ, хошияси қизил рангда бўлган тенг томонли учбурчак шаклидан иборат.

Бу йўл белгилари ҳайдовчи чора кўриши талаб қилинадиган хавфли қисмларга аҳоли яшайдиган жойларда 50–100 метр (Б), аҳоли яшамайдиган жойларда 150 — 300 метр (А) масофа қолганда ўрнатилади.



Аҳоли яшамайдиган жойларда бу гуруҳдаги белгиларнинг олисроқ масофада ўрнатилиши транспорт воситаларининг тезлиги билан изоҳланади (шаҳардан ташқаридаги тезлик шаҳардагидан бирмунча юқори бўлади). Ҳайдовчи йўл белгиси ўрнатилган жойдан хавфли қисм бошланадиган жойгача тезликни пасайтириб улгуриши лозим. Йўл шароити қанчалик мураккаб ва жиддий бўлса, шунчалик кўп огоҳлантирувчи белгилар ўрнатилади.

1.1. «Шлагбаумли темир йўл кесишмаси».

1.2. «Шлагбаумсиз темир йўл кесишмаси».




Бу белгилар темир йўл кесишмалари олдида ўрнатилиб, биринчи белги ўрнатилган кесишма шлагбаум, темир йўл симофори билан жиҳозланган бўлиб, ҳаракатланишни темир йўл назоратчиси назорат қилади. Иккинчи белги ўрнатилган кесишма назоратчисиз бўлиб, темир йўлни хавфсизликни таъминлаган ҳолда кесиб ўтиш ҳайдовчининг ўзига ҳавола этилади.




1.3.1. «Бир изли темир йўл».

1.3.2. «Кўп изли темир йўл».

Бу белгилар бевожита шлагбаумсиз темир йўл кесишмаси олдида ўрнатилади.




1.3.2 белгисида биринчи издан ташқари иккинчи ва ундан кейинги излардан ҳам поезд йўқлигига ишонч ҳосил қилган ҳолда кесишмадан ўтиш мумкин.



1.4.1–1.4.6. «Темир йўл кесишмасига яқинлашув».


Бу белгилар аҳоли яшамайдиган жойларда ўрнатилиб, ҳайдовчини темир йўл кесишмасига яқинлашаётганлиги ҳа-

қида қўшимча равишда огоҳлантиради.
1.4.1 – 1.4.3 белгилари йўлнинг ўнг томонига, 1.4.4 – 1.4.6 белгилари йўлнинг чап томонига ўрнатилади.



1.5. «Трамвай йўли билан кесишув».

Йўлнинг бурилиши ёки ундаги дўнглик туфайли йўлни кесиб ўтадиган трамвай изи кўринмаса (чорраҳадан ташқари), ундай жойларга ушбу йўл белгиси ўрнатилади. Кесишмада трамвай имтиёзга эга бўлади.



1.6. «Тенг аҳамиятли йўллар кесишуви».

Бу белги, усти қандай қоплама (асфальт, бетон, тош) бўлишидан қатъи назар, тенг аҳамиятли йўллар кесишган жойлар олдида ўрнатилиб, имтиёз ўнг томондан келаётган транспорт воситасига берилади.




1.7. «Айланма ҳаракатлиниш билан кесишув».

Айланма ҳаракатлиниш жорий этилган майдон йўл шароити (бурилиш, дўнглик) туфайли ҳаракатлиниш хавфсизлигини таъминловчи масофадан кўринмаса, у ҳолда ўша хавфсизликни таъминловчи масофада 1.7 йўл белгиси ўрнатилади. Кўриш масофаси етарли бўлса, 1.7 йўл белгисини ўрнатиш шарт эмас, чунки айланма ҳаракатлиниш жорий этилган майдон олдида буюрувчи 4.3 йўл белгиси ўрнатилади.



1.8. «Светофор тартибга солади».

Ҳаракатлинишни светофор тартибга соладиган чорраҳа ва пиёдалар ўтиш жойи йўл шароити туфайли ҳаракатлиниш хавфсизлигини таъминловчи масофадан кўринмаса, у ҳолда ўша хавфсизликни таъминловчи масофада 1.8 йўл белгиси ўрнатилади. Светофор хавфсизликни таъминловчи масофадан кўринса, 1.8 йўл белгиси ўрнатилмайди.



1.9. «Кўтарма кўприк».

Бу белги кўтарма кўприк ёки солда кесиб ўтиш жойлари олдида ўрнатилиб, йўлнинг кўприк ёки сол олдида узилиб қолиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради.



1.12.1, 1.12.2. «Хавфли бурилишлар».

1.12.1 – биринчи бурилиш ўнгга, 1.12.2 – биринчи бурилиш чапга.



1.12.1

Бу белгилар йўлнинг икки қисмли кичик радиусли ёки кўриниши чекланган бурилиш жойи яқинида ўрнатилади. Кичик радиусли ёки чекланган бурилиш икки қисмдан кўп бўлса, 1.12.1, 1.12.2 йўл белгилари 7.2.1 – «Таъсир оралиғи» қўшимча ахборот белгиси билан қўлланилади. Ҳайдовчи йўлнинг бундай қисмларидан тезликни камайтириб, эҳтиёт чораларини кўриб ўтиши керак.



1.12.2

1.10. «Соҳилга чиқиш».

Бу белги дарё ёки сув ҳавзаси қирғоқларига чиқишда ўрнатилиб, ҳайдовчидан тезликни камайтириш ва эътиборни оширишни талаб қилади. Ҳайдовчининг эҳтиётсизлиги ушбу йўл белгисидан кўрсатилган ҳолга олиб келиши мумкин.



1.10



1.11.1, 1.11.2. «Хавфли бурилиш».

1.11.1 – ўнгга, 1.11.2 – чапга.

Бу белгилар кичик радиусли бурилиш ёки кўриниши чекланган бурилишлар олдида ўрнатилиб, хавфли бурилиш ўнг ёки чап томонда эканлиги ҳақида огоҳлантиради. Транспорт воситаларини бундай бурилишларда юқори тезликда ҳайдаш уларнинг рўпарадаги бўлақларга чиқиб кетишига ёки ағанаб кетишига олиб келиши мумкин.



1.11.1



1.11.2



1.13. «Тик нишаблик».


Бу белги пастлик, нишаблик олдида ўрнатилиб, ичидаги рақам нишабликнинг 100 м узунликка тўғри келадиغان пасайишини фоиз ҳисобида кўрсатади. Пастлик чўзилиб кетган бўлса, у ҳолда ушбу белги 7.2.1 – «Таъсир оралиғи» қўшимча ахборот белгиси билан қўлланилади. Нишаблик томон ҳаракатланаётган ҳайдовчи йўлнинг



1.13



тор қисмларида рўпарадан тепалик томон ҳаракатланаётган ҳайдовчига йўл бериши лозим.



1.14. «Тик баландлик».

Бу белги тик баландликлар олдида ўрнатилади ва ҳайдовчини транспорт воситасининг динамик хусусиятлари, юкли ёки юксизлигига қараб, керакли узатмага улаш, баландликка тўхтамасдан чиқиш кераклигидан огоҳлантиради. Акс ҳолда автомобиль тўхтаб қолиб, ўз оғирлиги билан орқага кетиши мумкин. Нишаблик ва баландлик кетма-кет келадиган бўлса, юқоридаги белгилар 50 – 100 м масофада эмас, балки бевосита нишаблик ва баландлик олдида ўрнатилади.



1.14




1.15. «Сирпанчиқ йўл».

Йўлнинг устки ўтиш қисми маълум сабабларга кўра (лой, қаватма-қават ҳўл барглар, музлаганлик оқибатида) сирпанчиқ бўлиб қолса, бундай қисм олдида 1.15 йўл белгиси



1.15



ўрнатилади. Ҳайдовчи йўлнинг бундай қисмларида тезликни камайтириши, кескин тўхтамаслиги, кескин бурилмаслиги лозим, акс ҳолда транспорт воситаси сирпаниб кетади ва уни бошқариш қийин кечиб, бошқарувдан чиқиб кетади.

1.16. «Нотекис йўл».

Йўлнинг тўлқинсимон бўртма жойлари, кўприк уламаларининг нотекис қисмлари олдида ушбу йўл белгиси ўрнатилади ва транспорт воситасининг тезлиги кескин оширилса ёки у кескин тўхтатилса, турғунликни йўқотиб, ағаниб кетиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради.



1.16



1.17. «Тош отилиши хавфи».

Мукамал қопламали йўл қисмида транспорт воситаси ғилдираги остидан шағал, тош ва шунга ўхшашларнинг отилиб чиқиш эҳтимоли.



1.17

Бу белги йўлнинг таъмирлаш ишлари олиб борилаётган жойларида ғилдирак билан босилган тош, шағал ва шунга ўхшаш нарсаларнинг отилиб чиқиш эҳтимоли борлигидан огоҳлантиради. Йўлнинг бундай қисмларида ҳайдовчи тезликни камайтириб, оралиқ масофани тош отилиш хавфсизлиги мавжуд масофагача узайтириши лозим.



1.18.1, 1.18.2, 1.18.3. «Йўлнинг то-райиши».



Йўлнинг торайиш қисмлари олдида (тораядиган томондан):

1.18.1 – икки томонлама торайиш;

1.18.2 – ўннга торайиш.

1.18.3 – чапга торайиш йўл белгилари ўрнатилади.



1.19. «Икки томонлама ҳаракатланиш».

Бу белги йўлнинг бир томонлама ҳаракатланиш қисми тугаб, қарама-қарши ҳаракатланиш қисми бошланиши олдида ўрнатилади.



1.20. «Пиёдалар ўтиш жойи».

5.16.1, 5.16.2 белгилари ва (ёки) 1.14.1 – 1.14.3 чизиқлари билан белгиланган пиёдалар ўтиш жойи.



Бу белги ҳайдовчини светофор билан бошқарилмайдиган пиёдалар ўтиш жойига яқинлашаётганлиги ҳақида огоҳлантиради.



1.21. «Болалар».

Бу белги ҳайдовчини болалар муассасасига (боғча, мактаб, интернат ва шу каби жойларга) яқинлашаётганлигини ва йўлнинг бу қисмидан ҳар дақиқада болалар чиқиб қолиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради. Белги аҳоли яшамайдиган жойларда такрорланади.



1.22. «Велосипед йўлкаси билан кесишув».

Бу белги велосипед йўлкаси билан кесишув (чорраҳа эмас) жойлари яқинида ўрнатилади. Бундай кесишувларда имтиёз ҳайдовчи тарафида бўлса ҳам, тезликни камайтириб, эътиборни ошириш лозим.



1.23. «Таъмирлаш ишлари».

Бу белги йўлнинг таъмирлаш ишлари олиб борилган қисмлари яқинида ўрнатилиб, ҳайдовчини эҳтиёт бўлиб ўтиши кераклиги тўғрисида огоҳлантиради. Йўлнинг бундай қисмлари қоронғи пайтларда хавфли ҳисобланади.



1.23



1.26. «Тошлар тушиши».

Муз, қор ёки сел келиб, тоғ кўчиши мумкин бўлган тоғли йўл қисмларига «Тошлар тушиши» белгиси ўрнатилиб, хавф-хатар фақат қатнов қисмларидагина эмас, балки тепа тоғ тарафдан ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради.



1.26




1.24. «Мол ҳайдаб ўтиш».

Бу белги мол боқиладиган яйлов ёқалаб ўтадиган йўлларда, фермалар яқинида, мол ҳайдаб ўтиладиган жойларда ўрнатилиб, йўлга моллар подаси чиқиб қолиши мумкинлигидан огоҳлантиради.



1.24



1.27. «Ёнлама шамол».

«Ёнлама шамол» йўл белгиси кучли шамол автомобиль, мотоциклни бошқаришга салбий таъсир этиб, йўл фожиасини келтириб чиқариши мумкин бўлган (тоғ даралари, жарлик, сув ҳавзалари) жойларга ўрнатилади. Айниқса, йўлнинг устки қисми музлаб, сирпанчиқ бўлган пайтлари ёнлама шамол авиотототранспортни бошқаришга салбий таъсир этиши мумкин.



1.27



1.25. «Ёввойи ҳайвонлар».

Бу белги йўлнинг ўрмон хўжалиги, кўриқхона ва шунга ўхшаш жойлардан ўтадиган қисмларида ўрнатилиб, йўлга ёввойи ҳайвонлар чиқиб қолиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради.



1.25



1.28. «Пастлаб учувчи самолётлар».

Аэропорт яқинидан ўтувчи йўлларнинг самолётлар пастлаб учувчи қисмларига «Пастлаб учувчи самолётлар»



1.28



лар» йўл белгиси ўрнатилиб, қисқа муддатли қаттиқ шовқинлар бўлиб туриши ҳақида огоҳлантиради.

1.29. «Туннел».

Қайрилиш, бурилиш ёки бошқа тўсиқлар орқали туннелга кираверишда унинг пештоқи кўриниши чекланган ёки сунъий равишда ёритилмаган бўлса, олдида «Туннел» йўл белгиси ўрнатилади.



1.29



1.30. «Бошқа хавф-хатарлар».

Йўлнинг огоҳлантирувчи белгиларида кўзда тутилмаган хавф-хатарлар бўлган йўл қисми (тез-тез туман бўлиб турадиган жойлар, жарликлар, тутун бўлиб, йўлнинг кўриниши чекланган қисмлари) олдида «Бошқа хавф-хатарлар» йўл белгиси ўрнатилади.



1.30



1.31.1, 1.31.2. «Бурилишнинг йўналиши».

Йўлнинг хавфли бурилиш қисмларига «Бурилишнинг йўналиши» белгиси ўрнатилади. Бу белгилар уч хил бўлиб, бурилишнинг



1.31.1



1.31.2



ўннга, чапга ва бир вақтнинг ўзида ўнг ва чапга йўналтирилганлигини кўрсатади.



1.31.3. «Бурилиш йўналишлари».

«Т» симон чорраҳада ёки йўл айрилишларида ҳаракатланиш йўналишини, йўлнинг таъмирланаётган қисмини айланиб ўтиш йўналишини билдиради.



1.31.3



1.1, 1.2, 1.5 – 1.30 огоҳлантирувчи белгилар аҳоли пунктларида хавфли жойдан 50 – 100 метр, аҳоли пунктларидан ташқарида эса 150 – 300 метр олдин ўрнатилади. Зарурат бўлганда бу белгилар 7.1.1 қўшимча ахборот белгисида кўрсатилган бошқа масофада ҳам ўрнатилиши мумкин.

Агар нишаблик ва баландлик кетма-кет келадиган бўлса, 1.13 ва 1.14 белгилари бевосита нишаблик ва баландлик олдида ўрнатилиши мумкин.

Аҳоли пунктларидан ташқарида 1.1, 1.2, 1.9, 1.10, 1.21 ва 1.23 белгилари такрорланади. Иккинчи белги йўлнинг хавфли қисми бошланишига камида 50 метр қолганда ўрнатилади.

Агар қатнов қисмида қисқа муддатли йўл ишлари олиб борилаётган бўлса, 1.23 белгиси иш бажарилаётган жойга 10–15 метр етмасдан (7.1.1 қўшимча ахборот белгисисиз) ўрнатилиши мумкин.

1.3.1 ва 1.3.2 белгилари бевосита темир йўл кесишмасининг олдида ўрнатилади.

1-илова, 1-мавзуга оид тестлар

<p>1 Бу йўл белгиси билдиради:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Йўлнинг тротуар ёки пиёдалар йўлкаси бўлган қисмини. 2. Йўлнинг пиёдалар ўтиш жойи бўлган қисмини. 	<p>2 Бу йўл белгиси огоҳлантиради:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Бир изли темир йўл кесишмасининг яқинлиги ҳақида. 2. Шлагбаум билан жиҳозланмаган бир изли темир йўл кесишмаси борлигидан. 3. Шлагбаум билан жиҳозланмаган икки изли темир йўл кесишмаси борлигидан. 
<p>3 Бу белгилар аҳоли яшайдиган жойларда хавфли йўл қисми бошланишидан қанча масофа олдин ўрнатилади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. 15 – 25 м. 2. 25 – 50 м. 3. 50 – 100 м. 4. 100 – 130 м. 5. 150 – 300 м. 	<p>4 Қайси белги Т-симон чорраҳада ҳаракатланиш йўналишини кўрсатади?</p> 
<p>5 Қайси белги тенг аҳамиятли йўллар чорраҳасига яқинлашиб келаётганлик ҳақида огоҳлантиради?</p> 	<p>6 Бу ерда қувиб ўтишга рухсат бериладими?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Рухсат берилади. 2. Тақиқланади. 
<p>7 Қизил автомобиль:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Кўк автомобилга нисбатан устунликка эга, чунки асосий йўлдан кетяпти. 2. Кўк автомобилга нисбатан устунликка эга, чунки айланма ҳаракатли йўлдан кетяпти. 3. Чорраҳага ўнг томондан яқинлашиб келган кўк автомобилга йўл бериши керак. 	<p>8 Кўрсатилган ҳолатда қувиб ўтишга рухсат бериладими?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Рухсат берилади. 2. Тақиқланади. 3. Агар қувиб ўтилаётган транспорт воситасининг тезлиги 40 км/с дан кам бўлса, рухсат берилади. 
<p>9 Қуйидаги қайси белгилар огоҳлантирувчидир?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Иккинчидан бошқа барчаси. 2. Учинчидан бошқа барчаси. 3. Ҳаммаси. 	<p>10 Аҳоли яшайдиган жойлардан ташқарида қайси белгилар такрорланади?</p> 

2. ИМТИЁЗ БЕЛГИЛАРИ


Имтиёз белгилари чорраҳаларда, йўлнинг қатнов қисмлари кесишган жойларда, шунингдек, йўлнинг тор қисмида йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланиш навбатини белгилаш учун қўлланилади.

2.1. «Асосий йўл».

Ҳаракатланиш тартибга солинмаган чорраҳаларда иккинчи даражали йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситасидан олдин ўтиш ҳуқуқини беради. Белги йўлнинг бошланишида ўрнатилиб, ҳар бир чорраҳа олдида такрорланиши мумкин. Асосий йўл билан кесишадиган кўндаланг йўлларда чорраҳа олдида «Йўл беринг» ёки «Тўхтамасдан ҳаракатланиш тақиқланган» белгилари ўрнатилади. Агар чорраҳада асосий йўл ўз йўналишини ўзгартирса, у ҳолда ушбу белги остига қўшимча 7.13—«Асосий йўлнинг йўналиши» белгиси ўрнатилади.



2.1



2.2. «Асосий йўлнинг охири».

Асосий йўл имтиёзли белгиси «Йўл беринг» белгиси ўрнатилган жойда тугайди.



2.2

2.3.1. «Иккинчи даражали йўл билан кесишув».

Бу белги асосий йўлда ўрнатилиб, ҳайдовчига ҳаракатланиш тартибга солинмаган чорраҳада имтиёз беради. Аҳоли пунктларида чорраҳадан 50 – 100 м ва аҳоли пунктларидан ташқарида 150–300 м масофада ўрнатилади.



2.3.1



2.3.2, 2.3.3. «Иккинчи даражали йўл билан туташув».

2.3.2 – Туташув ўнгдан,
2.3.3 – Туташув чапдан.

Бу белги асосий йўлда ўрнатилади ва 2.3.1 белгиси каби тартибга солинмаган чорраҳаларда ҳайдовчига имтиёз беради.



2.3.2



2.3.3




2.4. «Йўл беринг».

Бу белги ҳайдовчи кесиб ўтаётган йўлдаги транспорт воситасига йўл бериши кераклигини билдиради. Аҳоли пунктларидан ташқарида белги

қайтарилиши мумкин. Асосий йўлда транспорт воситалари бўлмаса, иккинчи даражали йўлдан келаётган ҳайдовчи чорраҳадан тўхтамасдан ўтиб кетиши мумкин.



2.3.4



Ҳайдовчи кесиб ўтиладиган йўлдан, 7.13 қўшимча белгиси бўлганда эса асосий йўлдан келаётган транспорт воситасига йўл бериши керак.

2.5. «Тўхтамасдан ҳаракатланиш тақиқланган».

Асосий йўлнинг йўналишидан қатъи назар, белги ҳайдовчига тартибга солинмаган чорраҳага тўхтамасдан кириб келишини тақиқлайди.



2.6

Ҳайдовчи тўхташ чизиғи олдида, агар у бўлмаса, кесиб ўтиладиган қатнов қисмининг четида тўхтаб ўтади.


Белги темир йўл кесишмаси ёки карантин масканидан олдин ўрнатилган бўлса, ҳайдовчи тўхташ чизиғи олдида, у бўлмаса, белги олдида тўхташи керак. Бу белги саккиз қиррали бўлиб, уни шакл орқали ажратиш ҳам мумкин.

2.6. «Рўпарадан ҳаракатланишнинг устунлиги».

Йўлнинг тор қисмларида (кўприк, туннел ва бошқа жойлар) қарама-қарши келувчи транспорт воситалари бир вақтда ўта олмайдиган ҳолатларда, рўпарадан келаётган транспорт воситасига йўл бериш керак. Қарама-қарши ҳаракатланишни қийинлаштирадиган ҳолларда йўлнинг тор қисмига кириш тақиқланади.



2.6




2.7. «Рўпарадаги ҳаракатланишга нисбатан имтиёз».

Бу белги қарама-қарши келувчи транспорт воситалари бир вақтнинг ўзида ўта олмайдиган йўл қисмларида рўпарадан келаётган транспорт воситасидан олдин ўтиш ҳуқуқини беради.



2.7



2-мавзуга оид тестлар

1 Қайси белги рўпарада ҳаракатланишнинг устунлигини билдиради?



2 Кўк автомобиль чорраҳадан нечанчи бўлиб ўтади?

1. Биринчи.
2. Иккинчи.



3 Қайси транспорт воситасининг ҳайдовчиси олдин ҳаракатланиш ҳуқуқига эга?

1. Юк автомобили ҳайдовчиси.
2. Автобус ҳайдовчиси.



4 Транспорт воситалари чорраҳадан қуйидаги тартибда ўтадилар:

1. Мотоцикл, трамвай ва автомобиль.
2. Трамвай, мотоцикл, автомобиль.
3. Трамвай ва автомобиль, мотоцикл.



5 Транспорт воситалари чорраҳадан қуйидаги тартибда ўтадилар:

1. Қизил автомобиль; трамвай; яшил; кўк автомобиль.
2. Трамвай; қизил; кўк; яшил автомобиль.
3. Трамвай; қизил; яшил; кўк автомобиль.



6 Чорраҳадан иккинчи бўлиб ўтади:

1. Трамвай.
2. Қизил автомобиль.
3. Кўк автомобиль.



7 Бу белги нимани билдиради?

1. Рўпарадан келаётган транспорт воситаларига нисбатан биринчи ўтиш ҳуқуқини беради.
2. Ҳайдовчи рўпарадан ҳаракатланаётган транспорт воситасига йўл бериши керак.
3. Бир томонлама ҳаракатли йўл қисмининг тамом бўлганини билдиради.



8 Чорраҳадан учинчи бўлиб ўтади:

1. Яшил автомобиль.
2. Қизил автомобиль.
3. Кўк автомобиль.
4. Сарик автомобиль.



9 Қайси белги кесиб ўтилаётган йўлдан ҳаракатланаётган транспорт воситаларига йўл беришни юклайди?



10 Автомобиллар чорраҳадан қуйидаги тартибда ўтадилар:

1. Кўк, яшил, қизил.
2. Кўк яшил билан бир вақтда, қизил.
3. Яшил, қизил кўк билан бир вақтда.



3. ТАҚИҚЛОВЧИ БЕЛГИЛАР

Тақиқловчи белгиларнинг асосий фони оқ (3.27, 3.28, 3.29, 3.30 лардан ташқари), ҳошияси қизил (3.21, 3.23, 3.25, 3.31 лардан ташқари) доирадан иборат бўлиб, ҳаракатланишни маълум даражада чеклайди ёки умуман тақиқлайди.

Уларнинг таъсир кучи ўрнатилган жойдан бошлаб биринчи чорраҳагача, чорраҳа бўлмаганда аҳоли пунктининг охиригача давом этади. Баъзи белгилар ўша жойнинг ўзигагина тааллуқли бўлади.


Тақиқловчи белгилар йўл ҳаракатига маълум чекланишлар киритиш ёки уларни бекор қилиш учун қўлланилади.

3.1. «Кириш тақиқланган».

Транспорт воситаларининг бир томонлама ҳаракатланишини жорий этишда йўлнинг бир тарафига ушбу белги ўрнатилади. Барча транспорт воситаларининг (йўналишли транспорт воситалари бундан мустасно) кириши тақиқланади.



31



3.2. «Ҳаракатланиш тақиқланган».

Дам олиш уйлари, санатория, касалхона ва умум фойдаланадиган ҳовлиларга кираверишда транспорт воситалари ҳаракатини чеклаш мақсадида ушбу йўл белгиси ўрнатилади. Бу белгининг йўналишли транспорт воситалари, ногиронлар ҳайдайдиган мотокажава, автомобиль, белги таъсир оралиғида яшовчи ёки ишловчи ёхуд уларга ва корхоналарга хизмат қилувчи транспорт воситаларига дахли йўқ. Бундай ҳолларда транспорт воситалари белгиланган жойга яқин чорраҳадан кириб ёки чиқиб кетишлари керак. Бу ерда иккита тақиқловчи белгидан бирининг (3.1) талаби устун бўлади.



32




3.3. «Механик транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тақиқланган».

Бу белги барча турдаги механик транспорт воситаларининг ҳаракатланишини тақиқлаб, от-арава, велосипедчилар ҳаракатига дахл қилмайди. Бу белги ҳам аввалги (3.2) белгига ўхшаб таъсир оралиғида яшовчи ва ишловчиларга, шунингдек, йўналишли транспорт воситаларига таъсир этмайди.



33





3.4. «Юк автомобилларининг ҳаракатланиши тақиқланган».

Белгида чекланган вазн кўрсатилмаган бўлса, бу белги тўла вазни 3,5

тоннадан юқори бўлган барча юк автомобилларининг, барча тракторларнинг, ўзиюрар машина ва механизмларнинг ҳаракатланишини тақиқлайди. Бу белги 3.2 белгисига ўхшаб таъсир оралиғида яшовчи ва ишловчиларга дахлдор эмас, шунингдек, бортларига қия оқ чизик тортилган ёки одамларни ташиётган юк автомобилларининг ҳаракатланишини тақиқламайди.



3.4



3.5. «Мотоцикллар ҳаракатланиши тақиқланган».

Бу белгининг автомобиль, автобус, велосипед, мопед, от-арава ҳаракатига, 3.2 белгисига ўхшаб таъсир оралиғида яшовчи ва ишловчиларга дахли йўқ.



3.5



3.6. «Тракторлар ҳаракатланиши тақиқланган».

Йўллардаги транспорт воситаларининг тезлигини ошириш мақсадида барча турдаги тракторлар, ўзиюрар машина



3.6

ва механизмларнинг ҳаракатланиши тақиқланади. Бу белги ҳам 3.2 белгисига ўхшаб таъсир оралиғида яшовчи ва ишловчиларга дахлдор эмас.



3.7. «Тиркама билан ҳаракатланиш тақиқланган».

Бу белги автопоездларнинг ҳаракатланиши ва манёвр қилиши қийин бўлган тор кўчалар олдида ўрнатилиб, тиркамали, ярим тиркамали автомобиль ва тракторларнинг ҳамда барча турдаги транспорт воситаларининг шатакка олиб ҳаракатланишини тақиқлайди. Белгининг тиркамали енгил автомобильга ҳамда таъсир оралиғида яшовчилар ва ишловчиларга дахли йўқ.



3.7




3.8. «От-арава ҳаракатланиши тақиқланган».

Механик транспорт воситаларининг ҳаракатини енгиллаштириш мақсадида баъзи йўлларда от-арава, от-чана,



3.8



буғу-чана ҳаракати тақиқланади. Бу белги ҳам 3.2 белгисига ўхшаб таъсир оралиғида яшовчи ва ишловчиларга дахлдор эмас.


От-арава (чана), отлиқлар, юк ортилган ҳайвонларнинг ҳаракатланиши, шунингдек, мол (пода) ҳайдаб ўтиш тақиқланади.

3.9. «Велосипедда ҳаракатланиш тақиқланган».

Серқатнов йўлларда умум-фойдаланадиган транспорт воситаларининг (автобус, троллейбус) бекатда тўхташига, бекатдан қўзғалишига велосипедчилар халал бермаслиги учун кўрсатилган белгига асосан, велосипедчилар ва мопедчиларнинг ҳаракатланиши тақиқланади.



3.9



3.10. «Пиёдаларнинг ҳаракатланиши тақиқланган».

Йўл хизматчилари ва таъмирловчи ишчиларга белгининг дахли йўқ. Бу белги метро станцияларида (экскалатордан тушиб-чиқиш, бир станциядан иккинчисига ўтиш жойларида) бир томонлама ҳаракатни жорий этиш учун ҳам ишлатилади.



3.10





3.11. «Вазн чекланган».

Кўтариш қобилияти чекланган кўприк ва эстакадаларда ҳақиқий вазнлар йиғиндиси кўприк олдида ўрнатилган белгига кўрсатилганидан юқори бўлган юк автомобилларининг, ярим тиркамали юк автомобилларининг ҳаракатланишини тақиқлайди.



3.11




3.12. «Ўққа тушадиган оғирлик чекланган».

Қопламаси юкка бўлган автомобиль йўлларига оғир юк машиналари зарар етказмаслиги учун битта ўққа тушадиган оғирлик йўл белгисига кўрсатилганидан юқори бўлса, бундай автомобилларнинг ҳаракатланиши тақиқланади. Шунини эслатиб ўтиш керакки, Қоидага кўра енгил автомобилларда оғирлик икки ўққа тенг равишда тақсимланади. Икки ўқли юк ав-



3.12



томобилларида олдинги ўққа 1/3, орқа ўққа 2/3 оғирлик тушади. Уч ўқли автомобилларда оғирлик учала ўққа тенг тарқалади.

3.13. «Чекланган баландлик».


Баландлиги чегараланган темир йўл кесишмалари, туннеллар, кўприк ва эстакадалар остидан ўтувчи йўлларда баланд ёки юки баланд бўлган юк автомобиллари кўрсатилган иншоотларга зарар етказмаслиги учун ушбу белги билан уларнинг ҳаракатланиши тақиқланади. Белги бўлмаган тақдирда, йўл ҳаракати қондасига кўра, баландлик 4 м билан чекланади.

Габарит баландлиги (юк билан ёки юксиз) белгида кўрсатилгандан ортиқ бўлган транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тақиқланади.




3.14. «Чекланган кенглик».

Энига тор бўлган туннел, кўприк ва эстакадалар олдида ушбу белги ўрнатилиб, белгида кўрсатилганидан энли юк автомобилнинг (ёки узун автомобилнинг) иншоотларга зарар етказмаслиги учун уларнинг ҳаракатини тақиқлайди.




3.15. «Чекланган узунлик».

Кўп бурилишли узун тор кўчаларда узун юк автомобиллари тиқилиб қолмаслиги, ҳаракат иштирокчиларига халақит бермаслиги учун кўчанинг бундай қисми олдида ушбу белги ўрнатилади, у узун юк автомобиллари ҳаракатланишини тақиқлайди.



3.16. «Энг кам оралиқ».

Ушбу белги музликлар, сирпанчиқ йўллар, тоғли йўллар, кўтариш қобилияти чекланган узун кўприклар олдида ўрнатилиб, энг кам оралиқ масофани чегаралайди.



3.17.1. «Божхона».

Ушбу белги давлат тили ва инглиз тилида ёзилиб, бојхонада керакли хужжатларни расмийлаштириш учун тўхтаб ўтишни талаб қилади.




3.17.2. «Хавф-хатар».

Кўп талофатли йўл фожиаси ёки фалокат юз берганда (қор кўчиши, йўлни сув босиши, кўприкни сув олиб кетиши каби)



шу йўл қисмларида ўрнатилиб, фалокатни бартараф этувчи хизматчиларнинг автомобилларидан ташқари, барча автомобиллар ҳаракатини тақиқлайди.




3.18.1. «Ўннга бурилиш тақиқланган».

Бу белги йўл кесишмаси олдида ўрнатилиб, айнан шу кесишмага таъсир этади. Йўналишли транспорт воситаларига бунинг дахли йўқ.



3.18.1



3.18.2. «Чапга бурилиш тақиқланган».

«Чапга бурилиш тақиқланган» белгиси ўрнатилган жойдан орқага қайрилиш тақиқланмаган.



3.18.2



3.19. «Қайрилиш тақиқланган».

Бу белги жамоат транспортдан ташқари барча транспорт



3.19




воситаларининг орқага қайрилишини тақиқлайди. Белги ўрнатилган жойдан чапга бурилиш тақиқланмаган.

3.20. «Қувиб ўтиш тақиқланган».

Бурилиш ёки дўнглик туфайли кўриниши чекланган серкатнов йўлларда, тор кўчаларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда ушбу белги ўрнатилиб, барча турдаги транспорт воситаларига қувиб ўтишни тақиқлайди. Бу белги соатига 40 км дан кам тезликда, якка тартибда келаётган транспорт воситаларини қувиб ўтишга рухсат этади. 3.20 белгиси яқинлашаётган биринчи кесишмага (чорраҳага) ёки «қувиб ўтиш тақиқланган ҳудуднинг охири» белгиси ўрнатилган жойгача таъсир этади.




3.20



3.21. «Қувиб ўтиш тақиқланган ҳудуднинг охири».



3.21



3.22. «Юк автомобилларида қувиб ўтиш тақиқланган».

Бу белги тўла вазни 3,5 тоннадан юқори бўлган юк автомобиллари ва соатига 40 км



3.22


дан кам тезликда, якка тартибда келаётган транспорт воситаларидан бошқа транспорт воситаларини қувиб ўтишни тақиқлайди. Бу белги яқинлашаётган биринчи кесишмагача ёки «Юк автомобилларида қувиб ўтиш тақиқланган ҳудуднинг охири» белгиси ўрнатилган жойгача таъсир этади.



3.23. «Юк автомобилларида қувиб ўтиш тақиқланган ҳудуднинг охири».



3.23



3.24. «Юқори тезлик чекланган».

Йўлларнинг хавфли қисмларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун ушбу белги ўрнатилиб, барча турдаги транспорт воситаларининг юқори тезлигини чеклайди. Бу белги яқинлашаётган биринчи кесишмагача ёки «Юқори тезлик чекланган ҳудуднинг охири» белгиси ўрнатилган жойгача таъсир этади.



3.24



3.25. «Юқори тезлик чекланган ҳудуднинг охири».



3.25



3.26. «Товуш мосламаларидан фойдаланиш тақиқланган».

Дам олиш уйлари, касалхоналар, санаторийлар, болалар дам олиш оромгоҳлари олдида ортиқча шовқин солинмаслиги учун ўрнатилади, барча турдаги транспорт воситаларининг товуш мосламаларидан фойдаланишларини тақиқлайди.



3.26

Йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олиш мақсадида истисно тариқасида товуш мосламасидан фойдаланиш (товуш ишораси бериш) мумкин.




3.27. «Тўхташ тақиқланган».

Серкатнов йўлнинг тор қисмларида транспорт воситаларининг узлуксиз ҳаракатини юқори даражада таъминлаш



3.27



учун ушбу белги ўрнатилиб, йўналишли транспорт воситаларидан бошқа барча транспорт воситаларининг тўхташни тақиқлайди. Ушбу белги йўналишли транспорт воситаларига таъсир этмайди.

3.28. «Тўхтаб туриш тақиқланган».

Йўлнинг ётарли даражада кенг бўлмаган қисмларига ушбу белги ўрнатилиб, барча транспорт воситаларининг ўн дақиқадан ортиқ туришини тақиқлайди (таксометри ишлаб турган такси автомобили, ногирон ҳайдовчиларга тегишли автомобиль ва мотокажава, юк ортिलाётган ёки туширилаётган автомобиллар бундан мустасно).



3.28



3.29. «Ойнинг тоқ кунларида тўхтаб туриш тақиқланган».



3.29



3.30. «Ойнинг жуфт кунларида тўхтаб туриш тақиқланган».



3.30

Йўлларнинг ўнг ва чап чеккаларини навбатма-навбат механизмларда супуриб тозалаб олиш ва шу каби ишларни амалга ошириш мақсадида ушбу белгилардан фойдаланилади. Бу белгиларнинг талаби 3.28 белгиси талаби билан бир хил.




3.31. «Барча чекловларнинг охири».




3.31



Бу белги барча чекловларнинг охири деб номланса-да, амалда 3.16, 3.20, 3.22, 3.24, 3.26–3.30 белгиларининг таъсир доирасини кесишмадан аввалроқ тугатиш учун ишлатилади. 3.1–3.3, 3.18.1, 3.18.2, 3.19, 3.27 белгиларининг



йўналишли транспорт воситаларига, 3.2–3.8 белгилари таъсир оралиғида яшовчи ёки ишловчи фуқароларга ёхуд



уларга ва корхоналарга хизмат қилувчи транспорт воситаларига дахли йўқ. Бундай ҳолларда транспорт воситалари белгиланган жойга яқин чорраҳадан кириб ёки чиқиб кетишлари керак.

Қоидаларнинг 176-бандига биноан «Ногирон» таниқлик белгиси билан белгиланган автомобиллар ва кажавали мотоциклларни бошқараётган ногирон ҳайдовчилар 3.2, 3.3 ва 3.28 белгилари талабларидан четга чиқишлари мумкин. 7.18 қўшимча ахборот белгиси бўлганда 3.27 белгисининг таъсир оралиғида тўхташга рухсат этилади.

3.28 – 3.30 белгиларининг таксометри ишлаб турган таксиларга дахли йўқ.



3.18.1 ва 3.18.2 белгилари қатнов қисмларининг қайси кесишмаси олдида ўрнатилса, шу кесишмага татбиқ этилади.



3.16, 3.20, 3.22, 3.24, 3.26–3.30 белгиларининг таъсири белги ўрнатилган

жойдан кейинги энг яқин чорраҳагача, чорраҳаси бўлмаган аҳоли пунктларида аҳоли яшайдиган ҳудуднинг охиригача таъсир қилади. Йўлга ёндош ҳудудлардан дала ва ўрмонларнинг йўл билан туташган ҳамда иккинчи даражали йўллардан чиқиш жойларида, уларнинг олдида тегишли белгилар ўрнатилмаган бўлса, бу белгиларнинг таъсири йўқолмайди.

Аҳоли пунктларига етмай ўрнатилган 3.24 белгисининг таъсири 5.22 белгисигача ўз кучини сақлайди.



Белгиларнинг таъсир доираси аниқлаштирилиши мумкин:

– 3.16 ва 3.26 белгилари 7.2.1 қўшимча ахборот белгиси орқали;



– 3.27 – 3.30 белгиларининг амал қилиш оралиғи охирига 3.27 – 3.30 белгилари 7.2.3 қўшимча ахборот белгиси билан бирга такрор ўрнатилади ёки 7.2.2 қўшимча ахборот белгиси билан қўлланилади.



– 3.27 белгиси 1.4 ётиқ чизиғи билан биргаликда, 3.28 белгиси эса 1.10 ётиқ

чизиғи билан биргаликда қўлланиши мумкин, бунда белгиларга амал қилиш чизиқлар узунлиги билан аниқланади.

– 3.10, 3.27 – 3.30 белгилари йўлнинг қайси томонига ўрнатилган бўлса, уларга фақат ўша томонда амал қилинади.



3-мавзуга оид тестлар

1 Бу белги ўрнатилган йўлда кажавали мотоциклни шатакка олишга рухсат этиладими?

1. Тиркамаси биттадан ортиқ бўлмаган мотоциклга рухсат этилади.
2. Фақат қаттиқ тиркагичда рухсат этилади.
3. Тақиқланади.
4. Тойғоқчиликда тақиқланади.



2 Юк автомобилнинг қайси йўналишда ҳаракатланишига рухсат этилади?

1. Фақат ўнға.
2. Ўнға, чапга ва орқа йўналишга.
3. Фақат чапга.



3 Қайси транспорт воситаларининг ҳайдовчилари тўхтаб туриш қондасини буздилар?

1. Енгил автомобилнинг ҳайдовчиси.
2. Юк автомобилнинг ҳайдовчиси.
3. Ҳар икки ҳайдовчи.



4 Ушбу белги санаб ўтилган юк автомобилларининг қайсиларига ҳаракатни давом эттиришни тақиқламайди?

1. Юк кўтариш 3,5 т дан ортиқ бўлган автомобилларга.
2. Рухсат этилган тўла вазни 3,5 т дан ортиқ бўлган автомобилларга.
3. Хавфли юк ташиётган автомобилларга.
4. Юкхонасига қия оқ чизиқ тортилган юк автомобилларига.



5 Қайси транспорт воситасининг ҳайдовчиси тўхтаб туриш қондасини бузди?

1. Кўк автомобилнинг ҳайдовчиси.
2. Қизил автомобилнинг ҳайдовчиси.
3. Ҳар икки ҳайдовчи бузди.
4. Ҳар икки ҳайдовчи ҳам бузмади.



6 Қайси автомобиль тўхташ қондасини бузди?

1. Яшил автомобиль.
2. Ҳар иккиси бузди.
3. Ҳар иккиси ҳам бузмади.



7 Кўрсатилган белгилардан қай бири илгари киритилган барча чеклашларни бекор қилади?

8 Бу белгида қайси юк автомобили ҳаракатни давом эттириши мумкин?
 1. 8 тоннагача юк ортган автомобиль.
 2. 8 тонна юк кўтариш қобилиятига эга бўлган бўш автомобиль.
 3. Рухсат этилган тўла вазни 8 т дан ортиқ бўлмаган автомобиль.

9 Тўхташ қондасини бузган ҳамма ҳайдовчилар қайси жавобда кўрсатилган?
 1. Қизил автомобиль ва мотоциклнинг ҳайдовчилари.
 2. Кўк автомобилнинг ҳайдовчиси.
 3. Мотоциклнинг ҳайдовчиси.
 4. Барча транспорт воситаларининг ҳайдовчилари.

10 Қайси белгида тўхташ шарт?
 1. YPX
 2. Inverted triangle
 3. Red circle
 4. Red circle with 'CLO Bojxona'
 5. STOP sign

4. БУЮРУВЧИ БЕЛГИЛАР

Транспорт воситаларига кўрсатилган йўналишда ёки фақат маълум йўналишларда ҳаракатланишлари лозимлигини буюради.

Буюрувчи белгилар, асосан, ҳаво ранг, белгиси оқ, кўриниши доира шаклида бўлиб, транспорт воситаларини муайян тартиб бўйича ҳаракатланишини талаб этади.

Буюрувчи белгилар йўлнинг муайян тартиб бўйича ҳаракатланиш лозим бўлган қисмлари олдида ўрнатилади.

Бу белгиларнинг таъсири қатнов қисмларининг қайси кесишмаси олдида ўрнатилса, шу кесишмага татбиқ этилади.

4.1.1. «Ҳаракатланиш тўғрига».

Бу белги йўлнинг бошига ўрнатилса, таъсири шу йўл давомидаги биринчи кесишмагача амал қилади.




Бу белги йўл бўйлаб ўнг томонда жойлашган ҳовлиларга бурилишни тақиқламайди.

4.1.2. «Ҳаракатланиш ўнгга».




4.1.3. «Ҳаракатланиш чапга».



4.1.4. «Ҳаракатланиш тўғрига ёки ўнгга».



4.1.5. «Ҳаракатланиш тўғрига ёки чапга».



4.1.6. «Ҳаракатланиш ўннга ёки чапга».




Фақат йўналтиргичлар кўрсатган томонга ҳаракатланишга рухсат этилади. Чапга бурилишга рухсат этувчи белгида қайрилишга ҳам рухсат этилади. (Муайян кесишмада талаб этилган ҳаракат йўналишига тегишли йўналтиргичнинг шакли туширилган 4.1.1– 4.1.6 белгиларини қўллаш мумкин.)

4.1.1 – 4.1.6 белгиларининг йўналишли транспорт воситаларига дахли йўқ.



4.1.1 – 4.1.6 белгиларининг таъсири қатнов қисмининг қайси кесишмаси олдида ўрнатилса, шу кесишмага татбиқ этилади.



4.1.1 белгиси йўл бошланишига ўрнатилса, унга яқин чорраҳагача амал қилинади. Белги ўнг томонда жойлашган ҳовли ва йўлга туташ бошқа ҳудудларга бурилишни тақиқламайди.



4.2.1. «Тўсиқни ўнгдан четлаб ўтиш».

4.2.2. «Тўсиқни чапдан четлаб ўтиш».

4.2.3. «Тўсиқни ўнгдан ёки чапдан четлаб ўтиш».



Йўлдаги хавфсизлик майдончаларининг ажратиш бўлақларини, устун-

ларни, таъмирлаш ишлари бўлаётган қисмларни четлаб ўтишда ушбу белгилар ўрнатилиб, қайси тарафдан четлаб ўтиш лозимлиги кўрсатилади.



4.3. «Айланма ҳаракатланиш».

Бу белги майдонлар олдида ўрнатилиб, майдон ўртаси текис бўлса ҳам, уни тўғри кесиб ўтмасдан, соат стрелкасига тескари айланиб ўтиш кераклигини кўрсатади.



4.3




4.4. «Енгил автомобиллар ҳаракати».

Бу белгида енгил автомобиль ифодаланган бўлса ҳам, белги енгил автомобиллардан ташқари барча турдаги автобуслар, мотоцикллар ва тўла вазни 3,5 тоннадан кам бўлган юк автомобилларининг ҳаракатланишига рухсат этиб, тўла вазни 3,5 тоннадан юқори




4.4

бўлган юк автомобиллари ва тракторлар ҳаракатланишини тақиқлайди (белги таъсири оралиғида яшовчи барча турдаги транспорт воситалари эгалари ва ишловчилар бундан мустасно).



Белгининг таъсир оралиғида яшовчи ва ишловчи фуқароларга тегишли, уларга ва корхоналарга хизмат кўрсатувчи транспорт воситаларига бу белги татбиқ этилмайди.

Бундай ҳолларда транспорт воситалари белгиланган жойга энг яқин чорраҳадан кириб ёки чиқиб кетишлари керак.




4.5. «Велосипед йўлкаси».

Бу белги велосипед ва мопедлар ҳаракатланишидан ташқари тротуар бўлмаган тақдирда бу йўлакдан халақит бермаслик шarti билан пиёдаларнинг юришига ҳам рухсат этади.



4.5



4.6. «Пиёдалар йўлкаси».

Бу белги фақат пиёдаларнинг юришига рухсат этади. Баъзан бу белги (3.10 белги билан бирга) метро станциялари оралиғида пиёдаларнинг бир тарафлама ҳаракатини жорий этиш учун ҳам ишлатилади.



4.6



4.7. «Энг кам тезлик».

Белгида кўрсатилган ёки ундан юқори тезликда ҳаракатланишни талаб этади. Кўп бўлакли йўлларнинг чап бўлағида транспорт тезлигини ошириш мақсадида ушбу белгидан фойдаланиш мумкин, лекин юқори тезлик чегараси йўл ҳаракати қондаси бўйича қолади.



4.7



4.8. «Энг кам тезлик белгиланган йўлнинг охири».

4.7 белгисининг таъсир қисмини қисқартириш учун ишлатилади.



4.8

4-мавзуга оид тестлар


1 Йўналтиргичларнинг қайсилари бўйлаб ҳаракатланишга рухсат этилади?

1. Фақат А йўналиш бўйлаб.
2. Фақат Б йўналиш бўйлаб.
3. Фақат В йўналиш бўйлаб.
4. Фақат А ва Г йўналишлари бўйлаб.
5. Фақат Г йўналиш бўйлаб.



2 Қайси йўналишларда ҳаракатланишга рухсат этилган?

1. Фақат Б.
2. Фақат А.
3. А ва Б.
4. А, Б, В ва Г.
5. А, Б ва В.




3 Ушбу шароитда автобуснинг чорраҳага киришига рухсат бериладими?

1. Рухсат берилади.
2. Тақиқланади.
3. Агар автобус белгиланган йўналиш бўйича ҳаракатланаётган бўлса, рухсат этилади.



4 Чорраҳада айланма ҳаракатланиш ташкил қилинган. Сиз яқинлашиб келатган чорраҳанинг қатнов қисми иккита ҳаракат бўлағига эга. Чорраҳага киришда бурилиш учун Сиз қайси бўлакни эгаллашнгиз лозим?

1. Ўнг бўлакни.
2. Чап бўлакни.
3. Ўнг ёки чап бўлакни.


<p>5 Қизил автомобиль:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Кўк автомобилга нисбатан устунликка эга, чунки асосий йўлдан кетяпти. 2. Кўк автомобилга нисбатан устунликка эга, чунки айланма ҳаракатли йўлдан кетяпти. 3. Чорраҳага ўнг томондан яқинлашиб келган кўк автомобилга йўл бериши керак. 	<p>6 Қайси йўналишда ҳаракатланиш тақиқланади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ўнга, биринчи йўлга. 2. Ўнга, иккинчи йўлга. 3. Ўнга, биринчи ва иккинчи йўлларга. 
<p>7 Қайси жавобда рухсат берилган ҳаракат йўналиши тўғри кўрсатилган?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Фақат орқага бурилиш. 2. Тўғрига ва орқага бурилиш. 3. Фақат тўғрига. 	<p>8 Қайси белги «Тўсиқни чапдан четлаб ўтиш» деб аталади?</p> 
<p>9 Сарик автобуснинг ҳайдовчисига чорраҳага чиқиш учун рухсат этиладими?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Рухсат этилади. 2. Тақиқланади. 3. Агар автобус белгиланган йўналиш бўйича юрса, рухсат этилади. 	<p>10 Рухсат этилган ҳаракатланиш йўналишини кўрсатинг:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Фақат А. 2. Фақат Б. 3. Фақат В. 4. А ва Б. 5. Б ва В. 

5. АХБОРОТ-КЎРСАТКИЧ БЕЛГИЛАРИ

Ахборот-кўрсаткич белгилари ҳаракатланишга муайян тартиб киритади ёки уни бекор қилади, шунингдек, аҳоли пунктлари ва манзилларнинг жойлашуви ҳақида ахборот беради.


5.1. «Автомагистрал».

Махсус тартиб (қоидалар) ўрнатилган ва транспорт воситаларининг тез, хавфсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган – автомагистрал бошланишига ушбу белги ўрнатилади.



5.2. «Автомагистралнинг охири».

Ушбу белги ўрнатилган жойдан бошлаб махсус тартиб талаблари бекор қилинади ва «Автомобиллар учун мўлжалланган йўл» тартиби кучга киради.



5.3. «Автомобиллар учун мўлжалланган йўл».

Ушбу белги барча турдаги автомобиллар, автобус ва мотоциклларнинг ҳаракатланишига рухсат этиб, от-арава, велосипед каби транспортларнинг ҳаракатини тақиқлайди.



5.3



5.4. «Автомобиллар учун мўлжалланган йўлнинг охири».

Ушбу белги ўрнатилган жойдан бошлаб барча турдаги транспорт воситаларининг ҳаракатланишига рухсат этилади.



5.4


5.5. «Бир томонлама ҳаракатли йўл».

Тор кўча ва йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида транспорт воситаларининг ҳаракатини йўлнинг қатнов қисми бўйича бир томонлама жорий этиш учун ушбу йўл белгисидан фойдаланилади.



5.5

Бу белги йўл бошида ўрнатилиб, ҳаракат давомида орқага қайрилишни тақиқлайди. Аҳоли яшайдиган жойларда бир томонлама ҳаракатланиш жорий этилган йўлларнинг чап тарафида тўхташ ва тўхтаб туришга рухсат этилади. Бир томонлама ҳаракатланиш жорий этилган йўлларда ҳовли ва йўлга



туташ бошқа ҳудудларга бурилиш тақиқланмайди.

5.6. «Бир томонлама ҳаракатли йўлнинг охири».

Ушбу белги транспорт воситалари бир томонлама ҳаракатланадиган йўлнинг тугаганлигини билдиради.



5.6

5.7.1, 5.7.2. «Бир томонлама ҳаракатли йўлга чиқиш».

Ушбу белги чорраҳа олдида ўрнатилиб, ҳайдовчига




5.7.1



5.7.2

кесишадиган йўлда белги йўналиши бўйича бир томонлама ҳаракатланиш жорий этилганини кўрсатади.



5.8.1. «Бўлақлар бўйича ҳаракат йўналиши».

Ушбу белги чорраҳага яқин (чорраҳада) кўп бўлакли кенг йўлларда ҳаракатланиш тартибини белгилайди. Ҳайдовчиларга тушуниш осон бўлиши учун



5.8.1



бир белгида учтагача бўлақдаги ҳаракатланишни ифодалаш мумкин. Бўлақлар сони учтадан ортиқ бўлса, яна белги киритиш лозим. Шунини таъкидлаш керакки, чапга бурилишга рухсат этилган жойдан орқага қайрилиш ҳам мумкин.

Бўлақлар сони ҳар бири бўйича рухсат этилган ҳаракатланиш йўналиши.

5.8.2. «Бўлақ бўйича ҳаракатланиш йўналиши».




5.8.2

Ушбу белги аввалги 5.8.1 белгисининг бир тури бўлиб, ҳар бир бўлақдаги ҳаракатланиш тартиби алоҳида белги билан кўрсатилади.

Йўлнинг четки чап бўлагидан чапга бурилишга рухсат берадиган 5.8.1 ва 5.8.2 белгилари шу бўлақдан қайрилишга ҳам рухсат беради.



Чорраҳадан олдин ўрнатилган 5.8.1 ва 5.8.2 белгиларининг таъсири, агар шу туркумдаги бошқа белгилар ўрнатилмаган бўлса, бутун чорраҳага татбиқ этилади.



5.8.3. «Бўлақнинг бошланиши».

Йўлнинг баландликка кўтариладиган қисмларида оғир юк автомобилла-

ри ва секин юрадиган транспортлар бошқа транспорт воситаларига халақит бермаслиги учун, уларга қўшимча бўлақ ажратилиб, бўлақ бошланиш жойига ушбу белги ўрнатилади, бўлақ охирига эса 5.8.5 – «Бўлақ охири» белгиси ўрнатилади.



5.8.3



Агар қўшимча бўлақ олдида 4.7 – «Энг кам тезлик» белгиси ўрнатилган бўлса, кўрсатилган ёки ундан каттароқ тезликда ҳаракатлана олмайдиган транспорт воситасининг ҳайдовчиси асосий бўлақдан қўшимча бўлаққа қайта тизилиши керак.



5.8.4. «Бўлақнинг бошланиши».

Уч бўлакли йўлларда ўрта бўлақдан фойдаланишга рухсат этиладиган қисм олдида ушбу белги ўрнатилиб, бу бўлақ секин юрадиган транспорт воситаларидан ўзиб кетишга имкон беради.



5.8.4



Уч бўлакли йўлларда ҳаракатланиш учун ўрта бўлакнинг бошланишини билдиради.

5.8.5. «Бўлак охири».

Баландликка кўтарилиш ёки тўхташ қисмидаги қўшимча бўлакнинг охири.



5.8.5



5.8.6. «Бўлак охири».

Уч бўлакли йўлнинг фойдаланишга рухсат этилган ўрта бўлак қисми тугаши олдида ушбу белги ўрнатилади.



5.8.6



5.8.7, 5.8.8. «Бўлақлар бўйича ҳаракатланиш йўналиши».

Ушбу белгилар чорраҳа олдида ўрнатилиб, транспорт воситаларининг рўпара қатновларига мўлжалланган уч бўлакли йўлларда ҳаракатланиш тартибини белгилайди.

Бу белгилар бўлмаса, ҳайдовчи ўрта бўлакни иккала тарафдан қувиб ўтишга мўлжалланган деб ўйлаши мумкин. Баъзи ҳолларда транспорт оқимининг тезлигини ошириш учун юк автомобиллари-



5.8.7




5.8.8

нинг ўрта бўлак бўйича ҳаракатланиши тақиқланади. Юк автомобиллари чекка (ўнг) бўлақдан ҳаракатланади.

Агар 5.8.7 белгисидан бирор транспорт воситасининг ҳаракатланишини тақиқловчи белги тасвирланган бўлса, унда бу транспорт воситасининг тегишли бўлақда ҳаракатланиши тақиқланади.

5.8.7 ва 5.8.8 белгилари йўналишлар сонига кўра тўрт ва ундан ортиқ бўлакли йўлларга ҳам татбиқ этилиши мумкин. Тасвири алмашадиган 5.8.7 ва 5.8.8 белгилари ёрдамида реверсив ҳаракат ташкил этилиши мумкин.



5.9. «Йўналишли транспорт воситалари учун мўлжалланган бўлак».

Ушбу белги транспорт воситаларининг оқими бўйича йўналган, йўналишли транспорт воситалари учун мўлжалланган бўлакни белгилашда ишлатилади. Ушбу бўлак бошқаларидан сизирга чизиқ билан ажратилган бўлса, у ҳолда бу бўлаққа бошқа транспорт воситаларининг кириши тақиқланади. Агар узук-узук чизиқчалар билан чегараланган бўлса, у ҳолда йўловчи ту-



5.9

шириш ёки олиш, ўннга бурилиш учун бўлакка кириш мумкин.

Белги қайси бўлак устида жойлашган бўлса, шу бўлакка татбиқ этилади. Йўлнинг ўнг томонига ўрнатилган белгининг таъсири ўнг бўлакка татбиқ этилади.




5.10.1. «Йўналишли транспорт воситалари учун бўлаги бор йўл».

Ушбу белги бир томонлама ҳаракатланиш йўлининг четки чап бўлаги йўналишли транспорт воситаларига ажратилгани ҳақида ахборот беради. Бўлак бошқаларидан (узук-узук бўлмаган) сидирға чизиқ билан ажратилиб, унга бошқа транспорт воситаларининг кириши тақиқланади.



5.10.1



5.10.2, 5.10.3. «Йўналишли транспорт воситалари учун бўлаги бор йўлга чиқиш».

Ушбу белгилар кесишадиган йўлда бир томонлама ҳаракатланиш жорий қилинганлигини билдириб, йўлнинг бир бўлаги йўналишли транспорт воситаларига ажратилган ва унинг бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланишига қарама-қарши йўналишда эканлигидан ахборот беради.



5.10.2



5.10.3



5.10.4. «Йўналишли транспорт воситалари учун бўлаги бор йўлнинг охири».

Ушбу белги ўрнатилган жойдан бошлаб барча транспорт воситалари йўл қатнов қисмининг барча кенглиги бўйича ҳаракатланиши, тўхташи ва тўхтаб туриши мумкин.



5.10.4




5.11.1. «Қайрилиб олиш жойи».

Бу жойда чапга бурилиш тақиқланади.



5.11.1



5.11.2. «Қайрилиб олиш оралиғи».

Ушбу белгилар қайрилиш жойи ва унинг оралиғини белгилаб, транспорт воситаларининг чапга бурилишини тақиқлайди.




5.11.2



5.12. «Автобус ва (ёки) троллейбус тўхташ жойи».



5.12



5.13. «Трамвай тўхташ жойи».



5.13



5.14. «Такси тўхтаб туриш жойи».

Ушбу белгилар ўзига хос транспорт воситаларининг тўхташ ва тўхтаб туриш жойларини кўрсатиб, белги ўрнатилган жойдан 15 метргача масофада бошқа транспорт воситаларининг тўхташи ва тўхтаб туришини тақиқлайди.



5.14



5.15. «Тўхтаб туриш жойи».

Транспорт воситаларининг қисқа ва узоқ муддатга тўхтаб туриш жойи.



5.15



5.16.1, 5.16.2. «Пиёдалар ўтиш жойи».

Ушбу белгилар пиёдалар ўтиш жойини белгилаб, «Зебра» шаклидаги ётиқ чизиқ билан ёки уларсиз ишлатилиши мумкин. 5.16.1 белгиси йўлнинг чап тарафига ўрнатилиб, пиёдалар ўтиш жойининг олд чегарасини билдиради, 5.16.2 йўл белгиси аввалги белгининг аксини кўрсатади ва йўлнинг ўнг тарафига ўрнатилиб, пиёдалар ўтиш жойининг туташ чегарасини кўрсатади.



5.16.1



5.16.2



5.17.1, 5.17.2. «Пиёдаларнинг ер остидан ўтиш жойи».



5.17.1



5.17.2

5.17.3, 5.17.4. «Пиёдаларнинг ер устидан ўтиш жойи».




5.17.3



5.17.4

Ушбу белгилар ер устидан (кўпинча, темир йўл тўшама кўприклари устидан) ва ер остидан (сөрқатнов кўчаларнинг остидан) ўтиш жойларини кўрсатади.



5.18. «Тавсия этилган тезлик».

Ушбу белги йўлнинг шарт-шароитлари ёки об-ҳаво шароитларига қараб шу қисм учун маълум тезликни (белгида кўрсатилган) тавсия қилади. Белги биринчи чорраҳагача таъсир қилади. Агар бу белги огоҳлантирувчи белги билан бирга қўлланса, унинг таъсир оралиғи хавфли қисмнинг узунлиги билан аниқланади.



5.18



5.19.1, 5.19.2, 5.19.3. «Охири берк йўл».

Ушбу белги йўлнинг давоми йўқ, охири берк эканлигини кўрсатиб, ҳаракатланишни тақиқламайди (кўчага киришни тақиқламайди).



5.19.1

5.19.2


5.19.3



5.20.1, 5.20.2. «Йўналишларнинг дастлабки кўрсаткичи».



5.20.1



Белгида кўрсатилган аҳоли пункти ёки манзилга автомагистрал орқали бориладиган бўлса – асоси яшил, оддий йўлларда – асоси ҳаво ранг, шаҳар йўлларида – асоси оқ белгилар билан ҳаракат йўналиши кўрсатилган бўлади. Белгида, белги ўрнатилган жойдан чорраҳагача бўлган масофа ёки йўналишлар бўйича, 3.12–3.15 тақиқловчи белгилардан бири ўрнатилган қисмни айланиб ўтиш кераклиги кўрсатилади. Белги шаҳар йўлларида 50 — 100 метр, шаҳардан ташқарида 150 — 300 метр масофада, автомагистралларда 300 метр ва ундан ортиқ масофаларда ўрнатилади.



5.20.2. белгисининг 5.20.1 белгисидан фарқи шундаки, унда аҳоли яшайдиган жой ва бошқа манзилларга бориш йўналиши кўрсатилган. Автомагистраль йўналиши яшил асосли белги билан, оддий йўлларнинг йўналиши эса асоси ҳаво ранг белги билан кўрсатилади.



5.20.2

Белгида аҳоли пунктига ва бошқа манзилларга томон ҳаракатланиш йўналиши кўрсатилган. Белгида 5.29.1 белгисининг ҳамда автомагистрал, аэропорт ва бошқа рамзий белгилар тасвири туширилган бўлиши ҳам мумкин. 5.20.1 белгиси йўлнинг 3.11–3.15 тақиқловчи белгиларидан бири ўрнатилган қисмларини айланиб ўтиш кераклигини кўрсатиш учун ҳам қўлланилади.

5.20.3. «Ҳаракатланиш схемаси».

Ушбу белги бирор йўналиш бўйича ҳаракатланиш тақиқланган мураккаб чорраҳаларда ҳаракатланиш тартибини кўрсатади. У чорраҳа олдида ўрнатилиб, айрим ҳаракатлар тақиқланган вақтда ҳаракатланиш йўналиши ёки серкатнов чорраҳада руҳсат этилган ҳаракатланиш йўналишини кўрсатади.



5.20.3



5.21.1. «Йўналиш кўрсаткичи».

Манзил томон бурилиш жойида ушбу белги ўрнатилиб, қанча километр масофа қолганини кўрсатади.



5.21.1

5.21.2. «Йўналишлар кўрсаткичи».

Ушбу белги аввалги белгининг бир тури бўлиб, бир неча манзил томон ҳаракатланиш йўналишларини кўрсатади.

Белгида манзиллар томон ҳаракатланиш йўналишлари кўрсатилган.

Белгиларда манзилларгача бўлган масофа (км) кўрсатилиши, автомагистраллар, аэропортлар ва бошқа рамзий белгилар тасвирланган бўлиши мумкин.



5.21.2



5.22. «Аҳоли пунктининг бошланиши».

Асоси оқ рангда, аҳоли пунктининг номланиши қора рангда ёзилган бундай белгилар юқори тезликни соатига 70 км билан чегаралаб, товуш мосламаларидан фойдаланишни тақиқлайди. Қоидаларнинг аҳоли пунктларида ҳаракатланиш тартибини белгиловчи талабларига амал қилинадиган жойларнинг номи ҳамда унинг бошланишини билидиради.



5.22



5.23. «Аҳоли пунктининг охири».

Ушбу белги ўрнатилган жойдан бошлаб аввалги белги – 5.22 киритган чегаралар бекор қилинади.



5.23

Қоидаларнинг аҳоли пунктида ҳаракатланиш тартиби талаблари бекор қилинган жой.

5.24. «Аҳоли пунктининг бошланиши».

Асоси ҳаво ранг, ёзуви оқ рангда ёзилган бундай белгилар ҳаракат тезлиги ва товуш мосламаларидан фойдаланишни чекламасдан, фақат белгида ёзилган географик жой номини билдиради. Ушбу белги ўрнатилган жойда аҳоли пунктларидаги йўлларда жорий этилган тартиб талаб этилмайди.

Қоидаларнинг аҳоли пунктларида ҳаракатланиш тартибини белгиловчи талабларига амал қилинмайдиган жойнинг номи ҳамда унинг бошланишини билдиради.



5.24



5.25. «Аҳоли пунктининг охири».

Ушбу белги аввалги белгида кўрсатилган географик жойнинг охири билдиради.



5.25

5.24 белгиси билан кўрсатилган аҳоли пунктининг охири.

5.26. «Манзил номи».

Аҳоли пунктидаги кўчалар номи, аҳоли пунктларидан ташқаридаги дарё, кўл ва бошқа хушманзара жойларнинг номи ушбу белги билан кўрсатилади.



5.26

5.27. «Масофалар кўрсаткичи».

Ушбу белги шаҳарлардан чиқиб кетиш жойларига ўрнатилиб, йўналиш бўйича жойлашган аҳоли яшайдиган манзилгача бўлган масофани билдиради. Ҳаракатдаги

NAMANGAN	14
FARG'ONA	42
ANDIJON	98

5.27

ҳайдовчи ўқиб улгуриши учун битта белгида учтагача манзил номи ёзилиши мумкин. Йўналиш бўйича жойлашган аҳоли пунктигача бўлган масофа (км)ни билдиради.



5.28. «Километр белгиси».

Ушбу белги йўл бошланганидан бошлаб, ҳар бир километрда ўрнатилади.



5.28

5.29.1, 5.29.2. «Йўл рақами».



5.29.1

5.29.2

Ушбу белгилар йўл рақами ва йўналишини кўрсатиб, ҳайдовчига автомобиль йўллари атласи бўйича ундан фойдаланишни осонлаштиради.

5.29.1 – йўлга берилган рақам, 5.29.2 – йўлнинг рақами ва йўналиши.

5.30.1, 5.30.2, 5.30.3. «Юк автомобиллари учун ҳаракатланиш йўналиши».



5.30.1

5.30.2

5.30.3

Ушбу белгилар чорраҳа олдида ўрнатилиб, юк автомобиллари ҳайдовчиларига энг қулай йўлни кўрсатади ва шу йўл бўйича ҳаракатланишни тавсия этади. Бошқа йўлларга бурилиш тақиқланмайди, лекин тез орада юк автомобиллари ҳаракатланишини тақиқлайдиган белгига чиқиши мумкин.


Чорраҳаларда юк автомобиллари, тракторлар ва ўзиюрар мосламаларга бирор йўналишда ҳаракатланиш тақиқланган бўлса, бундай транс-

порт воситаларига тавсия этилган ҳаракатланиш йўналишларини кўрсатади.



5.31. «Айланиб ўтиш тасвири».

Асоси сариқ рангда бўлган ушбу белги вақтинчалик ёпиб қўйилган йўл қисмини айланиб ўтиш чизмасини кўрсатади. Белги аҳоли пунктида 50–100 м, аҳоли пунктидан ташқарида 150–300 м масофада, баъзи ҳолларда айланиб ўтиладиган йўлнинг олдида ўрнатилади.



5.32.1–5.32.3. «Четлаб ўтиш йўналиши».

Асоси сариқ рангда бўлган ушбу белги вақтинчалик ёпиб қўйилган йўл қисмини четлаб ўтиш йўналишини кўрсатади. Бу белги аввалги белгига ўхшаб аҳоли пунктида 50–100 метр, аҳоли пунктидан ташқарида 150–300 метр масофада, баъзи ҳолларда ай-



ланиб ўтиладиган йўлнинг олдида ўрнатилади.

5.33. «Тўхташ чизиғи».

Ушбу белги светофорга 5–20 метр етмасдан, баъзи ҳолларда светофор остида ўрнатилиб, светофорнинг фақатгина тақиқловчи ишорасида транспорт воситаларининг тўхташ жойини кўрсатади.



5.33



5.34.1, 5.34.2. «Бошқа қатнов қисмига қайта тизилишнинг бошланғич кўрсаткичи».

Ушбу белги ажратувчи бўлакли йўлларда турли тадбирлар (халқ сайли, митинг, спорт йиғилишлари) сабабли вақтинчалик ёпиб қўйилган йўл қисмини айланиб ўтиш йўналишини ёки бошқа қатнов қисмига ўтиш йўналишини кўрсатади.



5.34.1



5.34.2

Ажратувчи бўлаги бўлган йўлнинг ҳаракатланиш учун ёпиқ ҳудудини айланиб ўтиш ёки ўнг томондаги қатнов қисмига қайтиш учун ҳаракатланиш йўналишини билдиради.



5.35. «Реверсив ҳаракатланиш».

Ушбу белги йўлнинг бошида ўрнатилиб, бир ёки бир неча бўлақларда ҳаракатланиш йўналишининг қарама-қарши томонга ўзгариши мумкинлиги ҳақида ахборот беради.



5.35



5.36. «Реверсив ҳаракатланишнинг охири».

5.36 белгиси йўлнинг охирига ўрнатилиб, реверсив ҳаракатланишнинг охирини кўрсатади.



5.36



5.37. «Реверсив ҳаракатланиш йўлига чиқиш».

Ушбу белги чорраҳа олдида ўрнатилиб, кесишадиган йўлнинг бир ёки бир неча бўлақларида ҳаракатланиш йўналиши қарама-қарши томонга ўзгариши мумкинлиги ҳақида ахборот беради.



5.37



5.38. «Турар жой даҳаси».

Турар жой даҳаларида пиёдалар тротуардан ташқари қатнов қисмида ҳам

ҳаракатланишлари мумкин. Бунда пиёдалар имтиёзга эга бўладилар. Ҳайдовчига двигателни ишлаб турган ҳолда тўхтаб туриш, механик транспорт воситасини бошқаришни ўргатиш ва тўла вазни 3,5 тоннадан ортиқ бўлган автомобилларнинг (махсус майдон бўлмаса) тўхтаб туриши тақиқланади.

Йўл ҳаракати қоидаларининг турар жой даҳаларида ҳаракатланиш тартиби ўрнатилган йўлни билдиради.



5.38



5.39. «Турар жой даҳасининг охири».

5.40. «Фалокатли ҳолатлар учун кириш йўли».

Тоғли йўлларда, довонда тик нишадан тушиб келаяётган транспорт воситаларининг тўхтатиш тизими ишламай қолса, тўхтатиш учун ажратилган йўлга киришини кўрсатади. Қоидалардаги 128-бандда кўрсатилган ҳолларда фойдаланиладиган йўлни билдиради.



5.39



5.40



5.41. «Фото ва видео қайд этиш».

Бу белги йўлнинг қатнов қисмидаги ҳаракат иштирокчиларини олдинда фото ва видео камералари мавжудлиги ҳамда улар ҳаракатни қайд этиб бораётганлигидан хабардор қилади.



5.41

5-мавзуга оид тестлар

- 1** Бу йўл белгиси:
1. Фақат кўрсатилган ёки юқори тезликка рухсат беради.
 2. Белгида кўрсатилгандан ортиқ тезликдаги ҳаракатни тақиқлайди.
 3. Йўлнинг шу қисмида тавсия этилган ҳаракатланиш тезлигини кўрсатади.



- 2** Қайси белги 50 км/соатдан кам тезликда ҳаракатланишни тақиқлайди?



- 3** Ҳайдовчи қайси расмда қоидалар талабларини бузмай туриб манёвр қилди?



- 4** Қайси транспорт воситасининг ҳайдовчиси айланма ҳаракатли кесишмага тўғри чиқади?

1. Ҳар икки ҳайдовчи.
2. Фақат автобуснинг ҳайдовчиси.
3. Фақат енгил автомобилнинг ҳайдовчиси.



- 5** Автомобилнинг қайси йўналишда ҳаракатланишига рухсат этилади?

1. Чапга ва ўнга.
2. Фақат тўғрига.
3. Барча йўналишларда.



- 6** Чорраҳада ҳаракатланишнинг мажбурий йўналишини қайси белги кўрсатади?



- 7** Бу белгида ҳаракатланишга рухсат этилади:

1. Фақат автомобиль ҳайдовчисига.
2. Фақат автомобиль ва мотоцикл ҳайдовчиларига.
3. Барча транспорт воситаларининг ҳайдовчиларига.
4. Фақат автомобиль ва автобус ҳайдовчиларига.




- 8** Белгиларнинг таъсири қайси транспорт воситаларига татбиқ этилади?

1. Фақат енгил автомобилларга.
2. Енгил автомобилларга ва мотоциклларга.
3. Енгил автомобилларга ва рухсат этилган тўла вазни 3,5 т дан кам ёки тенг бўлган юк автомобилларига.



- 9** Қайси расмда ҳаракатланишнинг тўғри йўналиши кўрсатилган?

1. Биринчида.
2. Иккинчида.
3. Иккаласида.



- 10** Бу чорраҳада чапга бурилишга рухсат этиладими?

1. Рухсат этилади.
2. Тақиқланади.




6. СЕРВИС БЕЛГИЛАРИ

Сервис белгилари транспорт воситалари, йўловчилар ва ҳайдовчиларга йўл ёқасида жойлашган хизмат кўрсатиш жойлари ҳақида маълумот беради.

Ушбу белгилар хизмат кўрсатиш жой-

лари олдида ёки улар томонга борадиган йўл бошида ўрнатилади. Иккинчи ҳолатда белги ўрнатилган жойдан хизмат кўрсатиш жойигача бўлган масофа белги остида кўрсатилади.



7. ҚўШИМЧА АХБОРОТ БЕЛГИЛАРИ

Қўшимча ахборот белгиларининг асоси оқ рангда бўлиб, доимо бошқа белгилар билан бирга қўлланилади ва уларнинг таъсирини муайянлаштиради ёки чеклайди.

7.1.1. «Манзилгача бўлган масофа».


Ушбу белги:

– огоҳлантирувчи белгилар билан қўлланса, хавфли жойгача бўлган масофани;

– имтиёз белгилари билан қўлланса, белгининг таъсири қанча масофадан кейин имтиёз ёки йўл бериш бошланишини;

300 m

7.1.1



- тақиқловчи белгилар билан қўлланса, қанча масофадан кейин йўлнинг ҳаракатланиш тақиқланган қисми бошланишини;
- ахборот-кўрсаткич белгилари билан қўлланса, чорраҳадан манзилгача бўлган масофани кўрсатади.



7.1.2. «Объектгача бўлган масофа».

Чорраҳа ёки кесимша олдида 2.5–«Тўхтамасдан ўтиш тақиқланади» белгиси ўрнатилган бўлса, 2.4 – «Йўл беринг» белгиси ўрнатилган жойдан чорраҳа ёки кесимшагача бўлган масофани кўрсатади.



7.1.2



7.1.3, 7.1.4. «Объектгача бўлган масофа».

Ушбу белгилар чорраҳадан, кесимшадан манзилгача бўлган масофани кўрсатади.



7.1.3



7.1.4



7.2.1. «Таъсир оралиғи».

Ушбу белги:


- огоҳлантирувчи белгилар



7.2.1


билан қўлланса, йўлнинг хавфли қисми қанчагача давом этишини;

- тақиқловчи белгилар билан қўлланса, уларнинг таъсир оралиғини;
- ахборот-кўрсаткич белгилари билан қўлланса, 5.15, 5.18 белгиларининг таъсир оралиғини кўрсатади.



7.2.2 – 7.2.6. «Таъсир оралиғи».

Бу белгилар фақат тақиқловчи 3.27 – 3.30 белгилари билан қўлланилади.



7.2.2 – белгининг таъсири сақланган оралиқни кўрсатади.

7.2.3 – белги таъсир оралиғи охирини кўрсатади.



7.2.4 – ҳайдовчиларга белги таъсирида эканликлари ҳақида маълумот беради.

7.2.5, 7.2.6 – майдон, бинолар олди ва шунга ўхшаш жойлар четида тўхташ ва тўхтаб туриш тақиқланганда белгининг таъсир оралиғи ва йўналишини кўрсатади.


7.3.1–7.3.3. «Таъсир йўналишлари».



Ушбу белгилар чорраҳа олдида ўрнатилган тақиқловчи, буюрувчи ва ахборот-кўрсаткич белгилари билан қўлланилиб, уларнинг таъсир йўналишини кўрсатади.



7.4.1 – 7.4.7. «Транспорт воситасининг тури».



Ушбу белгилар асосий белгилар билан бирга қўлланилиб, асосий белгининг таъсири қайси турдаги транспортга тааллуқли эканини тасвирдаги сурат орқали кўрсатади. Енгил автомобиль сурати тасвирланган 7.4.3 белгиси тўла вазни 3,5 тоннагача бўлган юк автомобилларига ҳам тааллуқли, юк автомо-

били сурати тасвирланган 7.4.1 белгиси тўла вазни 3,5 тоннадан юқори бўлган автомобилларга тегишли.

Белгининг таъсири жорий этилган транспорт воситалари турини кўрсатади.

7.4.1 қўшимча ахборот белгисининг таъсири юк ташувчи, шу жумладан, тиркамали, тўла вазни 3,5 тоннадан ортиқ бўлган транспорт воситаларига, 7.4.3 қўшимча ахборот белгиси эса енгил автомобилларга, шунингдек, тўла вазни 3,5 тоннагача бўлган юк ташувчи транспорт воситаларига татбиқ этилади.



7.5.1. «Шанба, якшанба ва байрам кунлари».

7.5.2. «Иш кунлари».

7.5.3. «Ҳафта кунлари».



Асосий белгилар остига ўрнатилган ушбу белгилар асосий белги ҳафтанинг қайси кунига тегишли эканлигини кўрсатади.

Белгида ҳафтанинг қайси кунлари амал қилиниши кўрсатилган.



7.5.4. «Амал қилиш вақти».

Асосий белги билан қўлланилган ушбу белги асосий белги куннинг қайси вақтида амал қилишини кўрсатади.




7.5.4

7.5.5.– 7.5.7. «Амал қилиш вақти».



7.5.5



7.5.6



7.5.7

Асосий белгилар билан кўрсатилган ушбу белгилар асосий белги ҳафтанинг қайси куни ва қайси соатида амал қилишини кўрсатади.



7.6.1 – 7.6.9. «Транспорт воситасини тўхтаб туриш жойига қўйиш усули».



7.6.1

7.6.2

7.6.3

7.6.4



7.6.5

7.6.6

7.6.7

7.6.8

7.6.9

Ушбу белгилар «Тўхтаб туриш жойи» белгиси билан қўлланилиб, енгил автомобиллар ва мотоциклларнинг тротуар ёнига қўйиш усулини кўрсатади «Тўхтаб туриш жойи» белгиси билан қўлланилган 7.6.1 белгиси барча турдаги транспорт воситаларининг тўхтаб туриш усулини кўрсатади.

7.6.1 белгиси барча турдаги транспорт воситаларининг тўхтаб туриши учун йўлнинг қатнов қисмига, пиёдалар йўлкаси ёнига қўйиш усулини билдиради.



7.6.2 – 7.6.9 пиёдалар йўлкаси ёнидаги тўхтаб туриш жойига енгил автомобиллар ва мотоциклларни қандай қўйиш усулини билдиради.



7.7. «Двигателни ишлатмасдан тўхтаб туриш жойи».

Касалхоналар, санаторийлар, дам олиш уйлари, аҳоли зич яшайдиган ва шунга ўхшаш жойларда экологияни бузмаслик мақсадида «Тўхтаб туриш жойи» билан бирга 7.7 белгиси қўлланилиб, тўхтаб туриш жойида фақат двигатели ишламаётган транспорт воситаларининг тўхтаб туришига рухсат этилганини билдиради. 5.15 белгиси билан биргаликда қўлланданда тўхтаб туриш фақат двигатели ишламаётган транспорт воситаларигагина рухсат этилганини билдиради.



7.7



7.8. «Пуллик хизмат кўрсатиш жойи».

«Тўхтаб туриш жойи» белгиси билан қўлланданган ушбу белги тўхтаб туриш жойи пуллик эканини кўрсатади.



7.8



7.9. «Тўхтаб туриш муддати чекланган».

Дўкон, бозор ва шунга ўхшаш жойларда харидорларнинг тўхтаб туриш жойидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун «Тўхтаб туриш жойи» билан бирга қўлланган ушбу белги тўхтаб туриш муддатини чеклайди.



7.9

5.15 белгиси ўрнатилган тўхтаб туриш жойида транспорт воситалари тўхтаб туришининг энг кўп муддатини кўрсатади.



7.10. «Автомобилларни кўриқдан ўтказиш жойи».

Тўхтаб туриш (5.15) ёки дам олиш жойида (6.11) автомобилларга майда техник хизмат кўрсатиш учун эстакада ёки кўздан кечириш чуқурчаси бор эканини билдиради.



7.10



7.11. «Рухсат этилган тўла вазни чекланган».

Ушбу белги баъзи тақиқловчи ёки буюрувчи белгилар билан қўлланиб, тўла вазни қўшимча ахборот белгисидан кўрсатилган миқдордан ортиқ бўлган транспорт воситаларига тегишли эканини кўрсатади.



7.11



7.12. «Хавфли йўл ёқаси».

«Таъмирлаш ишлари» белгиси билан қўлланган ушбу белги йўл ёқасида йўл ишлари олиб борилаётганини, йўлдан ташқарига чиқиш хавфли эканлигини кўрсатади.



7.12




7.13. «Асосий йўлнинг йўналиши».

Ушбу белги асосий йўл йўналиши ўзгарганда «Асосий йўл», «Йўл беринг», «Тўхтамасдан ҳаракатланиш тақиқланган» белгилари билан қўлланилади.



7.13



7.14. «Ҳаракатланиш бўлаги».

Бу белги асосий белгилар ёки светофор билан бирга қўлланиб, уларнинг таъсири қўшимча ахборот белгиси кўрсатадиган бўлакка тегишли эканлигини билдиради.



7.14



7.15. «Кўзи ожиз пиёдалар».

Ушбу белги 1.20, 5.16.1, 5.16.2 белгилари ҳамда светофор билан бирга қўлланиб, ҳайдовчига пиёдалар ўтиш



7.15

жойдан кўзи ожизлар ўтиши мумкинлигини билдиради.



7.16. «Нам қоплама».

Юқори тезликнинг чекланиши, энг кам оралиқнинг чекланиши сабабларини маълум қилиш учун асосий белгилар билан бирга 7.16 кўшимча ахборот белгиси қўлланилади.

Белги қатнов қисмининг қопламаси нам бўлган вақтда таъсир этишини кўрсатади.



7.16



7.17. «Ногиронлар».

Асосий белгилар билан қўлланилган ушбу белги асосий белги фақат ногиронларга тегишли эканини билдиради. «Тўхтаб туриш жойи» белгиси 7.17 белгиси билан қўлланса, тўхтаб туриш жойи фақат ногиронларга тегишли автомобиль ёки мотокажавага тааллуқли бўлади. 5.15 белгиси билан қўлланилади. Тўхтаб туриш жойи (ёки унинг бир қисми) Қоидаларнинг 175-бандига мувофиқ, «Ногирон» таниқлик



7.17



белгиси ўрнатилган транспорт воситалари учун ажратилганлигини кўрсатади.

7.18. «Ногиронлар мустасно».

Тақиқловчи белгилар билан ўрнатилган ушбу белги тақиқловчи белгининг ногиронларга тегишли автомобиль ёки мотокажаларга тааллуқли эмаслигини билдиради.



7.18

Белгиларнинг таъсири, Қоидаларнинг 178-бандига мувофиқ, «Ногирон» таниқлик белгиси ўрнатилган транспорт воситаларига ва мотокажаларга жорий этилмайди.



7.19. «Фото ва видео қайд этиш».

Йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатлари махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилаётганлигини билдиради. Огоҳлантирувчи, имтиёз, тақиқловчи, буюрувчи ва ахборот-кўрсаткич белгилари билан биргаликда қўлланилади.



7.19

Кўшимча ахборот белгилари қайси белги билан бирга жорий этилса, бевожита шу белги тагига жойлаштирилади. 7.2.2 – 7.2.4, 7.13 кўшимча ахборот белгилари йўлнинг, йўл ёқасининг, пиёдалар йўлкасининг тепасига ўрнатилган белгининг ёнига жойлаштирилади.

Вақтинчалик (кўчма тиргақдаги (А) ва доимий белгилар (Б) маъно жиҳатдан бир-бирига зид келган ҳолларда ҳайдовчилар вақтинчалик ўрнатилган белгиларга амал қилишлари керак.



6 – 7-мавзуларга оид тестлар


1 Қайси белги «Меҳмонхона» ёки «Мотел»ни билдиради?



2 Қайси белги «Дам олиш жойи»ни билдиради?



3 Қайси белги билан хавфли йўлнинг узунлиги кўрсатилади?



4 Бу белгилар билдиради:

- «Ногирон» таниқлик белгиси бўлган автомобиллар учун 30 м дан кейин тўхтаб туриш жойига келишини.
- Мотокажалардан ташқари транспорт воситалари учун 30 м ли ҳудуддаги тўхтаб туриш жойини.
- «Ногирон» таниқлик белгиси бўлган мотокажава ва автомобиллар учун 30 м ли ҳудуддаги тўхтаб туриш жойини.



5 Қайси транспорт воситасининг ҳайдовчиси тўхтаб туриш қондасини бузди?

- Енгил автомобиль ҳайдовчиси.
- Мотоцикл ҳайдовчиси.
- Юк автомобили ҳайдовчиси.
- Барча транспорт воситаларининг ҳайдовчилари.



6 Белги остидаги кўрсаткич нимани кўрсатади?

- Йўлнинг тор қисми узунлигини.
- Белгидан йўлнинг тор қисмигача бўлган масофани.
- Тор қисмини айланиб ўтиш жойигача масофани.



7 Транспорт воситалари чорраҳани қуйидаги тартибда кесиб ўтади:

- Трамвайлар 1 ва 2, айна вақтда яшил автомобиль билан, қизил, кўк автомобиллар.
- Трамвай 1, айна вақтда яшил автомобиль билан қизил автомобиль, трамвай 2, кўк автомобиль.



8 Белгиларнинг таъсири қайси транспорт воситаларига татбиқ этилади?

- Фақат енгил автомобилларга.
- Енгил автомобилларга ва мотоциклларга.
- Енгил автомобилларга ва рухсат этилган тўла вазни 3,5 т дан кам ёки тенг бўлган юк автомобилларига.




9 Қизил автомобиль чорраҳани кесиб ўтади:

- Биринчи бўлиб.
- Иккинчи бўлиб.



10 Қайси қўшимча ахборот белгиси транспорт воситаларини тўхтаб туриш жойига қўйиш усулини кўрсатади?



Йўл чизиқлари ҳаракатланишни ташкил этишда ҳайдовчининг асосий эътибори йўналтирилган жойларга чизилади. Йўл чизиқлари ётиқ ёки тик чизиқ гуруҳларига бўлинади.

1. ЁТИҚ ЧИЗИҚЛАР

Ётиқ чизиқлар йўлнинг қатнов қисми юзасига чизилади. Бўйлама ётиқ чизиқлар ва уларнинг моҳияти қуйида келтирилган расмларда кўрсатилган.

Йўлнинг қатнов қисми юзасидаги чизиқлар, ишоралар, ёзувлар ва бошқа белгилар ҳаракатланиш тартибини белгилайди.

Йўл юзасидаги ётиқ чизиқлар оқ рангда бўлади (1.4, 1.10 ва 1.17 чизиқлар сариқ рангда бўлади).

Бўйлама чизиқлар ва уларнинг хусусиятлари:

1.1 Йўлнинг ўртасида чизилган энсиз, сидирға оқ чизиқ қарама-қарши транспорт оқимини ажратади.

Йўлнинг хавфли жойларида ҳаракатланиш бўлақлари ўртасида чизилган узлуксиз оқ рангдаги сидирға чизиқ бўлақларнинг чегарасини билдиради.

Йўлнинг чеккаси ва махсус майдончаларда чизилиб, транспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойи чегарасини билдиради.

Чизиқни кесиб ўтиш тақиқланади.



Йўлнинг чеккасига чизилган энсиз сидирға оқ чизиқ ҳаракатланиш қисмининг чегарасини билдиради.

Чизиқни исталган тарафдан кесиб ўтиш мумкин.

1.2. Автомагистралларда қатнов қисмининг чеккасига чизилган энли (20 см) узлуксиз сидирға чизиқ қатнов қисмининг чегарасини билдиради.

Чизиқни исталган тарафдан кесиб ўтиш мумкин.



1.3. Йўлнинг ўртасида чизилган параллель икки сидирға оқ чизиқ тўрт ва ундан кўп бўлакли йўлларда қарама-қарши йўналишдаги транспорт воситаларининг оқимини ажратади.

Чизиқни кесиб ўтиш тақиқланади.



1.4. Йўлнинг ҳаракатланиш қисми четига ёки йўл четидаги тўсиққа (бордюрга) чизилган сариқ чизиқ транспорт воситаларининг тўхташини тақиқлайди. Йўналишли транспортларга дахли йўқ.

Чизиқни исталган тарафдан кесиб ўтиш мумкин.




1.5. Йўлнинг ўртасига чизилган энсиз узук-узук оқ рангдаги чизиқ икки ёки ундан ортиқ бўлакли йўлларда бўлақларнинг чегарасини билдиради (оралиқ масофанинг чизиққа нисбати 3/1)

Чизиқни исталган тарафдан кесиб ўтиш мумкин.



1.6. Яқинлашиш чизиғи (ҳар бир чизиқ узунлиги улар орасидаги масофадан уч баробар катта бўлган узук-узук чизиқ) қарама-қарши ёки бир йўналишда ҳаракатланаётган транспорт воситалари оқимларини ажратувчи 1.1 ёки 1.11 чизиғига яқинлашаётганлик ҳақида огоҳлантиради.

Чизиқни исталган тарафдан кесиб ўтиш мумкин.




1.7. Расмдаги энсиз узук-узук, оралиғи қисқа оқ чизиқлар чорраҳалардаги ҳаракатланиш бўлақларини билдиради.

Чизиқни исталган тарафдан кесиб ўтиш мумкин.



1.8. Энли узук-узук чизиқ тезлашиш ёки секинлашиш бўлағи билан йўлнинг ҳаракатланиш қисмидаги асосий бўлағи ўртасидаги чегарани билдиради. (Чорраҳаларда, йўлнинг турли сатҳда кесишган қисмларида, автобуслар тўхтайдиган жойларида ва ҳ. к).

Чизиқни исталган тарафдан кесиб ўтиш мумкин.



1.9. Реверсив ҳаракатланишда қатнов қисмининг чегарасини белгилайди, реверсив ҳаракатланиш амалга ошириладиган йўлларда (реверсив светофор ўчирилган ҳолатда) қарама-қарши йўналишдаги транспорт оқимини ажратади.

Реверсив светофорлар бўлмаганда ёки улар ўчириб қўйилганда 1.9 чизиғини фақат у ҳайдовчининг ўнг томонида бўлса, босиб ўтишга рухсат этилади.

Реверсив светофор ёқилган пайтда бир йўналишли бўлақларни ажратаётган 1.9 чизиғини исталган томонидан босиб ўтишга рухсат этилади. Реверсив светофор ўчирилганда ҳайдовчилар дарҳол 1.9 чизиғидан ўнгга қайта тизилишлари керак.

Реверсив светофор ўчирилган бўлса, қарама-қарши йўналишдаги транспорт оқимларини ажратувчи 1.9 чизиғини босиб ўтиш тақиқланади.




1.10. Йўлнинг ҳаракатланиш қисми четига ёки йўл четигаги тўсиқ (бордюр) устидан чизилган энли узук-узук сариқ чизиқ тўхтаб туришни тақиқлайди. Таксометри ишлаб турган таксиларга бунинг дахли йўқ.

Чизиқни исталган тарафдан кесиб ўтиш мумкин.



1.11. Сидирға чизиқ ёнида чизилган узук-узук чизиқ фақат бирор бўлаққа қайта тизилишга рухсат этади.



Ушбу чизиқни кесиб ўтиш:

- а) узук-узук чизиқ тарафдан мумкин;
- б) сидирға чизиқ томонидан тақиқланади.



1.12. «Тўхташ» ёзуви «Тўхташ» чизиғи светофорнинг ва тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасида, тартибга солинмаган чорраҳаларда, «Тўхтамасдан ўтиш тақиқланган» (2.5.) белгиси олдида ҳайдовчи тўхташи лозим бўлган жойни кўрсатади. Бу чизиқ «Тўхташ» ахборот-кўрсаткич белгиси (5.33) билан қўлланилиши мумкин.



1.13. Бир қатор бўлиб терилган учбурчаклар, битта катта учбурчак «Йўл беринг» белгиси билан қўлланилиб, кесишган йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситасига йўл бериш зарур бўлганда ҳайдовчи тўхташи лозим бўлган жойни кўрсатади. Йўл чеккасида ўрнатилган «Йўл беринг» белгиси кўриниши чекланган кўп бўлакли йўлларда қўлланилиши мумкин.



1.14.1, 1.14.2. Параллель чизилган кенг узлуксиз чизиқлар (зебра) пиёдаларнинг ўтиш жойини билдиради. «Пиёдалар ўтиш жойи» (5.16) ахборот-кўрсаткич белгиси билан қўлланилиши мумкин. Йўлнинг бундай жойларида ҳайдовчи шу йўналишнинг қатнов қисмида бўлган пиёдаларни ўтказиб юбориши керак (Қоидаларнинг 109 – 115-бандлари).




1.14.3. Светофор ёрдамида тартибга солинадиган пиёдаларнинг ўтиш жойи. Светофорнинг қизил чироғи яшилга алмашиб, пиёдалар қатнов қисмини тарк этишга улгурмаган бўлсалар ҳайдовчи пиёдаларнинг шу йўналиш бўйича ўтиб олишларига имкон бериши керак (Қоидаларнинг 111-банди).



1.15. Йўлнинг велосипед йўлкаси кесиб ўтган жойи. Бундай тартибга солинмаган кесишмада велосипед ҳайдовчиси йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситаларини ўтказиб юбориши керак (имтиёз йўлидаги транспорт воситаларини).



1.16.1 – 1.16.3. Транспорт оқимлари ажраладиган ёки қўшиладиган хавфсизлик оролчаси. 1.16.3 транспорт оқимлари қўшиладиган жойдаги йўналтирувчи оролчани билдиради. Оролчанинг чегараси 1.1 чизиғи билан белланган бўлиб, уни кесиб ўтиш ёки устига чиқиб тўхташ тақиқланади.



1.17. Сарик рангдаги аррасимон чизиқ йўналишли транспорт воситалари ҳамда таксиларнинг тўхтаб туриш жойини билдиради.

Чизиқни исталган тарафдан кесиб ўтиш мумкин.



1.18. Чорраҳада ва кесишмалар олдида бўлақлар бўйича қатнов қисмининг юзасига чизилган йўналтиргич, мустақил равишда ёки «Бўлақлар бўйича ҳаракатланишнинг йўналиши» (5.8.1, 5.8.2) ахборот-кўрсаткич белгилари билан қўлланиб, транспорт воситаларига бўлақлар бўйича рухсат этилган йўналишни кўрсатади.



1.19. 45° бурчак остида чизилган йўналтиргич йўл қисмининг тор жойига яқинлашганлик ҳақида огоҳлантириб, алоҳида ёки «Йўлнинг торайиши» (1.18.1–1.18.3) белгилари билан бирга қўлланилади.



1.20. Ҳайдовчини 1.13 чизиғига яқинлашаётгани ҳақида огоҳлантиради.



1.21. «STOP» – «Тўхтанг» ёзуви 2.5 белгиси билан бирга қўлланилганда ҳайдовчини 1.12 чизиғига яқинлашаётганлиги ҳақида огоҳлантиради.




1.22. Сон билан ёнма-ён ёзилган ҳарф йўл (ҳаракатланиш йўналиши) рақамларини кўрсатади.



1.23. Йўлнинг фақат йўналишли транспорт воситалари бўлагини билдириб, (5.9, 5.10.1) ахборот-кўрсаткич белгилари билан қўлланилади. Бу бўлақ сидирға чизиқ билан ажратилмаган тақдирда ҳайдовчилар ўнга бурилиш, йўловчиларни чиқариш, тушириш учун бу бўлаққа киришлари мумкин. (Қоидаларнинг 132-банди)



Кўчма тиргакка ўрнатилган вақтинчалик йўл белгилари (А) ва чизиқлар (Б) маъно жиҳатидан бир-бирига зид келса, ҳайдовчилар вақтинчалик йўл белгиларига амал қилишлари керак.



2. ТИК ЧИЗИҚЛАР

Тик чизиқлар йўл иншоотлари ва жиҳозлари юзаларига кетма-кет чизилган йўл-йўл, оқ-қора чизиқлар мажмуасидан иборат бўлиб, уларнинг ўлчамларини кўрсатишда, кўз билан чамалаш воситаси сифатида хизмат қилади.

Осмон булут, кулранг бўлганида, қоронғи вақтларда йўлнинг ёритилмаган қисмларида йўл ёқасидаги тик бетон иншоотларнинг ранги осмон ва йўлнинг ранги билан ўхшашиб кетади. Ҳаракатдаги ҳайдовчи уларни фарқлай олмай, бетон иншоотларни кўрмай қолади. Бу ҳол ҳайдовчини бетон тўсиқларга (иншоотларга) урилиб кетишига олиб келиши мумкин.

2.1. Чизиқлар кўприклар, осма йўллар устунлари (ва шу каби бетон иншоотлар) юзасига чизилиб, ҳаракатланаётган транспорт воситаси ҳайдовчисига йўлдаги (йўл ёқасидаги) хавф солувчи тўсиқнинг рангини кескин ажратиб, кўринишини осонлаштиради.



Ҳаракатланаётган транспорт воситаларига хавф туғдирадиган йўл иншоотларининг тик элементлари (кўприклар, осма йўллар, устунлар ва шу кабилар) ни билдиради.

2.2. Туннеллар, осма йўл ва кўприкларнинг



пастки қирраларига чизилган оқ-қора рангли чизма ҳайдовчига иншоотнинг пастки қисмини фарқлашни осонлаштиради.

2.3. Чизиқлар ажратиш бўлақларидаги ёки «хавфсизлик оролчалари»даги думалоқ устунларни билдиради.



2.4. Чизиқлар йўналтирувчи бетон ёки темир-бетон устунлар, тўсиқ тиргаклар ва қозиқларни билдириб, қоронғи вақтда, қуюқ туманда, ҳамма жой оппоқ қор билан қопланганида йўлнинг траекториясини ўзининг кескин фарқланадиган оқ-қора ранги билан аниқ кўрсатади.





2.5. Чизиқлар йўлнинг кичик радиусли бурилишлари, тик нишабликлар ва бошқа хавфли жойларда йўл четига ўрнатилган тўсиқларнинг ён юзаларини билдиради.



2.6. Чизиқлар бошқа жойлардаги тўсиқларнинг ён юзаларини билдиради.




2.7. Чизиқлар йўлнинг хавфли жойларида унинг четидagi тўсиқни (бордюрни) ва йўл сатҳидан баланд бўлган «хавфсизлик оролчалари» четини билдиради.



2-иловага оид тестлар


1 Йўналтиргичлар билан кўрсатилган йўналишларнинг қайси биридан ҳаракат қилиш мумкин?

1. Фақат тўғрига.
2. Чапга ва орқага.
3. Тўғрига, чапга ва орқага.



2 Расмда кўрсатилган ҳолатда йўловчиларни тушириш учун тўхташга рухсат бериладими?

1. Рухсат этилади.
2. Тақиқланади.



3 Қатнов қисмидаги бундай йўналтиргичлар нимани билдиради?

1. Ҳайдовчини йўлнинг хавфли қисмига яқинлашаётганлиги ҳақида огоҳлантиради.
2. Қатнов қисмининг торайишига яқинлашаётганлиги ҳақида огоҳлантиради.
3. Йўлнинг хавфли бурилиш йўналишини кўрсатади.




4 Ҳаракатда имтиёзга эга бўлади:

1. Кўк автомобиль, чунки қизил автомобиль ҳаракатланиш бўлагини чапга ўзгартиради.
2. Қизил автомобиль, чунки ўзаро қайта тизилишда у ўнг томонда бўлади.
3. Кўк автомобиль, чунки ўзаро қайта сафланишда у чап томонда бўлади.



5 Бу белги автомобилнинг ҳаракатланишига рухсат этади:

1. Барча йўналишларга.
2. Б ва В.
3. А ва В.



6 Бу ётиқ чизиқлардан қайси бири белгиланган йўналишдаги транспорт воситаларининг тўхташ жойини билдиради?

1. А.
2. Б.
3. В.
4. А ва Б.
5. Б ва В.



7 Кўрсатилган вазиятда енгил автомобиль ҳайдовчисига қувиб ўтишга рухсат этиладими?

1. Рухсат этилган.
2. Рухсат этилган, агар мотоцикчининг тезлиги 40 км/соатдан кам бўлса.
3. Тақиқланган.



8 Реверсив ҳаракатланиш амалга ошириладиган ҳаракат бўлаклари чегараларини белгилаш учун бу ётиқ чизиқларнинг қай биридан фойдаланилади?

1. 1-чизиқ.
2. 2-чизиқ.
3. 3-чизиқ.
4. 2- ва 3-чизиқлар.
5. 3- ва 4-чизиқлар.



9 Бу тўхташ ётиқ чизиғи қайси йўл белгиси билан қўлланилади?

1. «Йўл беринг» белгиси билан.
2. «Тўхтамасдан ҳаракатланиш тақиқланган» белгиси билан.
3. «Йўл беринг» белгиси билан ва «Тўхтамасдан ҳаракатланиш тақиқланган» белгиси билан.



10 Бу ётиқ чизиқ қайси йўл белгиси билан қўлланилади?

1. «Йўл беринг» белгиси билан.
2. «Тўхтамасдан ҳаракатланиш тақиқланган» белгиси билан.
3. Огоҳлантирувчи «Тенг аҳамиятли йўллар кесишуви» белгиси билан.
4. Барча санаб ўтилган белгилар билан.



ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАЎҚИЛОВЧИ ШАРТЛАР

1. ТОРМОЗ ТИЗИМЛАРИ

1.1. Тормоз тизимининг конструкцияси ўзгартирилса, ишлаб чиқарган корхона талабига мос келмаса ёки транспорт воситасининг шу турида кўзда тутилмаган тормоз суюқлиги ёки бошқа қисмлар қўлланилса.

1.2. Ишчи тормоз тизимининг самарадорлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 июлдаги 191-сонли қарори билан тасдиқланган «Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида»ги умумий техник регламентида белгиланган талабларга мос келмаса.

1.3. Гидравлик тормоз юритмасининг зичлиги (герметиклиги) бузилган бўлса.

1.4. Двигатель ишламай турганда пневматик ёки пневмогидравлик тормоз юритмасининг зичлиги бузилиши, бошқарув қисмлари уланмаганда — 30 дақиқада, уланганида — 15 дақиқада тизимдаги ҳаво босимининг 0,05 МПа дан кўпга пасайишига сабаб бўлса. Ғилдираклардаги тормоз камераларидан сиқилган ҳаво чиқаётган бўлса.

1.5. Пневматик ёки пневмогидравлик тормоз юритмасининг манометри ишламаса.

1.6. Тўхтаб туриш тормоз тизими транспорт воситаларини қуйидаги жойларда ҳаракатсиз ҳолатда ушлаб тура олмаса:

— тўла аслаҳаланган ҳолатда транспорт воситаларини 16 фоиздан кам бўлмаган қияликда;

— М тоифа учун 25 фоиз, N тоифа учун 31 фоиз.

Изоҳ: тўхтаб туриш тормоз тизими синовдан ўтказилаётганда двигатель трансмиссиядан ажратилган бўлиши керак.

2. БОШҚАРУВ ҚУРИЛМАСИ

2.1. Бошқарув қурилмасидаги люфт йиғиндиси регламент (қатъий белгиланган) шароитлардаги синовларда қуйидаги кўрсаткичдан катта бўлмаслиги керак:

Транспорт воситасининг тоифаси	Йўл қўйилган люфт кўрсаткичи (градусда)
M1	10°
M2, M3, N1	20°
N2, N3	25°

2.2. Детал ва боғламларнинг Конструкцияда кўзда тутилмаган кўзғалишлари бор. Резбали бирикмалар тегишли равишда маҳкамланмаган ёки ўрнатилган усулда қотирилмаган. Рул колонкасининг қулфловчи мосламаси ишламаса.

2.3. Бошқарув қурилмасининг конструкциясида кўзда тутилган кучайтиргич ёки мотоциклларда тебранишни пасайтирувчи мослама (демпфер) носоз бўлса ёки умуман бўлмаса.

2.4. Бошқарув қурилмасида қолдиқ деформация излари, дарз кетган жойлари ва бошқа нуқсонлари бўлган қисмлар ўрнатилган, шу транспорт воситаси турида кўзда тутилмаган ёки ишлаб чиқарган корхона талабига мос келмайдиган қисмлар ва суюқликлар қўлланган бўлса.

3. ТАШҚИ ЁРИТГИЧЛАР

3.1. Ташқи ёритгичлар сони, тури, жойлашуви ва ишлаш тартиби транспорт воситасининг конструкцияси талабига мос келмаса.

Ишлаб чиқарилиши тўхтатилган енгил автомобилларга бошқа турдаги ва русумдаги транспорт воситаларининг ташқи ёритгичларини ўрнатишга рухсат этилади.

3.2. Ёритувчи чироқ нурининг йўналиши бузилган бўлса.

3.3. Агар ташқи ёритгичлар ва нур қайтаргичлар белгиланган тартибда ишламаётган ёки ифлосланган бўлса.

3.4. Ёритиш асбобларида нур сочувчиси бўлмаса ёхуд тегишли ёруғлик асбоблари турига мос бўлмаган нур сочувчи ва лампалардан фойдаланилган бўлса.

3.5. Ялт-ялт этувчи чироқ-маёқчаларнинг ўрнатилиши, уларнинг маҳкамланиши ва ёруғлик ишорасининг кўриниши белгиланган талабларга жавоб бермаса.

3.6. Транспорт воситасида қуйидагилар:

— олд қисмида — оқ ёки сариқ рангдан бошқа рангли туманга қарши чироқлар, сариқ ёки зарғалдоқ рангдан бошқа рангли бурилиш кўрсаткичлари, оқ рангдан бошқа рангли нур қайтаргичлар ўрнатилган бўлса;

— орқа қисмида — оқ ёки сариқ рангдан бошқа рангли орқага ҳаракатланиш, оқ рангдан бошқа рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгиларини ёритувчи чироқлар, сариқ ёки зарғалдоқ рангдан бошқа рангли бурилиш кўрсаткичлари, қизил рангдан бошқа рангли бошқа ташқи ёритгичлар, қизил рангдан бошқа рангли нур қайтаргичлар ўрнатилган бўлса;

— ён қисмида — сариқ ёки зарғалдоқ рангдан бошқа рангли ёритгичлар, сариқ ёки зарғалдоқ рангдан бошқа рангли нур қайтаргичлар ўрнатилган бўлса.

4. ОЙНА ТОЗАЛАГИЧ ВА ОЙНА ЮВГИЧЛАР

4.1. Ойна тозалагич белгиланган тартибда ишламаётган бўлса.

4.2. Транспорт воситасининг конструкциясида кўзда тутилган ойна ювгич ишламаётган бўлса.

5. ҒИЛДИРАК ВА ШИНАЛАР

5.1. Шина протектори нақшларининг қолдиқ баландлиги N2, N3, 03, 04 тои-

фадаги автотранспорт воситалари учун — 1,0 мм дан кам бўлса;

M1, N1, 01, 02 тоифадаги автотранспорт воситалари учун — 1,6 мм дан кам бўлса;

M2, M3 тоифадаги автотранспорт воситалари учун — 2,0 мм дан кам бўлса;

мотоцикл ва мопедлар (скутерлар, квадроцикллар) учун — 0,8 мм дан кам бўлса.

Изоҳ: тиркамалар шинаси нақшларининг қолдиқ баландлиги шатакчи транспорт воситаси шиналари учун белгиланган меъёр кабидир.

5.2. Шиналарда корд кўринишига олиб келган ташқи нуқсонлар (тешилган, кесилган, ёрилган) ҳамда каркас қатламлари ажралган, протектор ва ён қисмлари кўчган бўлса.

5.3. Қўшалок шиналар орасига хавф-хатар туғдирувчи бегона жисмлар қисилиб, тиқилиб қолган бўлса.

5.4. Шина ўлчамлари ёки чекланган оғирлик транспорт воситасининг турига мос келмаса.

5.5. Транспорт воситасининг битта ўқиға ҳар хил ўлчамли ва конструкцияли (диагонал ва радиал, камерали ва камерасиз), ҳар хил нақшли, совуққа чидамли ва чидамсиз, янги ва қайта тикланган, янги ва протектор нақши чуқурлаштирилган шиналар ўрнатилган бўлса.

5.6. N2 ва N3 тоифадаги капотсиз тузилишли магистрал шатакчиларнинг олдинги ўқиға ва M3 тоифани II ва III классдаги автотранспорт воситаларининг олдинги ўқиға қайта тикланган шиналар, бошқа ўқиға эса иккинчи таъмирлаш класси бўйича қайта тикланган шиналар ўрнатилган бўлса.

5.7. M1, M2, M3 тоифаларнинг I классдаги автотранспорт воситаларининг олдинги ўқиға, M3 тоифанинг II ва III классдаги автотранспорт воситаларининг ўрта ва орқа ўқларига иккинчи таъмирлаш класси бўйича қайта тикланган шиналар ўрнатилган бўлса.

5.8. Ғилдиракни маҳкамловчи болт (гайка) бўлмаса, диск ва ғилдирак ободлари дарз кетган бўлса ёки маҳкамлаш тешикларининг шакли ва ўлчамлари кўринадиган даражада бузилган бўлса.

6. ДВИГАТЕЛЬ

6.1. Ишлаб чиқарилган газлар таркибида зарарли моддалар ёки туташ даражаси белгиланган меъёрдан ортиқ бўлса.

6.2. Ёнилғи узатиш тизими зич бўлмаса.

6.3. Ишлаб чиқарилган газларни чиқариб ташлаш тизими бузуқ бўлса.

6.4. Картерни шамоллатиш тизимининг зичлиги бузилган бўлса.

7. ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ КОНСТРУКЦИЯСИНING БОШҚА ҚИСМЛАРИ

7.1. Орқа томонни кўрсатувчи кўзгулар сони, жойлашуви ва тури белгиланган талабларга мос келмаса, транспорт воситасининг конструкциясида кўзда тутилган ойналари бўлмаса.

7.2. Товуш ишораси ишламаса.

7.3. Ҳайдовчининг жойидан теваракатроф кўринишини чеклайдиган қўшимча нарсалар ўрнатилган ва қопламалар туширилган бўлса.

7.4. Барча транспорт воситаларининг олд, ён ва орқа ойналарининг ёруғлик ўтказувчанлиги 70% дан кам бўлса (автомобилнинг томидаги люк ойнаси бундан мустасно).

Изоҳ: М3 тоифани III классидagi автотранспорт воситаларининг ён ва орқа ойналарига парда ҳамда М1 тоифадаги автотранспорт воситаларининг икки ёнига орқа томон кўринишини таъминлайдиган кўзгу ўрнатилган бўлса, орқа ойнасига жалюзи ва дарпарда ўрнатишга рухсат этилади.

7.5. Конструкциясида кўзда тутилган юкхона ёки кабина эшикларининг кулфлари, юк платформаси бортларининг ёпқичлари, цистерналар оғзининг кулфлари ва ёнилғи идишининг қопқоқлари, ҳайдовчи ўриндиғи ҳолатини созловчи қурилма, автобусда

фалокат юз берган вақтда эшикларни очиш мосламаси ва тўхтатиш талаби ишораси, автобус салонини ёритиш асбоблари, фалокат юз берган вақтда чиқиш жойлари ва уларни ҳаракатга келтирувчи мосламалар, эшикларни очиш ва ёпиш қурилмалари, спидометр, тахограф, ойналарни иситувчи ва шамоллатувчи мосламалар ва ҳайдаб олиб қочишга қарши мосламалар ишламаса.

7.6. Спидометр қурилмаси носоз ва тамғаланмаган (шахсий транспорт воситалари, мотоцикл ва мопедлардан ташқари) бўлса.

7.7. Транспорт воситаси конструкциясида кўзда тутилган орқа ҳимоя воситаси, лой тўсгич ва сачратмагичлар бўлмаса.

7.8. Ишлаб чиқарган корхона томонидан кўзда тутилмаган антенна, сирена, рация, товуш чиқариш мосламалари, ёритгичлар ва бошқалар белгиланмаган жойда ва тегишли рухсатсиз ўрнатилса.

7.9. Тиркама бўғимининг тортиш-тиркаш ёки таянч-тиркаш мосламаси носоз бўлса ҳамда конструкциясида кўзда тутилган эҳтиёт пўлат арқон (занжир) бўлмаса ёки носоз бўлса. Мотоцикл рамаси билан ён кажава рамаси маҳкамланган жойда люфт бўлса.

7.10. Транспорт воситалари қуйидагилар билан жиҳозланмаган бўлса:

— М2, М3 тоифадаги — фавкулудда ҳолатларда ойнани синдириш учун фойдаланиладиган болғача, тиббиёт қутчаси, 2 та ўт ўчиргич (биттаси ҳайдовчининг кабинасида, иккинчиси — йўловчилар саломида), мажбурий тўхтаганини билдирувчи белги (ёки милтилловчи қизил чироқ) ва нур қайтаргичли камзул (жилет);

— М1, N1, N2, N3 тоифадаги — микроавтобус ва ғилдиракли тракторларда тиббиёт қутчаси, ўт ўчиргич, мажбурий тўхтаганлигини билдирувчи белги (ёки милтилловчи қизил чироқ) ва нур қайтаргичли камзул (жилет);

— М3, N2, N3 тоифадаги — ўзи юриб кетишидан сақловчи, ғилдирак диаметрига мувофиқ (камида иккита) тиргак;

— О тоифадаги — тракторлар, арвалар ва бошқа ўзиюрар машиналарда — ташқи нур қайтаргичлар;

— кажавали мотоциклларда — тиббиёт қутичаси, мажбурий тўхтаганлигини билдирувчи белги.

7.11. Икки ғилдиракли мотоцикл конструкциясида кўзда тутилган хавфсизлик ёйи (дуга) бўлмаса.

7.12. Мотоцикл ва мопедларда конструкциясида кўзда тутилган оёқ тирагич, эгарида йўловчи учун кўндаланг тутқич бўлмаса.

7.13. Конструкциясида кўзда тутилган хавфсизлик камарлари ва ўриндиқларнинг бош суянчиқлари бўлмаса.

7.14. Хавфсизлик камарлари ишламаса ёки кўринадиган узук-юлуқ шикастланган бўлса.

7.15. Транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари ёки уларни ўрнатиш усули белгиланган талабларга жавоб бермаса.

Транспорт воситасида рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг кўринишини чеклайдиган, тўғри аниқланишига халақит берадиган ҳар хил буюмлар ўрнатилган ва қопламалар билан қопланган бўлса.

7.16. Ярим тиркамада таянч мосламаси, таянчларни транспорт ҳолатида қулфловчи мослама, таянчларни кўтариш ва тушириш мосламаси бўлмаса ёки носоз бўлса.

7.17. Эҳтиёт (захира) ғилдиракни ушлаб тургич, шатакка олиш механизми (лебёдка) ва эҳтиёт ғилдиракни кўтариш-тушириш қурилмаси ишламаса. Шатакка олиш механизмнинг храпли қурилмаси барабанни маҳкамлаш канати билан қулфламаётган бўлса.

7.18. Двигатель, узатмалар қутиси, редукторлар, орқа кўприк, илашиштишлашиш қурилмаси (сцепление), аккумулятор батареяси, совутиш ва кондиционер тизимлари ҳамда транспорт воситасига қўшимча ўрнатиладиган гидравлик қурилмаларнинг (мосламаларнинг) бирикмалари ва зичлагичларининг зичлиги бузилган бўлса.

7.19. Газли таъминлаш тизими билан жиҳозланган автобус ва автомобиль газ баллонларининг ташқи томонида кўрсатилган техник кўрсаткичлар

техник паспортдаги маълумотларга мос келмаса, охирги ва режалаштирилаётган текширувларнинг санаси бўлмаса.

7.20. Транспорт воситаларининг ташқи юзасига қонун ҳужжатларига мос келмайдиган, ҳаракат хавфсизлигига салбий таъсир этувчи турли хил тасвирлар туширилган, ойналарига (люкдан ташқари) реклама чизилган (қопланган) бўлса.

Ишлаб чиқарувчи корхона томонидан кўзда тутилмаган ҳолларда кузов (кабина) бир неча хил рангга бўялган бўлса (махсус транспорт воситалари бундан мустасно).

7.21. Транспорт воситалари ўзбошимчалик билан ялт-ялт этувчи чироқ-маёқча ва (ёки) махсус товушли ишоралар билан жиҳозланган бўлса, ёхуд транспорт воситасининг ташқи юзасида белгиланган талабларга мос келмайдиган махсус рангли график чизмалар, ёзувлар ва белгилар бўлса.

7.22. ДЙҲХХ органларининг рухсатсиз транспорт воситаларининг конструкциясига ўзгартиришлар киритилган бўлса.

Транспорт воситаларига бошқа турдаги буферлар, молдинглар, қопламалар, ғилдирак қопқоқлари ва ҳ. к. нинг ўрнатилишига рухсат этилади.

Ушбу иловада Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 июлдаги 191-сон қарори билан тасдиқланган «Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида»ги умумий техник регламентида белгиланган автотранспорт воситаларининг таснифи (классификацияси) келтирилган:

М тоифаси — камида тўрт ғилдиракка эга бўлган ва йўловчиларни ташиш учун фойдаланиладиган механик транспорт воситалари, шу жумладан:

— М1 тоифаси — йўловчиларни ташиш учун фойдаланиладиган ва ҳайдовчининг ўриндигидан ташқари ўриндиқлар сони 8 тадан ошмайдиган автотранспорт воситалари.

— М2 тоифаси — йўловчиларни ташиш учун фойдаланиладиган, ҳайдовчининг ўриндиғидан ташқари ўриндиқлар сони 8 тадан ортиқ ва энг катта вазни 5 т гача бўлган автотранспорт воситалари.

— М3 тоифаси — йўловчиларни ташиш учун фойдаланиладиган, ҳайдовчининг ўриндиғидан ташқари ўриндиқлар сони 8 тадан ортиқ ва энг катта вазни 5 т дан кўп бўлган автотранспорт воситалари.

М2 ва М3 тоифалардаги автотранспорт воситалари қуйидаги классларга мансуб:

а) уч классдан (I, II, III) биттасига ёки бир нечтасига;

в) икки классдан (А, В) биттасига.

Класс I — йўловчилар салонда бемалол юриши мақсадида конструкциясида туриб кетадиган йўловчилар учун жойлар кўзда тутилган автотранспорт воситалари.

Класс II — конструкцияси, асосан, ўтириб кетадиган йўловчилар учун мўлжалланган ва қаторлар орасида ва (ёки) иккита бирлашган ўриндиқ учун ажратилган жой чегарасидан чиқмасдан жойлашиб, туриб кетадиган йўловчиларни ҳам ташиш кўзда тутилган автотранспорт воситалари.

Класс III — конструкцияси фақат ўтириб кетадиган йўловчилар учун мўлжалланган автотранспорт воситалари.

Класс А — туриб кетадиган йўловчиларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситалари; бу классда-

ги транспорт воситалари ўриндиқлар билан жиҳозланган ва уларда туриб кетадиган йўловчиларни ташиш кўзда тутилган.

Класс В — туриб кетадиган йўловчиларни ташиш учун мўлжалланмаган автотранспорт воситалари.

Микроавтобуслар — йўловчилар ташиш учун мўлжалланган, ҳайдовчидан ташқари 16 тагача ўтирадиган йўловчи учун жой бўлган В классдаги автотранспорт воситалари.

N1 тоифаси — юк ташиш учун мўлжалланган, энг катта вазни 3,5 т дан ошмайдиган автотранспорт воситалари.

N2 тоифаси — юк ташиш учун мўлжалланган, энг катта вазни 3,5 т дан ортиқ, лекин 12 т дан ошмайдиган автотранспорт воситалари.

N3 тоифаси — юк ташиш учун мўлжалланган, энг катта вазни 12 т дан ортиқ бўлган автотранспорт воситалари.

O тоифаси — тиркамалар (ярим тиркамалар ҳам).

O1 тоифаси — энг катта вазни 0,75 т дан ошмайдиган тиркамалар.

O2 тоифаси — энг катта вазни 0,75 т дан ортиқ, лекин 3,5 т дан ошмайдиган тиркамалар.

O3 тоифаси — энг катта вазни 3,5 т дан ортиқ, лекин 10 т дан ошмайдиган тиркамалар.

O4 тоифаси — энг катта вазни 10 т дан ортиқ бўлган тиркамалар.

3-иловага оид тестлар

<p>1 Санаб ўтилган шароитлардан қай бирида автомобиллар ва автопоездлардан фойдаланиш тақиқланади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Гидравлик тормоз тизимининг зичлиги бузилганда. 2. Тўхтаб туриш тормоз тизими ҳаракатсиз ҳолатда тўла вазндаги транспорт воситаларини 16%дан кам бўлган қияликда ушлаб тура олганда. 3. Тўхтатиб туриш тормоз тизимининг ричагини тутиб турувчи мослама ушлаб турганда. 	<p>2 Агар пневматик узатманинг зичлиги бузилиб, компрессор ишламай турганда бошқарув асбобларининг эркин ҳолатида ҳаво босимининг 30 дақиқада қанча кг/см пасайишига сабаб бўлса, тормоз тизими носоз ҳисобланади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. 0,2. 2. 0,4. 3. 0,5. 4. 0,75. 5. 1,0.
<p>3 Автомобиль юриб кетаётганда кутилмаганда шинаси ёрилиб кетса, ҳайдовчи нима қилиши зарур?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ишчи тормоз билан тўла тўхтагунча кескин тормозлаш. 2. Автомобилни тўхтаб туриш тормози ёрдамида тўхтатиш. 3. Бошқарув чамбарагини ушлаб туриш, тўғри чизиқли ҳаракатни сақлаш, тезликни камайтириш ва тўхтатиш. 	<p>4 «Рухсат этилган тўла вазн» нима?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Транспорт воситасининг юк кўтариши. 2. Транспорт воситасининг ҳақиқий вазни. 3. Ишлаб чиқарувчи корхона томонидан белгиланган, аслаҳаланган транспорт воситасининг ҳайдовчи, йўловчи, юк билан бирга рухсат этилган энг юқори вазни (миқдори). 4. Транспорт воситасида ташиладиган юкнинг ишлаб чиқарган корхона йўл қўйган техник тавсифномаси сифатида белгиланадиган вазни.
<p>5 Ўнг ва чап гилдиракларининг шиналари турлича ёпилган автомобилга тормоз бериш қандай хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Тормоз барабанларининг қизиби кетишига. 2. Нақш изларининг кўчиби кетишига. 3. Автомобилнинг ағдарилиб кетиши мумкин даражада сирпаниб кетишига. 	<p>6 Йўловчи ташишга мўлжалланмаган юк автомобилида юкни кузатиб борувчи ёки қабул қилиб олувчи шахсларнинг ташилишига рухсат бериладими?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Агар борт баландлигидан пастда жойлашган қулай ўриндиқ бўлса, рухсат берилади. 2. Тақиқланади.
<p>7 Қандай шароитларда транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Фаралар носоз бўлса. 2. Ташқи ёритиш асбоблари ва ёруғлик қайтаргичлар ифлосланганда. 3. Ёритиш асбоблари ўрнида мазкур ёритиш асбобларининг турига мос келмайдиган лампалардан фойдаланилганда. 4. Барча санаб ўтилган шароитларда. 	<p>8 Қандай носозлик бўлганда транспорт воситаларининг ҳаракатланишни давом эттириши тақиқланади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Транспорт воситаларининг тузилишида кўзда тутилган ойна ювгичлари ишламайди. 2. Ташқи ёритиш асбоблари ва ёруғлик қайтаргичлар белгиланган тартибда ишламайди ёки ифлосланган. 3. Ёмғир ёки қор ёғаётган вақтда ҳайдовчи томонидаги ойна тозалагич ишламайди. 4. Барча санаб ўтилган шароитларда.
<p>9 Тормоз тизими ишламаётган транспорт воситасини шатакка олиш мумкинми?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Агар шатакка олган транспорт воситасининг ҳақиқий вазни шатакка олинувчи транспорт вазнидан икки баробар ортиқ бўлса, қаттиқ улагич билан. 2. Фақат қаттиқ улагичда. 3. Агар шатакка олинган транспорт воситасида ҳайдовчи бўлса ҳар қандай усул билан. 4. Фақат унга қисман ортиш усули билан. 	<p>10 Механик транспорт воситаларидан фойдаланиш қандай шароитларда тақиқланади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Юргизгич ишида нуқсон бўлганда. 2. Узатиш қутисидида шовқин бўлганда. 3. Давлат даврий техник кўригидан белгиланган тартибда ўтмаганда.

ХАВФЛИЛИК БЕЛГИЛАРИ



Портловчи моддалар ва 1.1, 1.2 ва 1.3 кичик класслар буюмлари



Портловчи моддалар ва 1.4 кичик класс буюмлари



Портловчи моддалар ва 1.5 кичик класс буюмлари



Портловчи моддалар ва 1.6 кичик класс буюмлари



Алангаланмайдиган, нотоксик газлар



Тез алангаландиган газлар ва суюқликлар



Тез алангаландиган қаттиқ моддалар, ўзи реактив моддалар ва дэсенсбиллашган портловчи моддалар



Ўз-ўзидан ёнувчи моддалар



Сув тەқанда тез алангаландиган газ ажратувчи моддалар



Оксидловчи моддалар



Органик пероксидлар



Токсик моддалар



Инфекцияли моддалар



I тоифали радиоактив материаллар



II тоифали радиоактив материаллар



III тоифали радиоактив материаллар



Коррозияланувчи моддалар



Бошқа хавфли моддалар ва буюмлар

АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ БЕЛГИЛАРИ

..	*

1	ҚУРУҚ МОДДАЛАР ҚЎЛЛАНСИН, СУВ ҚЎЛЛАНИЛМАСИН!
2	КИЧИК СУВ ОҚИМЛАРИ ҚЎЛЛАНСИН!
3	СОЧМА СУВ ЁКИ ИНГИЧКА ОҚИМ ҚЎЛЛАНСИН!
4	КЎПИК ҚЎЛЛАНСИН!
5	ОҚОВА СУВГА МОДДАЛАР ТУШИШИНING ОЛДИ ОЛИНСИН!
N	НАФАС ОЛИШ АППАРАТИ ВА ҲИМОЯЛОВЧИ ҚЎЛҚОПЛАР ҚЎЛЛАНСИН!
YO	ФАҚАТ ЁНГИН ЧИҚҚАНДА НАФАС ОЛИШ АППАРАТИ ВА ҲИМОЯЛОВЧИ ҚЎЛҚОПЛАР ҚЎЛЛАНСИН!
K	ҲИМОЯЛОВЧИ КИЙИМ-БОШЛАРНИНГ ТЎЛИҚ ТЎПЛАМИ ВА НАФАС ОЛИШ АППАРАТИ ҚЎЛЛАНСИН!
E	ОДАМЛАР ЭВАКУАЦИЯ ҚИЛИНИШИ ЗАРУРИ!

*) - Ёнги ёки модда сизиб чиққандаги шовишлич чоралар коди.

**) - Хавфлилик белгиси.

***) - БМТ тартиб рақами.

АВТОҲАЛОКАТЛАРДА ШОШИЛИНЧ БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ҚОИДАЛАРИ ВА ТАЛАБЛАРИ

Бутун жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг навбатдаги глобал ҳисоботи эълон қилинди. 340 бетдан иборат ҳужжатда ер кўрсаткичининг барча йўлларидаги ҳамда айрим давлатлар йўлларидаги умумий ҳолат батафсил таҳлил қилинган.

Маълум бўлишича, ҳар йили содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларида 1,25 млн инсон ҳаётдан кўз юмар экан. Ушбу маълумотлар дунёнинг 180 та давлатидан олинган таҳлиллар асосида тузилган. Ҳалок бўлаётган инсонлар 15 ёшдан 29 ёшгача бўлган йўл ҳаракати иштирокчиларидир.

Йўл транспорт ҳалокатлари туфайли келиб чиқадиган жароҳатланишлар ўзига хос бўлиб, бунда тананинг кўп қисми бир вақтнинг ўзида оғир шикастланади, ички органлар фаолияти, баъзан мия фаолиятининг ўткир бузилиш ҳоллари учрайди. Бу каби жароҳатлар беморнинг ногиронлигига ёки ўлимига сабаб бўлади. Лекин ҳамма вақт ҳам бемор, яъни жароҳатланувчи шундай аянчли ҳолда қолмаслиги мумкин. Кўп ҳолларда атрофдагилар томонидан тўғри шошилиш тиббий ёрдам ўз вақтида бениҳсон кўрсатилса, бемор ҳаёти ҳамда соғлиғини турли асоратлардан сақлаб қолиш мумкин.

Йўлларда ҳаракатланиш қоидаларининг 13-бандига асосан, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда ҳайдовчи: буюмларни кўзғатмаслиги, шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам бериш учун зарур чораларни кўриши, «Тез тиббий ёрдам» хизматини чақириши, агар бунинг имкони бўлмаса, шикастланганларни ўз транспортда ёки бошқа ўловчи транспортда яқин орадаги даволаш муассасасига зудлик билан етказиб бориши, у ерда ўз исмини, транспорт воситасининг давлат рақамини айтиши ва воқеа содир бўлган жойга қайтиб келиши шарт.

Йўлларда ҳаракатланиш қоидаларининг 11-бандига асосан, биринчи тиббий ёрдамга муҳтож фуқароларга: – тиббий ёрдам кўрсатиш учун шу йўналишда кетаётган тиббиёт ходимларига, шунингдек, ҳаракат йўналишидан қатъи назар, ҳаёти хавф остида қолган беморни яқин атрофдаги даволаш муассасасига олиб боришда кўмаклашиши лозим;

Бу қоидаларга риоя қилмаган ҳайдовчилар жиноий жавобгарликка тортиладилар. Йўл-транспорт ҳодисасида жабрланганларнинг шикастланиш даражасига қараб жиноят иши кўриб чиқилади.

**Шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш учун транспорт
воситасининг салоҳияти бўлиши шарт қилинган зарур тиббий ашёлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Тиббий ашёлар номи	Чиқарилиш шакли (ўлчами)	Микдори, автотранспорт тоннасига кўра		
			В (М1)	С (N1, N2, N3)	Д (M2, M3)
I. ТАШҚИ ҚОН КЕТИШИНИ ВАКТИНЧАЛИК ТЎХТАТИШ ВА ЖАРОҲАТЛАРГА БОҒЛАМ КЎЙИШ УЧУН					
1.	Қон тўхтатувчи жгут		1 дона	1 дона	3 дона
2.	Ностерил тиббий докали бинт	5 м x 5 см	2 дона	2 дона	5 дона
3.	Ностерил тиббий докали бинт	5 м x 10 см	2 дона	2 дона	5 дона
4.	Ностерил тиббий докали бинт	7 м x 14 см	1 дона	1 дона	3 дона
5.	Ностерил тиббий докали бинт	5 м x 7 см	2 дона	2 дона	5 дона
6.	Стерил тиббий докали бинт	5 м x 10 см	2 дона	2 дона	5 дона
7.	Стерил тиббий докали бинт	7 м x 14 см	1 дона	1 дона	5 дона
8.	Стерил боғлам учун пакет		1 дона	1 дона	5 дона
9.	Стерил тиббий докали салфеткалар	16 см x 14 см дан кам бўлмаган, N 10	1 кути	1 кути	3 кути
10.	Бактерицид лейкопластирь	4 см x 10 см дан кам бўлмаган	2 дона	2 дона	5 дона
11.	Бактерицид лейкопластирь	1,9 см x 7,2 см дан кам бўлмаган	2 дона	5 дона	15 дона
12.	Рулонли лейкопластирь	1 см x 250 см дан кам бўлмаган	1 дона	1 дона	3 дона
II. ЮРАК-ЎПКА РЕАНИМАЦИЯСИ ВОСИТАЛАРИ					
1.	«Оғиз-восита-оғиз» усулида сунъий нафас ўтказиш учун тўсиқ воситаси		1 дона	1 дона	2 дона
III. БОШҚА ВОСИТАЛАР					
1.	Аммиак эритмаси –10% (нашатир спирти)	флаконт	1 дона	1 дона	2 дона
2.	Қайчи		1 дона	1 дона	2 дона
3.	Тиббий кўлқоплар	ўлчами «М» дан кам бўлмаган	1 жуфт	1 жуфт	5 жуфт
4.	Тиббиёт қутичаси		1 дона		

Изоҳ:

1. Яроқлилиқ муддати ўтган ва ўрамига зарар етган дори воситалари ҳамда тиббий ашёларнинг қўлланилиши тақиқланади.

2. Тиббиёт қутичаси транспорт воситаларини ишлаб чиқарган ташкилот томонидан белгиланган жойга мустаҳкам ўрнатилади. Агар транс-

порт воситасининг конструкциясида бундай жой кўзда тутилмаган бўлса, тиббиёт қутичаси осон олинадиган жойда бўлиши лозим.

3. Ушбу рўйхат Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан келишилган.

ЖАРОҲАТЛАНГАНЛАРНИ АВТОМОБИЛЬ ИЧИДАН ЁКИ ТАГИДАН ЧИҚАРИБ ОЛИШ ҚОИДАЛАРИ:

- Автомобиль эшиклари очилмайдиган бўлиб қолиши, кузови қаттиқ деформацияга учрагани сабабли шикастланганларни автомобилдан чиқариб олишнинг иложи бўлмай қолади, жароҳатланганларни автомобилдан ажратиш олаётганда куч ишлатиб тортмасдан, суриб, кўтариб, ҳалақит бераётган автомобиль қисмларини синдириб бўлса ҳам беморни аста-секин икки ёки уч киши ёрдамида ажратиш керак;

- беморнинг аҳволини оғирлаштирмаслик учун уни автомобиль ичида қандай пайтда кўрган бўлса, шу ҳолатда чиқариб олиш лозим;


- агар беморни бир киши ажратиш олаётган бўлса, ўз-ўзидан маълумки, ҳолатини ўзгартиришга тўғри келади, шундай ҳолатда ҳам бош ва бўйнини кимирлатмаслик керак;

- автомобиль ҳайдовчиси турли тўқнашувларда кучли силжиши натижасида кўкрак қисми билан рул чамбарагига урилиб кетади. Шунда икки томонлама бир ёки кўплаб қовурғалар синиши мумкин. Шунини назарда тутиб, беморни ажратиш олаётган вақтда кўкрак қафасини эзиб юбормаслик керак, акс ҳолда синган қовурғалар сил-

жиши натижасида оғриқ, қон кетиши, ички аъзолар зарарланиши кузатилиши мумкин. Агар шикастланган кишида қовурға синганлигига шубҳа туғилса, уни қўлтиқ қисмидан ушлаш керак, шунда қовурғалар ҳимояланган ҳисобланиб, жароҳати оғирлашмайди;


- автоҳалокатларда, агар тез тиббий ёрдам машинаси бир неча дақиқа ичида келмаса, автомобиль ичидаги бемор эс-ҳушида бўлиб, ҳеч қайси жойи эзилмаган бўлса, реанимация чораларига муҳтож бўлмаса, уни чиқариб олиш зарур;

- агар машинадан ёнаётган электр симлари ёки бензин ҳиди келаётган бўлса, зудлик билан жароҳатланувчини чиқариб олиш лозим. Шу билан бирга ҳайдовчини ҳам, йўловчиларни ҳам узоқроқ масофага олиб бориш зарурдир.



ТИББИЙ САРАЛАШНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МУҚАММАЛ ЎТКАЗИШ МУМКИН?

- Шикастланувчида ҳаёт учун хавфли жароҳати бор ёки йўқлиги аниқланади;
- агар шикастланган бехуш ҳолда бўлса, саралаш «ўликми-тирикми» деган гумон билан бошланади;



- фожиа юз берган жойда ўлим кузатилса, у ҳолда кўпроқ бош мия ва кўкрак қафаси жароҳати тўғрисида ўйлаш керак;

- кўкрак қафасининг оғир шикастланишида кўкрак қафаси деформациясини баъзида кўз билан кўриш ёки ҳар ҳолда қўл билан ушлаб, қовурғаларнинг қимирлаётганини суяклар гичирлаши борлигидан билиш мумкин;

- бош чаноғининг оғир жароҳатларида кулоқ ва бурун тешигидан қон кетиши, кўкрак қафаси оғир шикастланганда қон бурундан ва оғиздан оқиши мумкин;

- тери қопламалари ранги оқарган ёки кўкарган, қорачиқлар кенгайган бўлиб, ёруғликда ўзгармаса, қон томирлар уриши қўлда ҳам, бўйинда ҳам аниқланмаса, юрак уриши сезилмаса, нафас тўлиқ тўхтаганлиги ёки тўхтамаганлигини беморнинг оғзига яқинлаштирилган ойна бўлакчасининг терлаган ёки терламаганлигидан билиш мумкин.

БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ КЕТМА-КЕТЛИГИ

- Беморда нафас олиш жараёни бузилган тақдирда оғиз бўшлигини кўриш керак, ёпиқ бўлса, қўл билан салфетка ёки рўмолча ёрдамида тозалаш лозим;

- агар артериал қон кетиш ҳоллари кузатилса, ўша томирнинг юқори қисмидан босиб туриш йўли билан қонни тўхтатиб, кейин жгут каби қон тўхтатувчи воситалардан фойдаланиш мумкин.

- беморда суяк синишлари тўлиқ инкор этилмагунча юришга рухсат бериш керак эмас;

- қўшимча жароҳатлардан холи бўлиш учун беморнинг кийимларига тегиш мумкин эмас, фақатгина нафас қисилиши каби ҳолатларда ёқасини ва белини бўшатиш, зарур ҳолатда кийимини йиртиш зарур ёки қисман ечилади;

- бемор текис жойга ётқизилгач, яна бир марта нафас йўллариининг ўтказувчанлиги текширилиб, тили орқага тушиб қолган бўлса, уни салфетка билан ушлаб тортилади;

- агар умуртқанинг бўйин қисми синмаган бўлса, беморни ёнбошлатиш мумкин;



- нафас олиш қайта тўхтаб қолмаслиги учун бемор ёнбошлатиб ётқизилади;

- нафас олиш тикланмаса, сунъий нафас берилади. Бунинг учун беморнинг боши орқага букилса, нафас йўллариининг ҳаво ўтиши осонлашади;

- кўкрак қафасининг очиқ жароҳати бўлса ва у орқали ҳаво кираётган бўлса, дарҳол уни стерил салфетка ёки тозароқ мато, агар ҳеч нарса бўлмаса, кафт билан ёпиш лозим;

- жароҳатланувчида ҳаёт учун хавфли ташқи веноз қон (тўқ қизил рангда) кетса, уни дарҳол тўхтатиш керак. Бунинг учун, кўпинча, дастлаб стерил, сўнг босувчи боғлам қўйилади.


- артериал қон кетишда (оч қизил пушти рангда) жгут ёки томирни босувчи бошқа усуллар қўлланилади.

ҚОН КЕТИШДА БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ

Қон томирлар шикастланганда артериал, веноз ва паренхиматоз қон оқиши мумкин. Агар қон жароҳатдан ташқарига оқаётган бўлса, буни ташқи қон оқиш деб аталади, агар қон жароҳатланган томирдан тўқимага, ички органларга – кўкрак ёки қорин бўшлиғига оқаётган бўлса, у ҳолда буни ички қон оқиш дейилади.

- артериал қон оқишини тўхтатиш ҳаммининг қўлидан келадиган энг осон ва тезкор усул бўлиб, жароҳатланган жой тепароғидан артерияни бармоқ билан босиб туришдир. Артерия суяк ёнига яқин жойдан ёки унинг устидан ўтган бўлса, уни босиб туриш осон бўлади;

- артерияларни бармоқ билан босиш кўп куч талаб этади ва уни ҳатто жисмонан кучли ва чиниққан киши ҳам 15 – 20 дақиқадан ортиқ бажара олмайди;



- жгут қўл ва оёқнинг йирик артериал томирлари шикастланганда қон оқишини вақтинча тўхтатишнинг асосий усулидир. Жгут сон, елкага қўйилади.

- жгут қон оқаётган жойдан 15 см юқоридан жароҳат яқинидаги терини сиқиб қўймаслик учун кийим ёки юмшоқ бинт устидан боғланади;

- жгут боғлангандан сўнг бириктирилган қоғозга куни, соати ва дақиқаси ёзилади, қоғоз жгут остига кўриниб турадиган қилиб қистириб қўйилади;

- жгут қиш мавсумида 1 соатга, ёзда эса 1,5 – 2 соатга қўйилади. Жгут қўйилгандан сўнг 2 соат ўтган ҳолларда артерияни бармоқ билан босиш, жгутни аста-секин пулсни ҳисоблаб туриб 5 – 10 дақиқага бўшатиш ва уни аввалги жойининг юқорироғидан яна қўйиш лозим.

- жгут бўлмаганда артериядан қон оқишини бурагич қўйиш ёки қўл-оёқни максимал букиш ва шу вазиятда боғлаш йўли билан тўхтатиш мумкин.

• венадан қон оқиши стерил боғлов қўйиш ва гавданинг шикастланган қисмини баланд кўтариш орқали тўхтатилади.

НАФАС ВА ЮРАК ТЎХТАГАНДА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ:

• бемор чалқанча ётқизилади ва шу билан тил асосини нафас олиш йўлларидадан четлатишга эришилади;

• ҳавонинг бурун орқали ташқарига чиқиб кетмаслигининг олдини олиш мақсадида беморнинг бурнини қисиб, оғзидан ҳаво юборилади;

• юборилаётган нафас ўртасидаги вақт 5 сонияни ташкил этади, яъни 1 дақиқада 12 марта ташкил этади. Юқорида қайд этилган қоидага риоя қилиниши шарт, чунки қилинаётган муолажалар табиий нафас кўникмасини ҳосил қилишдан иборатдир;

• нафас олдириш вақтидаги юзага келадиган меъда усти соҳасидаги шишнинг пайдо бўлиши юборилаётган ҳавонинг меъдага кетаётганлигидан далолат беради;

• юрак массажи, беморнинг исталган томонидан кўкрак тўш суягини 5-қовурға бирикадиган жойидан кафтларини бир-бирига қўйиб, босим орқали бажарилади;

• босим вақтидаги кўкрак қафасининг эгилиши 4 – 5 см ни ташкил қилиши керак, аммо босим таъсири 0,5 сонияни, босимлар оралиғидаги вақт эса 0,5 – 1 сонияни ташкил қилади;

• қилинаётган муолажаларнинг тўғри бажарилаётганлиги уйқу артериясида

тўлқинсимон пульснинг пайдо бўлиши билан ифодаланади.



ДИҚҚАТ!!!

• Агарда жонлантиришни 1 киши бажараётган бўлса, 2 та нафасдан сўнг 15 маротабагача босим муолажаларини қилиши керак.

• Агар жонлантириш муолажаларини 2 киши бажараётган бўлса, ўпка вентиляцияси ва массаж муолажаларининг бир-бирига солиштирмаси 1:5 нисбатида бажарилади.

• Уйқу артериясида аниқ томир уриши тиклангандан сўнг юрак массажи тўхтатилиб, нафас олиш тўлиқ тикланмагунча сунъий нафас олдириш давом этилиши шарт.

Юқорида қайд этилган ташқи юрак массажи сунъий нафас муолажалари билан биргаликда олиб борилмаса, бефойда ҳисобланади.

ЁДДА ТУТИНГ!!!

**ЖАРОҲАТЛАНГАН ШАҲСГА ЎЗ
ВАҚТИДА ТЎҒРИ ВА СИФАТЛИ
КЎРСАТИЛГАН ШОШИЛИНЧ
БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ БЕМОР
ҲАЁТИНИ САҚЛАБ ҚОЛАДИ!**

«Автохалокатларда биринчи тиббий ёрдам» мавзусига оид тестлар

<p>1 Умуртқасининг кўкрак қисми шикастланган киши транспортда қандай ташилади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Қаттиқ тахтада орқаси билан ётган ҳолда. 2. Юмшоқ тўшамада орқаси билан ётган ҳолда. 3. Қаттиқ тахтада ёни билан ётган ҳолда. 	<p>2 Қўл жароҳатланганда кийим қандай тартибда кийгизилади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Кийим аввал жароҳатланган қўлга, сўнгра соғига кийдирилади. 2. Кийим иккала қўлга баравар кийдирилади. 3. Кийим аввал соғ қўлига, сўнгра жароҳатланган қўлга кийдирилади.
<p>3 Суяк синганда қайси матодан қотириб боғлаш учун шина сифатида фойдаланиш энг қулай?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Бинт. 2. Газмол. 3. Тахта бўлаги. 	<p>4 Шикастланган кишининг ўмров суяги синганда нима қилиш зарур?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Синган жойга совуқ компресс қўйиш, бинт билан тарангроқ боғлаш. 2. Қўлтиқ соҳасига тахтакач қўйиш ва тўғрилаб қўйилган қўлини гавдасига қўшиб бинт билан боғлаш. 3. Пахта ёки бинт ўрамасини қўлтиқ соҳасига қўйиб тирсагидан букилган қўлини гавдасига қўшиб бинт билан боғлаш.
<p>5 Соннинг юмшоқ тўқималари лат ёганда биринчи тиббий ёрдам қандай кўрсатилади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Лат ёган жойни қаттиқ боғлаш, 15–20 дақиқага муз солинган халта қўйиш. Оёқни юқори кўтариш, тинч қўйиш. 2. Бутун оёқни таранг қилиб (пастдан юқорига) боғлаш, сингандаги каби шина қўйиш. Бир стаканга ярим чой қошиғида ичимлик сода солиб ичириш, касалхонага жўнатиш. 3. Оёқни юмшоқ предметга қўйиш. 	<p>6 Сон суягининг пастки учдан бир қисми синганда жароҳатланган одамни транспортда ташиш учун тахтакач қандай қўйилади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Тахтакачни соннинг бутун узунлигича тос-сон тизза бўғинигача қўйиб, синган жой бинт билан қаттиқ боғлаб қўйилади. 2. Иккита тахтакач оёқнинг ички ва ташқи томонидан қўйилади. Биттасини оёқ тўпиғидан қўлтиқости чуқуригача, иккинчисини тўпикдан човгача. 3. Иккита тахтакач оёқнинг икки томонидан тўпикдан соннинг юқориги учдан бир қисмигача (синган жойдан 15–20 см юқоригача) қўйилади.
<p>7 Тос суяклари синганда биринчи ёрдам қандай кўрсатилади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Зарарланган жойни қаттиқ боғлаш, шикастланганни ярим ўтирган ҳолатга келтириш. 2. Шикастланганни қаттиқ юзага орқаси билан ётқизиш, зарарланган жойларга қайноқ иситгич қўйиш. 3. Шикастланганни қаттиқ текис юзага ётқизиш, букилган ва икки томонга керилган тиззаларининг бўғинлари остига ғўла шаклида ўрам қўйиш. 	<p>8 Қон оқишини тўхтатувчи жгут қўл-оёқларга қандай боғланади?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ярадан 10 –15 см пастга. 2. Ярадан 10 –15 см юқорига. 3. Бёвосита яранинг ўзига.
<p>9 Кўкрак қафасининг кўп қисми жароҳатланганда уни қаердан бошлаб бинт билан боғлаш керак?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Кўкрак қафасининг ўртасидан. 2. Кўкрак қафасининг қуйи қисмидан. 3. Қўлтиқ остидан. 	<p>10 Автомобилда тиббиёт қутичасини қаерда сақлаш лозим?</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Енгил автомобилнинг юқонасида. 2. Тайёрловчи корхона томонидан белгиланган жойларда, берк ҳолатда. 3. Автомобилнинг кузовида кўринадиган жойда.

Тестларга жавоблар:

Савол №	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
I мавзу	1	1	1	3	3	1	1	1	3	1
II-VI мавзулар	2	2	1	3	1	2	4	4	3	2
VII мавзу	1	2	3	1	2	2	3	2	4	4
VIII мавзу	4	2	2	1	4	1	2	2	2	1
IX мавзу	3	2	3	3	1	1	2	4	4	1
X мавзу	4	2	3	1	3	1	1	2	3	2
XI мавзу	2	3	2	5	1	3	4	1	3	3
XII мавзу	2	1	2	2	3	2	1	3	3	2
XIII мавзу	4	2	2	3	4	1	4	2	2	2
XIV-XVI мавзулар	3	3	1	2	2	1	2	3	3	1
XVII мавзу	1	1	2	3	3	1	2	2	1	1
XVIII мавзу	1	2	3	2	2	3	4	2	2	3
XIX мавзу	5	3	3	2	4	3	4	1	2	2
XX мавзу	3	2	1	1						
XXI мавзу	3	2	1	1						
XXII мавзу	3	3	2	1	1	3	3	1	1	4
XXIII мавзу	2	2	2	1	2	1	3	3	3	2
XXIV мавзу	1	3	4	2	2	1	1	1	1	5
XXV мавзу	1	2	4	3	3	3	2	1	3	1
XXVI мавзу	3	1	4	2	2	2	3	2		
XXVII мавзу	2	3	2	3	1	3	3	1		
XXVIII мавзу	2	3	1	2	2	1				
XXIX мавзу	4	2	3	3	2	3	3	2	3	1

1-илова

1-мавзу	2	2	3	2	5	2	1	1	3	3
2-мавзу	2	1	1	1	3	1	2	3	3	3
3-мавзу	3	2	3	4	3	2	4	3	4	4
4-мавзу	4	3	2	3	1	2	3	3	2	4
5-мавзу	1	3	1	1	3	4	3	3	2	1
6-7-мавзулар	1	5	4	3	3	2	2	3	1	3
2-илова	1	1	2	2	3	2	3	2	2	1
3-илова	1	3	3	3	3	1	4	3	1	3
Тиббиёт	1	1	3	3	1	2	3	2	2	2

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

ЎзР. МЖТК модда	Қисқача мазмуни	Кўриладиган чоралар, энг кам иш ҳақи баравари миқдорида
125-1	Транспорт воситасини бошқариш ва йўловчилар ташишда хавфсизлик камаридан, мотошлемлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилмаса	1/5
125-2	Белгиланган тартибда рўйхатдан, техник кўриқдан ўтказилмаса, фойдаланиш ман этиладиган даражада носозлиги бўлса, ифлослантирувчи моддаларнинг миқдори, шовқин даражаси белгиланган нормалардан ортиқ бўлса	0,5
125-3	Тормоз тизими, руль бошқаруви, уловчи қурилмада носозлиги бўлган ёхуд тегишли рухсати бўлмаётган туриб қайта жиҳозланган транспорт воситалари бошқарилса	1
125-4	Шаҳарлараро, халқаро йўловчи ташишни амалга оширадиган автобуслар тахографларсиз ёки уни ўчирган ҳолда бошқарилса	3
125-5	Фойдаланиш белгиланган тартибда ман этилган транспорт воситалари бошқарилса ёки давлат рақам белгиси ўзбошимчалик билан ечиб олинган бўлса	5
125-6	Давлат рақам белгиси ясама ёки ўзга усулларда ўзгартирилган, шунингдек, давлат рақам белгиси айти шу транспорт воситасига тегишли бўлмаган транспорт воситалари бошқарилса	10

125-7	Транспорт воситаси махсус жиҳозланмаган жойда сақланса	Фуқароларга — 1. Мансабдор шахсларга — 2
125 ¹ -1	Юк ташиш ва шатакка олиш қоидалари бузилса	5
125 ¹ -2	Тегишли рухсатномаси бўлмаётган туриб оғир вазнли, йирик габаритли, хавфли юкларни ташиш ва юк билан ёки юксиз ҳолдаги габарит ўлчамлари белгиланган нормалардан ортиқ бўлган транспорт воситалари билан йўлга чиқилса, рухсатномада кўрсатилган ҳаракат йўналишидан четга чиқилса	Фуқароларга — 10 ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 6 ойгача муддатга маҳрум этилади. Мансабдор шахсларга — 15
126-1	Кўзгусимон ёки туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойналар ўрнатилган транспорт воситаларидан, худди шунингдек, ҳайдовчининг ўрнидан теварак-атрофни кўришни чеклайдиган қўшимча нарсалар ўрнатилган ёки қопламалар суртилган транспорт воситаларидан фойдаланилса	1
126-2	Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўллангандан кейин бир йил давомида такроран содир этилса	2
127-1	Товуш сигналини сабабсиз бериш, транспорт воситаларига уни ишлаб чиқарган корхона назарда тутмаган товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурилмаларни ўрнатиш, худди шунингдек, уларни ўзгартириб ўрнатиш	1

127-2	Тегишли рухсат олмай туриб транспорт воситаларига товуш чиқарувчи ва ёритувчи махсус қурилмаларни ўрнатиш, худди шунингдек, давлат рақам белгиларини кўриш имкониятини чеклайдиган, уларни англашга тўсқинлик қиладиган турли ашёлар ўрнатиш ва қоплама суртиш	Фуқароларга — 1 — 3 Мансабдор шахсларга — 3 — 5
128-1	Транспорт воситалари пиёдалар йўлчаларидан юргизилса, йўл белгилари ёки йўлнинг қатнов қисмидаги чизиқлар билан белгилаб қўйилган талабларга риоя этилмаса, одамларни ташиш, транспорт воситаларини қувиб ўтиш, йўналишли транспорт воситалари тўхтайдиган бекатлардан ёки пиёдалар ўтиш жойларидан юриш қоидалари, сутканинг қоронғи вақтида ёки кўриш чекланган шароитларда ёритиш асбобларидан фойдаланиш қоидалари бузилса, йўловчиларга лойқа сачратилса	0,5
128-2	Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса	1
128-3	Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарлик икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса	3

128-4	Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарлик уч марта ва ундан ортиқ маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса	4 ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 6 ой муддатга маҳрум этилади
128 ¹ -1	Транспорт воситасини бошқариш вақтида телефондан фойдаланиш қондаси бузилса	2
128 ¹ -2	Йил давомида транспорт воситасини бошқариш вақтида телефондан фойдаланиш қондаси такроран бузилса	3 ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 6 ой муддатга маҳрум этилади
128 ² -1	Транспорт воситасини бошқаришда унинг салони олд қисмига ишлаб чиқарувчи корхона томонидан ўрнатилган монитрдан теле-, видеодастурлар томоша қилиш учун фойдаланилса	1
128 ² -2	Транспорт воситаси салони олд қисмига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатилса	2
128 ² -3	128 ² -модданинг 1- ва 2-қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилса	3 ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 6 ой муддатга маҳрум этилади

128 ³ -1	Белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталиқда ошириб юборилса	1
128 ³ -2	Белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталиқда ошириб юборилса ёки ҳайдовчиларнинг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталиқда худди шу ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юборилса	5
128 ³ -3	Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ортиқ катталиқда ошириб юборишлари	7
128 ³ -4	Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталиқда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юборишлари ёхуд транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталиқда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юборишлари	10 ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 1 йил муддатга маҳрум этилади.

128 ³ -5	Белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ортиқ катталиқда ошириб юбориши худди шу ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юборилса ёки белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталиқда худди шу ҳуқуқбузарлик учун икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юборилса ёхуд белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталиқда худди шу ҳуқуқбузарлик учун уч марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юборилса	Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 2 йил муддатга маҳрум этилади
128 ⁴ -1	Светофорнинг ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишораларига бўйсунмаса	2
128 ⁴ -2	Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса	5
128 ⁴ -3	Светофорнинг ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишораларига бўйсунмаслик икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса	Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 1 йил муддатга маҳрум этилади
128 ⁵ -1	Тўсқинликсиз ҳаракат қилиш ҳуқуқидан фойдаланадиган транспорт воситаларининг ўтиб кетишига халақит берилса	5
128 ⁵ -2	Ҳайдовчиларнинг йўлнинг қарама-қарши ҳаракатланиш учун мўлжалланган томонига ёки бўлагига йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳолда чиқишлари натижасида авария ҳолати юзага келса	10

128 ⁵ -3	Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса	20 ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 1 йил муддатга маҳрум этилади.
128 ⁶ -1	Тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидалари бузилса	3
128 ⁶ -2	Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса	5
128 ⁶ -3	Худди шундай ҳуқуқбузарлик икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса	10
128 ⁶ -4	Худди шундай ҳуқуқбузарлик уч марта ва ундан ортиқ маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса	15
129-1	Йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи ёки авария ҳолатини келтириб чиқарувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашилса	3
129-2	Ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи гуруҳ бўлиб юрилса ва бир йил давомида шундай қоидабузарлик икки марта содир этилса	5 ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 6 ойдан 1 йилгача муддатга маҳрум этилади.
130-1	Темир йўлдан ўтиш қоидаси бузилса	3

130-2	Темир йўлдан ўтиш қондасини бузиш маъмурий жазо қўлланилгандан кейин бир йил давомида такроран содир этилса	5 ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 6 ойдан 1 йилгача муддатга маҳрум этилади
131-1	Транспорт воситалари маст ҳолда бошқарилса	Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 1,5 йилдан 3 йилгача муддатга маҳрум этилади
131-2	Худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса	30 ёки 15 суткагача муддатга маъмурий қamoққа олинади
131-3	Алкоголли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст шахсга транспорт воситасини бошқариш топширилса	15 ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 2 йилдан 3 йилгача муддатга маҳрум этилади

133	Транспорт воситаси ҳайдовчисининг ЙХҚни бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказса	3 — 5 ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 1 йилдан 3 йилгача муддатга маҳрум этилади
134	Ҳайдовчининг ЙХҚни бузиши транспорт воситаси ёки бошқа мол-мулкнинг шикастланишига олиб келса	1 — 2 ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 6 ойдан 1 йилгача муддатга маҳрум этилади
135-1	Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари, уни рўйхатдан ўтказганлик ҳақидаги, шунингдек, транспорт воситасига эгалик қилиш, эгаси йўқлигида ундан фойдаланиш ёки тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлари, транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса лицензия карточкаси ёки йўл варақаси ёнида бўлмаган ҳолда бошқарилса, ишончномаларни, транспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ва ижарага бериш шартномаларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмасдан (ҳисобга қўймасдан) транспорт воситалари бошқарилса	0,5

135-2	Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахслар транспорт воситаларини бошқарса, бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсга транспорт воситаларини бошқариш топширилса	3
135-3	Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар бундай воситаларни бошқарса	5
135 ¹ -1	Суғурта полисларида (СП) назарда тутилмаган фойдаланиш даврида транспорт воситалари бошқарилса, шунингдек, фақат мазкур СПда кўрсатилган ҳайдовчилар айти шу транспорт воситасини бошқариши тўғрисида мазкур СПда назарда тутилган шартларни бузган ҳолда транспорт воситасини бошқарса	1
135 ¹ -2	Мажбурий суғурта бўйича қонунда белгиланган мажбуриятнинг бажармаслиги, бундай мажбурий суғурта қилинмаганлиги олдиндан аён бўлса, транспорт воситасини бошқариш	Фуқароларга — 1 Мансабдор шахсларга — 3
136-1	Алкоголли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлиги ёки маст эмаслигини белгиланган тартибда аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товланса	Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 1,5 йилдан 3 йилгача муддатга маҳрум этилади
136-2	Худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса	30 ёки 15 суткагача муддатга маъмурий қamoққа олинади
136-3	Мопед, велосипед ҳайдовчи, от-уловли аравани бошқариб боровчи шахслар тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товласа	3

137	Йўл-транспорт ҳодисаси қатнашчилари белгиланган қоидаларни бузган ҳолда ҳодиса юз берган жойдан кетиб қолса	30 ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 2 йил муддатга маҳрум этилади ёхуд 15 суткагача маъмурий қамоққа олинади
138-1	Пиёдалар ва йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчилари ЙХҚни бузишса	1/3
138-2	Ҳайдовчиларга ҳар хил хизмат кўрсатиш мақсадида фуқаролар йўлнинг қатнов қисмида туришса ва мол боқишса	0,5
138-3	Пиёдаларнинг ЙХҚни бузиши авария ҳолатини келтириб чиқарса	1
138-4	Транспорт воситаси ҳаракатланаётган вақтда йўловчи томонидан тана қисмларини (қўлдан ташқари) салондан чиқаришга	1
138-5	Мопед, велосипед ҳайдовчи, от-уловли аравани бошқариб борувчи шахснинг алкоғолли ичимликдан, гиёҳвандлик моддаси таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст бўлган ҳолда йўл ҳаракати қоидаларини бузиши	3
139-1	Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ёки мажбурий техник кўрикдан ўтказилмаган транспорт воситалари йўлга чиқарилса	3
139-2	Носозлиги ёки бошқа шартлар туфайли фойдаланилиши тақиқланган ёхуд тегишли рухсати бўлмаётган туриб қайта жиҳозланган транспорт воситалари йўлга чиқарилса	5

140	Маст ҳолдаги ҳайдовчилар ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг транспорт воситасини бошқаришларига йўл қўйилса	15
141	Транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланилса	2 — 5
147-1	Йўлларга, йўл иншоотларига, йўл ҳаракатини тартибга солиб турувчи техника воситаларига шикаст етказилса, уларни сақлаш қоидалари бузилса, йўл қопламаси ифлослантилса	10
147-2	Йўлларни, йўл иншоотларини, темир йўлдан ўтиш жойларини ҳаракат учун хавфсиз ҳолда сақлаш қоидалари бузилса	15
194-1	Ички ишлар ходимининг қонуний талаблари бажарилмаса	0,5 — 2
194-2	Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий чора қўлланилгандан кейин бир йил давомида такроран содир этилса	2 — 3 ёки 15 суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади

— ЎзР МЖтК 291-моддасига асосан, транспорт воситаси махсус белгиланган жойга ушланиб қолинади.

Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси фақат суд қарори орқали амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ 2011 ЙИЛ 23 НОЯБРДАГИ 174-СОНЛИ БУЙРУҒИГА ИЛОВА

Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни беришда, автототранспорт воситалари, уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни рўйхатдан ўтказишда, қайта рўйхатдан ўтказишда, мажбурий техник кўриқдан ўтказишда, шунингдек, имтиҳонларни олишда ундириладиган

ТЎЛОВЛАР МИҚДОРИ

I. Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш, яроқсиз ҳолга келган, шикастланган ёки бузилганлари ўрнига янги рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш.

1	Автотранспорт воситаларига рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари (кейинги ўринларда РЎДРБ деб юритилади) учун	1,5 баравари миқдорида
2	Мототранспорт воситалари, мотороллёрлар ва тиркамалар (ярим тиркамалар) учун	75 фоизи миқдорида
3	Транзит РЎДРБ учун	25 фоизи миқдорида
4	Яроқсиз ҳолга келган, бузилган ёки шикастланган бир жуфт РЎДРБ ўрнига янги РЎДРБ бериш учун	1 баравари миқдорида
5	Яроқсиз ҳолга келган, бузилган ёки шикастланган бир дона РЎДРБ ўрнига янги РЎДРБ бериш учун	50 фоизи миқдорида

Изоҳ: йўқотилган РЎДРБлари ўрнига янгисини бериш учун белгиланган тўлов ставкасининг 3 баравари миқдорида ундирилади;

йўқотилган эски намунадаги давлат рақам белгилари ўрнига янгисини бериш учун белгиланган тўлов ставкасининг 2 баравари миқдорида ундирилади;

транспорт воситасини рўйхатдан ўтказишда РЎДРБларини сақлаб қолиш учун белгиланган тўлов ставкасининг 50 фоизи миқдорида ундирилади;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан ногиронларга имтиёзли шартларда берилган транспорт воситасига РЎДРБларини бериш учун тўлов ундирилмайди.

II. Автототранспорт воситаларини ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни сотиш учун маълумотнома-счёт бериш.

6	Бир дона маълумотнома-счёт учун	10 фоизи миқдорида
---	---------------------------------	--------------------

III. Автототранспорт воситаларини ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалар)ни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш.

7	Автототранспорт воситаларини ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш учун	10 фоизи миқдорида
---	---	--------------------

Изоҳ: нотариуслар томонидан бошқа шахсга бериш шартномалари тасдиқлангунга қадар автомобилотранспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари) рўйхатга олинган жойдаги ёки битим содир этилган (сотиб олувчининг танлови-га кўра) жойдаги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рақамли агрегатларнинг техник ҳужжатларга мувофиқлиги юзасидан кўриқдан ўтказилиши шарт. Кўриқдан ўтказиш учун тўлов ундирилмайди.

8	Транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасини бериш учун	20 фоизи миқдорида
---	---	--------------------

Изоҳ: йўқотилган транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси дубликатини бериш учун белгиланган тўлов ставкасининг 5 баравари миқдорида ундирилади.

IV. Мажбурий техник кўриқдан ўтказиш.

9	Автомобилотранспорт воситалари учун	10 фоизи миқдорида
10	Мототранспорт воситалари ва тиркамалар (ярим тиркамалар) учун	5 фоизи миқдорида

Изоҳ: автомобилотранспорт воситаларини ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказишда техник кўриқдан белгиланган муддатда ўтмаган тақдирда мажбурий техник кўриқ учун тўлов ундирилмайди, бирламчи рўйхатдан ўтказиш ҳолатлари бундан мустасно.

V. Имтиҳонларни олиш ва ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш.

Изоҳ: йўқотилган ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг огоҳлантириш талони ўрнига дубликат бериш учун белгиланган тўлов ставкасининг 5 баравари миқдорида ундирилади.

11	Назарий имтиҳон топшириш учун	10 фоизи миқдорида
12	Ҳар бир қайта назарий имтиҳон топшириш учун	15 фоизи миқдорида
13	Автомобилотранспорт воситаларини, шу жумладан, транспорт воситалари таркибини амалий бошқаришда имтиҳон топшириш учун	10 фоизи миқдорида
14	Ҳар бир қайта амалий бошқаришда имтиҳон топшириш учун	15 фоизи миқдорида
15	Ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун	20 фоизи миқдорида
16	Ҳайдовчилик гувоҳномасига огоҳлантириш талони бериш учун	10 фоизи миқдорида
17	Чет давлат фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ва дипломатик хизмат ходимларига ҳайдовчилик гувоҳномаларини ҳамда унга огоҳлантириш талони бериш учун	3 баравари миқдорида

ҚИЗИЛ ЧИРОҚДА ЎТИШ МУМКИНМИ?

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари йўлларида светофорнинг қизил чироғида пиёдаларни ва бошқа транспорт воситаларини ўтказиб юбориб, ўннга бурилиш тажрибаси ижобий натижаларга олиб келганлиги ҳамда йўллардаги тирбандликлар муаммосини ҳал этилишида муҳим ўрин тутиши эътироф этилган.

Республикамызда амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 31-моддасида светофорнинг қизил ва сариқ ишораларида транспорт воситаларининг чорраҳага кириб келиши таъқиқланган.

Лекин, замон талабларини инобатга олиб йўллардаги тирбандликларни бартараф этиш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг қулай усулларини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида тажриба сифатида Республикамызнинг бир нечта шаҳарларида, жумладан, Фарғона ва Жиззахда йўллардаги светофорларда қизил чироқ ёнганда ўннга бурилиш мумкинлиги ҳақидаги кўрсатмалар киритилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, ГОСТ 23457-86 давлат стандартига биноан, Қоидаларнинг 31-моддасига зид бўлмаган ҳолда талабдан асосланган ҳолда четга чиқиб, чорраҳада йўл ҳаракатини ташкил қилиш мумкин.


Кўча-йўл тармоқларидаги транспорт воситаларининг тирбандлиги асосан чорраҳалар олдида ҳосил бўлиб, уни бартараф этишнинг оптимал усулларидан бири – хавфсизликни таъминлаган ҳолда транспорт оқимининг ўннга бурилишида узлуксизликни таъминлаш яъни, светофорнинг тақиқловчи ишораларида ҳам ўннга бурилишга рухсат бериш ҳисобланади.

Қизил чироқда ўннга бурилиш рухсат этилган ҳолда:

1. Транспорт оқимларининг йўналишлари кесишиб ўтадиган ҳолат;
2. Транспорт оқимларининг йўналишлари кесишмайдиган ҳолат.



1



2



“ТЎХТАШ ТАҚИҚЛАНГАН” БЕЛГИСИ ОСТИДА АВАРИЯ ЁРУҒЛИК ИШОРАСИНИ ЁҚИБ ТЎХТАШ МУМКИНМИ?

Кўпчилик ҳайдовчиларга, айниқса, такси хизматидаги ҳайдовчиларга бу ҳолат таниш. Дўконга кириш ёки йўловчини тушириш керак бўлса, улар ишбилармонлик билан «аварийка»ни ёқиб қўйиб, тақиқловчи белгининг ёнгинасида автомобилни тўхтатиб туришади.

Хўш, тўхтаб туриш тақиқланган бўлса-ю, тўхташ жуда зарур бўлиб қолса, қандай йўл тутиш керак?

Гапни энг аввал, йўл ҳаракати қоидаларидаги «тўхташ» иборасининг мазмунидан бошласак. ЙХҚ 1. «Тўхташ — транспорт воситаси ҳаракатини 10

дақиқагача бўлган муддатга тўхтатиш (ҳаракатсиз ҳолатга келтириш).» Автомобилни нафақат 3.27 белгиси таъсир доирасида, балки ЙХҚнинг 91 бандида кўрсатилган бир нечта ҳолларда ҳам тўхтатиш мумкин эмас.

Кўпчилик ҳайдовчилар «Тўхташ тақиқланган» белгисининг таъсири доирасида йўловчиларни тушириш учун тўхтайдилар. Лекин бу йўл ҳаракати қоидаларига зид. Ушбу ҳолат учун фақат биргина истисно мавжуд: йўналишли транспорт воситаларига ҳалақит бермасдан улар тўхтайдиган бекатига яқин жойда, яъни бекатга 15 метрдан яқин бўлмаган масофада йўловчиларни чиқариш ёки тушириш учун тўхташ мумкин (ЙХҚ 91 банди).

3.27 белгисининг таъсир доираси у ўрнатилган жойдан кейинги энг яқин чорраҳагача, чорраҳаси бўлмаган аҳоли пунктларида аҳоли яшайдиган ҳудуднинг охиригача давом этади. Бундан ташқари белгининг таъсир доираси кўшимча равишда вақтни, йўналишни белгиловчи кўрсаткичлар ёки 3.31. «Барча чекловларнинг охири» белгиси билан чегараланиши мумкин.

Шундай қилиб, қизил хошиялар туширилган кўк рангли белги остида тўхташ мумкин эмаслигини билиб олдик. Бу қоидабузарлик учун ЎзР МЖТК 128⁶-1 моддасига асосан энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида жарима белгиланган.

Шу аснода яна бир савол туғилади. Нима учун ҳайдовчилар тақиқловчи белги остида айнан «мажбурий тўхташ»ни амалга оширгандай, «аварийка»ни ёқиб тўхтайверадилар? ЙХҚнинг 1 бандида «мажбурий тўхташ» термини қуйидагича ифодаланган «мажбурий тўхташ— техник нуқсон, ташилаётган юк, ҳайдовчи ва йўловчининг ҳолати, йўлдаги бирор тўсиқ туфайли хавф юзага келганда ёхуд об-ҳаво шароитига боғлиқ ҳолда транспорт воситаси ҳаракатини тўхтатиш».

Хуллас, агар автомобилнинг шинаси ёрилиб ёки тешилиб қолса, кузовдан тутун чиқиб кетса, ҳайдовчининг соғлиғи ёмонлашса, йўловчи ўзини ғайриодатий тутса, ҳайдовчига нисбатан турли ҳатти-ҳаракатлар қилса, йўлнинг қатнов қисмига да-рахт ёки бирон катта жисм қуласа ва уни айланиб ўтишнинг иложи бўлмасagina, ҳайдовчи ЙХҚнинг юқоридаги банди талабини бажармай «аварийка»ни ёқиб, тўхташ тақиқланган жойда автомобилни тўхтатиши, тегишли белгини йўлга қўйиши мумкин. Бу ҳолатлар рўйхатига «жуда зарур бўлиб қолди» ёки «рахбарим талаб қилди» деган сабаблар кирмаган албатта.



Агар тўхташ сабаби жиддий бўлса, ЙҚХХ ходими албатта ҳолатни тўғри талқин қилади ва ҳайдовчига ёрдам беради.

Агар, тақиқланган жойда тўхтаган автомобилни видео ёки фото камера суратга олган бўлсачи? Унда уйингизга «бахт хати» келиши аниқ. Чунки автоматик тизим автомобилнингизни нима сабабдан тўхтатганингизни билмайди. Бундай ҳолатда ўзингизни айбсиз эканлигингизни исботлашингиз керак. Бунинг учун эса, сизни тўхташга мажбур қилган сабабларни суратга тушириб олган бўлишингиз зарур. Албатта, «аварийка» чироғини ёққанингиз ҳамда мажбурий тўхтаганлигини билдирувчи белги йўлга ўрнатганингизни суратга олиш ҳам ёдингиздан чиқмасин. Эвакуатор хизматининг чиптасини сақлаб қўйиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди.

Оқ йўл!

АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТАСНИФИ



КЛАСС - I



КЛАСС - II



КЛАСС - III



КЛАСС - А



КЛАСС - В



N-1



N-2



N-3



ТИРКАМАЛАР (ярым тиркамалар ҳам)

O-1



O-2









































O-3




O-4



ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТЕЗЛИГИНИ БЕЛГИЛАШ

Транспорт воситаси тури	Йўл белгиси		
			
 мотоцикл			
 енгил автомобиллар ва рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан ошмайдиган юк автомобиллари			
 тиркамали енгил автомобиллар			
 рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобиллари			
 шаҳарлараро қатнайдиған автобуслар ва микроавтобуслар			
 бошқа автобуслар			
 одам ташиётган юк автомобиллари			
 болалар гуруҳи ташилаётган автомобиллар			
 механик транспорт воситаларини шатакка олган автомобиллар			

ТЎХТАШ ВА ТЎХТАБ ТУРИШ ТАҚИҚЛАНГАН ЖОЙЛАР



Мундарижа

Сўз боши	3
I. Умумий қоидалар	4
Янги ҳайдовчилик гувоҳномаси	12
II. Ҳайдовчиларнинг умумий мажбуриятлари	15
III. Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда ҳайдовчининг мажбуриятлари	19
IV. Пиёдаларнинг мажбуриятлари	24
V. Йўловчиларнинг мажбуриятлари	28
VI. Махсус транспорт воситаларининг имтиёзлари	29
VII. Светофор ва тартибга солувчининг ишоралари	32
VIII. Огоҳлантирувчи ва авария ишоралари, авария сабабли тўхташ белгисининг қўлланилиши	40
IX. Ҳаракатланишни бошлаш, йўналишларни ўзгартириш	43
X. Йўлнинг қатнов қисмида транспорт воситаларининг жойлашуви	48
XI. Ҳаракатланиш тезлиги	54
XII. Қувиб ўтиш	58
XIII. Тўхташ ва тўхтаб туриш	62
XIV. Чорраҳада ҳаракатланиш	68
XV. Тартибга солинган чорраҳалар	69
XVI. Тартибга солинмаган чорраҳалар	70
XVII. Пиёдаларнинг ўтиш жойлари ва йўналишли транспорт воситаларининг бекатлари	74
XVIII. Темир йўл кесишмалари орқали ҳаракатланиш	76
XIX. Автомагистралларда ҳаракатланиш	80
XX. Турар жой даҳаларида ҳаракатланиш	82
XXI. Тик нишаблик ва балангликларда ҳаракатланиш	83
XXII. Йўналишли транспорт воситаларининг имтиёзлари	85
XXIII. Ташқи ёритиш асбобларидан фойдаланиш	88
XXIV. Механик транспорт воситаларини шатакка олиш	92
XXV. Транспорт воситаларини бошқаришни ўргатиш	95
XXVI. Одам ташиш	99
XXVII. Юк ташиш	102
XXVIII. Велосипед, мопед ва аравалар ҳаракатланишига, шунингдек, ҳайвонларни ҳайдаб ўтишга доир қўшимча талаблар	104
XXIX. Мансабдор шахсларнинг ва фуқароларнинг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, транспорт воситаларини йўлга чиқариш, рақам ва таниқлик белгиларини ўрнатиш бўйича мажбуриятлари	107
Транспорт воситаларининг рақам ва таниқлик белгилари	112
Махсус фото ва видео қайд этиш техника воситалари қонунлаштирилди	118
1-ИЛОВА. Йўл белгилари	123
2-ИЛОВА. Йўл чизиқлари	166
3-ИЛОВА. Транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқловчи шартлар	173
4-ИЛОВА. Хавфлилик белгилари	179
Автоҳалокатларда шошилиш биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қоидалари ва талаблари	180
Тестларга жавоблар	187
Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик	188
Тўловлар миқдори	200
Қизил чироқда ўтиш мумкинми?	202
“Тўхташ тақиқланган” белгиси остида авария ёруғлик ишорасини ёқиб тўхташ мумкинми?	203
Автотранспорт воситаларининг таснифи	204

14000.с



Акмал Акбарович Акилов,
1995 – 2012 йилларда
Швейцариядаги Халқаро
Йўл Ҳаракати ташкилотида
ЎзР ИИВ мухтор вакили,
ЎзР ИИВ Академияси «Йўл-
транспорт ҳаракати
хавфсизлигини ташкил
этиш» кафедраси бошлиғи,
полковник



Шухрат Шоирович Ризаев,
ЎзР ИИВ Академияси
«Йўл-транспорт ҳаракати
хавфсизлигини ташкил
этиш» кафедраси
ўқитувчиси, подполковник



ISBN 978-9943-5047-4-5



9 789943 504745